

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

## ҚЎШИМЧА

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
ТОШКЕНТ

Ушбу китобдан фақатгина шахсий мутолаа, танишиб чиқиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Тижорий мақсадда фойдаланиш (сотиш, кўпайтириш, тарқатиш) қонунан тақиқланади.

*Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎзМЭ)ни нашр этиш даврида (2000—2005) рўй берган айрим ўзгаришлар: Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон Республикаси фан арбоблари, санъат арбоблари, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчилари, халқ шоирлари, халқ рассомлари, халқ усталари, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари, халқ ҳофизлари, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчилари, «Ўзбекистон ифтихори» унвонига сазовор бўлган машҳур спортчилар ва бошқа шахслар, шунингдек, маъмурий-ҳудудий бирликлар, айрим тушунчалар ва ш.к. ҳақида қўшимча мақолалар берилди. Мезон бўйича берилиши керак бўлган, лекин муайян сабабларга кўра ЎзМЭ жилдларига кирмай қолган айрим шахслар, турли тушунчалар ҳақидаги мақолалар ҳам ушбу қисмдан ўрин олди.*

А

**АБАТАЙХОН** (1534-86) - мўғул хони; Тушэтухонлар сулоласи асосчиси. Ойротлар билан кураш олиб бориб, 1577 й. уларни бўйсундирган. Шу йили А. ўғлини ойрот хони деб эълон қилган. А. вафотидан сўнг ойротлар кўзғолон кўтариб, хонни ўлдириб қарамликдан халос бўлишган. А. ламаизм динининг ашаддий ихлосмандларидан ва тарғиботчиларидан бўлиб, бу динни қабул қилиш учун 1577 й. Хух-Хотога бориб далай лама билан учрашган. 1585 й. ламаистларнинг Халхадаги биринчи монастирини *Эрдэни-дзуни* қуришни бошлаган. 20-а. бошларига қадар Мўғулистонда А. шахси муқаддас саналиб сажда қилинган.

**АБАҚА**, Абақохон (1234.3, Мўғулистон — 1282.1.4, Шаху) — элхон, хуло-куийлардан бўлган Эрон хукмдори

(1265—82). Эронга 1256 й. отаси *Хулоку билан* бирга келган. Отаси вафотидан сўнг элхон этиб сайланган, лекин улуғ коон Хубилай томонидан фақат 5 йилдан сўнггина тасдиқланган. Миср мамлуклари билан олиб борилган урушни беса-мара давом эттирган. 1266 й. А. Шим. дан Дашти Қипчоқдан бўладиган хужумни қайтариш мақсадида Кура дарёсининг шим. қирғоғида мудофаа девори бунёд этишга буюрган; Кавказ халқлари унинг вазири Шамсиддин томонидан 1278 й. тобе эттирилган. Умумий душманни бар-гараф қилиш учун А. мамлукларнинг душманлари бўлган европалик христи-анлар билан алоқа боғлашга уринган; унинг элчилари 1274 й. Лион, 1277 й. Римда бўлган. Европада бу саъй-ҳара-катлар хурсандчилик билан қабул қилинган. А. Англия қироли Эдуард I (1274) ва папалар Клемент IV (1267), Григорий X (1274) ва Николай III (1277) лардан нома олган. А. 1265 й. юнон маликасига уйланган. Бироқ Мисрга қарши умумий юриш амалга ошмаган. Мамлуклар Кичик Осиёнинг бир қис-мини қисқа муддатга босиб олишга эришганлар (1277) ва Элбистон ёнидаги жангда мўғул кўшинини тор-мор қилганлар. 1280 й. мўғуллар Сурияга босиб кириб Ҳалабни вайрон этишган. Бироқ 1281 й. А.нинг укаси Мангу Темур Хама ва Химс оралиғида мамлуклардан қаттиқ зарбага учраган. А. кўшинлари Шарқда аксинча муваффа-қиятли кураш олиб борганлар. 1270 й. мамлакатга бостириб кирган *Бароқ бошчилигидаги* Чиғатой улуси кўшинлари Ҳирот яқинида тор-мор этилган. Бундай босқинларга барҳам бериш учун А. 1273 й. Мовароуннаҳрдаги тартибсизликлардан фойдаланиб Бухоро ш.ни вайрон қилишни буюрган.

Ад.: Бартольд В.В., Абака, Сочинения, т.7, М., 1971.

**АББОС** Маҳмуд (1935, Фаластиннинг Сафад ш.) — Фаластин давлат арбоби. Дамашк ун-тини тугатган. Дастлаб Қатар Давлатининг маъмурий тизими-

да хизмат қилган. Сиёсий фаолиятини Қатардаги фаластинликлар гуруҳларини ташкил этиш ва бирлаштиришдан бошлаган. А. Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) асосчиларидан бири, унинг марказий кўмитаси аъзоси бўлган. 1980 й.дан ФОТнинг миллий ва халқаро алоқалар департаменти раҳбари. 1988 й.дан ФОТ Ижроия кўмитаси аъзоси, 1996 й.дан кўмитанинг бош котиби, 1996 й. янв.да Фаластин миллий кен-гаши (парламент) га сайловлар ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси раҳбари, 2003 й. Фаластин бош вазири, 2004 й.дан ФОТ Бош котиби ҳамда мазкур ташкилот доирасидаги ФАТХ (Фаластин Озодлик ҳаракати) раҳбари, 2005 й. янв.дан Фаластин Мухторияти раиси, ФОТ Ижроия кўмитаси раиси.

**АБДУЛЛАЕВ** Ёркул (1942.18.3, самарқанд вилояти Ғозгон қишлоғи) — иқтисодчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992), иқтисод фанлари дри, проф. (1990). Тошкент халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1968). Шу институтда ассистент (1968 — 72), статистика кафедрасида катта ўқитувчи (1972—74), доцент (1980), ҳисоб-иқтисод ф-ти декани (1985-91), 1991 й.дан Тошкент молия ин-тида проректор. Илмий ишлари минтақавий статистика масалаларига бағишланган.

Ас: Макроиқтисодий статистика, Т., 1996; Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти, Т., 1999; Менежмент, Т., 2001; Статистика, Т., 2002.

**АБДУЛЛАЕВ** Рамазон (1945.11.9, Бой-сун тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқўқитувчиси (2004). Қарши пед. институтини тугатган (1973). 1967 й.дан Бойсун туманидаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб директори. Фаолияти давомида ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан 180 ўринли мактаб биносини куриб фойдаланишга топширган.

**АБДУЛЛАЕВ** Рустамбек Самигович (1947.13.12, Тошкент) — музикашунос, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2002). Санъатшунослик фанлари д-ри (1997), проф. (2001). Самиг *Абдумаеви* ўғли. Тошкент консерваториясини тугатган (1970), шу ерда педагог (1969 й.дан). Санъатшунослик ин-тида илмий ходим (1975 й.дан), бўлим мудирини (1993 й.дан), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти проректорини (1985—87), «Бойсун бахори» очик фольклор фестивали директорини (2002). Илмий ишлари *катта ашула*, ўзбек ва Ўрта Осиё халкларини мусика фольклорини, замонавий мусика маданияти масалаларига бағишланган («Марказий Осиё маросим мусикаси», Т., 1994, рус тилида; «Бойсун мусика мадания-ти», Т., 2005 ва б.). «Ўзбек мусикаси тарихи хрестоматияси» (Т.Соломонова билан биргаликда, М., 1981, 1983, рус ва ўзбек тилларида) каби ўқув кўлланмалар муаллифи. Халқаро илмий анжуманлар қатнашчиси.

**АБДУЛЛАХОН I**, Абдулла Султон (15-а. охири — 1540.14.9, Самарқанд) — Мовароуннахр хони (1540 й. март—сент.). *Абулхайрхоннинг* невараси, *Кўчкунчихоннинг* ўғли.

А.1 кўп йиллар давомида Ясси (Туркистон)да ҳокимлик қилган (тахм. 1514—40 й. март). Убайдуллахон вафот этгач (1540 й. март), Бухоро хонлиги қисқа муддат 3 қисмга бўлинган даврда Самарқандда ҳукмронлик қилган. А. I Самарқандда Регистон яқинидаги Чихил (Чил) Духтарон қабристонида дафн этилган. Унинг вафотидан сўнг самарқанддаги шайбонийлар тахтига укаси Абдуллагифхон ўтирган.

Ад.: История Узбекистана, т.3 (XVI — пер-вая половина XIX века). Т., 1993.

**АБДУЛЛОҲ ибн АББОС** (619 й., ҳоз. Саудия Арабистонидаги ашшиб — 686, атТоиф, ўша ерда) — ислом таълимоти шарҳловчиларидан, фақиҳ, Муҳаммад (сав)нинг амакиваччаси. мусулмон ривоятларига кўра, А. ибн А.Расулulloҳ ва

саҳобаларнинг қилган ишлари, айтган сўзлари ҳақидаги ҳикояларни тўплаш (ҳадислар) мақ-садидаги ғояни илк бор илгари сурган. А. ибн А. ниҳоятда илмли бўлганлиги туфайли «Хабр ал-умма» («Жамоа донишманди») лақабига сазовор бўлган. А. ибн А. Куръонни тафсир қилувчи, фикхга оид масалаларни шарҳловчи (хуқуққа доир масалалар бўйича унинг ўзи хулоса чиқарган), жоҳилият даври тарихи, Муҳаммад(сав)нинг ғазотларига оид ҳикояларни етказувчи сифатида машҳур бўлган.

**АБДУЛЛОҲ ибн аз-ЗУБАЙР** (624-692) — илк ислом давридаги машҳур сиёсий арбоблардан бири. 680 й. умавийлар халифаси Язид ибн Муовияга қарши чиққан. 683 й. Язид вафотидан сўнг А. ибн З. Ироқ, Жан. Арабистон, Миср ва Суриянинг катта қисмида халифа деб эътироф этилган. 687 й. А. ибн З. кўшини ал-Мухтор бошчилигидаги исёнчи шиалар устидан ғалаба қозонган. Умавийлар ҳокимияти мустаҳкамланган, халифа *Абдулмаликнинг* *Ҳаж-жож ибн Юсуф* кўмондонлиги остидаги кўшини А. ибн З. тарафдорларини Маккага мукараммада қамал қилган. А. ибн З. жангда ҳалок бўлган.

**АБДУЛЛОҲ ибн ҲУСАЙН** (1882, макка — 1951.20.7, Қуддус) — Трансиордания амира (1921—46) ва қироли (1946—50), Иордания қироли (1950 й.дан). 1916—18 й.лардаги Ҳижоз кўзғолонида қатнашган. 1921 й. инглиз мандатли бошқарувдаги Трансиордания мухтор амирлиги амира деб эътироф этилган. Давлатни идора этиш органлари, шунингдек, араб легионини тузган. 1946—48 й.ларда Фаластиннинг араб қисмига даъвогарлик қилган. Иорданияни 1948—49 й.лардаги араб-исроил урушига жалб қилган (қ. *Араб-Исроил уруши*), Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини зўрлик билан қўшиб олган. Террорчи томонидан ўлдирилган.

**АБДУЛМЎМИНХОН** (1738 Бухоро - 1751) — Бухоро хони (1747—51). *Аштархонийлар* сулоласидан. *Абул-файзхон*нинг ўгли. Абулфайзхон сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач (1747), *Муҳаммад Раҳим* оталиқнинг буйруғи билан А. тахтга ўтказилган. Бухорода турган Эрон шоҳи *Нодиршоҳнинг* укаси Алиқулихон бошчилигидаги қўшин ўз юртига жўнаиб юборилган. Муҳаммад Раҳим ёш «хон»га кизини бериб, уни ўзига куёв қилиб олган ва амалда 1747 й.дан бошлаб Бухоро хонлигини ўзи бошқаришга киришган. Бироқ орадан 4 йил ўтгач, Муҳаммад Раҳим куёви А.ни ҳам ўлдиртириб, тахтга Абул-файзхоннинг кичик ўгли *Убайдуллахон III* ни ўтказди.

Ад.Мирзо Салимбек, Кашқўли салимий, Таворихи муттақадимин ва муттаахи-рин, Бухоро, 2003.

**АБДУЛҚАЮМ** Маъмун (1937, Мальдив Республикаси, Мале ш.) — Мальдив давлат арбоби. Қоҳирадаги Ал-Аз-ҳар ун-ти ва Америка ун-тини тугатган. 1967 й.дан Қоҳирадаги Америка ун-тида, 1969 й.дан Нигериядаги Аҳмад Белло ун-тида лектор, 1971 й.дан Мальдив Республикасида мактаб ўқитувчиси, 1972 й.дан Мальдив ҳукуматида бошқарма бошлиғи, 1974 й.дан телекоммуникация бўлими котиби, сўнг директори, 1975 й.дан Мальдив Республикаси Бош вазири идорасида вазирнинг махсус ўринбо-сари, Мальдив Республикасининг Шри Ланкадаги Фавкулотда ва Мух-тор элчиси, БМТдаги доимий ваки-ли, ташқи ишлар вазири ўринбосари, 1977 й.дан Мальдив транспорт вазири, 1978 й. нояб.дан Мальдив Республикаси президенти.

**АБДУЛҚОДИР** (1808.6.9, Гетна, жазоир — 1883.26.5, Дамашқ) — жазоир ҳарбий ва дин арбоби, араб-ис-лом маданиятининг билимдони. 1831 й.дан француз мустамлакачиларига қарши кураш раҳбари. Мустақил жазоир давлати асосчиси (1832—47). Иқтидорли лашкарбо-

ши бўлган А. мус-тамлака маъмурларини ўзи билан сулҳ тузишга мажбур қилган (1834, 1837). 1847—52 й.ларда Францияда тутқунликда бўлган, 1853—55 й.ларда туркияда, сўнгра Сурияда яшаган, у ерда адабиёт ва илоҳиёт билан шуғулланган. 1860 й. Дамашқда диний қирғин пай-тида минглаб христианларни қутқариб қолган.

**АБДУЛҒАФФОРХОН** (1890-1988) -пуштунлар мустақиллик ҳаракатининг раҳбари. 1919 й. «Алжумани ислоҳи ал-Афғони» миллатчилик ташкилотини, 1930 й. эса «Пуштун жирға» партиясини бошқарган. Бу партия Ҳиндистон миллий конгресси ва «қизил кўйлақлилар» отрядлари билан бир қаторда турган. 1947 й. бошқа пуштун миллатчилари билан бирга пуштунлар яшайдиган туманларнинг ўзини-ўзи идора этиши ва Пуштунистонни тузиш ҳақидаги миллатчилик руҳидаги шиорларни илгари сурган. Покистон барпо этилиши билан ҳукуматга қарши муҳолифатда туриб Халқ партияси (1948 й. барпо этилган), сўнгра Покистон Миллий халқ партияси ташкилотчиларидан ва раҳбарларидан бири бўлган.

**АБДУРАЗЗОҚОВ** Абдурахмон (1952. 6.8, Бекобод) — Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Мехнат фаолиятини 1969 й.дан Ўзбекистон металлургия з-ди таъмирлаш хўжалиги цехида оддий ишчиликдан бошлаган. Мартен цехида пўлат қуювчи (1970-77), 1977 й.дан электрда пўлат эритиш цехи оператори. Корхонада жаҳон талабларига мос келадиган пўлат эритиш технологиясини жорий этишда меҳнат унумдорлигини ошириш, махсулот сифатини яхшилаш бўйича рационализаторлик таклифларини қиритган, натажада цехда ҳар ойда 30 минг т ўрнига 40 минг т.дан ортиқ металл эритма олинишга эришилди. А. ўз меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди.

**АБДУРАЗЗОҚОВ** Абдуғани (1930.8.1, Тошкент вилояти Қибрай шаҳарчаси) — кимёгар олим, Ўзбекистон

Республикаси фан арбоби (2001), тарих фанлари д-ри (1993), проф. (2003). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1956). Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида лаб. мудири (1966—71), директор ўринбосари (1972—79), айна вақтда бўлим мудири (1971—98), бош мутахассис (1998 й.дан). Бех-зод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн ин-тида проф. (1997—98), кафедра мудири (1998 й.дан). Илмий ишлари тарихий ёдгорликларни (ар-хеологик, меъморий, санъат асарлари) кимёвий-технологик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш орқали кад. давр хунарамандчилигининг босқичлари, йўллари ва сир-асорларини ўрганишга оид. А. раҳбарлигида Ўрта Осиёнинг шишасозлиги, металлургия, керамика, қурилиш материаллари, минерал бўёқлар тарихи ўрганилди. лой-тупроқдан ясалган кад. ер ости иншоотларини қотириш ва сақлашнинг янги кимёвий усуллари топилди.

*Ас:* Стеклоделие Средней Азии в древности и средневековье, Т., 1963 (в соавторстве); Средневековие стекла Средней Азии. Т., 1966 (в соавторстве); Реставрация настенных рос-писей Афрасиаба, Т., 1975 (в соавторстве).

### **АБДУРАҲМОНОВ**

Махмуд Раҳматуллаевич (1961.1.7, Тошкент) — ганчкор уста, Ўзбекистон халқ устаси (2004). Ганч ўймакорлигини уста З.Юсупов ва У. Тохировлардан ўрганган. 1978 й.дан «Усто» республика бадий и.ч. уюшмасида уста. А. республика ва чет мамлакатлардаги йирик меъморий иншоотлар: «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида гумбаз ичи ганч ўймакорлиги, Олий Мажлис, Аэропорт, Ташки ишлар вазирлиги қабулхонаси, Оксарой ва б. биноларнинг ганчкори безакларини маҳорат билан бажарган.

**АБДУРАҲМОНОВ** Наби Қаюмович (1958.7.11, Тошкент) — реж., Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2005). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

(1994). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1980). «Ёш гвардия» театрида реж. (1980—88). 1988 й. «Дард» театр-студиясини ташкил қилди. 1991 й.дан *Ўзбекистон Ёшлар театри* бадий раҳбари ва бош реж.и. А. театрда чуқур рамзийлик ва айна вақтда мантикийликка йўғрилган ўзига хос спектакллар сахналаштирди: «Зўраки табиб» (Мольер), «Маликаи Турандот» (К.Гощи), «Иблис аёл» (П.Мериме), «Эквус» (Шеффер), «Гугурт туган қизча» (Андерсен), «Те-вье сутчи» (Ш.Алейхем), «Умар Хайём юлдузлари» (Т.Зулфқоров, 1998, «Йилнинг энг яхши спектакли» деб баҳоланган), «Холстомер» (Л.Толстой), «Ато этилган муҳаббат тарика-ти» (Навойнинг «Лисон-ут-тайр» дос-тони асосида; «Йилнинг энг яхши режиссёрлик иши» номинацияси бўйича «Офарин» мукофотини олган) ва б.

### **АБУ БАҚР ШОШИЙ**, Абу Бақр

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Умар ал-Имом ал-Қабир, Фахр ул-ислом (1038, Шош — 1114, Бағдод) — фикҳшунос. Фикҳ илмини Бағдодда Муҳаммад ибн Баён алказрувий, Қози Абу Мансур атТусий, Шайх Абу Муҳаммад ал-Жувайний, Абу Наср ас-Сибоглардан ўрганган. Шайх Абу Исхок Шерозийнинг яқин шогирди бўлган, кейинчалик улуғ имом (ал-Имом ал-Қабир) даражасига етган ва Ислом фахри (Фахр ул-ислом) сифатида эл-юрт орасида шуҳрат қозонган. А.Б.Ш. Бағдоддаги «Низомия» мадра-сасида мударрислик қилиб, кўп шогирдлар етиштирган. Фикҳ илмига оид «Ҳилият ал-уламо фи мазоҳиби ал-фуқаҳо» («Факихлар мазҳабларида олимлар зийнати») асари машҳур. Асар халифи Мустанзхирга бағишланган.

Олим ушбу китобига шарҳ сифатида «ал-Муътамад» («Ишончли») асарини ёзган. Шунингдек, алломанинг фикҳшуносликка оид яна бир йирик асари «аш-Шофий» («Шифо берувчи») бўлиб, у араб олими ал-Музаний (791—878) нинг «ал-Мухтасар» («Қис-қача») асари

шарҳига оид. Ушбу шарҳ 20 жилддан иборат бўлиб, А.Б.Ш. уни 5 й. давомида ёзиб тугатган. Алломанинг «Аш-Шофия шаҳобчасининг устуни», «Талоққа оид масала» каби асарлари ҳам бўлган. А.Б.Ш. араб адабиё-ти, грамматикаси, шеърятти ва тил-шунослиги ҳамда Қуръон, ҳадис илмларини ҳам пухта эгаллаган. Бағ-доддаги «Боб ал-Шероз» макбарасига дафн этилган.

**АБУ БАКР ҲОМИД ШОШИЙ**, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший (1007, Шош - 1092, Ҳирот) — имом, аллома, шофийийлик шай-хи. Ўз юртида фикҳ илмини Абу Бакр ас-Санжийдан ўрганган. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, А.Б.-Ҳ.Ш. унинг бобоси Имом Абулмузаф-фар Самъонийнинг Марвдаги асҳобларидан бўлган, такводор, зоҳид, доимо илм билан машғул бўлган. Фикҳ илмида «имом» даражасига етишган. Ғазна султони уни саройга таклиф этган. Бу ерда олим оила куриб, бола-чақали бўлган ҳамда асарлар ёзган. Сўнгра *Низомулмулк* уни Ҳиротга чор-лаган. Ҳиротдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилган. Шу ерда у Мансур ал-Қоғазий, юртдоши Ҳайсам ибн Қулайб Шошийдан ҳадис илмини ўрганган.

**АБУЛҒОЗИХОН**, Абулғози Муҳаммад Баҳодирхон (18-а.) — *манғитлар* сулоласи даврида Бухоронинг расмий хони (1758—85). Манғитлар сулоласининг асосчиси *Муҳаммад Раҳимхон* тўсатдан вафот этган (1758 й. 24 март), марҳум хоннинг ўғил фарзандлари бўлмаганлиги учун Бухоро хонлиги тахтига дастлаб унинг балоғат ёшига етмаган невараси Фозил тўра ўтқазилган. Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Муҳаммад *Дониёлбий* эса янги хонга оталиқ қилиб тайинланган. Бироқ Фозилхон тез орада тахтдан туширилиб, унинг ўрнига А.Бу-хоро хони деб эълон қилинган.

А. ўзининг хонлик даврида давлат

ишларига мутлақо аралашмаган. У фақат расмий ҳужжатларга ўз муҳрини босиш ва ўз номидан танга чиқариш билан чеklangан.

Ад.: М и рзо Салимбек, Кашкўли салимий, Таворихи муттақадимин ва муттаахи-рин, Бухоро, 2003.

**АВАЗОВ** Баҳром Бекназарович (1970.3.1, Ғузор тумани) — кураш-чи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1998), «Ўзбекистон ифтихори» (2003). А. курашнинг 81, 90 кг ва мутлақ вазн тоифаларида Ўзбекистон (1991— 2001), Осиё (2001, Тошкент) ва жаҳон (2000, Анталия; 2001, Будапешт) чемпиони. Мутлақ вазн тоифасида халқаро мусобақалар (1996, Шаҳри-сабз; 1998; Хива) ва Ал-помош ўйинлари (1998, Термиз) ғолиби. А.Қарши педагогика ин-тини тугатган (1991), шу ин-тда катта ўқитувчи (1991— 2003), Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят филиали директори (2003 й.дан).

**АВАЗОВА** Шукурзя Авазовна (1939. 16.5, Урганч ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Хоразм пед. институтини тугатган (1968). 1962 й.дан Урганч ш.даги 5-интернат мактабида тарбиячи, 1966 й.дан 5-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

**АДИЛОВ** Ағитай (1941.10.2, Тахта-кўпир тумани) — кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши новатори, уста деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиги ходими (1992), Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган иктисодчи (1976). Тошкент халқ хўжалиги ин-тини битирган. Тахтакўпир тумани «Кўнғироткўл» давлат хўжалигида бош ҳисобчи (1970—76), «Тахтакўпир» давлат хўжалиги директори (1977—93), 1993 й.дан «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси. А. раҳбарлик қилган йилларда хўжалик республикада рентабеллиги юқори, иктисодий

бақувват хўжаликлардан бирига айланди, хўжаликнинг машина-трактор парки энг замонавий техника билан таъминланди, шоли, бугдой, пахтадан юкори ҳосил етиштиришга эришди, ижтимоий-маданий марказлар, маиший хизмаг кўрсатиш шохобчалари, ун, гуруч цехлари, гишт 3-ди ва б. қурилди. А. 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (1990—94), 1-чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты. 2005 й.дан Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенати аъзоси, 3-чақириқ қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты. «Шухрат» медали (1998), «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (2003).

**АЖИНАКАМАР ҒОРИ** - Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги ғор. Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоғи бўлган Етимтоғнинг ғарбий ён бағри-да, 1241 м баландликда. Ғор юкори юра даври оҳақтошларида ҳосил бўлган. Кириш қисми равоқ шаклида, эни 3,5 м, бал. 4 м. Ғор оғзида юкоридан ажралиб кулаб тушган бал. 1,5 м ли хар-санг мавжуд. Кириш қисмидан ичка-рига томон ғор кенгайди, уз. 19 м, бал. 16 м гача бўлган бўшлиқдан иборат. Шипи гумбаз шаклида. Саҳнида диа-метри 2—3 м ли тош бўлаклари бор. Биринчи хонанинг охирида ғор торайиб, шу жойдан иккинчи хонага ўтилади. Унинг уз. 20 м, эни 3—10 м, бал. 7 м гача. Бу хона атрофи мрамар ониксидан ташкил топган ҳосилалар (сталактит ва сталамит)дан иборат. Сув томчилари кузатилади. Ғор ҳавосининг ҳарорати 16°, кириш қисмида 28°. Ғор-нинг умумий уз. 48 м, майд. 339 м<sup>2</sup>, ҳажми 1585 м<sup>3</sup>.

**АЗИЗОВ** Маннон Азизович (1913.1.5 — Тошкент — 1987.17.10) — кимёгар олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи (1961). Кимё фанлари д-ри (1968), проф. (1960). Ўрта Осиё

ун-тини тугатган (1937). Тошкент фармацевтика ин-тида ассистент (1937—44), кафедра мудири (1944-57), ректор (1957-70), лаб. раҳбари (1970—78). Асосий илмий ишлари биоактив координацион бирикмалар кимёсига оид. А. раҳбарлигида микроэлементларнинг турли биоактив моддалар билан биргаликдаги 500 га яқин комплекс бирикмаси син-тез килинган. Коамид, ферамид, кобальт 30 ва купир препаратлари тиб-биёт амалиётига жорий этилган. Тошкент фармацевтика ин-тида Маннон Азизов номидаги стипендия таъсис этилган.

Ас: О комплекснмх соединениях биологически активнмх веществ с микроэлементами, Т., 1958; О комплекснмх соединениях некото-рнх микроэлементов с биоактивнмми веще-ствами, Т., 1969.

**АЙИМБЕТОВ** Қалли (1908.20.3, қорақалпоғистон, Чимбой тумани — 1973.9.4, Нукус) — қорақалпоқ адабиётшуноси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат (1957) ва фан (1968) арбоби. Филол. фанлари д-ри (1965), проф. (1968). Тўртгўл пед. техникумини (1929) ва Олмаота пед. ин-тини (1933) тугатган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—47). Вилоят халқ маорифи бўлими ходими (1924—29), и.т. институтида катта илмий ходим (1933—35), Ўқувпеддавнашрда қорақалпоқча дарсликлар тахририяти мудири (Москва, 1935—36), Қорақалпоғистон маориф халқ комиссари (1938), Тил ва адабиёт ин-ти директори (1938—40), Тил ва адабиёт ин-ти директорининг ўринбосари (1947—48), бўлим бошлиғи (1951—53), пед. ин-тида кафедра мудири (1950-51; 1953-55), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1955—65). Айни пайтда 1956 й.дан Нукус педагогика ин-ти қорақалпоқадобиёти кафедраси мудири. А. қора-қалпоқ адабиёти-ни ўрганиш, қорақалпоқ фольклорини тўплаш ва оммалаштириш, нашр этиш билан шуғулланган. У ўзи ёзиб олган «Едига» (1937), «Алпамис» (1937) до-

стонларини, «Қорақалпоқ мақоллари ва маталлари»ни (1956) нашр эттирган. А. 20-а.нинг 20—40-й.ларида қорақалпоқ тили, адабиёти ва фольклори бўйича бир қанча қўлланмалар яратган, тўпламлар нашр эттирган, Мольер, К.Симонов, А.Островский ва б.нинг драмаларини қорақалпоқ тилига таржима қилган.

Ас: Қорақалпоқ драматургияси тарихи очерклари, Т., 1963; Қорақалпоқ халқ шоир-бахшилари, Т., 1965; Халқдонолиги, Т., 1968; Қорақалпоқфольклори, Т., 1977; Ўтган кунларни эслаб, Т., 1972.

*Тўра Мирзаев.*

**АЙИМБЕТОВА** Гулхатша Аймановна (1961.24.12, Тахтакўпир тумани) — хонанда, Қорақалпоғистон (1999) ва Ўзбекистон (2000) халқ артисти. Ж.Шомуротов номидаги Нукус давлат санъат билим юртини тугатган (1983). 1980—81 й.лар Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат филармонияси қошидаги «Ойқулаш» ансамбли, 1981 й.дан «Аму тўлкини» ансамблида хонанда. Жарангдор, кенг диапа-зонли, майин овозга эга. Репертуаридан қорақалпоқ халқ кўшиқлари («Муса сен ёри», «Нозлининг», «Жаксирак», «Не билсин» ва б.), қорақалпоқ композитор ва бастакорлари асарлари («Кенг дала», «Ота макон» Н.Муҳаммеддинов; «Ватан», «Она тупроғим», «Ўзбекистон», Қ.Хилалов ва б.) ўрин олган. А.нинг аксарият кўшиқлари Қорақалпоқ радиоси фонотекаси ва грамплас-тинкаси («Гулхатша Айимбетова куйлайди», 1982 ва б.) га ёзиб олинган.

**АЙН ЖОЛУТ** — Фаластиндаги тарихий кишлоқ; мўғуллар ва Миср мамлуклари кўшини ўртасида жанг бўлган (1260.3.9). *Хулоқухоннинг асосий кўшинлари Эронга чекинган, мамлуклар амир Кутуз бошчилигида сон жихатдан устун бўлганлари ва бунинг устига салибчилардан кўмак олганлари туфайли мўғулларнинг Кут-буғо бошчилигидаги кўшини устидан зафар қозонишган.*

А.Ж.даги жангдан сўнг Сурия мамлуклар ихтиёрига ўтган, мўғулларнинг Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлари тўхта-тилган.

**АКА-УКА ГРИММЛАР**, Якоб (1785. 4.1, Ханау ш. - 1863.20.9, Берлин) Вильгельм (1786.24. 2, Ханау ш. — 1859.16.12, Берлин) — немис фило-лог олимлари. Марбургда юридик маълумот олишган. А.-у.Г.нинг илмий-пе-дагогик фаолияти Гёттинген ун-тида бошланган. 1837 й.да конституция қонунларига риоя қилмагани учун Ганновер қиролига қасамёд қилишдан бош тортишган ва ун-т профессори ла-возимларидан четлатилган. 1841 й.дан Берлин ун-т профессорлари ва Пруссия ФА аъзолари сифатида фаолият олиб боришган. А.-у.Г. немис роман-тикларининг Гейдельберг гуруҳига мансуб бўлиб, ўрта асрлар немис ёзма маданияти намуналарини эълон қилишган ва шу даврда яшаган мин-незингер ва мейстерзингерлар ижодини ўрганишган. А.-у.Г. немис фольк-лоршунослигида мифологик мактабга асос солганлар, халқ ижодини, тил-шуносликка оид ишларида бўлганидек, қиёсий метод асосида ўрганганлар. «Немис мифологияси» (1835) китоби ва ҳайвонот эпосининг пайдо бўлиши ҳақидаги назарияси нафақат немис фольклори, балки турли халқлар мифологиясини ўрганишда муҳим роль ўйнаган. Ҳар бири 2 ж.дан иборат немис халқ эртақ ва ривоятлари («Бо-лалар ва оила эртақлари», «Немис ривоятлари») нинг нашр этилиши А.-у.Г. нинг энг катта хизмати ҳисобланади. Улар эртақ ва ривоятларни ёзиб олишда халқ тили ва фантазиясининг ўзига хослигини тўла сақлаб қолишни фольклоршуносликнинг асосий тала-би, деб билдилар ва ҳар бир эртақка берган изоҳларида шу эртақларнинг Европа халқлари фольклоридаги барча нусхаларини қайд этишга интилдилар. Уларнинг фикрига кўра, эртақлар оламидаги муштараклик «отамиф» нинг мавжудлиги ва унинг ягона аждоднинг мероси сифатида турли халқлар ўртасида



тарқалганлиги билан изоҳланади. Бу мифологик назария узоқ йиллар мобайнида ҳукм сурганига қарамай, кейинги вақтда ўз тасдиғини топмади. А.-у. Г. филолог олимлар сифатида 2 ж.ли «Немис тили тари-хи» (1848) ва 4 ж.ли «Немис грамма-тикаси» (1819—37) тадқиқотларини ҳам яратганлар. А.-у.Г.нинг эртаклари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган ва бу эртақлар асосида театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратилган.

**АҚБАРОВ** Озодбек (1946.19.4, Чимкент вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1970). 1972 й.дан Тошкентдаги Ҳамза номидаги билим юрти (кейинчалик касб-хунар коллежи)да ўқитувчи, ўқув бўлими мудири, директор ўринбосари, 1979—2004 й.ларда директор.

**АКИНО** (Аяшпо) Корасон (1933.25.1, Тарлак вилояти) — Филиппин тари-хида 1-аёл-президент (1986—92). Об-рўли Кохуангко оиласидан. Мамлакатда Ф. Маркоснинг авторитар тузумига қарши курашган Б. Акинонинг беваси. 1986 й. фев.да Маниладаги оммавий намоишлар натижасида Ф. Маркос диктатураси тугатилгач, ҳокимият тепасига келган. 1987 й. ҳозирда ҳам амалда бўлган демократик конституция қабул қилинган. А. ҳокимиятни бошқарган дастлабки даврда «диктатура қурбони ва демократия халоскори» сифатида жуда машҳур бўлган. Иқтисо-диётни модернизациялашга ҳаракат қилган.Қашшоқлик ва коррупцияга қарши курашган. Хукмрон доиралар орасидаги ички зиддиятлар ва муҳо-лифатнинг фаоллашуви натижасида А. сиёсати самарасиз бўлган. Бироқ А. ҳокимиятни конституцияда белгилаб қўйилган муддат тугагунча идора этиб ҳокимиятни янги президентга демократик асосда топширишга эришган.

**АЛ-БАРАДЕИ,** Муҳаммад ал-

Барадей (1942, Қоҳира) — мисрлик ҳуқуқшунос. Халқаро ҳуқуқ д-ри (1974). Қоҳира ун-тини тугатган (1962). Қоҳирадаги дипломатия хизмати ходими (1964 й.дан), Миср ташқи ишлар ва-зирининг махсус ёрдамчиси (1974—78), БМТ қошидаги Ўқув ва илмий тадқиқот ин-тида халқаро ҳуқуқ дастури бўйича катта аспирант (1980 й.дан), Нью-Йорк ун-тида халқаро ҳуқуқ адъютант-проф. (1981—87). Атом энергияси бўйича Халқаро агентлиги (МАГАТЭ)нинг Бош директори (1997 й.дан).

Атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ва ундан энг хавфсиз усуллар билан фойдаланиш учун курашган. Нобель мукофоти лауреати (2005, ҳамкорликда).

**АЛБУКЕРКИ** (АлБияиеגיע) Афонсу д' (1453, Александрия, Лиссабон яқинида — 1515.15.12, Арабистон денги-зи, Гоа яқинида) — португалиялик истилочи, Ҳиндистон вице-қироли (1510—15). Ост-Индиядаги Португалия мустамлака империяси асосчиси. 1503 й. Кочин ш.да португал флотилиясига қўмондон бўлиб, форт қурган. 1506 й. Тристан да Куньянинг экспедициясида қатнашган, унинг ихтиёрида экс-педициядаги 16 кемадан 5 таси бўлган. 1507 й. Форс қўлтиғидаги Хўрмузки босиб олган, бироқ уни қўлда тутиб тура олмаган. 1510 й. Гоани эгаллаб олиб, уни португалияликларнинг Шаркдаги истилоларининг таянч пунктига айлантирган. Денгиз савдо йўлларини назорат қилиш учун 1511 й. Малаккани босиб олган. А. португалияликларнинг Малабар соҳиллари, Цейлон о., Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларига қилган дастлабки экспе-дицияларига раҳбарлик қилган. 1513 й. Аданни эгаллашга уринган, 1515 й. Хўрмузни 2-марта босиб олган.

**АЛЕСКЕРОВ** Юрий Николаевич (1913.2.3, Махач-кала — 1982.24.7, Самарканд) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), тарих фанлари номзо-

ди (1941), доцент (1949), проф. (1973). Фарғона давлат пед. институтини тугатган (1936), Фарғона ва Самарқанддаги ўрта махсус билим юртларида ўқитувчи, Ўзбекистон давлат ун-тининг аспиранти (1938—41). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1948 й.дан СамДУда илмий-педагогик фаолиятини давом эттирган, ун-т тарих ф-ти кафедра мудири (1956—82). Илмий ишлари Самарқанд тарихи, фуқаролар уруши каби мавзуларга бағишланган. 100 дан зиёд китоб, рисола ва илмий мақолалар муаллифи.

**АЛИБЕКОВ** Ислом Майбасович (1945.15.4, Чугучак, ХХР) — театр рассоми, Ўзбекистон халқ рассоми (2001). Н.В.Гоголь номидаги Олмаота рассомлик билим юртини тугатган (1969). қорақалпоқ ёш томошабинлар театрида рассом (1969—73), 1975 й.дан Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театрида рассом, бош рассом. А. ўз ижоди билан театр декорация санъати ривожига сезиларли хисса қўшди. «Қашқар кизи», «Беруний», «Сени топаман», «Жумагул», «Суймаганга суйканма», «Бер-дақ», «Оналар» каби спектакллар учун сахна безаклари ҳамда либослар эскизларини яратди; у, шунингдек, ҳайкал-тарошлик асарлари («Шаршара», шамот, 1981; «Автопортрет», шамот, 1982 ва б.), ранг-тасвирда портретлар («Қ. Соипов портрети», «Шоир С.Ну-румбетов портрети», «Актёр портрети» ва б.) ҳамда манзаралар («Ойдин кечалар», «Қишлоқ манзараси», «Тоғ ман-зараси», «Ёмғирдан сўнг» ва б.) ҳам яратди, бадиий асарлар (Т. Қайпбергановнинг «Қорақалпоқ кизи» асари ва б.)га безаклар ишлади.

**АЛИМОВА** Ҳабиба Турсуновна (1942.23.2, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). ТошДУни тугатган (1967). 1962 й.дан Мирзо Улуғбек туманидаги 171-, 1973 й.дан 241-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

**АЛИҚУЛОВ** Алишер Маҳмудович (1966.20.11, Тошкент) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2003). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1987) ва Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти (1995)ни тугатган. А. монументал ранг-тасвирда самарали ижод қилади. Асарлари мавзуи, асосан, Ўзбекистон тарихига бағишланган. Тарихий воқеалар, шахслар, анъаналар ва маросимларни реализм асосида акс эттиради: «Қад. Бактрияда спорт ўйинлари» (1996, Олимпия шон-шухрати музейида), «Дунё халқлари эртақлари» (1997, Ёш томошабинлар театрида); «Ўзбекистоннинг буюк сий-молари» (1998, Тошкент ш. Капитал қурилиш бош бошқармасида), Тошкент ш. ҳайвонот боғидаги бир неча диорамалар (1997—98), «Халқ кўзгони ва жадидчилик ҳаракатлари» (2000) ва «Амир Темур жаҳон тари-хида» (2002, иккаласи ҳам Ўзбекистон тарихи музейида) ва б. монументал асарлар;» «Амир Темурнинг Тўхта-миш устидан ғалабаси» ва «Самарқанд бозори» (1996, Темурийлар тарихи давлат музейида), «Амир темур макбараси», «Байроқ учун жанг» (1996) ва «Қасрнинг забт этилиши» (1998, иккаласи ҳам Марказий офи-церлар уйида), «Совға» (2003) ва б. дастгоҳ асарлари. А. республика ва хорижий мамлакатлар (Озарбайжон, Туркия, Миср, македония, АҚШ ва б.) даги кўргазмаларда асарлари билан қатнашди. «Шух-рат» медали билан мукофотланган (1996). Ўзбекистон БА Олтин медали билан тақ-дирланган (2001).

**АЛЛАМУРАТОВ** Елмурат Торемуратович (1960.1.3, Кегейли тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). ТошДУни тугатган (1982). 1986 й.дан Кегейли туманидаги 8-, 1987 й.дан 4-мактабда геогр. ўқитувчиси. Геогр. фани ўқув режаси асосида ўқувчиларни Тошкент, Самарқанд, Хива ш.лари, Султон Увайс тоғига олиб бориб, саёҳат дарс ўтади. 8-синф ўқувчилари

учун «Қорақалпоғистон географияси» дарслиги муаллифларидан бири.

**АЛОУДДИН ХАЛЖИ**, Алоуддин Муҳаммадшоҳ I — Дехли сул-тонлиги ҳукмдори (1296— 1316). Ама-киси Жалолиддин Халжини хиёнаткорона ўлдириб тахтни эгаллаган. Сал-танатни мустаҳкамлаб, худудини кен-гайтирган. Ягона маъмурий тизимни жорий қилган, солиқларни тартибга солган. Мусулмон рухонийларининг давлат ишларига ара-лашувига чек қўйган. Иқтодорлар ва му-сулмон-диний муассасалари (иномлар ва вақфлар) давлат хазинаси фойдасига мусодара қилинган, ерлардан олинади-ган солиқ миқдори анча оширилган. А.Х. даврида деҳқонлардан олинадиган нату-рал солиқлар миқдори ҳосилнинг ярмига-ча оширилган. А.Х. ул-кан кўшин тузган, мўғуллар салта-натнинг шим.-ғарбий чегараларига қилган босқинларини бир неча марта (1303—08) қайтарган. Ўз на-вбатида Жан.

Ҳиндистонда зафарли урушлар олиб борган (1306—13 й.лардаги Декан юриш-лари). А.Х. Ашока давридан сўнг бирин-чи бўлиб бутун Ҳиндистон худудини ўз ичига олган ягона давлат тузишга эриш-ган.

**АМИНОВ** Маҳмуд Усмонович (1908.4.6, Когон тумани - 1992.8.6, Самарқанд) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби (1977), тарих фанлари номзоди (1947), доцент (1953). Ўзбекистон пед. академиясини тугатган (1933). СамДУда ассистент, тарих ф-ти ўқитувчиси ва декан ўринбосари (1937—41), Самарқанд вилояти халқ таълими пед. кабинети му-дири (1941—44), 12-билим юрти дирек-тори ва ўқитувчилар малакасини оши-риш ин-ти ўқитувчиси. Пед. ин-т дирек-тор ўринбосари (1953—55). СамДУнинг тарих ф-ти декани (1944—53; 1956—74). Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси мудири (1967— 71), кафедра доценти (1974—92), ўқув ишлари бўйича прорек-

тор (1977—78).

**АМИРОВ** Фикрет Мешодий Жамил ўғли (1922.22.11, Ганжа - 1984, Боку) — озарбайжон композитори, Халқ артисти (1965), Меҳнат Қаҳрамони (1982), Озар-байжон ФА акад. (1980). Озарбайжон опе-ра ва балет театри директори (1956—59), Озарбай-жон (1958 й.дан), Бутуниттифок (1971) композиторлар уюшмаси коти-би. «Севил» операси (1953), «Юрак ўғрилари» мусикали комедияси (1943), «Минг бир кеча» балети (1979) машхур. «Шур», «Кюрд ов-шари» (1948), «Бая-ти-Шираз» (1971) симфоник муғомлари билан «мақом симфонизми»га асос сол-ган, Озар-байжон ва б. Шарқ мамлакат-лари (жумладан, Ўзбекистон) компози-торларининг симфоник ижодига таъсир қилган.

**АНДРЕЕВ** Леонид Владимирович (1983.6.10, Тошкент) — енгил атле-ти-качи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). Ўспиринлар ўртасида Ўзбекистон (2002), лангарчўп билан сакраш бўйича Осиё (2002, Бангкок), ўн кураш бўйича жаҳон (2002, Кингстон) чемпиони. Эрка-клар ўртасида лангарчўп билан сак-раш бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиби (2003). А. Тошкентдаги республика олимпия захиралари коллежини тугатган (2002), Тошкент аграр ун-тида ўқийди (2005).

**АНРИ** (1955.16.4, Богздорфф) -Люк-сембург давлат арбоби, Люксем-бург Буюк Герцоги Жан ва Герпоги-ня Жозе-фин Шарлоттнинг ўғли. Женева ун-тини тугатган. Сэндхорст (Буюк Британия) даги Қироллик ҳарбий академиясида ўқиган (1974—75). 1980—2000 й.ларда Лкжсембург давлат кенгаши аъзоси, Люксембург Буюк Герцоги вакиллик вазифаларининг бир қисмини бажарув-чи; аynи вақтда Люксембург Олимпия кўмитаси президенти (1998—2000). 2000 й. 7 окт.дан Люксембург Буюк Герцоги.

**АРАБ МУСИҚАСИ** — *араблар* мусиқа маданияти. Тарихий илдизлари *бадавий* қабилаларнинг маданий анъаналари билан боғлиқ. Қабила шоири ўз шеърларини кўшиқ шаклида, мусиқий охангларда ижро қилган. Кўп мусиқавий-шеърлий жанрлар кундалик ҳаётий-маиший шароит, оилавий ва диний маросимлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган: мотам кўшиқлари — навх, марсия, ҳажвий — ҳижра, насиҳат — ҳикма, диний маросим кўшиқлари — саж. аз-зар ва б. А.м.нинг мазкур энг оддий турлари асосида 6-а. охири — 7-а. бошларида шаклан мураккаброқ, мавзу жиҳатидан бойроқ айтим жанрлари — насб, синад, ҳазаж, ханафи, химяри, рукбани, ҳамрият ва б. вужудга келган.

Исломгача бўлган (Жоҳилия даври) А.м., асосан, «қийан» деб атал-миш профессионал кўшиқчи аёллар ижодида ривожланди. Бунда араб бўлмаган (ажам) халқлардан чиққан кўшиқчиларнинг ҳиссаси катта. 7-а. бошларида Сосонийлар давлатининг сиёсий ва маданий таъсири кучайиши билан Арабистон я.о.да Марказий Осиё ва Эрон мусиқий анъаналари кенг тарқалган. Мусиқа ижрочилигида Арабистон, Марказий Осиё, Эрон халқларининг торли мусиқа асбоблари — мизхар, барбат, муваттар, танбур, ванн, рубоб, кирон, чанг (санж), пуфлама созлари — най, сур-най, мизмар, урма чолғулар — таб-ла, далиб, дафф, дарабукка кенг тарқалган.

7-а.да араб қабилаларининг бирлашуви, ислом динининг қабул қилиниши ва илк араб давлати (халифалик) юзага келиши араб маданиятининг ўсишига сабаб бўлган. Азон айтиш ва Куръонни тиловат қилиш усуллари ажам мусиқа ижро йўлларини бойитган ва, шунингдек, бу давр А.м. ислом фатҳ этган мамлакатлар халқларининг юксак санъатини ижодий ўзлаштириш асосида ривожланган. Профессионал вокал жанри — «гина ал-мутқан» асосчилари Соиб Хосир (? — 683), Ношит Форси (8-а), Тувайс (? —

710), Ибн Мисжах (? - 715), Ибн Сурайж (630-726), Жамила (? — 720) ва б. аслида Марказий Осиё ва эронлик бўлиб, А.м. га ўз халқлари мусиқа санъати унсурларини олиб киришган.

9—11-а.лар араб маданияти, хусусан, мусиқа юксак даражага эришди. Марказий Осиё ва Эрон халқлари амалий мусиқани ва кад. юнон мусиқа назариясини танқидий ўрганиш асосида буюк мутафаккирлар Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллох Хоразмий, «Соф биродарлар» («Ихвон уссафо») олимлар уюшмаси) ва б. араб тилида мусиқа илмининг юксак намуналарини яра-тишган. А.м. фани ва эстетикасининг раванқ топишида 9-а. ўрталарида Бағдодда таъсис этилган «Байт ул-ҳикма» («Ҳикмат уйи») олимларининг таржимонлик фаолияти ҳам катта роль ўйнади.

Хуросонлик буюк мусиқачилар — Мансур Залзал (? — 701), ота-бола Иброҳим (742—804) ва Исҳоқ (767—850) Мавсили, сўғдлик Аллавейх (9-а.), Зирёб (10-а.) араб мусиқасига муҳим ҳисса қўшган. А.м. янги созлар билан бойиган. Самарқандлик Хулайс бин Ахвас ихтиро этган шохруд, Мусо бин Шокир қурган гидравлик орган (араб. «арган румий»), шохин, сурнай мусиқа амалиётида кенг қўлла-нилган. Профессионал жанрларни ижро этишда ва илмий тажрибалар ўтказишда уд асосий чолғу асбоб бўлиб хизмат қилган.

12-а. охири — 13-а. бошларида А.м. Ўн икки мақом тизими доирасида ривожлана бошлади. Кейинги даврда муслмон диний мусиқаттг кўшиқ жанрлари — *зикр*, мадҳ ан-набавия ва б. пайдо бўлган. 19-а. иккинчи ярми — 20-а.да араб мусиқачилари миллий мусиқа анъаналарини қайта тиклашни мақсад қилиб кўйди. Шу даврда «тахта» ансамбль-ижрочилик анъаналари кенг тарқалди. Кўп қисмли чолғу жанрлар — башраф (ёки *пешрав*), тақ-сим, самоий, тах-мила, лонга, вокал-чолғу туркумлар — нуба, дор, *мувашишах*, лирик кўшиқ жанрлари — ду-байт, лайали, мауввал янгича дунёвий

маъно касб этди.

20-а. бошларида Европа симфоник ва опера мусикасининг ифодавий воситаларини ижодий ўзлаштиришга интилиш кучайди. Бу йўналишда, айниқса, мисрлик композиторлар Саид Дарвеш (1892—1923), Юсуф Грейз (1899—1961) катта муваффақиятга эришди. Симфоник мусика усталари Рифат Гараи (1924 й.т.) ва Ҳалим ад-Даба (1921 й.т.) асарлари жаҳондаги кўп концерт залларида ижро этилади. Мисрлик машҳур ашулачи Умм Қулсум ижодида замонавий араб кўшиқчилиги юксак поғонага кўтарилди. Деярли барча араб мамлакатларида ўрта ва олий мусика ўқув юртлари дастурларига ҳам миллий, ҳам Европа мусика санъатини ўрганиш мақсад қилиб қўйилган. А.м. масалалари (унинг анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш вазибалари)га бағишланган қатор халқаро илмий конгресслар ўтказилган (Қоҳира, 1932, 1969, Бағдод, 1975).

Ад.: *Этъ Саид Мохамед Авад хавас*, Современная арабская народная песня, М., 1970; Еолян Н., Очерки арабской музыки. М., 1977.

*Абдуманнон Назаров*

**АРАБОВА** Карима (1932.20.9, Денов тумани) — Ўзбекистон Республикаси халққўқитувчиси (2003). Самарқанд пед. билим юртини тугатган (1949). 1950 й. дан Денов туманидаги 3-, 1956 й.дан Пастдарғом туманидаги 25-, 1969 й.дан Қизириқ туманидаги 28-, 1984 й.дан 32-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

**АРМРЕСТЛИНГ** (инг. агт - қўл, шгезШпё — кураш) — спорт тури, икки киши (спортчи)нинг махсус столда тирсагини таянчдан узмасдан бир-бирининг қўлини қайириб мушти сиргини столга тегизиш учун кураши. Агар ўнг (чап) қўл билан мусобақалашилса, чап (ўнг) қўл билан столдаги махсус тутқичдан ушланади. Мусобақада вақт чекланмайди. Эркаклар 50, 55, 60, 65, 70, 75, 80, 90, 100,

110 кг ва 110 кг дан зиёд, аёллар 45, 50, 55, 60, 65, 70, 80 кг ва 80 кг дан зиёд вазн тоифаларида мусобақалашдилар.

А. қадимий куч синашиш турларидан бири бўлишига қарамадан 20-а. нинг 50-й.ларига келибгина АҚШдаги олис масофага қатновчи автомобиль ҳайдовчилари ўртасида спорт тури сифатида шаклланди. 1962 й.да Жаҳрн арм-рестлинг федерацияси (УАФ)га асос солинди, унга 95 давлат (Ўзбекистон 1996 й.дан) аъзо (2005). А. бўйича илк жаҳон чемпи-онати 1962 й.да (Осиё чемпионати 2000 й.да) ўтказилди. Шундан буён ҳар йили эркаклар, аёллар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари ташкил қилинади. А. АҚШ, Грузия, Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон каби давлатларда яхши ривожланган.

Ўзбекистонда А. 20-а.нинг 90-й.ларида спорт турлари қаторидан ўрин олди. 1991 й.да Ўзбекистон А. феде-рацияси тузилди ва Ўзбекистон чем-пионатлари (эр-каклар ва аёллар ўртасида) уюштирилди. Ҳоз. вақтда мамлакатда А. бўйича 10 дан зиёд турли тоифадаги мусобақалар ташкил этилади. Ўзбекистон А. чилари 1995 й.дан халқаро мусобақаларда қатнаша бошлади. А. бўйича ўз вазн тоифаларида Умиджон Аҳмедов 6 карра (1998 — 2000, 2002, 2003, 2005), Юсуф кодиров 2 карра (2000, 2002), Фарид Усмонов 2 карра (икки турда, 2005), Мирзоҳид Шарапов (2005) ва ёшлар ўртасида Комил Керимов (2001, Сар-виноз Тангатова 2 карра (икки турда, 2005), Руслан Мухторов (2005) жаҳон чемпиони бўлишди. Шунингдек, Авазбек Асадов, Жасур Алиакбаров, Елена Шафронова, Амир Ўроков каби А.чилар жаҳон чемпионати соврин-дорлари ва Осиё чемпионларидир. Республикадаги 67 та А. бўлими ва тўғарақларида Фикрат Керимов, Қурбон Қонишев, Игорь Шишков, Павел Докучаев каби 29 нафар мураббий қўл остида 809 киши (45 нафари аёл) шу спорт тури билан мунтазам шуғулланади (2005).

**АРМСТРОНГ** (Аггп81гоп§) Луи

Дани-эл (1900.4.7, \_\_\_ Нью—Орлеан — 1971.6.7, Нью-Йорк) — афроамери-калик созанда (труба), хонанда, актёр, жаз санъати асосчиларидан. Илк жаз ансамблларининг ташкилотчиси ва иштирокчиси. Чикаго ва Нью-Йорк жаз-оркестрларида қатнашган. 1947 й. «Луи Армстронгнинг барча юлдузлари» ансамблини ташкил қилиб, у билан бирга Европа, Африка, Шим. ва Жан. Америкада гастролда бўлган. Ўзига хос эхтиросли ва бадиҳагўй ижро услубини яратган. Бир неча блюз ва кўшиқлар муаллифи. Моҳир труба ичрочиси сифатида кўпгина танловларда олий мукофотлар билан тақдирланган. 1938 й.дан кинода суратга тушган.

**АРТЕМЕНКО** Любовь Владимировна (1946.8.11, Қирғизистоннинг Аламадин тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). қирғизистон ун-тини тугатган (1969). 1969 й.дан Фрунзе (ҳоз. Бишкек) ш.даги 4-, 1971 й.дан Зарафшон ш.даги 2-мак-табда мат. ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири (1973-84, 1987-90), 3-мак-таб директори (1984—86 ва 2002 й.дан), 1986 й.дан 8-мактабда мат. ўқитувчиси, директор.

**АСАД** Башар (1965.11.9, Дамашқ ш.) — Сурия давлат арбоби. Дамашқ ун-тини тугатган (1988). Ҳафиз *Асаднинг* ўгли. Дивизия генерали. 1992 й.дан кўз касалликлари ва сифатида Лондонда ма-лакасини оширган. 1994—2000 й.ларда армия сафида. 2000 й. июлдан Сурия Араб Республикаси (САР) пре-зиденти. Айни вақтда САР қуроли кучлари бош кўмондонди, Араб соци-алистик уйғониш партиясининг бош қотиби.

**АСТУРИАС** (АкШпав) Мигель Анхель (1899.19.10 - Гватемала — 1974.9.6) — гватемалалик журналист, ёзувчи ва шоир. 1925—33 й.лар Европада эмиг-рацияда бўлган. «Гватемала афсоналари» (1930) китобида майя қабиласи мифоло-

гиясини шеърый йўлда акс эттирган. «Се-ньор президент» (1946) романида зулмга асосланган режимни фош қилган. А.нинг дунёга танитган роман-трилогияси 20-а. Гватемала халқининг озодликка эришиш йўлидаги кураши ғоялари билан суғорилган («Кучли шамол», 1950; «Яшил Папа», 1954; «Дафн этилганлар кўзи», 1960). «Жўхори одамлар» (1949), «Мулат аёлнинг ўзгинаси» (1964), «Лид Соль кўзгуси» (1967) романлари ҳам бор. А. ижодига Гватемаладаги маҳаллий аҳоли (майялар) урф-одатлари, фольклори сезиларли таъсир кўрсатган. Нобель муко-фоти лауреати (1967).

**АФРИКААНС**, бур тили — хинд-европа тиллари оиласидаги герман тил-ларидан бири (ғарбий герман гуруҳчаси). ЖАРнинг расмий тили (инглиз тили билан бирга). Асосан, ЖАРнинг Трансвааль, Оранж, Кап вилоятлари-да, шунингдек, Намибия, Замбияда ва б. қўшни мамла-катларда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 6 млн. кишига яқин (1980-й. лар охири; 1990-й.лар охирида бу миқдор бирмунча камайган).

А. 17-а.да нидерланд тилининг баъ-зи лаҳжалари билан немис ва инглиз тилларининг ҳамда готтентот, буш-мен, банту каби маҳаллий тилларнинг ўзаро яқинлашуви ва аралашиб кетиши жа-раёнида юзага келган. А.нинг муҳим белгиси унинг худудий лаҳжаларга бўлинмаганлигидир. Ўзига хос хусуси-ятлари 17-а. охирларида Кап вилояти даврида шаклланган. 18-а.да ва 19-а.нинг 1-ярмида факат оғзаки сўзлашув тили сифатида амалда бўлган. А.да ёзилган даст-лабки асарлар 19-а.нинг 70-й.ларидагина пайдо бўлган. А. 1925 й.дагина расмий тил мақомига эга бўлган — Жан. Африка Иттифоқининг давлат тили деб эътироф этилган.

Фонетик тизими ва лексикаси асосан нидерланд тили таъсирида шаклланган; маҳаллий африка тилларидан ўзлашган сўзлар озчиликни ташкил этади.

Ад.: М и ронов С.А., Язык африкаанс.

М., 1969.

**АХМЕД** Иажуддин (1931.1.2, Муншиганж) — Бангладеш давлат арбоби. Дакка ун-ти (1954), АҚШда Висконсин ун-ти (1958)ни тугатган. Тупрокшунослик фанлари д-ри. 1963 й.дан Дакка ун-тининг тупрокшунослик ф-ти проф. ёрдамчиси, 1964 й.дан проф. ўринбосари, 1973 й.дан проф. 1968—69 ва 1976—79 й.ларда Дакка ун-ти тупрокшунослик фанлари департаменти раиси, 1989—91 й.ларда ун-т биология ф-ти декани. 1991 й.дан Бангладеш муваққат ҳукумати маслаҳатчиси, Ижтимоий хизматлар комиссияси раиси, 1995 й.дан Ун-т грантлари комиссияси раиси, 1999 й.дан Бангладеш ун-ти ректори. 2003 й. фев.дан Бангладеш Халқ Республикаси президенти. Бир қанча хорижий ун-тлар фахрий проф.

**АХМЕДОВ** Рустам (1947.8.9, Нурота ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Тошкент пед. ин-ститутини тугатган (1972). 1971 й.дан Нурота туманидаги 7-, 2-мактабларда геогр. ўқитувчиси, 2-мактабда дирек-тор ўринбосари, 1998 й.дан директор, 2001 й.дан геогр. ўқитувчиси.

## Б

**БАЙТ** (инг. Byte) — стандарт битлар сони (одатда 8) дан тузилган тўплам; шу тўпламни ЭХМ да узатишда, сақлашда ва ўзгартиришда ахборотлар сони бирлиги сифатида фойдаланилади. Баъзи *компьютерлар*да Б.лар адреси ҳар хил узунликда бўлиши мумкин.

**БАРАКАТ** — Туркменистоннинг Болхон вилояти Баракат туманидаги шаҳар. Туман маркази. Курендоғтизмасининг эстагида, Қорақум каналининг қуйилиш қисмида жойлашган. Ашхободдан 292 км шим.-ғарбда. Ашхобод — Туркманбоши йўналишидаги т.й. станцияси.

Аҳолиси 20 минг кишига яқин (2005). Шаҳар ўтмишда Қарсанжиқ (1881 й.гача шу номдаги қишлоқ), кейинчалик Қазан-жиқ (1895 й.дан) деб аталган. Т.й. қурилгандан кейин қишлоқ яқинида ст-я вужудга келган. Бу номлар маҳаллий булоқдарнинг тузилиш шаклига қараб халқ томонидан берилган. 1939 й. Қазанжиқ қишлоғи шаҳар мақомини олди, 1999 й.дан Баракат ш. деб юритилади. Б.да т.й. транспорти корхоналари, гиламчилик ф-қаси, қурилиш материаллари з-ди фаолият кўрсатади. 4 умумий таълим мактаби, кутубхона, касалхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

**БАРАНГИ**, Баранжи — илк ўрта асрларда Ўзбекистоннинг жан.да мавжуд бўлган шаҳар. «Б.» номи қад. эронийча «бара» — девор, қалъа ёхуд шаҳар маъносини англатади. Шўрчи ш.дан 8 км шим.-шарқда жойлашган. 10—11-а.ларда бу ерда металл и.ч. ривожланган. Айрим тадқиқотчилар (Ш. Камолитдинов)нинг фикрича, Б. Шўрчи ш. ўрнида бўлган. Шўрчи атрофидан 11 —12-а.ларда қурилган кўп устунли намозгоҳ масжиди қолдиқлари чиққан (1970 й. Ф. Ҳасанов). Мас-жид 6—8-а.лардаги иншоот ўрнида қад кўтарган.

**«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ** — Ўзбекистоннинг касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтқа-зиш тўғрисида»ги қарори (2001 й. 19 янв.) асосида ташкил этилган ҳамда «Уқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 й. 3 июнь) қарорига биноан республика финал босқичлари 3 й.да бир марта ўтказилиши белгиланган.

Мақсади — ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларидаги ўқувчи ёшларни жисмонан етук, ахлоқан бар-камол ва ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли спортчи ёшларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммавийлаштириш. «Б.а.» с.ў.да бадий гимнастика, бас-кетбол, бокс, волейбол, гандбол, енгил атлетика, стол тенниси, сузиш, теннис, футбол каби олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шахмат, бел-боғли кураш, кураш сингари оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Саралаш мусобақалари ўқув юрти, туман, шаҳар ва вилоятларда, республика финал босқичи битта ҳудудда тантанали равишда ташкил этилади. Республика финал босқичлари илк бор Жиззах (2001), сўнгра Андижон (2003) ва учинчиси Тошкент (2005) вилоятларида бўлиб ўтди. Учинчи «Б.а.» с.ў. саралаш мусобақаларида 645 мингдан зиёд, унинг финал босқичида 2170 нафар ўқувчи қатнашди (2005).

**БАРРЕЛЬ** (инг. Bagge1, асосий маъноси — бочка) — инглиз ўлчовлар тизимидан фойдаланиладиган АҚШ, Буюк Британия ва б. мамлакатларда қўлланиладиган сизим ва ҳажм ўлчови. АҚШ да қурук Б. (115,628 дм<sup>3</sup>) ва нефть Б. (158, 988 дм<sup>3</sup>) қўлланади. Буюк Британияда сочилувчан модда учун қўлланиладиган Б. 163,65 дм<sup>3</sup> га тенг.

**БАСЕСКУ** Траян (1951.4.11, Констан-ца уездининг Бессараби ш.) — Руминия давлат арбоби. Фуқаролик денгиз кемачилиги ин-ти (1976) ва Денгиз транспорти академияси (Норвегия) (1995)ни тугатган. 1976 й.дан Руминия денгиз флоти зобити, 1981 й.дан денгиз савдо кемаси капитани, 1987 й.дан Антверпен (Бельгия)даги Руминия денгиз пароходчилигининг «Навром» савдо агентлиги бошлиғи, 1989 й.дан Руминия транспорт вазирлигида фу-қаро навигацияси йўриқчилар кенгаши бош директо-

ри, 1990 й.дан руминия транспорт вазирлигида денгиз транспорти бошқармаси бошлиғи, 1991-92 ва 1996-2000 й.ларда Руминия транспорт вазири, 1992 й.дан руминия Депутатлар палатаси (парламент) аъзоси, саноат ва хизмат кўрса-тиш масалалари бўйича парламент комиссияси раиси ўринбосари, 2000 й. июлдан Бухарест ш. мэри, 2004 й. 12 дек.дан Руминия президенти. 2001 й. майдан Руминия демократик партияси раиси, 2004 й. нояб. дан «Адолат ва ҳақиқат» ўнг центристик либерал-де-мократик альянс хамраиси.

**БАЧЕЛЕТ** Мишель хоним (1951, Сантьяго ш.) — Чили давлат арбоби. 1979 й. Чили ун-тининг тиббиёт ф-тига ўқишга кирган. 1973 й. 11 сент.даги ҳарбий тўнтаришдан сўнг, Австралия ва Германия Демократик Республикасида яшаган; Берлиндаги Гумбольдт ун-тида тиббиёт бўйича ўқишни давом эттирган. Ватанига қайтиб келгач, 1982 й. ўқишни тугатган. Чили социа-листик партияси аъзоси бўлган. Чили соғлиқни сақлаш вазири лавозимида ишлаган. 2002 й.дан мамлакат ҳарбий муассасасини бошқарган. 2006 й.дан Чили Республикаси президенти.

**БАШШАР ибн БУРД** (714, Басра -783, Бағдод) — араб шоири. Асли форс бўлиб, ёшлигидан кўзи кўр бўлган. Басра ва Бағдодда яшаб, араб ва форс тилларида ижод қилган. Муҳаббат лирикасининг устаси, мактов-мадҳия ва ҳажвий мазмундаги шеърлар муалли-фи. Араб шеърлятидаги анъанавий қоидаларни бузиб, «янгича услуб»нинг асосчиси бўлган. Очiqқасига зар-душтийлик ғояларини тарғиб қилгани, бинобарин, «ахлоксизлиги» учун 744 й.дан она шахридан қувғин қилинган. Ироқ бўйлаб сарсон-саргар-дон бўлиб юриб, 762 й.да Басрага қайтиб келган. Халифа ал-Махдийнинг сарой (маддоҳ) шоири бўлишга ҳара-кат қилган. Вазир Яькуб ибн Довуд ҳақидаги заҳарханда ҳажвияси учун халифа амрига кўра қалтақлаб ўлди-рилган. Б. ибн Б. ҳақида кўплаб



лати-фалар тўқилган; улар *Абулфараж исфаҳонийнинг* 20 ж.ли «Ал-ағони ул-кабир» («Қўшиқлар катта китоби»)да сақланиб қолган.

**БЕЙСИК** (BA51C, инглизча Веётпеге — бошловчилар учун, АПригро^е — универсал, ЗутЪОпс — рамзий, 1п81шсИ-оп — ўқув, Соёе — код сўзларнинг бош харфларидан тузилган) — программалашга мутахассис бўлмаган фойдаланувчилар (муҳандислар, олимлар, талабалар) учун тахминий *про-граммалаш тили*, 1960 йилларда АҚШ да ишлаб чиқилган. Асосан шахсий ЭХМ ларда фойдаланилади.

**БЕККЕТ** (ВескеП) Сэмюэль (1906.13.4, Дублин - 1989.22.12, Париж) — ирландиялик шоир, драма-тург ва романнавис; *модернизм* вакили. Инглиз ва француз тилларида ижод қилган. Дублиндаги Тринити-коллежни тугатган. 1937 й.дан Францияда яшаган. «Тепишдан кўра сан-чиш кўпроқ» (1934) ҳикоялар тўплами, «Қайроқлар садоси» (1936) шеърӣй тўплами ҳамда «Мёрфи» (1938) романини нашр эттирган. «Гадони кутиб» (1952), «Ўйин интиҳоси» (1957) ва «Магнитофоннинг охириги тасмаси» (1959) каби сюрреалистик пьесаларида *абсурд драматининг* ғоявий услубий тамойиллари акс этган. Улар қахрамонлари ҳаётнинг бемаъни, тутурик-сизлигини хис қилиб яшовчи ва инсониятнинг яқинлашиб келаётган ҳалокати ҳақидаги ўйлар туфайли даҳшатга тушиб қолган, ҳам маънавий, ҳам жисмоний мажруҳ кишилардир. «Моллой» (1951), «Малон ўляпти» (1951), «Номсиз» (1953) романларида «онг оқими» адабиёти (Ғарбий Европа адабиётида 20-а. бошидаги ижодий тамойил — руҳий-маънавий ҳаёт жараёнларини бевосита, муаллиф иштироки-сиз акс эттириш) аънаналари намоён бўлган. «Ҳалокат» (1982) пьесасида санъаткор эрки ҳақидаги фикр илгари сурилган. Нобель мукофоти лауреати (1969).

**БЕНЕДИКТ XVI** (1927.16.4, Марктль-ам-Инн, Германия) — Рим папаси, Рим католик черкови ва Ватикан давлати бошлиғи. Фуқаролик номи — Йозеф Ратцин-гер. Мюнхен ун-ти ҳузуридаги Илоҳиёт ин-тини тугатгач, 1951 й. руҳоний рут-басини қабул қилди. 1952—77 й.ларда Германиядаги олий ўқув юртларида ўқитувчи. 1977 й.дан Мюнхен ва Фрай-зинг архиепископи, шунингдек, кар-динал. 1981—2005 й.ларда диний таълимотлар бўйича конгрегация (бошқарув органи) префекти; айни вақтда Вати-кан кардиналлари ҳайъати декани (2002—2005). 2005 й. 19 апр. да Рим папаси ва Рим католик черкови бошлиғи этиб сайланди ҳамда Бенедикт XVI номини олди.

**БЕРДИЕВ** Икром Нугмонович (1974.23.1, Шаҳрисабз) — боксчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). 81 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (2000, 2001), Осиё (2002, Серембан) ва Осиё ўйинлари (2002, Пусан) чемпиони, Афри-Осиё ўйинлари бронза медали совриндори (2003, Ҳайдаробод). Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1997), Чир-чиқ ш. ички ишлар бўлимининг инспектори (1997 й.дан).

**БЕШЁҒОЧ**, Бешоғоч — ўтмишда Тошкентдаги тўрт даҳадан бири. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида (19~а.) Зангиота даҳаси номи билан қайд этилган. Даҳа номи баъзи олимлар (Ҳ.Ҳасанов) фикрича, қад. туркий узунлик, масофа ўлчови — оғочдан олинган (1 оғоч — 7—8 км). Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида даҳа номи бешёғоч кавми, тоифаси номидан олингани айтилган. С. Қораевнинг маълумотига кўра, ўзбек кўнғиротлари таркибида бешоғоч уруғи бор. Тошкентнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Кўкча, Себзор, Шайхонтохур даҳалари билан туташ бўлган. Б.нинг чегараси

шим.-ғарбдан Қуйи Бўзсув бўйлаб (ҳоз. Уйғур ва самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидан), шарқ тарафдан Бешёғоч — Хадра йўналиши бўйлаб (ҳоз. Фурқат кўчасидан) ўтган. Даҳанинг жан. томонидан боғ-роғлар жойлашган. Б. худудидан Чуқуркўприк ва Заҳарик жарликсойлари ўтган. Б.даги мезморий ёдгорликлардан Абулқосим шайх мадрасаси машҳур. Даҳада шаҳарнинг 3 дарвозаси (Самарқанд, Камолон, Бешёғоч). 75 масжид, 3 мадраса (Абулқосимхон, Хожа Аҳрор, Кўкалдош), кўплаб хум-донлар бўлган. Н.Маевнинг маълумо-тига кўра, 1876 й. Б.да 1400 хонадон (12450 киши) яшаган. Б. ўзининг боғлари, мисгарлик буюмлари билан шух-рат қозонган. Б.нинг Самарқанд дар-возасидан бир фарсах (6—7 км) нарида Зангиота (Чўпонота мозори) жойлашган. 19-а. ўргаларида бу ерда Б.ликлар ҳар йили қовун сайли ўтка-зишган. 20-а. бошларида Б.да 75 та маҳалла бўлган. Бўзсув даҳани 2 қисмга ажратган, сўл қирғоғининг айрим қисмигина Кўкча даҳасига тегишли бўлиб, унда кўнчилик 3-длари ва боғлар жойлашган. Б. даҳаси Анҳордан сув оладиган бир қанча ариқлардан сув ичган: Жартегирмон — даҳанинг Чорсу, Қўйбозор, Мирлар, Сузукота маҳаллаларидан оқиб ўтиб, Сузукотада янги ном билан Кичик Бўзсув аталиб, шим.га Самарқанд дарвоза томон оқиб, девор тагида чуқур жарлик ҳосил қилган, кейинчалик Тошкентнинг энг хушманзара жойларидан оқиб ўтиб Бўзсувга қуйилган; Катта Танишар — чуқуркўприк, Дархон ва Чақар маҳал-лаларини суғориб Бўзсувга қуйилган. Бу 2 ариқ орасида Анҳордан чиқарилган Кичик Танишар ариқ Ўқчи, Эскиўрда, Қоратош, Кўкмасжид, Сарфароз, Жирлик масжиддан оқиб ўтиб Сузукота маҳалласида изи йўқолган; Арпапоя— Арпапоя ва Терс маҳаллаларидан ўтиб Катта танишарга қуйилган; Кубурарик шаҳар дарвозасидан ташқарида Анҳордан бошланиб Камолон дарвозаси ёнидан шаҳар ичига кирган ва

Янги, Камолон, Чақар ва Эшонгузар маҳаллаларини суғорган, сўнгра Катта Танишарга қуйилган; Аламдор — шу номдаги авлиё қабри ёнидан бошланиб шаҳарга Камолон ва Самарқанд дарвозалари ўртасидан кирган, Эшонгузар ва Самарқанд маҳаллаларини суғориб, Катта Танишарга қуйилган. Бу ариқлар даҳадаги кўчалардан ўтган кичик ариқчаларнинг асоси ҳисобланган. Б. даҳасининг боғ ва экинзорлари Бўржар (Анҳорнинг жан. тармоғи) ва Заҳариклардан сув ичган, улар Бўзсувга қуйилган. Б. даҳасида 3 та қарвонсарой ҳамда кичик Танишар ариғи бўйида жойлашган 13 та тегирмон бўлган. Даҳа аҳолисининг асосий машғулоти дехқончилик, боғдорчилик, гишт и.ч., ҳунар-мандчилик (этикдўзлик, бўёкчилик, темирчилик, чилангарлик) ва баққолликдан иборат бўлган. Даҳада 8 та бозор бўлиб, улар Баланд масжид, Зе-вак, Терсарик, Сарфароз, Янги, Эшонгузар маҳаллаларида, шунингдек, 2 таси Чорсуда жойлашган. Чор-суда 2 бозор, қўй бозор ва туя бозор бўлиб, Эшонхон мадрасасининг вақф ерларини ташкил этган. Б.даги мадрасаларнинг ҳар бирида 60 тадан 100 тагача муллавачча ўқиган. Бундан ташқари даҳада 16 та уй мактаби, шунингдек, ҳар бир мас-жид қошида биттадан мактаб мавжуд бўлган. Ҳар бир 15 хонадонга 1 та мактаб тўғри келган.

Чор Россияси қўшинлари шаҳар деворини Камолон дарвозаси олдида ёриб кириб (1865 й.), Камолон тепалиғи ва Камолон кўчаси бўйлаб шаҳарга ҳужум қилганлар.

Мустақиллик даврида Б. тубдан реконструкция қилиниб, ободонлаштирилган.

Ад.: Маев Н., Азиатский Ташкент, Спб, 1876; Масальский В.И., Туркестанский край, Россия, т. 19, Спб, 1913; Маллицкий Н. Г., Тошкент ма'алла ва мавзелари, Т., 1995.

*Маишхура Шарипова.*

**БЕШКЕНТ** — Қашқадарё вилояти

*Қарши туманидаги* шаҳар (1977 й.дан). Туман маркази (1964 й.дан). 1926 й.дан Бешкент тумани маркази бўлган. Б. туманнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Вилоят маркази ва яқин т.й. станцияси — Қаршигача 7 км. Аҳолиси 15,8 минг киши (2005). Хўжаликлари ва аҳолиси Бешкент каналидан сув олади. Шаҳарда пахта тозалаш 3-ди, нон қ-ти, 5 қўшма корхона (шу жумладан, Ўзбекистон — Россия, Ўзбекистон — Покистон қўшма корхоналари) фаолият кўрсатади. Шунингдек, Қарши чўлини ўзлаштириш билан шу-гулланувчи бир қанча корхона ва муассаса бор. 4 умумий таълим мактаби (3,9 минг ўқувчи), 1 лицей (237 ўқувчи), 1 касб-хунар коллежи (627 ўқувчи) мавжуд. 11 спорт иншооти, 32 жисмоний тарбия ва спорт жамоалари фаолият кўрсатади. 2 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, касалхона, 3 поликлиника аҳолига хизмат кўрсатади.

**БИТ** (инг. Ъп, Ътагу — иккилик ва *й/§,И* — белги, рақам сўзларидан) — 1) иккилик санок тизимидаги рақам; 2) ахборотлар сонининг ўлчов бирлиги; сон жиҳатидан «ҳа» — «йўқ» турдаги маълумотдан (иккилик кодида «0» — «1») иборат бўлган ахборотлар ҳажмига тенг. Маълумотлар узатиш тезлиги бит/сек да ҳисобланади. Ҳисоблаш техникасидаги энг кичик ўлчов бирлиги.

**БОБОЕВ** Бобо (1949, Касби тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Қарши пед. институти тугатган (1974). 1979 й.дан Касби туманидаги 2-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

**БОБОЖОНОВ** Ислом Алимович (1957.9.4, Хонқа тумани) — ишлаб чиқариш ташкилотчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони (2002). Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат ин-ти (1979) ва Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти Магистратурасини тугатган (2000). Меҳнат фаолиятини Хонқа пахта тозалаш 3-дида смена

бошлиғи вазифасида бошлаган, шу корхонада техника хавфсизлиги муҳандиси (1979—84), Хоразм вилояти пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш бирлашмаси катта муҳандиси (1984—85), Хонқа пахта тозалаш зди бош муҳандиси (1985—86), шу корхона раҳбари (1986—96), Хонқа тумани ҳокими (1996—97), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирининг биринчи ўринбосари (1997—98), вазир (1998—99), 1999 й. март ойидан бошлаб Хоразм вилояти ҳокими. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенаги аъзоси (2005), «Меҳнат шухрати» ордени билан муко-фотланган (1999).

**БОБОХОНОВ** Саломат (1930.18.3, Шўрчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Бухоро ўқитувчилар ин-тини тугатган (1954). Б. Шўрчи туманидаги 10-мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси (1954—57; 1963—86 й.ларда ўқув бўлими мудири), 28-мактабда ўқув бўлими мудири (1957—60), 52-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси (1960-63). 1986-2003 й.ларда Шўрчи туманидаги 42-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

**БОЙХОНОВА** Зулайҳо Маҳаматжоновна (1964.28.4, Наманган вилояти Уйчи тумани) — актриса, хонанда (лирик сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1986). 1987 й.дан Муқимий театрида актриса. Нурхон (К.Яшин, Т.Жалилов, «Нурхон») унинг сахнада яратган илк об-разидир. Кейинчалик Б. театрда сахналаштирилган деярли барча спектаклларда бош ролларни ижро этиб танилди: Зулайҳо (Р.Бобожон, Ф.Олимов, «Юсуф ва Зулайҳо»), Нодирабегим (Т.Тўла, Ф.Олимов, «Нодирабегим»), Барчиной (У.Азим, Б.Лутфуллаев, «Қудуқ тубидаги фарёд»), Ой-жамол (Р.Маъдиев, Б.Лутфуллаев, «Такдир»), Умида (Р.Маъдиев, Ф.Олимов, «Девона»), Ширин (Хуршид, Ю.Ражабий,

«Фарход ва Ширин») ва б. Б. хонанда сифатида «Самарқанд Уш-шоғи», «Фаргона тонг от-гунча», «Гар соғинсам», «Бойландилар», «Ўзга ёр йўқдир», «Кечалар», «Унутма», «Оворамиз», «Ҳолат», «Тушимда кўрсам эди», «Соғиндим», «Ё раб», «Эй дўст», «Саломатлик керак», «Эй кўнгил», «Алла», «Эҳтиёж», «Шаҳ-лога тушди», «Бибиҳоним», «Ҳануз» каби ашула ва қўшиқларни ижро этган. Б., шунингдек, теленовелла («Из-ҳор»да Зулайхо), видеофильм («Юсуф ва Зулайхо»да Зулайхо, «Кўнгил кўчалари»да Унсин, «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси»да Бону ва б.)ларда ҳам суратга тушган.

**БОЙҚОБИЛ ҒОРИ** - Қашқадарё вилояти *Қамаши тумани*аати ғор. Қорасирт тоғи (Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоғи)нинг шим.-ғарбий ён бағрида, Ўрадарё водийсида жойлашган. 1930 м баландликда. Юқори юра даврига мансуб гипс қатламларида ҳосил бўлган.

Ғорнинг кириш қисми шим. томонга қараган, доира шаклида, диаметри 4 м га яқин. Ғор эгри-бугри бўлиб бошланган, эни 1,5 м дан 9 м гача, бал. 0,5 м дан 15 м гача. Саҳни ичкарасига томон бир оз кўтарилган. Ғорда ҳавонинг т-раси кириш қисмида 22°, ичкарасида 9°. Нисбий намлик 97% (сент.). Умумий уз. 240 м, майд. 1210 м<sup>2</sup>, ҳажми 1440 м<sup>3</sup>.

**БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ** - болаларнинг мактабдан ташқи оммавий таълим-тарбиявий ишларини ташкил қилиш, ёш авлодни билим даражаси, қизиқишлари, ижодий қобилиятини ўстириш, касб танлашга ёрдам бериш, улар тайёрлаган маҳсулотни чет элда тарғиб қилишга қаратилган марказий ижодиёт уйи. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тизимига қарайди. Б.и.уда радиоэлектрон, ёғоч ўймакорлиги, бичиш ва тикиш, видео-студия, тасвирий санъат, адабиёт, лак миниатюраси тўғарақлари, шах-мат клуби, эстрада-вокал студияси, компьютер син-

фи ва б. бор. Ижодиёт уйи Ўзбекистон БА билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Б.и.унинг биноси Тошкентнинг Эски жува майдонида 2005 й.да қурилди. Бино 2 қаватли бўлиб, спирал бўйлаб юқорига чиқиладиган зинавор шаклдаги ўзига хос меъморий ечимга эга. Бино бал. 18,0 м, эни 42,9 м. 1-қаватда ижодиёт уйининг тўғарақлари, шунингдек, кон-ференция зали, маъмурият. 2-қаватдан кўرғазма галерея (майд. 480,0 кв.м), томоша майдончаси (16,8 кв.м) ўрин одган. Марказий қисмидаги мухташам кўрғазма зали 12 метрли гумбаз билан ёпилган. Мазкур гумбаз Самарқанддаги Тиллақори мадрасаси гумбазидан андоза олинган безаклар билан пардозланган. Миллий услубдаги безакларни «Усто» уюшмасининг Тошкент ва Самарқанд корхоналарининг моҳир ганчкор, наққош усталаридан А.Илхо-мов, А.Каримов, Х.Жалоловлар шогирдлари билан бажарганлар.

*Тўлқиной Қодирови, Раҳматилла Солиҳов.*

**БОЛИЕВ** Асра (1940.16.12, Нурота тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Бухоро пед. институтини тугатган (1967). 1967 й.дан Нурота туманидаги 17-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1975 й.дан Қўшрабод туманидаги 17-мактаб директори, 1989 й.дан Қўшрабод туман халқ таълими бўлимида методика кабинетини мудири, 2000—2003 й.ларда Қўшрабод гуманидаги 27-мактабда биол. ўқитувчиси.

**БОЛХОНОБОД** (2000 й.гача Небитдоғ) — Туркманистондаги шаҳар (1946 й.дан). Болхон вилояти маркази (қ. *Небитдоғ*).

**БОРИЙ** (лот. Вopшп). ВН — Менделеев даврий системасининг VII гуру-ҳига мансуб сунъий радиоактив ким-ёвий элсмент. Тартиб рақами 107. Бар-қарор нуклидлари йўқ, масса сони 261 ва 262 га тенг бўлган 2 та изотопи маълум. Энг

узоқ мавжуд бўлувчи нук-лиди  $^{62}\text{Вb}[T_{1/2} = 1,8 \text{ мк сек, бошқа маълумотларга кўра } (I-2)-10' \text{ сек}].$  Оксидланиш даражаси +3 дан +7 гача; баҳоланган маълумотларга кўра  $\text{ВH}^{\wedge}$  ионининг радиуси 0,083 нм. Оғирлик миқдориди олинмаган, унинг хоссалари ўрганилмаган. Кимёвий хоссаларига кўра Б. Ке (рений)нинг аналоғи бўлиши керак (назарий ҳисоблар).  $\text{ВH}^{\circ}/\text{Вп}^{5+}$  нинг стандарт электрон потенциали — 0,1В (ҳисоблаб топилган). Б. изотоплари В1 (висмут) изотопларини  $^{54}\text{Сг}$  (хром) ионлари билан циклотронда нурлантириш (бомбардировка қилиш) йўли билан синтез қилинади. Б.ни олиш борасидаги илк тажрибалар 1976 й.да СССРда Ю.Ц.Оганесян раҳбарлигида ўтказилган.  $^{262}\text{ВH}$  ва  $^{261}\text{ВH}$  нинг ядровий хоссалари тўғрисидаги биринчи ишончли маълумотлар тегишлича 1981 ва 1989 й.ларда Германияда олинган. 1997 й.да ИЮПАК элементни борий (Н.Бор шарафига) деб тасдиқлади.

**БОТИРОВА** Назира (1948.4.9, Шовот тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Хоразм пед. институтини тугатган (1970). Биол. ва кишлоқ хўжалиги и.ч. асослари фани ўқитувчиси. 1970 й.дан Шовот туманидаги 5-, 1973—83 ва 1991-93 й.ларда 32-мактабда мактаб директори ўринбосари, 1983—87 й.ларда ва 1993 й.дан 32-мактаб, 1987 й.дан 42-мактаб директори.

**БОТКЕНТ ҒОРИ** — Фарғона вилояти Сўх туманидаги ғор. Сўх дарёсининг чап соҳилида жойлашган. 1400 м баландликда. дарё ўзанидан бад. 110 м. Ўрта девон лаврига мансуб оҳақтошларда ҳосил бўлган. Ғор оғзи равоқ шаклида, эни 10 м, бад. 13 м. Бир хонадан иборат. Уз. 56 м, эни 2—13 м, бал. 6—18 м. Хона гумбаз шаклида. Саҳни қалинлиги 2 м гача бўлган гуано ва қисман гил билан қопланган. Ғорда кўршапалак галаси яшайди. Траси кириш жойида 25°, ичкарида 16°, намлиги 58% (июль). Умумий

уз. 72 м, майд. 4040 м<sup>2</sup>.

**БОҒБЕКОВ** Ҳайитмат (1953.27.6, Хива тумани) — ёғоч ўймаkori, Ўзбекистон халқ устаси (2001). Хива хунар-техника билим юртини ёғоч ўймакорлиги бўйича тугатган (1977). 1977 й.дан Ҳайитмат Боғбековнинг Тошкент шаҳри «Хотира ва қадрлаш майдони»даги устунга ишлаган ўймакорлик иши.

«Усто» уюшмасида уста. Б. Хива ва хоразм ёғоч ўймакорлиги санъатини тиклаш ва таракқий эттиришга катта ҳисса қўшди. 1969 й.дан отаси уста Сафо *Боғ-беков билан* биргаликда ишлади: К<sup>о</sup>ра денгиз флотининг «Ўзбекистон» кемаси учун нақшинкор эшик, дарвоза, устунлар ва б. тайёрлади. Б. меъморий ёдгорликларнинг ёғоч ўймакорлиги билан таъмирлашда, замонавий биноларни шарқона безашда самарали ижод қилмоқда; Туркменистондаги жамоа хўжаликлариди маданият саройлари (1979), Юрмада ш.даги «Ўзбекистон» ресторани (1983), Хоразм ёғоч ўймакорлиги намунаси (1983, Москвадаги Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмасининг соврини билан мукофотланган), Тошкент ш.даги фахрийлар чойхонаси (1991), Қорақалпоғистондаги Бердақ кинотеатри (1993) ва б.даги ёғоч ўймакорлиги ишларини юк-сак дид билан бажарди. Тошкент ш.даги *Хотира ва қадрлаш майдони* миллий айвонининг 12 устунини ҳамда шифти учун 1000 дона вассани ислимий ва гирих. нақшлар билан безаб, табақа пардоз ва дўла пардоз усулида зийнатлашга раҳбарлик қилди; Урганчдаги Хотира майдони айвонларини фарзандлари ва шогирдлари билан тиклашда Б.нинг истеъдоди ёрқин намоён бўлди. Б. кўплаб шогирдлар тайёрлади.

**БУШУЙ** Анатолий Михайлович (1939.18.4, Севастополь) — тилшунос. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2001). Самарқанд ун-ти чет тиллар ф-ти немис тили бўлимини тугатган (1963). Шу ун-тда катта ўқитувчи, доцент, проф.,

кафедра мудири. Тил-шунослик назарияси, роман-герман, славян ва туркий тилшунослик, фольклоршунослик, лингвистик ин-форматика, лингводидактика ва тиллар ўқитиш методикаси бўйича и.т. олиб борган. Мазкур соҳалар бўйича бир нечта асарлар муаллифи: «Фразеологиянинг лексикографик тавси-фи» (1982), «Фразеология назарияси асослари» (1987), «Фразеологик лу-ғат асослари» (1993), «Тил ва жамият» (2002), «Умумий ва герман фразеологияси асослари» (2003), «Тилнинг умумий тилшунослик муаммоси сифатидаги моҳияти» (2004) ва б.

**БЎРОНОВ** Жамолиддин (1933.10.9, Шахрихон тумани) — тилшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989). Филол. фанлари д-ри (1981), проф. (1983). Андижон пед. билим юртини (1952), Тошкент чет тиллар пед. ин-тини (1956) тугатган. Шу ин-тида ўқитувчи (1956 — 57), катта ўқитувчи, декан ўринбосари (1961—62), доцент, кафедра мудири (1962—68; 1970-84), ректори (1984—1992 й. 15 май). 1992-2002 й.лар Ўзбекистон жаҳон тиллари ун-ти ректори. 2002 й.дан шу ун-тининг тиллар типологияси, германистика ва инглиз тили тарихи кафедраси муди-ри. Б.нинг асосий илмий ишлари гер-ман ва туркий тилларнинг диахроник ҳамда синхроник ривожига ўзига хоеликларни типологик таҳлил қилишга, герман ва туркий тиллар лексикографияси масалаларига бағишланган. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1997).

Ас: Ипглич ва учбек тиллари қиёсий грам-матикаси (Начарий курс), Т., 1973 (ҳамкорликда).

## В

**ВАД** (Wade) Абдуллай (1926.29.5, сенегалиинг Сен-Луи ш.) -- Сенегал давлат арбоби. Сенегалдаги Себикотан ш.часида федерал мактабни тугатган

(1947). Франциядаги Бечапсон, Ди-жон, Гренобль ун-тиларида олий гаъ-лим олган. Иқтисодиёт ва давлат ҳуқуқи лри, 1955-57 й.лар Бечан • зон адвокатлар коллегиясида тлжри ба орттирган. 1960 й.дан Дакар ун-тида доцент. 1967 й.дан Бостоп (АҚШ) ун-тига тажриба орттирган, сўнг Франция одий ўқув юртлари-да, жумладан Сорбонна ун-ти ўқитувчиси, 1970 й.дан Дакар ун-тида ф-т декани, 1974 й.дан Сенегал парламенти лспутати, Сенегал демократик партияси таъсисчиси, Бош қотиби, Халқаро Либерал партия (Буюк Британия, Лопдоп) вице-пре-чиденти. 1991 й.дап Сенегал Республикаси давлат вачири, 1995 й.дан сенегал Республикаси пречиденти учурида давлат вазири, 2000 й.дап Сс-нсгал Республикаси прсчиленти. Иқтисодиёт ва ўқук бўйича бир қанча илмий асарлар муаллифи.

**ВАЛВАЛИЗ**, Валвалиж, Валиж — илк ўрга асрдарда Тохаристон шаҳарларидан бири. Хитой сайёҳи Сю-ань Цзаннинг асарида «Ху», «Таншу»да эса А-хуан шаклида қайд этилиб, ҳоз. Қундуз атрофида жойлашгани айтилган. Сюань Цзаннинг маълумотига кўра, Ху мулки Уху, яъни Амударёнингжан. қирғоғида жойлашган. Ушбу мулкнинг хоқони Тун ябғунинг ўғли Тарду шад бўлиб, унга Темир қапигдан жан.даги барча майда мулклар тобе бўлган. Аҳолининг бир қисми буддавий, бир қисми ажодлар руҳига эътиқод қилган. В.да 10 га яқин Будда монастири ва 100 га яқин роҳиблар бўлган. «Таншу»га кўра, 656 — 660 й.ларда А-хуан, яъни В.да «ашина» унвонига эга бўлган Тохаристон ҳокими турган. 9-а.да В. шахрини араблардан Мучахим ибн Бистом идора этган. Шаҳарда жоме масжиди бўлган. 10-а.да В. Тохаристонда Толикондан кейинги 2-йирик шаҳар ҳисобланган «Худуд ул-олам»га кўра, В. маълум муддат «қаса-ба», яъни Тохаристоннинг бош шаҳри бўлган. 10-а. да шаҳар гудлаб-яш-наган, обод бўлган. В.дан кунжут ва упиғ мойи, ёнғоқ, бо-

дом, писта, шоли, мош ва, шупипгдек, хайвон июхлари, 1>лки териси ва б. чегга чиқарилган. 11-а.да газнавийлар даврида В. да зарбхона жоплашган. 12-а. дан В. Кундуз деб ағала бошлашган. 12-а. да салжукийлар, сўнгра хоразмшоҳлар даврида В.да зарб эгилган тангаларла Кундуз номи кўрсатилган.

Ад. Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоя ЫҒПЫМ источникам 1X-начала XIII вв., Т., 1996.

**ВАЛЬЯНО** Елена Дмитриевна (1934.7.3, РФнинг Грозный ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Шим. Осстия ун-тини тугатган (1959). 1966 й.да Гулистон ш.даги 5-, 1972 -2003 й.ларда Жиззах ш.даги 5-мактабда тарих ўқитувчиси.

**ВАРХУМАН** — Сугд хукмдори (655 690). Ихшид унвонига эга бўлган В.Шишпирдан кейин тахтга чиққан. Унинг даврида Сугд иктисоди, маданияти ва санъати юксак даражада ривожланди. В. Самарқандла деворий расмлар билан безатилган ҳашаматли сарой курган. Узбу жаҳоига машхур бўлган расмларнинг бири В.нинг ўзи тасвир этилган. В. даврида пул исло-логи ўқачи;шб. Тан имисраторлиги ташаларига ўхшаш жезлан тангалар томонида 2 та тамга тасвир этилган бўлса, 2-томонида хукмдорнинг исми ва унвопи ёзилган.

Ад.: С м и р н о в а О . И ., Очерки из истории Согда, М., 1970.

«**ВАТАНПАРВАР**» - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот нашри. 1992 й. 24 июндан чиқа бошлаган. Ҳафтада 1 марта ўзбек ва рус тилларида чиқади. Саҳифаларида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, тарих, маънавият, маланият, фан-техника, хориж қуролли кучларига оид кенг қамровли маълумотлар мунта-

зам ёритилиб борилади. Адади 22000 (2005).

**ВАШГИРД**, Вашжирд — илк ўрта асрларда Шим. Тохаристондаги шаҳар ва вилоят. Дастлаб Авестода Висагирд, сўнгра Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Афросиёб подшолиги давридаги воқеалар баёнида Виса, Висагирд шаклида қайд этилган. Афросиёбнинг вазири Пирон Виса номи билан боғлиқ бўлиши ёхуд «Вахш» ва «Кард» — «маъбуд Вахш гомонидан яратилган» маънопи англатган бўлиши ам эгтимол. 19-а.ла Ўрга Осиёда «вашгирд» сўзи дарс қумидан олтинни ажратиш олиш учун ишлатиладиган асбобпи англатган. 7-а.нинг 1-ярмида Хутталон вилояги рустокларида бири-биринг маркази бўлган. Хитой йилномаси «Тан-шу»га кўра, У-ш-ке, яъни Вашгирд Хутталонга тегишли Кумел рустогининг маъмурий маркачи бўлган. 9-а.да В. мусулмонларнинг энг йирик чегара шаҳри \ исобланган, унинг атрофида 700 га яқин мустаҳкам исте\комлар («ҳисп») бўлган. 826 — 827 й.ларда В. вилояти халифаликка 1000 дир-ҳам солиқ тўлагап. В. шаҳри тоғлар орасида жойлашган. 10-а.да В. шаҳри Шумандап қапта ва Термич б-и деярли баробар бўлган. 12-а.ла В.да машхур рабоблар, ислом дини кириб келишидап аввалги алифбода битилган ажойиб ёзма ёдурликлар бўлган. В.га турли хорижий ўлкалардан сай-схлар келишган.

В.В.Бартольд В.пи \оз. Файюбодўрнида бўлган леб ҳисоблайли. Бироқ А.М. Бедепинкийнинг фикрича, В.Файчоболдан бироч уочокликдаги Сари Мочор қишлоғи четида жойлашган Талли Воч-лжур ш. харобаси (80 га майдонга эга) ўрпиди бўлган. Шаҳар харобаси яқини-лаги қабристонла 9-а.дан Балхда яша-гап машхур суфий ав.тиё Х.ОЖИ Абу Абдуракмон Хатим мозори бор. Хотим хт-Асомм макбараси 17-а. манбаларида қайд> этилган. У балхлик машхур суфий Шақиқ Балхийнинг шогирди (851 й.да Балхда вафот этган) бўлган. Шақиқ Балхий мозори В.да 10-а.да маълум

бўлган. Кейинчалик у Балхга қайта дафн этилган.

Л: Камалиддинов Ш. С. . Истори-ческая география Южиюю Согда ва Тохарис-тана по арабоязичтлм источникам IX — иачала XIII вв., Т., 19%.

**ВАҲОБОВА** Огул (1936.5.8, Тошкент ш.) - Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Тошкент чет тиллар пед. институтини тугатган (1961). 1964 й.дан Юнусобод туманидаги 51-мактабда француз тили ўқитувчиси.

**ВИДЕОКАРТА** (лотлтско — кўраяпман ва юн. сбаггея — варақ) *компьютертги* мос келувчи қурилма бошқарувида монитор ишини бошқарувчи микро-схема. В. ичидаги хотираси видсохо-тира дейилади. Видеохотиранпнг 2 тури мавжуд: ички (компьютер тезкор хотирасига ўриатилган в и деохоти-ра) ва гашқи (тезкор хотиранинг ташқарисида жойлашган хотира). Ташқи турдаги видеохогира мукамалроқ ҳисобланади.

**ВИНЧЕСТЕР** (инг. Hagcl cHкк - қаттиқдиск) — компьютердаги барча дастур ва маълумотдар сақланадиган хотира қурилмаси. «В». термини сизими 16 Мбайт (IBM, 1973) бўдгап қаттиқ диск биринчи моделининг жаргонли номидап келиб чиққаи. У ҳар бири 30 та сектор ва 30 та йўлкага эга бўлиб, «Винчестер» ов мидтигпнинг «30/30» калибри б-и айиан мос келади. В. йиғилгапда бир нсчта қаттиқ дисклардан иборат бўлиб, гсрметик спиқ кор-пусдаги магнит каллагии блокига жойлаштирилади.

## Г

**ГАШПАРОВИЧ** Иван (1941.27.3, Полтар) — Словакия давлат ароби. Братислава ун-тини тугатган. 1968 й.дан Братислава ун-тида ишлаган. 1989 й.дан Чехословакия Мустақил юристлар

иттифоқи раиси, 1990 й. Братис-лава ун-ти проректори, 1990 й.дан Че-хословакия Федератив Республикаси бош прокурори. 1992 й.дан ва 1998— 2002 й.ларда Словакия Республикаси Миллий кенгаши (парламент) депу-тати, 1994—98 й.ларда раиси. 1992— 2002 й.ларда Демократик Словакия учун ҳаракат партияси аъзоси, 2002 й.дан Демократия учун ҳаракат партияси аъзоси ва раиси. 2002—2004 й.ларда Братислава ун-тида ишлаган. 2004 й. 15 июндан Словакия Республикаси президенти.

**ГЕОИҚТИСОДИЁТ** - давлатнинг халқаро майдонда иқтисодий стратегия ва тактикасини шакллантирадиган амалий фаолиятини ўрганадиган фан тармоғи. Г. *геосиёсат билан* узвий боғлиқ. Г. аниқ бир шароитларда сиёсий, географик, иқтисодий, ҳарбий, эко-логик ва б. омиллар уйғунлигини таҳлил қилиш орқали халқнинг турмуш даражаси, мамлакатнинг и.ч. потенци-али, стратегик захиралар, бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқалар каби иқтисодий омилларни устивор ўрганади. Шунингдек, демографик ва эко-логик омиллар (аҳоли таркиби ва зичлиги, унинг ўсиш суръатлари, Ер сайёрасининг чекланган ресурсларига демографик босим, хом ашё захираларининг камайиши ва б.)ни тадқиқ тгиш ҳам Г. фани предметига киради. Бу жами омилларнинг амал қилиши ва таъсири мамлакатнинг географик ҳолати, унинг табиий ресурслари ва иқлим шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Мамлакат тараққиёти эҳтиёжлари ва миллий-давлат манфаатларига жавоб берадиган стратегияни ишлаб чиқишда геосиёсий ва геоиқтисодий омиллар ҳисобга олинади. Геоиқтисодий сиё-сатдаги асоений масала жаҳон бозорларида миллин иқтисодиётнинг рақобат-бардошилигини оширишга имкон бсрадиган шароитлар яратишдан давлатнинг манфаатдорлиги ҳисобланади.



«Г» атамаси биринчи марта АҚШда 1980-й.лар охирида идмий муомалага киритилли. Бу тушунчанинг «геосие-сий иктисодиёт», «халқаро сиёсий иктисод», «сиссий-иктисодий геогра-фия» ва б. таърифлари ҳам бор.

Биринчи геоиктисодий тадқиқотлар 1920—30 й.да Япония ва Германияда пайдо бўлди ва бу тадқиқотлар шу мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари томонидан ўз ҳаётий макопини кенгайтириш ва жаҳонга ҳукмронлик даъволарини асослашга хизмат қилди. 1970-й.ларда буюк икки давлат — СССР ва АҚШ ўртасидаги ўзаро зиддиятларнинг кучайиши Г.нинг кейинги ривожланишида янги босқич очди. Бу даврда Г. савдо урушлари, бозорлар учун кураш; капитал ва кишиларнинг мамлакатлараро кўчиши билан боғлиқ бўлган тўсиқтар; ҳарбий сарф-харажатлар кжининг ўсиши; бюджет тақчиллиги; инфляция ва б. муаммолар б-и шуғулланди. Г. ўрганадиган муам-молар доираси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, марказ ва чекка худудлар ўртасидаги зиддиятларни ҳам камради. Мустамлакачиликдан озод бўлган давлатлар янги жаҳон иктисодий тартибини шакллантиришга ҳара-кат қилдилар. Улар ривожланган мамлакатлар билан ўз муносабатларида туб ўзгаришларни амалга ошириш тўғрисида кўпдан-кўп таклифлар билан чиқ-дилар. Бу таклифларда ривожланаётган мамлакатларнинг иктисодий ўсишини жадалдаштириш ва ресурсларни жаҳон ҳўжалигининг чекка худудлари фойдасига қайта тақсимлаш масалалари кун тартибига қўйилди.

«Совуқ уруш»нинг тугаши, собиқ Иттифокнинг инқирози билан 1990-й.лар бошларида геосиссий ва геоиктисодий кучлар нисбатлари ва жойлашуви тубдан ўзгарди, жаҳонда икки кутблиликдан кўп кутбли дунё сари ҳаракат бошланди. Ҳозирги даврда АҚШ ҳамон энг қудратли давлат бўлиб қолаётган шаро-итларда жаҳон иктисодий ривожлани-шининг

асосий йўналиши кўпдан-кўп иктисодий марказларнинг юзага кели-шидап, жаҳон иктисодий тизимининг полииентризмга ўтишидан ва айни пайтда янги геоиктисодий зиддиятлар-нинг юзага келишидан (мас, Каспий дспгизи нефти масаласида Озарбайжон, Козогистон, Эрон, АҚШ, Туркия ман-фаатлари тўқнашуви) иборат. Экспертларнинг маълумотлари бўйича 21-а.да жаҳон иктисодий тизими 6 асосий марказ — АҚШ, Европа, Хитой, Япония, Россия, Ҳиндистон, шунингдек, кўпгина ўрта ва кичик давлатлардан ташкил топади.

Жаҳон иктисодиётидаги бу йўналишга гаъсир кўрсатадиган муҳим геоиктисодий омил — глобаллашув жараёнларидир. Миллий иктисодиётлар ўртасида ўзаро алоқадорлик ва боғдиқликнинг кучайиши, ҳўжалик интеграцияси иктисодий тараққиётнинг турли босқичларида кўплаб давлатлар ва минтакаларни турли даражадаги жадалликда цивилизация тараққистининг умумий оқимида тортади. Уларнинг сони тобора ортиб боради. Кўпгина мамдакатларда иктисодий ва сиёсий ҳаётда юз бераётган эркинликлар ягона жаҳон иктисодий, ахборот, коммуникацион ва маданий маконнинг шаклланиши имкониятларини очади.

Г.да ҳукуматлар билан бир қаторда, *трансмиллий корпорация* (ТМК) ва трансмиллий банклар (ТМБ), халқаро молиявий ташкилсглар фаолияти ҳам муҳим роль ўйнайди. ТМК ва ТМБ — бир томондан илғор технологиялар, бошқарув, и.ч.ни ташкил қилишнинг янги шаклларининг қарор топишита, мамлакат иктисодий ривожланиши сурьатлари ва даражасини қўтаришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, улар кўпинча бу мамлакатларнинг ривожланишида номутаносиоликни кучай-тиради, чунки улар биринчи навбат-да, асосан, чет эл капитали ва ташқи бозорга мўлжалланган айрим тармоқлар ва корхоналарни ривожлантиришга ёрдам кўрсатади.

21-а. бошида Ўзбекистон

Республикасининг ривожланиш стратегиясини шакллантириш унинг геосиёсий ва гео-иқтисодий манфаатларига асосланади. Геоиқтисодий муаммоларни ҳал қилишда кўшни мамлакатлар билан мус-таҳкам иқтисодий интеграция биринчи даражали аҳамият касб этади. Шунингдек, Европа ва Осиёдаги мамла-катлар билан ташки иқтисодий ва ташки савдо алоқаларини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг тўла қуқуки аъзо сифатида *Жаҳон савдо ташкило-тига* аъзо бўлиб қириши ҳам муҳим ўринда туради (яна қ. *Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти*).

Ад.: Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шарглари иа тараккиёт кафолатлари, Т., 1997.

*Шарафиддин Қобилов.*

**ГЕРМАН** Анна (1936.14.2, Урганч - 1982.26.8, Варшава)—эстрада хонандаси, актриса. Дастлабки мусика сабоқларини Хоразмда олган. 1946 йдан Польшада яшаган. Вроцлан политехника ин-тини тугатган (1961). Шу даврдан бошлаб эстрада апсамблларида хонанда сифатида қатнашиб, дастлаб Польша (Сопот, 1963—65; Опo-ле, 1964), кейинчалик Вена (1965) ва Сорренто (1967) халқаро эстрада танловлари лауреати унвонига сазовор бўлди. Хонанда лирик-драматик ҳамда ҳазилнамо кўшиқларни ўта самимийлик ва ўзига хос тарзда талқин этган. Репертуаридан замонавий композиторлар (К.Гертнер, «Рақсага тушувчи эв-ридикалар»; А. Пахмутова, «Умид»; Е.Птичкиннинг «Севги садоси»), қуйларини ўзи яратган («Инсон тақдири», «Бўлиши мумкин»), шунингдек, поляк, рус, итальян кўшиқлари ўрии олган. Европа, Америка, Австрелия ва Осиё (хусусан, Марказий Осиё, 1979) мамлакатларида гастролда бўлган. Ижо-дига бағишланган «Анна Герман билан учрашув» фильми яратилган (1976). Урганчда кўчалардан

бири, Зёлена-Гурадаги концерт зали ҳамда мазкур шаҳарда ўтадиган эстрада фестивалига (1988 й.) Г. номи бсрилган.

Ад.: Жигарёв А.. Анна Герман, М., 1988.

**ГЕССЕ** (Незве), Хессе Герман (1877.2.7, Кальв, Вюртемберг — 1962.9.8, Монтаньола, Швейцария) — немис ёзувчиси. 1912 й.да Швейцарияда яшаган. Ижодини шеър ёзишдан бошлаган, кичик ҳикоялар, насрий шеърлар ёзган. Дастлабки романи — «Мархум Герман Лаушер иншолари ва шеърлари». «Петер Каменцинд» (1904) романида мартаба ва бойлик орттириш истагида бўлганлар дунёсидаги ижодкорнинг оғир қисматини тасвирлаган ва шу асари билан танилган. Шундан сўнг Х. «Гертруда» (1910) романи, «Ҳиндистон сафари» очерк ва шеърлар тўпла-ми, «Росхальде» (1917), «Демиян» (1919), «Чўл бўриси» (1927) каби ро-манларини ёзган. «Маржон ўйини» (1943) роман-утопиясини Г. маънавий-ахлоқий изланишларининг якуни деса бўлади. Ёзувчи бу асарида ижодкор гарчи воқеликни аслича қабул қилмаса-да, уни инкор этмаслиги, ундан узоқлашмаслиги ксрак, деган ғояни илгари суради. Нобель мукофоти лауреати (1946).

**«ГРАНД МИР ХОУТЕЛ»** (ингл «Grand Mir Hotel» — «Катта Мир меҳмонхонаси») — Тошкент ш.даги меҳмонхона. 1964 й.да қурилган «Россия» меҳмонхонаси (меъмор В.Муратов) нинг таъмирлаш лойиҳаси «Тошгин-ро-гор» очик акциядорлик жамиятида иш-лаб чиқилган (2003—04). 2004 й.дан хоз. номда. Меҳмонхона 7 қаватли ҳамда 2 қаватли блоклардан ташкил топган. 7 қаватли турар жой блокининг ер ости қисмини техник хоналар, ошхона, ёрдам-чи хоналар ва айрим офислар эгаллаган. 1-қаватда вести-бюль, саргарошхона, 50 ва 100 ўрипли барлар, савдо дўконлари, 2 — 7-қаватда 126 хона, булардан 6 та люкс, 11 та ярим люкс, 18 та 1 ўрипли,

85 та 2 ўринли хоналар жойлашган. 2 қаватли блокда ресторан, ошхона, холлар, 1-қаватда 250 ўринли эксп-ресс-енгил овқатланиш жойлари мавжуд. 2 блок ўзаро 1-қаватдаги холл орқали боғланган. Таъмир чоғида гори-зонтал деразалар қатори пайдо бўлди, бинонинг олд тарзи янада кўркам тус олди. Хоналар кен-гайтирилиб, бино пардозида мрамар, гранит ва б. замонавий материаллардан фойдаланилди, витраж ва энгил панеллар, алюко-панлар қўлланди.

**ГРАФИКА** (юн. ёгаргнке, ёгарпо — ёза-ман, чизаман) (тилушносликда) — 1) у ёки бу ёзувнинг графемаларни, тиниш белгилари, урғу белгиси ва б.ни ўз ичига олган чизма воситалари йигиндиси; фонематик ёзувда графемалар ва фонемалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими; 2) *тилушносликнинг* ҳарфлар ва говушлар (графе-малар ва фонемалар) ўртасидаги ўзаро муносабагни ўрганувчи бўлими.

«Г.» тушунчаси одатда фонематик ёзув (ҳарф-товуш ёзуви)га нисбатан қўлланади. Бу ёзувда 3 жиҳат фаркланади: алифбо, Г. ва имло. Бугунги кунда лотин алифбоси, араб ёзуви ва кирилл ёзуви асосида тузилган миллий ёзув тизимлари кўпроқ тарқалган. мукамал Г. ҳақида фанда мавжуд бўлган тасаввур (фонемалар ва графемалар ўртасида аниқ мувофиқлик бўладиган, ҳар бир графема бир фонемапи билди-радиган, ҳар бир фонема зса бир гра-фема орқали ифодаланадиган ҳолат) бирон бир ёзувда тўлиқ ўз аксини топ-маган. Бундай тасаввур фақат муайян товуш тили билан ёзув тизими ўргасидаги мувофиқликни бахрлашда бошлан-гич нуқта бўлиб хизмат қилади.

Лотин алифбоси асосида тузилган қоз. кўплаб ёзув тизимларида графе-малар ва фонемалар сони ўртасидаги тафовутлар ушбу алифбони тубдан ўзгартирмаган (еки умуман ўзгартир-маган) ҳолла қабул қилган гилларга унинг тарихий мослаштирилиши билан изоҳланади. Лотин сзу-

видаги 25 та ҳарф ҳоз. тилларнинг аксариятидаги нисбатан кўп (36—46) фонс-мани акс эттира олмагап. Вақт ўтиши билан хдмда тилларнинг ўзидаги муқаррар фонетик ўзгаришлар қисобига (агар бу тилларнинг имлоси анъанавийлигича қолган бўлса) графемалар ва фонемалар нисбатидаги тафовут ортиб борган. Бу ҳолат инглиз ёзувида кўпроқ намоён бўлган; 46 фонеманинг ифодаси учун инглиз алифбосида 26 та белги мавжуд. Инглиз ёзу-вида ҳарфий бирикмалар (мураккаб графемалар) кенг қўлланади: диграфлар (икки ҳарф қўшилмаси) — ск [к]; триграфлар (уч ҳарф қўшилмаси) — оеи[и]; полиграфлар (учдан ортиқ ҳарф қўшилмаси) — ай§г1 (с :] ва б. Барқарор ҳарфий бирикмалар инглиз Г.си тизими-га фонемаларни ифодалашнинг қўшимча воситаси сифатида қўшилган. Мураккаб графемалар бошқа тилларнинг ёзувларида, мас, немис, поляк, француз, ўзбек ёзувларида ҳам қўлланади. Ўзбек кирилл ёзувидаги нг ёки ўзбек лотин ёзувидаги п§, с1т, хп ҳарфий бирикмалари мураккаб графе-малар ҳисобланади. Айрим график тизимларда алифбога махсус киритилган ҳарфлар учрайди. Мас, ўзбек лотин ёзувидаги о', ц' ҳарфлари ёки фран-цуз ёзувидаги с ҳарфи ва б.

Кирилл ёзувида асосланган ёзувнинг график тизимлари графемалар ва фонемаларнинг миқдорий нисбатига кўра анча соддарок. Чунки кириллицага асос бўлган юнон алифбоси тегишли сла-вян тилларининг фонемавий таркибини ҳисобга олган ҳолда махсус ишлаб чиқилган. Кириллица, бинобарин, рус графикаси асосида яратилган бошқа ёзувларда ҳам графемалар ва фонемалар ўртасида миқдорий тафовут кам бўлишига эътибор қаратилган. Мас, ўзбек кирилл алифбосидаги ў, қ, ғ, ҳ ҳарфлари, ҳоз. қирғиз алифбосидаги н, 9, у ҳарфлари ва б.

Ад.: Б а л и н с к а я В . И . . Графика совре-мениого английского язмка, М., 1964; волоцкая З. М ., Молошная Т. Н., Ни-к ол а е и а Т., М ., Опыт описания

русско-го язмка в его письменной форме, М., 1964: Макарова Р. В. Понятие графики и гра-фемн, п ки.: Система и уровни язмка, М., 1969;Амирова Т.А., К истории и теории графемики, М., 1977; Амирова Т.А., Функциональная пзаимосвязь письменного и звукового язмка, М., 19Х5; 3 и н д с р Л . Р . , Очеркобшей теории письма, Л., 1987: Хозирги ўзбек адабий тили, 1-кисм, Т, 1980.

*Абдуваҳоб Мадвалиев.*

## Д

**ДЕВКАМАР ҒОРИ** — Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги гор. Саримастогнинг жан. ён бағрида, 1315 м баландликда, тоғ этагидан нисбий бал. 160 м. Юра даврига мансуб оҳақтошларда ҳосил бўлган. Кириш қисми равоқ шаклида, эни 20 м, бал. 13 м гача. Ғор бир неча йўлак ва хоналардан иборат бўлиб, уларнинг эни 5—10 м, бал. 2—3 м. Саҳни деярли текис, гуано қатлами билан қопланган. Ғор оғзи қисмидаги оҳақтош ёриқларида ва гор тўридаги шипида сизиб чиққан мумиё изларини кўриш мумкин. Ичкарида уз. 6 м гача, эни 1,5 м гача ва бал. 0,7 м гача бўлган ҳар томонга йўналган йўлакчалар мавжуд. Ғорнинг умумий уз. 46 м, майдони 423 м<sup>2</sup>, ҳажми 2682 м<sup>3</sup>.

**«ДЕДИМАН СИЛК РОУД ТАШКЕНТ»** (ингл. «Дедиман Ипак йўли Тошкент») — 4 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.да жойлашган. 1970 й.да «Дўстлик» меҳмонхонаси номи билан ишга тушган (воронежлик қурувчилар бунёл этган). Таъмирлаш лойиҳасини «ТАМАХ» фирмаси, қурилишини эса «Апеас» фирмаси бажарди (2003). 2004 й.дан ҳоз. номда. Таъмир вақтида меҳмонхонанинг ички қиёфаси ўзгартирилди, хоналар кенгайтирилди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди, меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилди, бино қиёфаси маҳобатли, замона-

вий кўринишга эга бўлди. Меҳмонхона 9 қаватли, 206 та хонадан иборат; 1 ўринли 36 та, 2 ўринли 48 та, 2 ўринли (люкс) 63 та, 2 ўринли (су-пер люкс) 45 та, 2 ўринли (апарта-ментли) 14 та замонавий хоналар мавжуд. Меҳмонхона ер ости қава-тида гараж, техник хоналар, 1-қаватда вестибюль, соғломлаштириш мажмуаси (очик ва ёпик бассейнлар билан), офис, маъмурий хоналар ва дўконлар бор. 2-қаватда турар жой хоналари ҳамда ресторан ва холлар, 3—8-қаватда турар жой ва холлар, 10-қаватда очик қаҳвахона жойлашган.

**ДИВАЙРОМ ҒОРИ** — Фарғона вилояти Сўх туманидаги ғор. Сўх дарёси чап соҳилида, 1685 м баландликда, дарё ўзанидан 655 м юқорида. Тектоник ҳаракатлар натижасила кучли дарз кетган қуйи тош-кўмир даврига ман-суб оҳақтошларда ҳосил бўлган. Ғорнинг оғзи (эни ва бал. 1,2 м) шарқтомонга қараган. Ғор тузилиши мураккаб бўлиб, тор йўлаклар (эни ва бал. 2—4 м), хоналардан (эни 3 м, бал. 10—20 м) ташкил топган. Охирида торайиб тугайди. Умумий уз. 62 м, майд. 1708 м<sup>2</sup>. Ғорда кўршапалак ва ёввойи каптарлар яшайди.

**ДИФТОНГ** (юн. δίφτην — кўш товушли, кўш овозли) — бир бўғин ҳосил қилувчи 2 фонетик унсур (ун-ли) дан ташкил топган мураккаб унли; шу жиҳати билан *монофтонг*яанг фарқ қилади, унсурларнинг бири бевосита бўғин ҳосил қилади, иккинчиси эса унга эргашиб келади ва бўғин ҳосил қилувчи ҳисобланмайди. Пасаювчи (биринчи унли бўғин ҳосил қилади) ва кўтарилувчи (иккинчи унли бўғин ҳосил қилади) Д.лар ўзаро фарқланади. Д. кўпинча немис, англиз, испан, француз, хитой каби тилларда учрайди. Туркий тилларда, хусусан, ўзбек адабий тилида бундай унлилар йўқ, фақат ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаларида (мас, Ғаллаорол лаҳжасида) Э. унлисининг Д.лашуви кузатилади.

*Ад.: Ршкетов В.В., Шоабдурахмонов*

111., Ўзбек диалектологияси, Т. 1978; Реформатский А.А., Введение в языковедение, М., 1998.

**ДОКТУРИШИВИЛИ** Александр (1980.22.5, Тбилиси) — спортчи, юнон-рум кураши бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони (2004, Афина), «Ўзбекистон ифтихори» (2004). Д. юнон-рум курашининг 74 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (2004) ва Осиё (2004, Олмаота) чемпиони. Ўзбекистон касаб ва уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятида юнон-рум кураши бўйича спорт ўйриқчиси (2003 й.дан).

**ДОЛГАН ТИЛИ** — *туркий тилларнинг* шарқий тармоғига мансуб тиллардан бири. РФда Таймир (Долган-Ненец) мухтор округида, шунингдек, Саха Республикасида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 5 минг кишидан ортиқроқ (1990-й.лар ўргалари). Д.т. алокида ривожланиши ва *эвенк тили* тг таъсири остида қайта қурилиши жараёнида мустақил тил сифатида *сах тили* н ажралиб чиққан. Ўз навбатида норил, пясин, авам, хаганг ва попигай шеваларидан ташкил топган. Бир қанча фонетик, морфологик жиҳатлари билан бошқа туркий тиллардан, хусусан, саха тилидан фарқ қилади.

Долган мактабларига мослаштирилган алифбе 1933 й.да саха тилида нашр этилган. 1973 й.ла Д.т.даги биринчи китоб — Огдо Аксёнованинг шеърнй гўплами, 1984 й.да эса Д.т. алифбеси нашр қилинади. Баъзи олимлар (мас, Н.А.Баскаков) Д.т.ни саха тилининг бир лаҳжаси деб ҳисоблайдилар.

Ад.: Б а с к а к о в Н., Введение п изучение тюркских язшков. 2 изд., М. 1969.

**ДОНИЁРОВ** Тўлашбой Ашуралевич (19Х1.30.3, Избоскан тумани) — бокс-чи, «Ўзбекистон ифтихори» (2002). 48 кл 51 кг вазн тоифаларида Ўзбекистон чемпиони (1999-2003, 2005), Осиё чемпионати бронза меладрлари соврип-до-

ри (2002, Серембаи; 2004, Пуэр-го-Принсеса). Наманган ун-тини тугатган (2004), Наманган ш. олий спорт мактабида бокс бўйича мураббий (2000 й.лан).

**ДРАВИД ТИЛЛАРИ** - Ҳиндистон ярим ороли ва унга қўшн худудлар-лаги тиллар оиласи Асосан Ҳиндистоннинг жап. штатларида, шунинг-дск, Покистон, Жан. Афғоистон, Шарқий Эрон (брахуи тили)да, қис-ман Шри Ланка, Жап.-Шарқий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ва Тинч океанлар оролларида ва Жан. Африкада тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 210 млн. кишидан ортиқ бўлиб (ўтган аср охирлари), уларнинг 95%и атиги 4 тилда гаплашади [телугу (ски андхра) тилида 75 мдн.дан, тамил тилида 65 млн.дан ортиқ, малаялам тилида 40 млн.га яқин, каниада (ёки каннара) тилида 35 млн.дан ортиқроқ киши]. Ушбу тиллар тегишли равишда Андхра-Прадеш, Тамилнад (Мадрас), Керала, Майсур штатларининг расмий тилларидир. Д.т.нинг бошқа тил оилалари билан генетик алоқалари аниқ эмас. Инглиз олими Р. Колдуэлл тахминига кўра, бу тилларнинг *урал тиллари билан* яқин қариндошлиги бор.

Д.т.нинг генетик таспифи тўлиқ ишлаб чиқилмаган. 19-а. — 20-а. нинг 1-ярмида Р.Колдуэлл ва норвег олими С.Коновлар таснифи бўйича Д.т. 3 та: жан., марказий ва шим. гуруҳларга, хинд олими Б. Кришнамурти тасни-фига кўра 2 гуруҳга ажратилали. Рус олими М.С.Андронов эса Д.т.ни қуйидаги 7 гуруҳга ажратади: шим.-ғарбий (Ҳиндистон худудидан ташқарида тарқалган брахуи ёки брагуи тили), шим.-шарқий (гурухк. малто), марказий (коламй, паржи. найки, гадаба), гондвана (гонди, конда, пенго, манда, куп, куви), жан.-шарқий (те-лугу), жан. гарбий (тулу, корага, беллари) ва жан. (тамил, малаялам, кан-нада, тода, ката, кодагу ва б.).

Д.т. фонетик тизимида қиска ва чўзик унлидар (5 жуфт) фарқланади, турли сифатларга эга бўлган 18 ундош мавжуд;

сўз боши ва охирида одатда ун-лилар ва баъзи ундошларгина кела олади, сўз ўртасидаги ноқулай товуш қўшилмалари элизия, ассимиляция каби фонетик ходисалар, эвфоник товуш ва бўгинлар ёрдамида бартараф этилади; фонематик ургу мавжуд эмас. Морфология соҳасида суффиксал аг-глютинация устуворлик қилади; асл дравидий ўзаклар бир буғиплидир; морфемалар запжирида ўртача 3—4 тадан максимал 9—10 тагача морфема бўлиши мумкинг. Отларда сон (бирлик ва кўplik), кслишк (турли тилларда 4—5 тадан 10—11 тагача шаклга эга), жинс (баъзи гилларда 2 та, баъзиларида 3 га) категорияларига эга. Сифатлар аксар ҳолларда ўзгармас шаклли бўлиб, улардаги белги даражалари синтактик усулда ифодаланadi. Фелларда ўтимли ва ўтимсиз, бўлишли ва бўлишсиз шакллар фарқлади; замог, майд, шахс ва сон катсгориялариингг узига хос сўз ўзгартирувчи қўшимчалари бор, нисбатлар фарқланмайди. Ёрламчи еўзлар генетик жиҳатдан мустақил сўзлар билан ўзаро алоқадордир. Асосий сўз яшаш уеуллари суффиксация ва сўз қўшишдир. Д.т. синтаксиси уларга ўхшагн курилишга эга бўлган бошқа тиллар (туркий тиллар, мўгул тиллари ва б.) синтаксиси билан кўплаб умумий типологпк белгиларга эга.

Д.т.дан телугу, тамил, малаялам, капнада ва тулу тиллари *браҳмиттх* жан. шакллари асосида, брахуи тили эса араб графикаси асосида яратилган ёзувдап фойлаланади, бошқа Д.т. ўз ёзувига эга эмас.

Ад.: Зо'раф Г.А., Язмки Ипдии, пакисзапа, Цеилона и Нспала, М., 1960: Анд-роиов М.С., Драпилийские язмки, М., 1965; Андропов М.С., Сравнительная грамматика дравидийских язнков, М., 1978.

*Абдуваҳоб Мадвалиев.*

**ДРНОВШЕК** Янсз (1950.17.5, Целе) — Словения давлаг аврбоби. Любляна ун-тини тугатган. 1974 й.дан к.х. коо-

перативида ишлаган, сўнг Любляна банкининг Трбовледаги бўлими директори, 1982 й.дап Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) нинг Мисрдаги элчихонасида маслаҳатчи ёрдамчиси, 1984—89 й.ларда ЮСФР Скупшчинаси (парла-меггти) депутати, 1989—90 й.ларда ЮСФР президуми раиси, 1992 й. мар-тдан Словения Либерал-демократик иартияси (1994 й.дан Словения Либерал-демократия партияси) раиси, 1992 й. дек. — 2000 й. апр. ва 2000 й. нояб. — 2002 й. дек.да Словения Республикаси бош вазири, 2002 й. дек.дан Словения Республикаси президенти. Бостон. Ил-линойс ун-тлари, Европа фан ва санъат академиясининг фахрий д-ри.

**ДУБНИЙ** (лот. Оиьпшт), 1) Ь - Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 105. Баркарор изотоплари йўқ, масса сони 255, 257, 259—262 га тенг бўлган 6 та изотопи маълум. Энг узок манжул бўлувчи изотопи <sup>252</sup>Д>Ь (Т, , =40 сек). Оксидлагши даражаси +5. Огирлик микдориди олинмаган, уггипг хоссалари фақат якка атомларидан фойлаланиб аниқлаггган. Д. изотоплари Ат, Вк ва СТ нишонларни «^с, 'Ю, \*О ёки 'л' нинг тезкор ионлари билан нурлантириб ҳосил қилинади. Илк бор <sup>213</sup>»ПЬ изото-пини 1970 й.да америкалик физик ва кимёгар А.Гиорсо <sup>-4</sup>СГ га <sup>1</sup> ионларини таъсир эттириб олган. Кейинроқ у эпг узок мавжуд бўлувчи <sup>207</sup>Об изо-гопиии ҳам олишга муваффақ бўлгаи. <sup>210</sup>Об изотопини рус физиги ва ким-сгари Г.Н. Флёров ўз шогирдлари б-и бирга 1970 й. да олган.

## ДЎСТМУРОДОВ

Бскназар (1957.15.6, Яккабоғ тумани) — Ўзбекистон халқ хофизи (2001). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1980). *Муқимий театрикл* актср ва хонанда. Мумтоз ашула, катта ашула ва мақом йўлларини О.Ҳотамов, Ф.Мамадалиев, О.Отахонов,

А.Исмоиловлардан ўзлаштирган. Репертуаридан Шашмакром ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари («Сарахбори Наво», «Сарахбори Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ» ва б.), мумтоз ва замонавий бастакорлар ашулалари («Фироқингизда», «Гулузорим», «Сен-сиз», «Ватан ягонадир» ва б.), катта ашу-лағгар («Ёввойи Чоргоҳ», «Диёрим Ўзбекистон», «Ўзбекистон мадҳи», «Му-борак тўйта келдик» ва б.) ўрин олган. М.Дадабоева, М. Ҳасанова билан ҳамнафасликда О.Ҳотамов басталаган «Кўзинг не бало қаро бўлибдур», «Сарвқомат» каби икки овозли (дуэт) ашулаларни ижро этган. Д. кенг диапазонли, ширали ва баланд овоз соҳиби; унинг ижроси барча пардаларда раво ва текис. Д. ҳамнафаслари С.Ниёзов ва А.Иброҳимовлар билан Республика катта ашула ижрочиларининг кўрик-танлови лауреати (бош соврин, Андижон, 2001). Д. ижодига бағишланган 2 видеофильм яратилган («Ўзбектефильм» студияси, 1994. 2001). Д. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Ҳиндистон, саудия Арабистони каби мамлакатларда гастролда бўлган.

**ДЎСТМУРОДОВ** Мирзабек (1925.25. 12, Тошкент вилояти) — пейрохирург, ортопед-травматолог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988). Тиббиёт фаълари лри (1971), проф. (1971). Уруш қатнашчиси (1941-45). Душанба тиббиёт ин-тии тугат-лач (1952), шу ип-тда клиник орли-натор (1952—55), Н.Н.Вурденко номидаги нейрохирургия ин-тида асни-рант (1955 — 59). Амдижон тиббиёт ип-тида ассистент (1960-63), доцент (1964—69), кафедра мудири (1969—80). Ўзбекистон травматодогия ва ортопед-дпя и.т. институти директори (1980 — 86). Ўзбекистон миллий реабилитация маркази директори (1986—96), 1996 й.дан проф.-копсультант. Илмий ишлари кўкрак остеохондрози диагностикаси ва лавоси, шунингдек, травма-гология ва ортопедия, нейрохирургия ҳамла ногиропларни тиббии реабилитацияси масалаларига оид.

Ас: Врожденная спино-молоная грмжа, I. 14X1; Ортопедин аномалии рашития ииж-них консчиостей, Т. 2000.

Е, Ё

**ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ** — давлатлараро (халқаро) иқтисодий ташкилот. 2000 й. 10 окт.да Белоруссия, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон президентлари Остона ш.да имзолаган шартнома асосида таъсис этилган (мазкур давлатлар томонидан 1995 й.да ташкил этилган Божхона Иттифоқининг ҳуқуқий вориси). 2002 й. май ойидан Украина, Молдова, 2003 й.дан Арманистон кузатувчи мақомига эга. 2005 й. 6—7 окт.да Санкт-Петербург (Россия)да *Маркази Осиё ҳамкорлиги ташкилоти* (МОҲТ) га аъзо давлатлар бошлиқлари кенгаши мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таклифи билан давлатлараро иқтисодий ин-теграцияни янада ривожлантириш мақсадида МОҲТ Е. и.х. билан қўшилгани ҳақида қарор қабул қилинди. Е.и.х.га аъзо мамлакатлар Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон мазкур ташкилотта расман аъзо бўлди (2006 й. 25 янв.). Ҳамжамиятнинг асосий мақсадлари: давлатлараро интеграциянинг энг юқори даражасини таъминлаган ҳолда ўзаро савдо-сотикда босқичма-босқич тариф ва нотариф тўсикларни бекор қилиш йўли билан эркин савдо зоналарини; транспорт хизматлари умумий бозорини ва ягона транспорт системасини; умумий энергетика бозорини; ягона божхона иттифоқини; и.ч. омилларининг эркин ҳаракати таъминланадиган эркин бозорни ва уйғунлашган иқтисодий сиёсат амал қиладиган иқтисодий ва валюта иттифоқини баргю этиш па б. Ҳамжамият доирасида имзоланган битим ва шартномалар сап-до-иқтисодий, молия, божхона, тарифлар ва ижтимоий

соҳалардаги ҳамкорлик масалаларини тартибга солади.

Ҳамжамиятнинг олий органи — аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари кирадиган давлатлараро кенгаш ҳисобланади (бир йилда камила 3 марта — бир марта президентлар даражасила, 2 марта бош вазирлар даражасила мажлислар ўтказилади). Ҳамжамиятнинг ижроия органи — Интеграция қўмитаси-с и (унинг таркибига ҳукумат бошлиқларининг икътисодиёт масалалари бўйича ўринбосарлари кирди). Интеграция қўмитаси мажлислари оралигидаги даврда Ҳамжамиятнинг жорий ишларини Ҳамжамият ҳузуридаги доимий вакиллар комиссияси (вакилларни давлат бошлиқлари тайинлайди) бошқаради. Интеграция қўмитаси қошида доимий ишлайдиган ва 9 департаментдан иборат Секретариат бор. Уни Давлатлараро кенгаш қарори билан 3 йил муддатга тайинланадиган Бош котиб бошқаради. Бундан ташқари Ҳамжамият ҳузурида срамчи органлар тарзида 13 тармоқ кенгашлари ва 4 комиссия фаолият кўрсатади. Аъзо мамлакатларнинг парламентлари вакиллари билан иборат Ҳамжамиятнинг Парламентлараро ассамблеяси доирасида давлатларнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятлари ўртасидаги ҳамкорлик амалга оширилди (гомонларнинг миллий қонунчилигини ўзаро уйғунлаштириш ва уни ҳамжамият доирасида тузилган шартномаларга мувофиқлаштириш масалаларини кўриб чиқади).

Ҳамжамият суди (ҳар бир давлатдан 2 тадан вакил) ҳамжамият доирасида амал қиладиган шартномалар ва органлар қарорларини аъзо давлатлар томонидан бир хилда қўллашни таъминлайди. Интеграция қўмитаси секретариати Москва ва Олмаота ш.ларида, Парламентлараро ассамблея Санкт-Петербург ш.да, ҳамжамият суди Минск ш.да жолашган. Ҳамжамият 2003 й.лан БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи

мақомига эга. Европа Иттифоқи, Жаҳон савдо ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

*Фарҳод Ҳақимов.*

**ЕТИМКАЛОС ҒОРИ** - Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги ғор. Етимкалос тоғи (Бойсун тизмаси)нинг шим.-ғарбий ён бағрида, туман марказидан 25 км жан.-шарқда, 880 м баландликда жойлашган. Юра даврига мансуб гипс қатламларида ҳосил бўлган. Ғор оғзи жанубга қараган, эгги 3,5 м, бал. 1,7 м. Ички тузилиши мураккаб: бир қанча хоналар ва ҳар томонга йўналган турли катталиқдаги йўлақлардан иборат. Йўлақларнинг деярли ҳаммаси охирида торайиб тугаган. Уларнинг эгги 1—3 м дан 7—9 м гача, бал. 1 — 2 м даг 5 м гача. Саҳнида ғор девори ва шипидан кулаб тушган тош парчалари мавжуд. Ғорнинг умумий уз. 182 м, майд. 360 м<sup>2</sup>, ҳажми 700 м<sup>3</sup> дан зиёд.

**ЕФИМОВ** Афанасий Семёнович (1913.5.5, Бошқирдистоннинг Мессли қишлоғи — 1993, Самарқанд) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), проф. (1963). Бошқирдистон г.д. ИГ-тини тугатган. Унинг 1939 й.даг кейинги фаолияти Сам ДУ билан боғлиқ. СамДУ пед. кафедрасида ўқитувчи, проф. ва мудир. 1950—55 й.ларда илмий ишлар ва ўқув ишлари бўйича проректор.

**ЎҚУБЖОНОВ** Фазлиддин (1945.18. 10, Самарқанд) — дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1992). Тошкент консерваториясини хор дирижёрлиги (1971) ҳамда опера-симфоник дирижёрлиги (1976) ихтисосликлари бўйича тугатган. Самарқанд опера ва балет (ҳоз. мусикали драма) театрида дирижёр (1974—79 ва 1981), бош дирижёр (1982-2002), Киев академик опера ва балет



геатрида дирижёр-стажёр (1979—81), Навоий театрида бош дирижёр (2002 й.дан). Репертуарилан «Тоҳир ва Зухра» (Б. Бровниг, Т. Жалилов), «Фарҳол ва Ширин» (В. Успенский, Г.Мушель), «Зафар» (Ҳ. Раҳимов) каби ўзбек, шунингдек, мумтоз («Севилья сартароши», «Фауст», «Паяцлар», «Чио-чио-сан») опералар ўрин арган.

Самарқанд театрида М.Юсуповнинг «Гулсанам» балети, С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши», Р.Абдуллаевнинг «Садоқат», М.Ашрафийнинг «Шоир қалби», «Дилором», С.Бобо-евнинг «Ҳамза» ва б. операларини, Навоий театрида Г.Мушелнинг «Самарқанд афсонаси» балети, В.Моцартнинг «Театр директори» операсини сахналаштирган.

**ЁҚУБОВ** Қосимжон (1945.10.9, бекобод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). СамДУни тугатган (1972). 1963 й.дан Бекобод туманидаги 11-мактабда тарих ўқитувчиси.

### Ж, 3

**ЖАББОРОВ** Аҳмад Ҳамидович (1925.8.8, Наманган) — мусиқашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990), проф. (1994). Тошкент консерваториясини тугатган (1960). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1943—45). Мусиқа ўқув юрти (1950—54), Тошкент копсерваторияси (1959—74)да ўқитувчи, Тошкент маданият ин-тида доцент, кафедрани мудир (1974—87), Ўзбекистон копсерваториясида проф. (1994 й.дан). Айни пайтда, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси (1965-75 ва 1987-92), ЎзР Маданият ишлари вазирлигининг Санъат бош бошқармаси бошлиги (1975—85). Илмий ишлари ўзбек мусиқали театри, ўзбек бастакор ва композиторларининг ижоди масалаларига бағишланган. Ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон бастакорлари (а мусиқашунослари)» (Т., 1975; Т., 2004) тўпламлари муаллифи. Бир печани ил-

мий анжуманлар (Москва, 1971; Тунис, 1972; Олмаота, 1973; Самарқанд, 1978, 1983, 1987 ва б.) ишти-рокчиси. «Эл-юрт курмати» ордени (1999), «Жасорат» медал (1995) билан мукофотланган.

Ас: Манас Левиев, Т., 1986; Мусиқали драма на комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодида, Т. 2000.

**ЖАМАЛЛУЛАЙЛ** Туанку Саид сирожиддин бин ал-Мархум Туанку Саид Путра (1943.17.5, Малайзия, Перлис штатидаги Арау ш.) — малайзия давлат арбоби. Англиянинг Вел-лингборо ш.даги умумий таълим кол-лежини (1963), Қироллик ҳарбий ака-демиянинг Сандхёрт ш.даги зобит кадетлар курсини (1965) тугатган. 1965 й.дан Малайзия курулли кучлари сафида, сўнг Перлис футбол ассоциацияси президенти (1977—95), Туанку Саид Путра жамғармаси раиси (1986—2001), 2001 й. 7 майдан расман Перлис штати рожаси (Ўқмдори). 2001 й. 12 дек.дан Малайзиянинг Олий ҳукм-дори (подшоси).

**ЖАНУБИЙ КЕМАЧИ НЕФТЬ-ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ** - Бухоро вилоятидаги кон. Қоровулбозор т.й. станциясидан 35 км шим.-шарқда. 1979 й.да очилган, 1993 й.да фойдаланишга топширилган. Кон рельефи текисликдан иборат бўлиб, шим.-шарқдан жан.-ғарб томонга қияланган, ер юзаси эол қумлари билан қопланган. 236—274 м баландликда жойлашган.

Кон майдони Чоржўй тектоник поғонасидаги Испанличандир кўтарилмасининг шарқий қисмидир. Структураси Кемачи-Зекри брахиантиклина-линингжан. қисмида мужассамлашган, 1970 й. сейсмик разведка ишлари натижасида аниқланган. Ўлчами 25х15 км. Кейинчалик қазилган параметрик қудук ҳам саноат миқёсида нефть ва газ борлигини тасдиқлади. 1979—1983 й.ларда қазилган жами 22 қудук юра, бўр, палеоген ва тўртламчи давр жинсларини очган. Карбонат жинсли кол-

лекторқатламнинг умумий қалинлиги 336—407 м бўлиб, у горизонтларга ажратилган.

Саноат миқёсидаги нефть-газлилик юқори юра даврининг карбонат ёткизқлари билан боғлиқ. 15-Р горизонтдан (2186—2308 м чуқурликда очилган) олинган газнинг дебити 452—588 минг м<sup>3</sup>/сутка. Газ-нефть туташ юза «—2061 м» сатҳда белгиланган. Уюм массивли, ўлчами 11,5х4.1 км, бал. 130 м. Ғовак-лилик коэффициенти 0,16; газга тўйинганлик коэффициенти 0,78. Газ курук, метан миқдори 78,96—92,23%, азот кам (5,28%), карбонат кислотали (3,16), кам олтингугуртли (0,03%). Қатлам газида этан 44 г/м<sup>3</sup>, пропан 15 г/м<sup>3</sup>, изобутан 3 г/м<sup>3</sup>, бутан 4г/м<sup>3</sup> гелий 0,003%.

Нефть уюми 15-НР ва 15-Р гори-зонтилари билан боғлиқ бўлиб, 2309—2347 м чуқурликда очилган. Уюм мас-сивли, ўлчами 11,5х3,9 км, бал. 10,0 м. Сув-нефть туташ юзаси «—2071 м» сатҳда белгиланган. Ғоваклилик коэф-фициенти 0,15, нефтга тўйинганлик — 0,69. Нефть зичлиги 0,884 г/см<sup>3</sup>. Нефть бера олишлик коэффициенти — 0,18. Нефть ўртача ва оғир, олтингу-гуртли, смолали, парафинли, бензин фракцияси кам. Нефть таркибида (%да); олтингугурт — 1,98, асфальтенлар — 1,77, смола — 9,6, парафин — 5,75, бензин фракциялари — 8,56.

Конденсатлар ўртача ва оғир, зичлиги 0,774 г/см<sup>3</sup>, олтингугуртли, 300° гача 90—95% фракциялар қайнайд. Улардан 75% бензин фракцияларига тўғри келади. Бензин фракцияларнинг керосин фракцияларга нисбатан ажралиши 2,5 мартаба кўп. Конденсатлардаги метан углеводородларининг миқ-дори 44,4—54,2%. Барқарор конденсатнинг газдаги миқдори 43 г/м<sup>3</sup>.

Юра даври ёткизқларидаги қатлам сувлари хлорид-кальций типли, метаморфлашган намақоблардан иборат. Сув зичлиги 1,07—1,08 г/см<sup>3</sup>, мине-раллашганлиги 90—100 г/л. Сув таркибида саноат миқёсидаги йод (ўртача 54,0 мг/л)

ва бром (ўртача 400,0 мг/л) учрайди. Шунингдек, саноат миқёсида тўпланган литий, рубидий, стронций ва цезий элементлари мавжуд. Ж.к. кони нефть ва газ захирасига кўра ўртача йирикликдаги конлар тоифасига киради.

**ЗОКИРОВ** Лазиз Мамажонович (1976.3.9, Жиззах тумани) — боксчи, халқаро миқёсидаги спорт устаси (1997), «Ўзбекистон ифтихори» (1998). 91 кгдан зиёд вазнда Ўзбекистон чемпиони (1997, 1998), Осиё чемпионати (1997, Куала-Лумпур) ва Осиё ўйинлари (1998, Бангкок) бронза медали соврин-дори, жаҳон кубоги голиби (1998, Чонг-Гинг). Жиззах педагогика ин-тини тугатган (1996), Жиззах ш. болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий (1995-2005), лиректор (2005 й.дан).

## И, Й

**ИБРОҲИМОВ** Тўлқин Йўлчибоевич (1952.04.6, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри) — илғор транспорт ходими, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Мехнат фаолиятини 1973 й.дан Тошкент тепловоз депосида машинист ёрдамчиси сифатида бошлаган. Тошкент тепловоз депоси тепловоз машинисти ёрдамчиси (1973—75), машинисти (1977-88), 1988 й.дан «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депосида 1-класс тепловоз машинисти. И. меҳнат фаолияти давомида тепловозларнинг жорий таъмир даврини узайтириш, ёқилгини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юк ташиш топшириқларини бенуксон оши-риб бажаришда муҳим ютуқларга эришди.

**ИВОЛГА** — *хунларга* мансуб шаҳар харобаси (мил. ав. 3—1-а.лар). Улан-Удэдан 16 км жан.-ғарбда жойлашган. Дастлаб Г. П.Сосновский (1928), сўнгра В.П.Шилов ва А.В.Давидова (1949—50), Бурятия комплекс ин-ти экснедиция-

си (рахбарн А.В.Давидова, 1955—62) тадқиқ этган. Умумий майд. 7,5 га, агрофи калин тупроқ тепалар (4 та тепа) ва 3 та ханлақ билан ўраб олинган. Шаҳар харобасининг бутун худуди зич турар жой ва хўжалик бинолари б-п банд. 52 та ярим ертўла типидаги турар жой очилган, уларнинг девори хом гиштдан терилгап ва ички томондан тик қилиб ёғоч ходалар билан мустаҳкамлангап. Томи 2 томонга ни-шаб қилиб, синч ва шох-шаббалардан қурилган, усти лўмбоз билан ёпилган. Уйларнинг ички тузилиши бир хилла. Биполарнинг ўргача хопаси 4x6 м. Катта хопа (12x 14 м) ҳокимга тегишли бўлса қсрак. Уйлар оралиғида хўжалик биполари жойлашгап. Уйлар ва унинг агрофидан дон, гарик, арпа, буғдой тўлдирилган ўралар тоиилган. Дсҳқоичилик қурооларидан омоч тишлари, белкурак учлари, ўроқлар, суякдан ишлапган сўкалар ва тош ўғирлар, кўплаб ҳайвон суяқлари чикқан. Бу топилмалар И. аҳолиси дсҳқопчилик ва чорвачилик билан манпул бўлга-нилан далолат беради. И.дарё қирғо-ғида жойлашгапи учун аҳоли балиқчилик билан ҳам шуғулланган. И. хунармандчилик маркази бўлган; темир эри-тиш, темир ва жез буюмлар яшаш, и.ч. кулолчилик, чарм-тери, тўқимачилик таракқий этган. И.мил. ав. 2—1-а.ғача мавжуд бўлган, сўнгра Хунлар давлати таназзулга учраган даврда қўшни қабилалар хужуми натижасида вайрон бўлган.

И. хунларга мансуб ҳар тарафлама тўлиқ ўрганилган ягона ёдгорлик ҳисобланади.

Ад.: Дрвпяи Сибирь (Путеодитсль по [шс-тавке), Л., 1976.

**ИКРОМОВ** Алишер Каримович (1969. 9.6, Тошкент) — композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2005). Москва консерваториясини тугатган (1985). Ўзтелерадиокомпаниясининг муסיқали кўрсатувлар бош ғаҳ-ририятида муҳаррир ва бўлим мудир (1985—1989), Эстрада-симфоник оркестрида пианино-

чи-концертмейстер (1990-95), дирижёр (1995), бадиий раҳбар ва бош дирижёр (1996 й.даи). «Садо» ансамблида муסיқа раҳбари (19Х9—90). Ўзбекистон консервагорияси (2004 й.дан) ва Санъат инти (2005 й.дан)да педагог. И. академик ва эстрада йўналишларида ижод қилиб «Буюк Темур» операси, «Умар Хайсм» моио-операси, «Темурий маликалар» тсле-балети, 2 оперетта, театр спектакллари (40 дан ортиқ) ва кинофильмлар учуп муסיқалар, симфопик ва камср муסיқа асардари (жумладаи, вокал-туркумлари, фортепиано учун 24 прс-людия ва б.), шунингдек, 250 дан ортиқ эстрала қўшиқлари, эстрада аранжировкаларини яратган.

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ** (лот. пПегргеП-Кю — воситачилик) — алгоритмик тилларда ёзилган дастурларни машина тилига таржима қилиш усулдарилан бири. Бу усулда дастурнинг айрим қисмлари (мас, буйруқлар) таржима қилиниши биланоқ бажарилади ва дастурнинг бошқа қисмлари билан ҳам шу жараён такрорланади. Бу усулда дастурнинг таржима қилинадиган ва бажариладиган қисмлари кўп маро-талаб бажарилиши мумкип. Бу жараёни бажарунчи дастур и н т е р п р е -гатор дсб аталали. И. уеулида интер-претатор — дастур алгоритмининг бажарилиши (масаланинг ечилиши) давомида те жор хотирада сақланадн (И. усулиниш камчилиги), лекин алгоритмининг бажарилмайдигап буй-руқлари (мас. тармоқдапувчи буй-руқларнинг бажарилмайдиган қисмлари) таржима қилинмайди (И. усу-лининг ютуги).

**ИНТЕРФЕЙС** (инг. пИеггасе) — техник ва *программалаш* воситалари мажмуи; ҳисоблаш, бошқариш ёки ўлчаш тизимлари (мас, ЭХМ нинг опера-тив ва ташқи хотира қурилмаси)даги турли функционал қурилмаларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди. И. узатилаётган ахборотларни кодлаш ва син-хронлаила нисбатан белгиланган қоида ҳамда кели-

шувга мувофиқ тайёр модуллардан системани, қурилмаларнинг механик ва электр бирикмаларини сиг-над қўринишида (ахборотлар ва б. шаклида) тўплашга имкон беради.

**ПРИСБЕКОВ** Ортиқбой (1948.20.1, Гулисгон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). ТошДУни тугатган (1971). 1971 й.дан Сирдарё пед. институтида, 1977 й.дан Мирзаобод туманидаги II-, Гулисгон туманидаги 24-мактабда, 1996 й.дан Гулисгон туманидаги «Умидли ёшлар» ихтисослашган интернат мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

**ИСАЕВ** Жаббор (1935.5.1, Сирдарё тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). СамДУни тугатган (1957). 1957 й.дан Сирдарё туманидаги 25-мактабда гарих ўқигувчиси, 1965 — 2004 й.ларда мактаб ди-ректору.

**ИСКАНДАРОВ** Қувондиқ (1930.10.9 — Ҳазорасп тумани — 2004.20.7) — Ўзбекистон халқшофиси (1998). Ҳожихон *Болтаев* мактаби давомчиси. Ашу-лачилик сирларини дастлаб Озод Жаб-боровдан, кейинчалик устозона йўлларини Ҳожихон ва Нурмухаммад Бол-таевлардан ўрганган. Ўзбек давлат филармонияси («Хоразм». «Лазги» ан-самбллари)да яккахон хонанда (1958— 85). Тошкент мусиқа коллежи ва Ўзбекистон копсерваториясида педагог (1999 й.дан). Репертуаридан Хоразм («Феруз 1,2» савтлари б-н «Сегоҳ»), «Дугоҳ», «Оразибон», «Катта Суво-ра», «Чапандози Сувора» ва б.), Фаргона-Тошкент («Танавор I», «Гирия 1.2», «Таманно» ва б.) мумтоз йўллари, куйини ўзи басталаган асарлар («Сухбатлашайлик», «Учра-лим». «Узоқдасан», «Иккимиз», «Қай-ласан», «Индамас Сувора» ва б.), шунингдек, туркман ва озарбайжон халқ кўшиқлари ўрин олган. И. сўлим, ёқимли, барча регистрларда жарангдор ва жозибали овоз соҳиби. У ўзбек мумтоз ашу-

лачилик анъаналарига таяниб ўзига хос ижро йўлини яратган. Услуби шижоат ва жўшқинлиги билан ажралиб туради. И. *Ф.Давлетов*, М.Дадабо-ева, Р.Қурбонов, А.Дадаев, Ў.Олла-берганов, Г.Ғойбова, Ш.Матёқубов каби хонандаларга устозлик қилган. Осиё давлатларида гастролда бўлган. Ижролари грампластинка ва Ўзбекистон-гон радиоси фонотекасига ёзилган.

**ИСМОИЛОВА** Дилбар Обидовна (1938.11.8, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (2003). Зайнаб *Савриеванинг* кизи. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1961). 1958—87 й.лар Ҳамза театрида, 1987 й.дан Ўзбек давлат драма театрида ак-триса. «Холисхон» (Ҳамза) спектакли-лаги Зухра унинг сахнада яратган илк образидир. Ўз ижоди давомида лирик, драматик характердаги турли образлар яратди: Қамарабону (Б.Авазов, «Фурқат»), Камола (Р.Тагор, «Ганг дарёсининг қизи»), Гули (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), Нури (Ойбек, «Қутлуг қон»), Маргарита (А.Дюма, «Ажал минораси»), Ойимжаҳон (К.Яшин, «Бухоро»), Лутфи (С. Аҳмад, «Келинлар кўзғолони»), Анвара, Рисо-лат (Ў.Умарбеков, «Қиёмат қарз», «Шошма, кўеш»), Увайсий (Т. Тўла, «Нодирабгим»), Хонзода (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Байла (П.Қодиров, «Юлдузли тунлар»), Мастура сатанг (Ҳамза, «Паранжи сирлари»), Гонерилья (У.Шекспир, «Қирол Лир») ва б. И. дуб-ляж санъати усталаридан. У «Ганга ва Жамна», «Хур қизлар», «Анна Каренина», «Морена Клара», «Мухаббат қахваси», «Гвадалаупе» ва б. фильмларда бир неча қахрамонга овоз берган. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1998).

**ИТТИФОҚ** — Наманган вилоятидаги шаҳарча (1989 й.дан). Наманган шаҳ-рининг шим.-ғарбида. Яқин т.й. станцияси ва вилоят маркази (Наманган ш.)лан 25 км. Аҳолиси 3,5 минг киши

(2004). Наманган паррандачилик ф-каси курилиши муносабати билан 1973—76 й.ларда ишчи-хизматчилар шаҳарчаси сифатида бунёд этилган. И.да Наманган паррандачилик ф-каси асосий саноат корхонаси ҳисобланади. Шунингдек, умумий таълим мактаби, бозорча, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кутубхона, дорихона, тиббий пункт фаолият кўрсатади.

**ИҚБОЛ МИРЗО** (тахаллуси; асл номи Мирзаалиев Иқболжон) (1967.1.5, Бағдод тумани Кўштегирмон киш-лоғи) — Ўзбекистон халқ шоири (2005). Фаргона пед. ин-тининг ўзбек тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1991). «Ўзбекистон табиа-ти» (1991), «Ватан» газ.да бўлим бошлиғи (1992), масъ-ул котиб (1993—94), Ўзгелерадио-компанияда катта муҳаррир (1996), директор ўринбосари (1997), «Ассалом, Ўзбекистон!» студиясининг бош муҳар-рири (1998 й.дан). Дастлабки шеърий тўплами — «Юракнинг шакли» (1993). Кейинчалик «Кўнгил» (1993), «Сени соғинаман» (1994), «Мени эслайсанми» (2000), «Танланган шеърлар» (2002), «Кўшиқларим» (2004) каби шеърий асарлари нашр этилган. Шеърлари ўзига хос назм туйғулар, миллий бўёқдар, ўзбекона оҳанг ва фалсафа билан йўғрилган. Кўплаб шеърлари таниқди хонандалар томонилан куйланади. «Шухрат» медали билан мукофотланган (1999).

**ЙИТС,** Йетс, Ейтс (Yeats) Уильям Батдер (1865.13.6, Дублин - 1939. 28.1, Рок-брюн) — ирланд шоири, драматург. *Сим-волизм* намояндаси. 19-а. 90-й.ларидаги «Ирланд уйғониш даври» маданий хара-катининг ташаббускори. Дастлабки шеърий тўплами — «Оссиан саёҳатлари» (1889). Ушбу китобда шу номли дoston асосий ўрин эгаллайди. У ирланд халқ афсоналарига, хадкнинг поэтик ижодига асосланган. Фукароник лирикаси руҳидаги «Кельт окшомлари» (1893), «Масъулият» шеърий тўпламлари (1916),

ватанпарварлик руҳидаги «Хулиэн кизи — Кетлин» пьесаси (1902) ва япон геатри (ноо) анъаналари асосида ёзилган пьесалари бор. Нобель мукофоти лауреати (1923).

**ИОНСОН,** Юнсон Ооппюп) Эй-винд (1900.29.7 — Боден шаҳри яқинида — 1976.25.8) — швед ёзувчиси. Дастлабки новеллалар тўплами — «Тўрт ажнабий» (1924). «Хотиралар» (1928) романида Пруст иа Фрейд йўлидан борган. «Юлдузнинг кулаши» (1929) романи Швеция адабиётида биринчи бўлиб Ж.Жойснинг «фикрлар оқими» услубида ёзилган. «Памлет билан хайрлашув» (1930). «Бобинак» (1932), «Тонгдаги ёмғир» (1933) романлари бор. 1934—37 й.ларда ёзилган 4 ж.ли «Улуф ҳақида роман» асари ўсмирларга бағишланган бўлиб, Швеция адабиётининг мумтоз асари ҳисобланади. «Кри-лон» роман-трилогияси (1941—43), «Қирғоқ тўлқини» (1946) романлари ҳам й.ни машҳур қилган. «Метагюнтус-тида булутлар» (1957) романидан сўнг Швеция академиясига аъзо этиб сайланган. «Порлоқ зотнинг кунлари» (1960) ва «Қамалганлар ҳақида роман» (1973) асарларида қад. даир вах, шийларини ҳоз. замонда ўзини маданий ҳисоблайдиган кишилар б-и киёслаган. Нобель мукофоти лауреати (1974).

## К

**КАЛАМ** Апул Пакир Жайнулобиддин Абдул (1931.15.10, Рамешварам) — Ҳиндистон давлат арбоби. Мадрас технология ин-тини тугатган (1957). 1958 й.дан Ҳиндистон мудофаа вазирлигига қарашли и.т. ташкилотида катта илмий ёрдамчи, 1962 й.дан Ҳиндиетон Кос-мик тадқиқотлар қўмитасила турли ла-возимларда ишлади. 1982 й.лан Ҳиндистон мудофаа саноагининг Ҳайдарободдаги тадқиқотлар ташкилоти директори, 1998 й.дан Технологик ахборот, бапно-рат ва баҳолашлар бўйича

кншга раиси, Ҳиндистон ҳукуматининг ядро масалалари бўйича бош илмий маслаҳатчиси. 2002 й. 25 июлдан Ҳиндистон Республикаси президенти. К. космик тадқиқотлар, ядро ва ракета дастурлари бўйича олим ва мутахассис. Ҳиндистон Миллий ФА ва Аэрокосмос жамияти аъзоси. Мудофаа саноати буюртмаси бўйича бажарилган беш асосий лойиҳа муаллифи.

**КАРЗАЙ** Ҳомед (1957, Қандаҳор ш. яқинидаги Карз кишлоғи) — Афғонистон давлат арбоби. Кобулдаги «Ҳабибия» билим юрти (1976), Ҳиндистоннинг Симда ш.даги Химачал Прадеш ун-ти (1982)ни тугатган. СССРнинг Афғонистондаги кўшинларига қарши урушда иштирок этган. 1982 й.дан Афғонистонни озод этиш миллий fronti тезкор бошқармаси бошлиғи, 1985 й.дан ахборот департаменти раиси, сиёсий департамент бошлиғи ўринбосари, 1989 й.дан Пешоварда жойлашган С. Мужаддадий раҳбарлигидаги Афғонистон муваққат ҳукуматида ташқи алоқалар департаменти бош директори, 1992 й.дан Б.Раббоний бошчилигидаги муваққат ҳукуматда ташқи ишлар вазири ўринбосари. 1994 й. «Толибон» ҳаракатига қўшилган, аммо 1995 й. охирига келиб, бу ҳаракат моҳиятини англаб етгач, уни тарк этган. 1997 й. Покистоннинг Кветта ш.да Афғонистонда Лоя жирғани ўтказишга ёрдам кўрсатиш бўйича бўлинма таъсис этган. 1999 й. Лоя жирғани ташкил этиш бўйича Зоҳир Шоҳ бошчилигидаги Рим гуруҳи ижроия кўмитаси аъзоси. 2001 й. дек.да Бонн ш.да бўлиб ўтган Афғонистон муваққат ҳукуматини таъсис этишга бағишланган конференцияда муваққат ҳукумат раиси этиб сайланган. 2002 й. майдан Афғонистон Ўтиш Исломи Давлати раиси, 2004 й. окт.дан Афғонистон Исломи Республикаси президенти.

**КАРИМОВ** Абдугани Набиевич (1954.24.4, Тошкент) — наққош, Ўзбекистон халқ устаси (2005). Бень-ков

номидаги Республика рассомлик билим юртини (1973) ва Тошкент пс-дагогика ин-тини (1979) тугатган. Ўрта мактабда ўқитувчи (1979—83), «Рас-сом» комбинатида безакчи рассом (1984—92), «Усго» бирлашмасида нақ-қошлик бригадаси бошлиғи (1992—94). «Туркистон» концерт зали (1994), темурийлар тарихи давлат музёси (1996), Олий Мажлис биноси (1997), Оксарой (1999), Ҳиндистондаги Ўзбекистон элчихонаси (2000), Ўзбекистон миллий театри (2001), Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси» музейи ва б. йирик иншоотларнинг бадиий безагини ишлашда иштирок этган.

**КАРИМОВ** Тўлқинжон Солиевич (1944, Бағдод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Фарғона пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги 5-мактабда мат. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, ўқув бўлими мудири, 1973 й.дан Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 22-мактабда (1987—89 й.лар 41-мактабда) мат. ўқитувчиси. «Математикадан чораклик тестлар» рисоласи муаллифи. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1995).

**КАРМАНА** — Навоий вилояти *Кармана тумани*даги шаҳар (1979 й.дан), туман маркази. Вилоят марказидан ва яқин т.й. станцияси (Навоий ш.)дан 8 км. 1958 й.дан Навоий тумани (1958 й.гача Кармана тумани) маркази. 1968 й. 21 нояб.дан шаҳар посёлкаси. 1982 й.гача Бухоро вилояти, 1992 й.дан Навоий вилояти таркибида, 1999 й.дан Навоий ш.нинг Кармана тумани таркибида. 2003 й.дек.дан Кармана тумани маркази. Аҳолиси 20816 киши (2004).

Қ. да туман ҳокимияти биноси, пилла курти уруги 3-ди, туман корхона ва ташкилотлари, автовокзал, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. 4 умумий таълим, интернат, санъат мактаблари, 2 касб-хунара

коллежи (пед. ва қ.х.) бор. Туман марказий кутубхонаси, маданият саройи, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боги, спорт мажмуаси мавжуд. Шаҳар марказида Ачи-шер Навоийга ҳайкал ўрнатилган.

К. тсмир йўл ва автомобиль йўллари орқали Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд ва б. шаҳарлар билан боғланган (Кармана ш. тарихи тўғрисида ЎзМЭнинг 4-жилдидаги *Кармана* мақоласига қ.).

**КАРМАНА ТУМАНИ** - Навоий вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Зарафшон дарёсининг қуйи қисми соҳилида жойлашган.

1962 й.дан Навоий тумани деб юритилган. 1980 й.да Навоий туманидан Навбахор тумани ажралиб чиққан. 1988 й.да қайта қўшилган. 1992 й.дан яна алоҳида туман бўлган. 1999 й. Кармана ш. ҳудуди Навоий ш. таркибига (Кармана тумани сифати-да) киритилди. 2003 й. дек.да Навоий тумани номи К.т. деб ўзгартирилди ва Кармана ш. туман маркази сифатида белгиланди.

Туман шим.дан Навбахор, Кони-мех, ғарбдан Қизилтепа туманлари, шарқ ва жан.дан Самарқанд вилояти билан чегарадош. К.т. ҳудуди Навоий ш. атрофини ҳамма томондан ўраб олган. Туманда 1 шаҳар (Кармана), 1 шаҳарча (Маликработ), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дўрмон, Жалойир, Нарпай, Уйрат, Янгиарик, Ҳазора) бор. Майл. 0.95 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 94473 киши (2005). Маркази — *Кармана* ш. (2003 й. дек.дан).

Табиати. К.т. ҳудуди Зарафшон дарёси воҳасининг ўрта қисмида, вилоятнинг жан.-шарқида жойлашган. Туман ер юзаси, асосан, пасттексикдан иборат. Зарафшон дарёси водийсига яқин ерларда қад. қуруқдарё ўзанлари ва адирлар орасидаги қатламлар да чучук сув захиралари бор. Туман сейсмик зонада жойлашган. Ер юзаси Зарафшон дарёси ва ғарбга томон қия. Иқлими кескин континентал. Ёзи ҚУРУҚ- иссиқ, киши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 15°. Январда ўртача т-ра 0,4°, июлда 28,9°. Йиллик ёғин 100—200 мм.

Вегетация даври 212 кун. Тумандаги суғориладиган ерлар, асосан, Зарафшон дарёси ва қисман Аму — Бухоро машина каналининг Навоий канали шохобчасидан суғорилади. Касаба, хоним, Нарпай каналлари сувидан ҳам фойдаланилади. Кармана гидроузели қурилган (1973). Тупроклари, асосан, маданиялашган, ўтлоқи, сурқўнғир. шўртоб, тупроқлар ўзлаштирилган зонада автоморф ва ярим гидроморф тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан жийда, тол, оқ ва қора саксо-вул, янтоқ, юлғун, шувоқ, исирик, жузгун, черкез, куёнсуяқ, сегин, илок, қамиш, шўра, етмақ, жингил ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чия-бўри, юмронқозик, кўшоёқ, ўргимчаклар, тошбақа, типратикан, калтакесак, турли хил илонлар; қушлардан хўжасавдоғар, ўрдақ, лойхў-рак, майна, қарға, ҳаққа, мусича, чумчуқ ва б. бор. Яйловларида қорақўл қўйлари боқилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 100 киши. Шаҳар аҳолиси 28216 киши, қишлоқ аҳолиси 66257 киши.

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Чорвачилик (шужумладан, қорақўлчилик), пил-лачилик, сабзавотчилик, полизчилик билан ҳам шугуланилади. «Ипак қурти уруги», «Навоийпилла» корхоналари, пахта тозалаш з-ди, «Сардобапар-ранда» ф-қаси, «Агроуниверсал» корхонаси бор. «Навоий — Урал» Ўзбекистон — Россия, «Грантекстиль» Америка — Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхоналари ишлаб гу-рибди. 1,6 мингдан зиёд ўрга ва кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатади.

Қ.х.да суғориладиган ерлар 22 минг га, экинзорлар 17657 га, шу жумлалан, 7770 га ерга пахта, 7585 га ерга дон, 563 га ерга сабзавот, 19 га ерга полиз экинлари, 180 га ерга картош-ка, 1440 га ерга ем-хашак экинлари экилади (2004). Токзор, тутзор, боғлар, яйловлар, ўрмон хўжалиги мавжуд. Туман жамоа ва шах-

сий хўжаликларида 31283 қорамол (шундан, 15207 сигир), 54346 қўй ва эчки, 338065 парранда, 292 йилқи боқилади. Шир-кат, фермер хўжаликлари, агрофирма, фермер хўжаликлари уюшмалари фаолият кўрсатади.

Асосий транспорт воситаси — автомобиль транспорти. Навоий — Учқудуқ т.й. туман ҳудудини кесиб ўтади. К.т.да Навоий ш. аэропорти жойлашган. Туманда 28 умумий таълим мактаби (21953 ўқувчи), интернат мактаби, саёят мактаби, 3 касб-хунар коллежи (3410 ўқувчи), 1 марказий, 28 жамоат, 1 болалар кутубхоналари, маданият саройи, 8 клуб муассасаси, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи бор. Спорт мажмуаси, стадион, теннис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 19 амбулатория — поли-клиника, 20 дорихона ва б. тиббий муассасаларда 133 врач, 603 ўрта тиббий ходим ишлайди. Меъморий ёдгорликлардан *Мир Саид Баҳром мақбараси* (11-а.), *Қосим Шайх хонақоси* (16-а.), работи Малик карвонсарой ва сардобаси (11-а.) сақланган. «Кармана овози» туман газ. чиқарилади (адади 1000).

*Ихтиёр Аллаёров.*

**КАЧИНЬСКИЙ** Лех (1949.18.6, Варшава) — Польша давлат арбоби. Юридик фанлари д-ри. Варшава ун-тини тугатган (1971). Гданьск ун-ти илмий ходими (1971—90), «Меҳнаткашларни химоя қилиш қўмитаси» яширин ташкилот фаоли (1977—80). Гданьск кема-созлик з-ди иш ташлаш қўмитасида маслаҳатчи (1980—81), «Бирдамлик» касаба иттифоқи ҳаракати фаоли (1982—90), унинг ҳузуридаги «Фуқаролик қўмитаси» аъзоси (1988—89), Польша парламенти юқори палатаси — сенат аъзоси (1989—91), «Бирдамлик» касаба иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари (1990—91), Польша парламенти қуйи палатаси — сейм депутати (1991—95), Польша Республикаси президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик бюроси

директори (1991), Польша олий лазорат палатаси директори (1992—95), «Марказий келишув» партияси раиси (1995—2000), Польша адлия вазири — бош прокурори (2000—2001), «Хуқуқ ва адолат» партиясининг фахрий раиси (2001 й.дан), Варшава ш. мэри (2002—2005). 2005 й. 23 окт.да Польша Республикаси президенти этиб сайланган. 2005 й. 23 дек. дан расман Польша Республикаси президенти.

**КЕЛЕР** Хорст (1943.22.2, Польшанинг Скирбигнов ш.) — Германия давлат арбоби. Тюбинген ун-тида иқтисодий фанларни ўрганган. 1969 й.дан Амалий иқтисодий тадқиқотлар ин-тида илмий ассистент, 1976 й.дан ГФР иқтисодиёт ва молия федерал вазирилигида ишлаган. Христиан-демократик иттифоқ аъзоси (1981 й.дан). 1981 й.дан Шлезвиг-Гольштайн федерал ери бош вазири ёрдамчиси, 1982 й.дан федерал молия вазирилигида турли лавозимларда, 1990 й.дан федерал молия вазирилигининг статс-котиби, 1993 й.дан Германия жамғарма касса ва банклари президенти, 1998 й.дан Европа рекон-струкция ва тараққиёт банки президенти, 2000 й.дан Халқаро валюта фон-дининг бошқарувчи-директори. 2004 й. 23 майдан Германия Федератив Республикаси президенти.

**КИКБОКСИНГ** (инг. кИ< - тепмоқ, Бостц — бокс) — спорт тури. икки спортчининг зарурий химоя воситаларини гаккан (кийган) ҳолла белгиланган қоидалар асосила *бокс* рингила ёки ўлчами бхб м майдон (тата-ми)да голиблик учун кураши. К. мусобақалари зарба бершп билан фаркнадиган 9 йўналшида ўтказилади. Рингда ўтадиган мусобақаларда эркаклар 53,5', 56,5, 60,'64,5 67, 70, 72,5, 76, 82, 88,5 кг дан зиёд, аёллар 53.5, 58, 64,5 кг ва 64.5 кг дан зиёд, гатамида ўтадиган мусобақаларда эркаклар 60, 65, 70, 75, 80, 85 кг ва 85 кг лан зиёд, аёллар 50, 55, 60, 65, 70 кг ва 70 кг лан зиёд вазн тои-фаларида куч



синашадилар. Мусобақа 2 мин.дан 3 бўлим (раунд) давом этади (танаффус 1 мин. дан). Рақибга берилган зарбалар I, 2 ва 3 очко билан баҳоланади. К.да ҳам ҳакамлар томо-*нодап нокдаун ви нокаут* қайд қилинади. Голиб тўплаган очколарига қараб аниқланади. Ҳисоб тенгчилиги ҳолатида оёқ б-п кўпроқ зарба берган голиб еа-налади. Агар бу зарбаларнинг сони ҳам тенг бўлса, унда оёқ билан мураккаб зарба берган спортчи голиб хисобланади.

Замонавий К. машқлари қадимдан ҳарбий машғулотларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Қад. олимпиада ўйинларида ҳам К.га ўхшаш мусобақалар (мил. ав. 688 й.дан қўл жанги, мил. ав. 648 й.дан панкратион) бўлган. Европанинг айрим мамлакатларида, хусусан Буюк Британияда 18-а.нинг 2-ярмига келиб яккакураш мусобақалари қоидаларига ўзгартириш киритилиб («Куинсберн қоидалари», 1872), оёқ билан бериладиган зарбалар бутунлай тақиқланган. 20-а.нинг 50-й.ларида Шарқ яккакурашларининг Европа ва Америкада оммалашishi К.ни спорт тури сифатида шакллантирди. 1974 й.да Европа ва АҚШ Шарқ яккакураши усталари ўртасида илк К. мусобақаси ташкил этилди ва ўша йили Лос-Ан-желесда эркаклар ўртасида 1-жаҳон чемпионати ўтказилди (аёллар ўртасида 1985 й.дан).

1977 й.да жаҳон К. ташкилотлари ас-социацияси (УАКО) тузилди, шу ас-социация заминида 2004 й.да Жаҳон К. федерацияси (ЎКФ) ташкил топди, унга 50 дан зиёд давлат (Ўзбекистон 2004 й.дан) аъзо (2005). К.нинг ривожланишига *Брюс Ли*, Чак Нор-рис, Билл Уоллес, Доменик Валера, Дон Вилсон, Бенни Уркидес каби кино ва спорт юлдузлари катта ҳисса қўшишди. К. АҚШ, Голландия, Россия, Украина, Хорватия, Эрон, Ўзбекистон каби давлатларда кенг ривожланган.

Ўзбекистонда К. 20-а.нинг 90-й.ларидан оммалашди. 1994 й.да Тошкентда илк К. клуби очилди. 1998 й.да Ўзбекистон

К. федерацияси тузилди. 1991 й.дан эр-каклар (2003 й.дан аёллар) ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилипти. Шокир Зокиров, Ботир Зоки-ров, Сардор Тошхўжаев, Адҳам Ҳаки-мов, Равшан Гафуров, Даврон Коди-ров каби мураббийлар қўл остида шу-ғулланган Олмос Юсупов, Алишер Абдуллаев, Дилноза Арзиматова, Сун-нат Илёсов, Темур Муҳаммаджонов, Мамат Тўхтамишов, Шавкат Ўроков жаҳон чемпиони бўлишди, кўп спорт-чилар жа'он ва Осиё чемпионатларида совринли ўринларни эгаллашди. Фулом Сайдирахметов, Азиз Тўхтамишов, Худоёр Эрназаров каби ҳакамлар халқаро мусобақаларни бошқари-шяпти. Ҳоз. кунда мамлакатда 100 дан зиёд мураббийга К. машғулотларини олиб бориш учун лицензия берилган.

136 та К. клуби рўйхатга олинган, уларда 30 мингдан зиёд киши (1000 га яқини аёл) шуғулланади (2005).

*Асрор Мўминов.*

**КИМЁГАРЛАР** — Самарқанд вилоятидаги шаҳарча (1952 й.дан). Самарқанд шаҳар ҳокимиятига бўйсунди. Т.й. станцияси (Суперфосфат). Самарқанд ш.гача 12 км. Аҳолиси 15 минг кишидан зиёд (2005). К.да кимё, керамзит, асфальт з-длари, саноат бурғилаш корхонаси, тамаки ферментациялаш ҳамда сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган «Самарқанд—Алекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси мавжуд. Шунингдек, гемир-бетон конструкци-ялари и.ч. корхонаси, газ таъминоти автокорхонаси, автомобиль таъмирлаш устахоналари фаолият кўрсатади. Сав-до, маданий ва маиший хизмат кўрса-тиш шохобчалари, бозор бор. 2 умумий таълим, интернат мактаби, болалар мусиқа мактаби, Боғишамол касб-хунар мактаби, республика қарбий лицейи мавжуд. Кутубхона, «Кимёгарлар саройи», маданият уйи, стадион, спорт зали бор. Касалхона-поликлини-калардан ташкил топган шаҳар тиббиёт бир-

лашмаси, вилоят руҳий касалликлар маркази аҳолига хизмат кўрсатади.

**КИНГСТАУН** - шаҳар, Сент-Винсент ва Гренадина пойтахти. Сент-Винсент вулкан о.нинг жан.-шарқида, денгиз бўйида жойлашган. Аҳолиси 19,2 минг киши (2001). Мамлакатнинг асосий денгиз порти. Аэропортбор. К. порти орқали четга банан, аррорут (крахмал уни), шакар хом ашёси, копра ва б. товарлар чиқарилади. Озиқ-овқат, совун ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. Туристлар кўп боради.

**КЛАУС** Вацлав (1941.19.4, Прага ш.) — Чехия давлат арбоби. Прагадаги Иқтисодиёт ин-тини тугатган (1963). Италиянинг Неаполь ш.даги Иқтисодиёт ун-ти (1963—66), АҚШнинг Корнелл ун-ти (1966—69)да ўқиган. 1969 й.дан Чехословакия ФА Иқтисодиёт ин-ти ходими, 1971 й.дан Чехословакия давлат банкида турли лавозимларда, 1986 й.дан Чехословакия ФАнинг Башорат қилиш ин-ти бошқаруви аъзоси, 1989 й.дан Чехословакия федерал молия вазири, 1991 й.дан Чехословакия федерал ҳукумати бош вазири ўринбосари, 1992 й.дан Чехия Республикаси бош вазири, 2003 й. фев.дан Чехия Республикаси президенти.

**КЛИП** (франц. — думалоқ, ролик) — *техноген санъатнинг* бадий (аудио-ви-зуал) шаклларида бири. Унда кино ва мусиканинг ифода воситалари, пгунингдек, ахборот технологиялари мужассам бўлади. К. 20-а.нинг 80-й.лари (Ўзбекистонда 90-й.лар)да ривож топиб, ҳозирда ўз таъсирчанлиги, оммавийлиги туфайли жаҳон томоша индустриясида муҳим ўрин тутади. К.нинг асосий 3 тури мавжуд: мусикали, ижтимоий мавзудаги ва реклама К.лари. Мусикали К.да тасвирий қатлам, образлар тизими, сюжет ривож ва монтаж, ритм каби унсурлар воситасида маълум мусика асари бадий талкин этилади. Дастлаб мусикали

К.ларда тасвирий қатлам қўшиққа нисбатан иллюстрация вази-фасини ўтаган, кўп ҳолларда хонанданинг ўзи К. қаҳрамони сифатида гавдаланган («Шаҳзод», «Байрам» гуруҳларининг К.лари ваб.). Кейинчалик К.ларда машқур («Ўтган кунлар» каби) кинофильмлардан иқтибос олиш (мас, «Нола» ва б. гуруҳлар К.лари), компь-ютер графикаси, виртуал анимациянинг махсус эффектларидан фойдаланиш кенг қўлланган. К.ларни яратиш соҳасида Б.Йўлдошев, У.Ҳамроев, Ф.Дав-лстшин, С.Абдуллаев, Ж.Файзиев, Р.Сағдиев ва б. реж. ҳамда клипмейкер танилган; «2агмп 8Т8», «А1ех», «Бай-рам», «Бешёғоч» каби махсус студия ва продюсер марказлари фаолият кўрсатмоқда. К. маланиятини оммавийла-шуви телевидениеда уларни тарқатувчи махсус каналларни вужудга келтирди («МТУ». «МузТВ». «Мимк Бох», Тошкентда «ТВ Марказ» ва 30-каналлар ва б.).

*Низора Каримова.*

**КРУШЕВСКИЙ** Сергей Александрович (1976.19.5, Тошкент) — велопойгачи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002), «Ўзбекистон ис(ти)хори» (2003). Ўзбекистон (2002—2003) ва Осиё ўйинлари (2002, Пусан) чемпиони. бир қанча халқаро мусобақалар ғолиби. Тошкентдаги Республика олимпия захиралари билим юртини тугатган (1995), Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси (1995 й.дан).

**КУРСОР** (лот. сигеог — югураман) — *дисплей* экранда позицияни (иш нуктасини) кўрсатувчи кўчиб юрадиган ёруғ белги (чизикча, тўғри тўртбурчак, стрелка); шу белги орқали кейинги операция бажарилади ёки эрканда навбатдаги белги (символ) нинг чиқиш жойини кўрсатади.

**КЎКЭЛ ҚАБРИСТОНИ** - *хунларга* оид археологик ёдгорлик (мил. ав. 1-мил. 2-а.лар). Тува Республикаси (РФ)даги

Хемчик дарёси ҳавзасида, Ишкин-Арази тоғи ён бағрида жойлашган. Л.П.Потапов (1959—66) тадқиқ этган. 500 га яқин қабр текширилган. Дафн иншоотлари турлича қургон-қабристонлар шаюлида бўлган. Мозорқургоннинг тагида баъзан 100 дан зиёд қабр жойлашган, шунингдек тошдан бунёд этилган қургонлар, оддий қабрлар ва б. топилган. Дафн маросимларида ҳам ўзгаришлар юз берган: ўтмиш даврига хос бўлган ёғоч деворли қабрлар ўрнига эндиликда ёғоч тобултар пайдо бўлган, майитлар букчайтириб эмас, чалқан-ча, боши, асосан. шим.-ғарбга қилиб ётқизилган. Дафи маросимларининг гурличалиги аҳолининг этник таркиби мураккаб бўлганини кўрсатади. Бунга қабрлардан топилган одам шаклидаги ёғоч ай-қалчалар -- санамлар мисол бўлади. Булар турли жисмоний қиёфага — ҳам европеоид, ҳам монголоид, баъзан аралаш ирққа маи-суб бўлишга. К.қ.дан жуда кўп қурол-аслаҳа, манший ва безак буюмлари ҳам тоғилган.

**КЎП ТИЛЛИЛИК**, полилингвизм (юн. ποπ — кўп ва лот. Ппёпа — ил) — муайян ижтимоий бирлик (энг аввало давлат) доирасида бир неча тилнинг қўлланиши; яқна шахс (кигпилар гуруи) нинг бир пайтнинг ўзида бир неча тилдан фойдаланиши. Бунда фойдаланилаётган тилларнинг ҳар бири аниқ коммуникатив вазиятга қараб танлаб олинади. Ҳар иккала ҳолат бир-бирига боғлиқ бўлади (алоқа-ара-шув эҳтиёжлари кўп тилли уюшма вакилларипинг муайян қисмида К.т.ни келтириб чиқаради), лекин ударнинг ўзаро боғлиқлиги қатъий эмас: жамиятда бир тиллиликнинг устуңлиги унинг маълум вакиллари кўп тилли бўлишини инкор этмайди ва, аксин-ча, давлатнинг К.т.ги муайян тил жамоалари доирасида бир тилда сўзла-шувчи кўпчилик аҳоли билан мувофиқлаштирилиши мумкин (мас, Швей-царияда). Шу сабабли «индивидуал» К.т. билан «миллий» К.т.ни фарқлаш зарур бўлади. Янада катта микёсларда К.т. кўп миллатли давлатлар

(Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Нигерия ва б.) учун хос хусусиятдир.

К.т. шароитида ўзаро алоқа қилиш шакллари (тиллар, лаҳжалар, шевалар, ижтимоий ва профессионал жаргонлар каби) функционал жиҳатдан иерархия (поғона)ни ташкил этади, мас: 1) гуруҳлараро алоқанинг чегараланган воситалари («хонаки» тиллар); 2) турмушдаги гуруҳтараро алоқа-аралашувнинг муайян жойга хос воситалари (Осиё ва Африкадаги кўп қабилали қишлоқ жамоаларидаги «бозор» тили); 3) маъмурий (ёки миллий) вилоят тили; 4) кўп миллатли минтақа тили; 5) умумдавлат тили («давлатдаг устун» ёки халқаро тил бўлиши ҳам мумкин). Агар дастлабки икки босқич тиллари асосан но-расмий оғзаки алоқа учун хизмат қилса, кейинги босқичдагилари учун, мазкур вази-фалардан ташқари, яна оммавий ва расмий (кўпинча ёзма) алоқа хизматлари ҳам қўшилиб, улар таълим, ахборот воситалари, адабиёт, маданият, фап тилларига айланали.

К.т. аксар ҳолларда *икки тиллилик* (би-лингвизм) шаклида амалга ошади. Уч еки упдан ортиктилни оммавий равишда эгаллаш (билиш) нисбатан кам уч-райли. К.т. (билингвизм) учуп амалда қўлланивчи тилларнинг функционал мақоми ва уларнинг (генетик ёки типо-логик) яқинлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. К.т. негизида тилларнинг ўзаро таъсирлашуви ва яқинлашуви рўй бс-ради, тиллар иттифоқи ҳосил бўлади.

А/): Нопос и дшчностикс. иш. б. Язмокюю контакти, М.. 1972: 111 ие й иар А.Д.Сои-рсмeнная социологиистика. Теория, проблс-мм, методм. М., 1976.

*Ўроқ, Лифусов.*

**КҲАРОШТҲИ** — қад. ҳинд ёзувларидан бири (мил. ав. 5-а. — мил. 5-а.); бактрия, ҳинд-бактрия, игим.-ғарбий ҳинд, кобул ёзуви деб ҳам номланади. К.да битилган энг қад. ёдгорлик — қояга ўйиб сзилган Ашока фармойиши мил. ав. 251-й.га мансуб бўлиб, 1836 й.да

Шахбозгарҳи (Покистон)дан тонилан. кейипги даврларга мансуб ёдгорликлар, қўлезмалар Ҳиндистоннинг шим.-гарби, Покистон шим.идан ва уларга қўшни худудлар (Афғонистон, Синьцзян, Ўрта Осиё)дан топилган. К. — бўғинли (силлабик) ёзув, асосий белгилари ундогоиларни ифодалайди, улардан кейинг келадиган унлилар («а» дан ташқари) эса асосий белгиларнинг ости ёки устига қўйиладиган қўшимча белгилар б-гг ифодаланади. К. ўнгдан чапга қараб, кейинги давр ёдгорликларида эса чапдан ўнгга қараб ўқилган. К. *оромий ёзув*-емдан келиб чиққан ва унга қал. хггнд ёзуви брахми кагга таъсир кўрсатган.

## Л

### ЛАЙЛАКҚҮНДИ МАСЖИДИ,

Охунгузар 1 масжиди — Тошкент ш.нинг Эски шаҳар мавзеи (Зар-қайнар қўча боши)даги меъморий ёдгорлик. Қўкон хонп Норбўтабий ((гармонига кўра 1775 й.да гошкентлик усталартомонилап курилган. Бозорга яқин бўлганлиги учун фақат масжид эмас. карвонсарой сифатида ҳам хизмаг қилган. Масжид пойдевори Мирзо Улуғ-бек давридаги курилиш услубида пи-шиқ гиштдан 1,5—1,75 м қалпниқда тиклапгап. Денорларининг қалиплиги 1.0 м нн, ташқи леворлар бал. 5,Х м ни ташкил қилади. Таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида ўтказилгап қачишлар натижасила 17 —19-аларга оид сопол буюмлар — нақшлар билан безалган коса, лаган парчалари, уз. 36,5 см, нчки диаметри ўлчамлари 12,5 ва 15 см бўлган сув ўтказиш куври топилди.

Шўролар даврида Л.м.даи жамғарма касса ва омборхона сифатида фойдала пилган. Олд томопипи тўсиб туриш мақ садида хўжалик моллари дўкони курилган. 2005 й.нинг июнь-сент. ойларида масжид биноси қайта тикланди. Таъмирлаш ишларига Самарқанд ва Тошкентнинг машхур усталари жалб қилинди. Масжид биноси ёнига Х устун-

ли ўймакор ёгоч айвон курилди. Атроқли ободонлашгирилди. Масжидбиноси янги курилган *Ўзбек либослари галереяси* ва *Болсьюр ижодиёти уйи* бинолари билан уйгунла-гггиб, Эски жўвага ўзгача хусн бсрди.

«**ЛЕ ГРАНД ПЛАЗА**» (франц. — «Катта Плаза») — 4 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.да жойлашган. «Баҳри инвестинго» ком-панияси томонидан замонавий меъ-морий услубда (темир-бетон синчли) курилган (1995, бош меъмори Р.Тўхтаганов). Меҳмонхона «Тага прожекте лимитед» (1995 й.дан), «Ле Меридиан» (1996 й.дан), 2001 й.дан «Буми Тошкент» деб аталган. 2005 й.дан ҳоз. ном-да. Меҳмонхона ташқи кўриниши поғонасимон пирамида шаклида; 14 каватли, 190 хонаси бор. Шундан 13 гаси 1 хонали люкс, 5 таси 2 хонали люкс, 3 таси 3 хонали люкс, 1 та пре-зидент апартаментли хоналари мавжуд. Бош вестибюли ва каватларида дам оладиган жой (холл)лар, 2 та ресторан, 1 та банкет зали (400 ўринли), ва 2 та конференция зали (400 ўринли), Биз-нес маркази, соғломлаштириш маж-муаси, маъмурлар хоналари, дўкон ва офислар, кечки клуб, қахвахона мавжуд.

**ЛЕВИНА** Татьяна Борисовна (1965.4.9, Андижон) — байдаркачи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1985), «Ўзбекистон ифтихори» (2003). Байдарканинг яккалик, жуфтлик ва тўртталиқ мусобақаларида Ўзбекистон чем-пиони (1981, 1983-1986, 1992, 1993, 1995—1999), спартакиада чемпиони (1983, 1986, Москва), Осиё чемпиони (1997, Сокчхо), Осиё ўйинлари кумуш (1994, Хиросима) ва бронза (1998, Бангкок) медаллари совриндори, жаҳон кубоги ғолиби (2003, Загреб). Л. Андижон педагогика ин-тини тугатган (1989), «Буревестник» спорт жамияти йўриқчиси (1983—1988), Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятида мураббий-ўқитувчи (1988—1993),

Марказий ҳарбий спорт клубида ҳарбий хизматчи (1993—2004).

**ЛИОНГ** Чан Дик (1937.5.5, Вьетнам, Куанг Нгай провинцияси) — Вьетнам Социалистик Республикаси (ВСР) давлат арбоби. Ханой геол. кидирув ин-тини (1969), СССР халқ хўжалиги академиясини (1981) тугатган. 1955 й.дан геол. кидирув партияларида техник, Вьетнам геологлари касаба уюшмаси ижроия кўмитаси аъзоси, Вьет-нам геологлари касаба уюшмаси раиси ўринбосари, 1970 й.дан Геол. хариталари бошқармасида бошлиқ ўринбосари ва партия кўмитаси доимий аъзоси, 1976 й.дан Нгуен Ай Куок номидаги Олий партия мактаби тинг-ловчиси, 1977 й.дан Геол. хариталари бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, 1979 й.дан Геол. бош бошқармаси бош директори, партия кўми-таси котиби, 1987 й.дан Вьетнам Вазирлар кенгаши раиси ўринбосари, Миллий мажлис депутати, ВСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили, 1992 й.дан ВСР бош вазири ўринбосари, 1996 й. Вьет-нам КП МК Сиёсий бюроси аъзоси. 1997 й. 24 сент.дан ВСР президенти. Вьетнам КП 5 —9-съездларида МК аъзоси.

**ЛИРО-ЭПИК ЖАНРЛАР** - воқелик ни бадиий мужассамлаштиришда ҳам лирик, ҳам эпик тасвир воситалари фойдаланилган шеърий асарлар. Бу жумладаги асарларга хос асосий хусусият сюжетлиликл билан лирик ҳис-туйғу ва кечинмаларнинг ўзаро уй-ғунлашишидир. Лиро-эпик шеъриятнинг шеърий роман, дoston, лирик қисса, баллада, шеърий эртак, қасида, масал сингари жанрларида яратилган асарлар, насрий асарлар сингари, сюжет оқимига эга бўлса-да, улардан лирик ҳис-туйғу ва кечинмалар тасвирига катта ўрин ажра-тилганлиги билан фарқланади. Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар» ёки Ойбекнинг «Кутлуг қон» ро-манларида ҳам қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари ва табиат манзарала-

ри тасвирига алоҳида эътибор берилган. Ҳатто «Кут-луг қон»даги иккинчи даражали қаҳрамонлардан бири Ёрматнинг Салим-бойваччани ўлдиргандан кейинги ички монолоғида унинг ўша кезлардаги ўта дардчил ва изтиробли кечин-малари' ёзувчи томонидан катта маҳорат билан тасвир этилган. Аммо Ёрматнинг ярали кўнглидан отилиб чиккан бу сўзлар ёзувчининг лирик кечинмалари эмас, балки Ёрматнинг ўз фарё-дию тавба-тазаррусидир. «Ўтган кунлар» ва «Кутлуг қон» романларидаги табиат тасвирида эса, муаллифларнинг табиат манзараларидан олган таассуротлари, яъни ҳис-туйғулари ўз ифо-дасини топган. Аммо насрий тилда ифодаланган бу манзаралар тасвири ҳам (худди Ермат монолоғидек) шеърийат ҳодисаси эмас.

Л.-э.ж.да кечинма ва ҳис-ҳаяжом тасвири воқеа ва ҳодисалар тасвири билан омухта ҳолда келади. Л.-э.ж.нинг пайдо бўлиш тарихи халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Ўзбск халқ дostonларининг авлоддап авлодга ўтиб. бизга қадар етиб келган намуналарида насрий матнлар билан шеърий матнлар ўзаро уйгун ҳолда келган. Бахшилар сю-жег тасвирида асосан пасрий гилдан фойдаланган бўлсалар. қаҳрамонларнинг гурли хатти-ҳаракатларига муносабат (мамнунлик, киноя, изтироб каби) билдиришда шеърий нутққа мурожаат этганлар. Бундай ҳолат ўзбек ёзма адабистининг илк намуналаридан бири — «К<sup>и</sup>аси Рабғузий» ла ҳам кўзга ташлапади, бу ҳам фольклор таъсири сифатида изоҳланади. Кейини-чалик адабий тур ва жанрларнинг син-кретик ҳолатдан ажралиб чиқиши пағижасида Л.-э.ж. пайдо бўлган.

20-а.нинг 60-й.ларида ўзбск адабиётида яғи ижодий юксалиш палласи бошланиши билан ўзбек адабиётига шсч.рий роман, шеърий қисса сипгари яғни жанрлар кириб келди; дoston жанрининг лирик лoston, драматик дoston, портрет-дoston сингари яғни кўринишлари кашс|1 этилди; баллада жанрининг табиатида эса халқ оғзаки ижодига хос хусу-

сиятлар устуворлик қила бошлади. Ўзбек шеъриятидаги мазкур янгиланиш жараёни Л.-э.ж. табиатида ҳам ўз аксини топди. Айниқса, лирик дostonнинг шу давр адабис-тида катта мавқе касб этиши Л.-э.ж.нинг янги тараққиёт босқичига эришганидан дарак берди. Ўзбек шеъриятидаги худди шу жараснит гаъсири сифатида насрда ҳам лирик қиссалар майдонга кела бошлади.

*Наим Каримов.*

**ЛОЖУВАРД ЙЎЛИ** - Ўрта Осиёнинг Қад. Шарқ мамлакатлари билан сиёсий, иктисодий ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутган қад. транзит алоқасавдо йўли. Турли рамзий номлар (Олтин йўли, Ипак йўли, кумуш йўли, Нефрит йўли ва б.) билан аталувчи алоқасавдо йўллари ичида даврий жиҳатдан энг қад. си ҳисобланади. *Буюк ипак йўли* шаклланишидан 3 минг йилча олдинроқ мавжуд бўлган.

Тарихий-геологик тадқиқотларнинг далолат беришича, *ложуварднинг* қад. Шарқ дунёсидаги энг машхур конлари Помир тоғларида, Тоғли Бадахшонда жойлашган. Ўрта Осиёнинг *эне-олит* ва *жез даврилг* мансуб маконларидан — Жан. Туркменистондаги Ол-тиндепа, Зарафшоп дарсининг юқори ва куйи оқимларидаги Саразм ва замонбобо маконларидан ложуварддан ясалган турли буюмларнинг топилиши Л.й. нинг мақаллий йўналишлари ҳақида далолат беради.

## М

**МАЖУРО** — Маршалл Ороллари Республикасининг пойтахти. Ороллари гу-руҳининг жап.-шаркидаги шу номли оролда жойлашган. Ахрлиси 23,7 минг киши (1999). М. порти орқали четга кос мойи, копра. балиқ маҳсулотлари, хунармандчилик буюмлари ҳамда фосфат чиқарилади.

**МАНСАБ** — дарёларнинг бошқа дарё, кўл (сув омбори), ленгизга куйилиш жойи. М.нинг оддий (ўзаннинг тармоқларга ажралмаган), дельта, эстуарий, лиманли, тоғ дарёлари учун хос осма турлари фарқ қилинади. Агар даре суви денгиз, кўл ёки бошқа дарёгача етиб бормаса, у холда бсрк М. дейилади. Катта дареларнинг М. рельефи учун мансаболди марзалари хос. М. гидрологик режимида оқим тезлиги мураккаб ўзгарувчан бўлиб, сув қалқишига, тўлин-сув даврида сув сарфининг кўпайиши ва б.га боғлиқ (яна қ. *Манба*).

**«МАРКАЗИЙ МЕҲМОНХОНА»** - Ўзбекистондаги 5 юлдузли меҳмонхоналардан бири; Тошкент ш.нинг Амир Тсмур ва Навоий шоққўчалари чорра-хасида жойлашган. 1999 й.да «Тошкент — Шератон» номи билан очилган, 2004 й.дан ҳоз. номла. 16 қаватли, 251 ўрин-ли, киррасимон оқ-кулранг бстонли кўринишда. 172 та I ўринли, 50 та 2 ўринли, 18 та ярим люкс, 7 та люкс, 1 та президент апартаментли, 3 та ногиронлар учун хоналар мавжуд. меҳмонхона вестибюли ойна билан копланган, қия металл фермалари билан ёпилган. Иўлак ва зал шойи матога қатталаштириб ишланган Узок Шарқ ва Ўрта Осиё миниатюралари билан безалган. Бинонинг 1-қават хоналари вестибюлдан нақшланган равоқлар орқали очилган. Вестибюлнинг 2 томонига манза-рали расмлар чизилган. Шинам вестибюлдан тепага кўтарилган лифт шаҳар манзарасини очиб беради. Лифтлар олдидаги майдончадан 2 томонга коридорлар кетган. Шунингдек, меҳмонхонада фавворалар, очик ва спик сузиш ҳавзалари, сауна, теннис корти, кафе-бар ва ресторан бор.

**МАРОВИЧ** Светозар (1955.31.3, котор) — Сербия ва Черногория давлат арбоби. Подгорицадаги ун-тни тугатган. 1990 й.гача Черногория социалистик ёшлар иттифоки раиси бўлиб ишлаган, Черногория комму-нистлар иттифоки МК

президиуми таркибида бўлган; Черногория мустақиллигини ёқлаб чиққан Черногория социалистларининг демократик партияси асосчиларидан бири. 1990 й. Черногория парламентиغا сайланган. 1994 — 2001 й.ларда уч марта Черногория парламенти спи-кери этиб сайланган. 1999 — 2003 й.ларда Черногория парламентида ташки сиёсат ва халқаро муносабатлар қўмитаси раиси, 2003 й. 7 мартдан Сербия ва Черногория президенти.

**МАРТЕН ДЮ ГАР** Роже (1881.23.3, Нейи-сюр-Сен — 1958.23.8, Беллем) — француз ёзувчиси, драматург. Дастлабки асари — «Шаклланиш»да ўз тарихи — ёзувчиликка интилиб, арзигулик бир нима ёзолмаган одам тарихи тасвирланган. Кейинги «Жан Баруа» (1913) романи М. дю.Г.га шуҳрат келтирган. Асар ўша вақтлар учун янги бўлган диалог ва тарихий ҳужжатларни чоғиштириш усулида ёзилган. Энг йирик асари — «Тибо оиласи» (1922—40. 8 ж.ли) ўзининг тафсилотлари, бош персонажларининг рангбаранглиги билан ажралиб туради. Асар оилавий солнома (оила тарихи) тарзида бошланиб, ксй-ин 20-а. бошларидаги Франция ҳаётининг кенг ҳаққоний манзараси тасвирланган сиёсий романга айланиб кетган. М. дю Г. бу асари билан оилавий сол-нома жанрини бошлаб берган («Кулранг дафтар», 1922; «Ахлоқ тузатиш колонияси», 1922; «Туш пай-ти», 1923; «Шифокорлар куни», 1928; «Сингилчам», 1928; «Отамнинг ўлими», 1929; «1914 йил ёзи», 1936; «Хотима», 1940). М.дю Г. 1940 й.дан ксйин «Полковник Момора» эпо-пеяси устида ишлагани, лекция асар якунланмай қолган. Нобель мукофоти лауреати (1937).

**МАТВИЕВСКАЯ** Галина Панловна (1930.13.7, Днепропетровск) — мате-матик олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), физика-мат. фанлари д-ри (1968), Ленинград ун-тини тугатган (1954). Ўзбекистон ФА Романовский но-

мидаги Математика ин-тида катта илмий ходим (1959 й.дан). 2001 й.дан Оренбург педагогика ун-тида кафедра мудир. Илмий ишлари асосан Яқин ва Ўрта шарқдаги ўрта аср фанлари тарихига бағишланган. М. ўз асарларида Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё олимларининг Ев-ропада мат.нинг ривожланиши ва ҳоз. замон мат.сининг вужудга кели-шидаги ролини аниқлаб берди. беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

Ас: К истории математики Срелней Азии IX—XV всков, Т., 1962; Учение о числе на средисвековом Ближмем и Среднем Востоке, Т., 1967; Развитие учения о числе в Европе до XVII в., Т., 1971.

**МАҚСЕТОВ** Қобул (1929.16.1, Қўнғирот тумани — 2002.17.2, нукус) — қорақалпоқ (юльклоршуноси. Ўзбекистонда (1979) ва Қорақалпоғистопда (1973) хизмат кўрсатган фаи арбоби, филол. фанлари д-ри (1966), проф. (1968). Хўжайли псд. билим юр-тини (1949) ва Қорақалпоқ пед. ин-тини (1953) тугатган. Аввал мактабда ўқитувчи (1949 — 53), кейинчалик мазкур ин-тида қорақалпоқадабиёти кас)едрасида катта ўқитувчи, мудир (1953—57). Ўзбекистон ФА Қорақалпо-гистон (I) илиалининг Тарих, тил ва адабиёт ин-ти катта илмий ходими, бўлим мудир (1959—62), директори (1963—92). Илмий асарлари қорақалпоқ фольклорига, қорақалпоқ қахрамонлик эггосига бағишданган. Унинг қорақалпоқ тилидаги «Қорақалпоқ қахрамонлик эпоси «Қирқ қиз» (Нукус, 1962), «Қорақалпоқ қахрамонлик дostonлари поэтикаси» (Т., 1965), «Қорақалпоқ фольклори эстетикаси» (Нукус, 1971), «Қорақалпоқ эпоси. Қурбонбой Тожи-боев репертуаридаги дostonларнинг бадий хусусиятларига доир» (рус тили-да, 1976) асарлари қорақалпоқ фольк-лоршунослиги ривожиди муҳим роль ўйнади. «Фольклор ва адабиёт» («Ну-кус, 1975) мақолалар тўплами ҳоз. қора-қалпоқ адабиёти му-

аммоларига бағишланган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти ла-уреати (1976).

**МАҲКАМОВ** Руфат Ғуломович (1930.16.10, Тошкент) — машинасозлик соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1982), техника фанлари д-ри (1978). проф. (1979). Баман номидаги Моск-ва олий техника билим юртини тугатган (1954). Машинасозлик технологияси и.т. ин-тида кичик илмий ходим (1954—56), Ўзбекистон ФА нинг техника фанлари бўлими илмий котиби (1960-61), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тида катта ўқитувчи, доцент, декан, кафедра мудири, проф. (1962 й.дан). Илмий фаолияти тола сифатини ошириш мақсадида пахта тозалаш машиналари иш органлари сифатини текшириш ва уларнинг параметрларини оптималлаштиришга бағишланган.

*Ас:* Основь! процесса взаимодействия поверхности твердых тел с волоконной массой, Т., 1979; Повмшение технологической надёжности хлопкоочистительных машин, ра~ ботающих в ударном режиме. Т., 19Х9.

**МАҲМУДОВА** Анор Мадаминовна (1942.2.5, Гурлан тумани) — илғор ўқитувчи, Ўзбекистон Қахрамони (2004). Хоразм пед. институтини тугаган (1964). 1964 й.дан Гурлан туманидаги 1-мактабда мат. ўқитувчиси, 1972 й.дан 35-хунар билим юрти директори, 1984 й.дан Гурлан ш. халқ таълими бўлими мудири. 1986 й.дан Гурлан туманидаги 5-мактаб директори. М. халқ таълими соҳасида муҳим ва долзарб масадаларни мустақил ҳал этишга лаёқатли раҳбар сифатида танилган. Кейинги йилларда мактабда мат., физика, она тили фанлари бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди, махсус синфлар сони ошди. Мактабда М. раҳбарлигида бюджетдан ташқари маблағ топиш, маркетинг хизмати намунали йўлга қўйилган. «Меҳнат шуҳрати»

ордени б-н мукофотланган (1999).

**МЕЙСЕЛЬ** Леонид Генрихович (1908. 28.9, Лепинград — ?) — реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). 1928-50 ва 1954—64 й.лар Новосибирск, Горький, Ленинград, Ростов, Красноярск, Челябинск ва б. театрларда ишлаган. 1950—52 й.лар Муқимий театрида, 1952—54 й.лар Ёш томошабинлар театрида, 1964 — 71 й. лар Самарқанд опера ва балет театрида бош реж. «Момақалдирик» (А.Островский), «Пигмалион» (Б.Шоу), «Фигаронинг уйланиши» (В.Моцарт) ва б. спектаклларни, «Дилором», «Шоир қалби» (М.Ашрафий), «Майсаранинг иши» (С.Юдаков), «Чю-чю-сан» (Ж.Пуччини), «Трубадур» (Ж.Верди) каби операларни сахналаштирган.

**МЕЛЬНИКОВ** Евгений Павлович (1928.7.10. Оренбург вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми (2005). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1960), шу ин-тда педагог (1960—88), айна пайтда «Рассом» комбинатида рассом. Порт-рет, манзара, натюрморт, анималистика жанрларида ижод қилиб, «Улоқ». «Санъатшунос Р.Токтош». «Автопорт-рет», шунингдек. «Сўқоқ», «Чуст». «Иссиққўл» туркум манзараларини яратган. М.тасвирий санъатдаги реализм аъналарига таянган, асарлари композицион пухталиги, ранглар уйғунлиги билан ажралиб туради. М. истеъдодли шоир сифатида ҳам танилган бўлиб, шеърлари ўтмишда яшаган рассомлар ижоди ва ҳаёти. оддий ипсонлар ҳис-туйғулари мавзуларига бағишлаган. М.нинг тасвирий асарлари Амсри-ка, Европа ва Осиё, шуниинглек, Ўзбекистон (Бухоро ва Нукус) музейларида жой олган. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1998).

**МЕРКЕЛЬ** Ангела (1954.17.7, Гамбург ш.) — Германия давлат арбоби. Физика фанлари д-ри (1986). Лейпниг



уп-тини тугатган. 1978 й.дан Германия демократик Республикаси ФА нинг физик кимё марказий ин-ти илмий ходими, 1990 й. Германия Демократик Республикаси демократик ҳукуматининг матбуот котиби ўринбосари, бирлашган Германия федерал ҳукума-тининг матбуот ва ахборот идораси референти, 1990 й.дан Христиан-демократик иттифоқ ва ГФР бундестаги аъзоси, 1991 й.дан Германия хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича, 1994 й.дан атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ядро реакторлари хавфсизлиги масалалари бўйича федерал вазир, 1998 й.дан Христиан-демократик иттифоқ бош котиби, 2000 й. апр.дан раиси, 2002 й. сент.дан ГФР бундестагида Христиан-демократик иттифоқ / Хрис-тиан социал иттифоқининг бирлашган фракцияси раиси. 2005 й. 22 нояб. дан ГФР федерал канцлсри.

**МИРИШКОР ТУМАНИ** - Қашқадарё вилоятидаги туман. 2003 й. 6 январь да Усмон Юсупов ва Баҳористон туманларининг бирлаштирилиши натижасида ташкил этилган. М.т. Қашқадарё вилоятининг жан.гарбида жойлашган. Туман шим.дан Муборак, шарқ-дап Касби, Қарши, Нишон туманлари, гарбдап Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманлари, жан.дан Туркма-нистоннинг Лсбап вилояти билан чега-радош. М.т.да 12 фуқаролар йиғини (Авазқўл, Вори, Гулистон, Гулшан-боғ, Жўйнов, Миришкор, Навбахор, Обод, Помуқ, Чаманзор, Чандир, Янгиобод) бор. Майд. 3,1 минг км<sup>2</sup>. Аҳрлиси 87,2 минг киши (2005). Маркази - *Янги Миришкор* қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди Қарши чўли зонасида жойлашган. Рельефи, асосан, гекисликлардап иборат бўлиб, шарқдан жан.гарб томон бироз пасайиб боради (Қорабулоқ ботиғида 280 м гача пасаяди). М.т. хулудидаги қирлардан чорва учун яйлов сифатида фойдаланилалди.

Туманиннг гарбий ва жан. ҳудуди ярим мустаҳкамлапган қумли майдонлар билан банд. Кўчма қум барханлари,

эол-аккумулятив, яъни шамол ётқиқлиқи кумтепа-жўякли рельеф шакллари, гил ётқиқлиқи ясси юзали текисликлар бор. Тўртламчи даврининг чўкинди ётқи-зиқлари тағида неоген ва палеоген даврининг гилтош, кумтош, оҳақтош, гипс-ангидритли денгиз ётқиқлиқлари, бўр ва юра даврларининг иссиқ ва сернам шароитли денгиз ётқиқлиқлари учрайди. М.т.да бир қанча берк ботикпар: Қорабулоқ, Депгизқўл, Хўжам Саёт, Қирқчашма ва б. бор. Уларда шифобахш балчиқлар, туз қатламлари ҳосил бўлган. Туман ҳудудида Аланг, Помуқ, Култоғ, Кўкдумалоқ, Ўртабулоқ, Зеварди, Денгизқўл каби нефть, газ ва конденсатга бой конлар мавжуд.

Иқлими кескин континентал. Январинг ўртача т-раси 2°, июлники 28°— 29,5°. Ёзи иссиқ, куруқ, давомли. Энг паст т-ра —28°, энг юкори т-ра 47°. Ёзда гармсел шамоли таъсирида ўтўланлар куриб қолади. Вегетация даври 242 кун. Ииллик ёғин 130—200 мм. Тупроқлари гил, шўрхоқ, ўтлоқ, оддий бўз тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан жузгун, илоқ, селин, шайтон-қовуш, қаррак, қизил қандим, етмак, саксовул, шувоқ, шўра, туяқорин, янтоқ, қўнғирбош, лолақизғалдоқ, камиш, ялпиз, исирик, читир, чуч-мома, зира ва б. ўсади. Ёввойи хайвонлардан тулки, чиябўри, жайран, сичқон, қаламуш, типратикан, юмро-нқозиқ, судралувчилардап эчкемар, қалтакесак, ҳар хил илонлар; қушлардан тустовуқ, қаптар, чумчуқ, бургут, турна, лайлак, қалдирғоч, мусича, сассикпопишак ва б. бор. Туман ерлари Амударёдан сув оладиған Миришкор каналидан суғорилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, тожик, араб, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ақоли зичлиғи 1км<sup>2</sup> га ўртача 28,1 киши (2005).

Хўжалиғи. Туманда 2300 га яқин қорхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон — Исроил «Эйнаб» қўшма қорхонаси ишлаб турибди. 250 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд.

1500 фермер хўжалиги фаолият юритади. 2177 кичик қорхопа бор. Пахтачиликка 2 та, қоракўлчиликка 2 та ширкат хўжалиги ихтисослашган.

Қ.х.нинг асосий соҳалари пахтачилик, дончилик ва чорвачилик. Туманлаги умумий ер майд. 312,5 минг га, шунингдек, 53,9 минг га ер ҳайдалади, шу жумладан, 23 минг га ер пахта, 24,7 минг га ер ғалла билан банд. Шунингдек, сабзавот, полиз, қар-тошқа, мева, узум, сут, гўшт, пилла, қоракўл тери ва б. маҳсулотлар етиштирилади.

М.т.даги хусусий ва жамоа хўжаликларида 30,5 мингга яқин қорамол, 170 минг дан зиёд қўй ва эчки, 39,2 минг парранда, 310 йилки бор (2004). Туманда 38 умумий таълим мактаби, 3 лицей ва ихтисослаштирилган мактабларда 22,4 минг ўқувчи таълим олади. 3 касб-хунар коллежи (2 мингга яқин ўқувчи), болалар мусика мактаби фаолият кўрсатади. 9 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи, 26 кутубхона (144 минг нусха асар) бор.

Қорхона ва ташкилотларда 50 жисмоний тарбия ва спорт жамоалари ташкил этилган. Спорт билан доимий равишда қарийб 11 минг киши шуғулланади.

4 касалхона, амбулатория, 9 қиш-доқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат қилади. Тиббий муассасаларда жами 358 даволаш ўрни мавжуд (ҳар 10 минг кишига 117 ўрин). 1978 й. 1 апр.дан «Миришқор машғали» туман га.з. нашр этилади (адади 745 нусха, 2005 й.).

*Латиф Эрдонов, Овод Жўрақулов, Маҳлиё Соҳибова.*

**МИСТРАЛЬ** (Млягал) Фредерик (1830. 8.9 — Мейан - 1914.25.3) - провансал шоири. Экс-ан-Прованс ш.да ҳуқуқшунослик ф-тини тугатган (1851). 1854 й.да пансионатдаги ўқитувчиси Ж.Руманил ва бир печта дўстлари билан уюшиб, провансал тилининг 12—13-а.лардаги юксак мавқеини тиклашга интиланган. Бу уюшма аъзолари «Фелиб-

рлар» («Илҳом парисининг шогир-ди») деб аталган. М.нинг «Мирейо» дос-тони (1859) фсдибрлар ҳаракатига қат-тиқ туртки бўлган. Достон марказида севгилисига етолмай ҳалок бўлган қиз турган бўлса-да, асар Прованс вилоя-тининг табиатини, халқининг характери-ни акс эттирган, унда фольклорга бой провансал тилининг барча гўзалликларидан маҳорат билан фойдаланилган. «Ол-тин ороллар» (1876), «Зайтун терими» (1912) шеърый тўпламларида ҳам фольклор оҳанглари ёрқин акс этган. М.нинг улкан асари — «Фелибриж хазинаси» провансалча-французча луғати 1880—86 й.ларда бир неча жилдда босилган. Луғат ўзига хос энцикло-педия бўлган. Нобель мукофоти лауреати (1904).

**МОДУЛЯЦИЯ** (мусикада) - 1) Ўрта аср Европа мусика назариясида уйғунлик, тартиб; бадий-илмий ҳодиса сифатида баҳоланган *мусиқанинг* маҳсулидир; 2) *классицизм* давридан бошлаб *мажор-минор* тизимида *тоналлиқни* ўзгартириш. Турли тоналлиқларда умумий *тон* ва *аккордлар* мавжудлигига асосланади.

**МОММЗЕН** (Мотгаиен) Теодор (1817.30.11, Гардинг — 1903.1.11, Шарлоттенбург) — немис тарихчиси, Петербург ФАнинг хорижий фахрий аъзоси (1893). Лейпциг (1848 й.дан), Цюрих (1852 й.дан), Бреслау (Вроцлав) (1854 й.дан), Берлин (1858 — 1903) ун-тлари проф. 1848—49 й.лардаги инқилоб даврида немис буржуа-зиясининг сўл қанотида бўлиб, Шлез-вигни Пруссияга қўшилиши тарафдори бўлган, Шлсзвиг-Гольш-тейн муваққат ҳукуматининг на-шрий органига муҳаррирлик қилган. Про-грессчилар партиясидан прус ландтаги ва Германия рейхстагига депутат қилиб сайланган (1863—66 ва 1873—79 й.ларда ландтаг депутати, 1881—84 й.ларда рейхстаг депутати). Қад. Рим ва Рим ҳуқуқига оид 1500 дан зиёд тарихий асарлар муаллифи. Асосий асари «Рим тарихи»да, асосан, Римнинг мил. ав. 46

й.гача бўлган ҳарбий-сиёсий тарихини ёритган ва Рим провинциялари тарихини баён қилган. Нобель мукофоти лауреати (1902).

**МОРОНИ** — Қамар Ороллари пойтах-ти, Нгазиджа о.да, вулкан этагида жойлашган. Аҳолиси 25 минг кишидан зиёд. Денгиз порти. Автомобиль йўллари чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Президент қароргоҳи, ҳуку-мат ва маъмурий бинолар жойлашган. Қ.х. махсулотларини қайта ишлаш корхона-лари мавжуд. Ваниль, какао, копра билан савдо қилинади. Меъморий бинолардан масжидлар (миноралари б-н) араб меъ-морлиги услубида қурилган.

**МУЛЬТИМЕДИА** (лот. — кўп ва — восигачи бўлмок) — *компьютернинг* матн, график, товушли ва видеомат-лотлар билан ишлашга имкон берув-чи қурилмаси. Ана шундай қурилма ўрнатилган ком-пьютер М. компьютер дейилади. Ҳозирда деярли барча компью-терлар М. қурилмалар билан таъминлан-ган. Буларга СЭ-КОМ, СЭ-КУ компакт дискларини ўқийдиган диск юритувчи қурилмалар, товуш платалари, видеокар-талар ва б. киради. Кейинги вақтларда М. қурилмалар стандартига 30-график тезлатгичлар ва *OVO (01%na\ \лёео 01\$к)* катта ҳажмли универсал компакт дисклар ҳам кўшилди.

**МУРТАЗОЕВ** Мухторжон (1909.5.5 -Қўкон — 1994.2.3) — хонанда, созан-да (ғижжак, дутор, танбур), бастакор. Фарғона водийси замонавий *бастакорлик* мактабининг асосчиларидан. Ань-анавий мусиқа йўлларини Маҳрам хофиз ва ғижжакчи Қодиржон Ҳам-дамовлардан ўрганган. Қўқон ш. Темирийўлчилар ма-даният саройида мусиқа раҳбари (1929—33), Қўқон театрида созанда (1933—41) ва мусиқа раҳбари (1957 й.дан), Янгийўл театри (1942—45), Муқимий театри (1945 — 57)да ғижжакчи-концертмейстер, Қў-қонда мақомчилар ансамблининг

бадий раҳбари (1957 й.дан). Мумтоз ва замондош шоирларнинг шеърларига яратган кўшиқ ва ашулалари («Ўрта-ма», «Гулзор макони», «Соғиниш», «Жоним ила жоним», «Бир ишва билан», «Эй кўнгил», «Жафо ҳам қилмадинг» ва б.) *М.Аҳмедов, О.Имом-хўжаев, К.Мўминов* ва б. хофизлар репертуаридан ўрин ол-ган. Айниқса, Т. Қодиров талқинидаги «Фарғона тонг отгунча», «Бизни таш-лаб» каби бадий етук асарлари омма-вийлашган. «Дўстлар» (Уйғун пьесаси), «Қумрининг муроди» (Ж.Машрабий), Д.Жа-лилов билан биргалиқда «Ишқобод» (С.Абдул-ла), «Холисхон» (Ҳам-за) каби спектаклларга мусиқа ба-сталаган.

**МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ** — Тошкент ш.даги *Мус-тақиллик майдони*да Ўзбекистон Респу-бликасининг Президенти И.Каримов ғояси билан бунёд этилган меъморий-бадий маж-муа. Ўзбекистон истиқбо-лининг дастлабки йиллари (1992)да май-донда ўрнатилган обида Мустақиллик монументи деб аталган. Рамзий равиш-даги Ер шарида Ўзбекистон Республика-си харитаси акс этган ушбу обида жаҳон харитасида мустақил Ўзбекистон мам-лакати мустаҳкам ўрин олганини ифода-лайди. 2005 й. 28 дек.да ушбу монумент олдига фарзан-дини бағрига босиб тур-ган мунис ўзбек аёли сиймоси — Бахти-ёр она ҳайкали ўрнатилди (ҳайкалтарош И.Жаб-боров). Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали Эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблини ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини рамзий тарзда уйғун ифодалаган ушбу ёдгорлик М. ва э.м. деб аталди.

2004—2005 й.ларда Мустақиллик майдони па унга туташ худудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлашти-риш ишлари амалга оширилди. Вазир-лар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат ғалереяси каби

муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Мач.мурий бино, Бизнес маркази қурилишчи ни-ҳоясига етмоқда. Бундай катта бунёдкорлик ишлари тўфайли майдоннинг фақат қиёфаси эмас, унинг вазифасидаги мазмун-моҳияти ҳам ўзгарди. Мустақиллик майдонининг ижтимо-ий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 3 фев. да «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида» қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда, шунингдек, мустақил тараққиётимиз, миллий кадриятлари-миз б-п боғлиқ муҳим саналар, касб байрамларини нишонлаш, тантана ва анжуманлар ўтказиш муносабати билан М. ва э.м. пойига 1улчамбар қўйиш расмий маросимини белгиланган тартибда амалга ошириш жорий этилди ва б. тад-бирлар белгиланди.

**МУХАМЕДОВ** Давлат (1955.13.5, Гурлан тумани) — ганчкор уста, Ўзбекистон халқ устаси (2004). Тошкент поли-техника ин-типинг меъморлик ф-тини тугатган (1977). Хоразм вилояти халқ амалий санъати бўлимида уста (1980—99); 1999 й.дан «Усто» республика бадий и.ч. уюшмасида уста. М. яратган ганчкори нақшлар нафислиги ҳамда замонавий бинолар билан уйғунлиги диққатга сазонор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси мажлислар зали, Бекобод, Тошкент ва Урганч ш.лари ҳокимиятлари, «Тур-кистон» саройи ва б. йирик иншоотларнинг ганчкорлик ишида иштирок этган.

**МЎМИНОВ** Каримжон (1938.19.6, балиқчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Андижон пед. институтини тугатган (1963). 1956 й.дан Балиқчи туманидаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси, 1963 й.дан 8-интернат мактабда кимё, 1969 й.дан 29-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси.

## Н

**НЕАПОЛЬ ОПЕРА МАКТАБИ** - 17-18-а.ларда Неаполда шаклланган ижо-дий мактаб, композиторлар гуруҳи. Илк йирик намояндаси — Ф.Провенцале (тахм. 1627 — 1704), бошлиғи — А.Скарлатти (қ. *Скарлаттилар*). Н.о.м. вакиллари (композиторлар Л.Винчи, Н.Порпора, Л.Леопольдо, Н.Йомелли, Т.Траэтта ва б., *либретто* муаллифлари А.Дзено, П.Метастазιο) *операнннг* жиддий (опера-серия) ва хажвий (*буфф опера*) турлари, шунингдек, *ария*, *увертюра*, *речитативншт* тугал кўринишини бел-гилаб беришган. Улар тарихий-афсонавий, антик сюжетларда асарлар яратиб, Шарк (ҳинд, араб, форс) мавзуларига ҳам мурожаат қилишган, хусусан, Соҳибқирон Амир Темури қиёфасини ўз операларида гавдалантирганлар. Н.о.м. тамойиллари *Г.Гендель*, И.Хассе ва б. Европа опера усталари ижодига ижобий таъсир кўрсатган.

**НОСИРОВ** Мансур Махмудович (1936.12.6, Самарқанд вилояти, Охунбобоев қишлоғи) — кулол. Ўзбекистон Республикаси санютарбоби (1998). Самарқанд ун-тида таълим олган (1957—58). Иш фаолиятини (уста Умаркул *Жўра-қулов* раҳбарлигида) шаҳар саноат к-тида бошлаган (1944—50). «Қизил Шарк» артелидаги сандиксозлик цехида безатувчи рассом (1951—53), Самарқанд бадий фонднинг кулолчилик цехида (1963—93), Умаркул Жўрақулов номидаги «Усто» бирлашмасида (1993 й.дан)

кулол-уста. «Бибихоним», «Гўри Амир», «Шоҳизинда» каби сувенирлар, «Аждарҳо», «Кўра ва шамдон» каби безакли буюмлар, «Афросиёб» нақшли шокоса ва чаш-қалар, миллий услубда безалган ўйинчоқлар, кўзалар, оф-тоба, безакдор рельеф, гул туваклар, лаганлар ва б. яратган. «Самарқанд» ресторани интерьер-ерини безашда қатнашган. Асарлари билан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этган.

**НУРИДДИНОВ** Мухаммадхон Нуриддинович (1948.6.1, Наманган) — ранг-тасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (2004). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1968) ва репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкадтарошлик ва меъморлик ин-ти (1976)ни тугатган. 1976 й.дан хоз. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-гида педагог, 1998 й.дан доцент. Н. реализм услубида ижод қилади, реалистик санъат анъаналарини замон руҳи билан бойитишга интилади. «Наманган оҳанглари», «Кундаги ташвишлар», «Катта Фаргона канали», «Режиссёр О.Абдураззоқов», жадидлар портретлари туркуми, «Абу Али ибн Сино» портрети, «Сайид Барака Амир Темурга байроқ топширмақда», «Баҳор сувлари» ва б. асарларида рассомнинг ижодий изланишлари намоён бўлди. Н. республика ва хориждаги кўргазмаларда иштирок этган. Ўзбекистон БА Олтин медали билан тақдирланган (2003).

**НУРИЛЛАЕВ** Бахтиёр Авазович (1975.20.1, Нукус) — оғир атлетика-чи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1998), «Ўзбекистон ифтихори» (2003). 85 кг вазн тоифасида Ўзбекистон чем-пиони (1995, 1996, 1998-2003), Осиё ўйинлари бронза (1998, Бангкок; 2002, Пусан) ва талабалар ўргасида жаҳон чемпионати кумуш (2002, Измир) медаллари совриндори. Н.Қорақалпоқун-тини тугатган (2004), Тахиатош болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий (1994 й.дан).

**НУРИМБЕТОВ** Содик (1900, Кегейли тумани — 1972, Нукус) — Қорақалпоғистон халқ шоири (1942), Ўзбекистон халқ ҳофизи (1957). Маҳаллий мактабда, мадрасада ўқиган. Ўтган асрнинг 20-й.лари ўргаларида шоир сифатида шуҳрат қозонган. Қорақалпоқ ҳажвиясини, хусусан масал жанрини ривожлантиришда Н.нинг хизматлари катта. Болалар учун ҳам кўплаб шеърлар яратган. «Бизнинг Ватан» (1940), «Халқ енгилмайди» (1942), «Олга, ботирлар» (1944), «Гулкича» (1956), «Фарҳол» (1958, 1974), «Пиллакор Жанил» (1961), «Янги давр оҳанглари» (1962), «Оға-инилар» (1968) каби шеър ва дostonлар тўпламлари нашр этилган. Унинг «Бах-тиёр» (1950), «Денгизда» (1957-58), «Пиллакор Жанил» (1961), «Заримбетнинг ҳаяжони» (1958) дostonлари уларда тилга олинган ижтимоий масалаларнинг долзарблиги билан ажралиб туради.

«Бердақ» (1950) ва «Оға-инилар» (1968) дostonлари ўтмишни бадиий талкин қилишга бағишланган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1971).

**НУРУЛЛАЕВ** Алексей Файзуллаевич (1953.28. 1 1, Пешку тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Луганск пед. инсти-тутини тугатган (1976). 1976 й.дан Жондор туманидаги 2-мактабда тарих ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари ва мактаб директори, 1992 й.дан тарих ўқитувчиси ва Жондор туман тарих-ўлкашунослик музейи директори.

## О

**ОБИДОВ** Усмонхон (1931.20.1, Тўрақўргон тумани) — Халқ ўқитувчиси (1991). Фаргона пед. институтини тугатган (1957). 1954—95 й.ларда Тўрақўргон туманидаги 1-мактабда физика ўқитувчиси. Туманда биринчи бўлиб

физика кабинетини ташкил этган ва уни замон талаби даражасида жиҳозлаган. «Шухрат» медали билан мукофотланган (1994).

**ОВМИНЗАТОВ** — Марказий Қизилқумдаги паст тоғлардан бири. Навоий вилояти худудида ғарбдан шаркка 30 км чўзилган. Ўртача бал. 300—500 м, энг баланд жойи 694 м (шарқий қисмида). Шимгарбий қисмидан гумбазсимон Шакитов тармоғи ажралиб чиққан. О. тектоник жиҳатдан горст-антиклиналь бўлиб, Турон плитаси пой-деворининг ер юзига чиқиб қолган қисмидир. Унинг баланд жойлари палеозой даври метаморфизм, отқинди ва чўқинди тоғ жинслари (сланец, конг-ломерат, қумтош, гранит, гранодиорит, диорит ва б.)дан ташкил топган. Ён бағирларининг куйи қисми ва этакларида бўр, палеоген-неоген ва тўртламчи даврларга мансуб чўқинди тоғ жинслари (конгломерат, қумтош, гравелит, алевролит, гил, мергель, қумлар) тарқалган. Чўл иклими шароитида булар нураш жараёнлар таъсирида кучли эмирилган элювий ва делювий ётқизиқлари ҳосил қилган.

О. асимметрик тузилишга эга. Шим. ён бағри тикроқ, жан. ён бағри эса кияроқ, куруқ сойлар ва жарликлар билан кесилган. Куруқ сойларнинг куйи қисмларида кичик ёйилма конуслар ву-жудга келган, улар бир-бири билан тутшиб пролювиал шлейфларни ҳосил қилган. Шлейфлар юзасида ҳар хил шаклдаги қум уюмлари тарқалган.

О.нинг этакларида кўнғир-бўз, қумли чўл тупроқлар тарқалган. Уларда шувок, боялич, арпагон, саксовул, куруқ сойлар бўйларида юлғун ва б. ўсади. Ҳайвонлардан қўшоёқ, тулки, бўри, юмронқозик, калтакесак, турли илонлар ва б. учрайди. Тоғ этакларидаги ерлардан яйлов сифатида фойдаланилади.

«**ОВОЗИ ТОЖИК**» («Тожик овози») — Тошкент ш.да тожик тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган газета. Муассислари:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. 1-сон 1924 й. 25 авг.да Самарқанд ш.да «Овози тожики камбагал» номида нашр этилган. Кейинчалик «Овози тожик» (1925—31), «Ҳақиқати Ўзбекистон» (1931—40; 1964—91), «Ўзбекистони Сурх» («Қизил Ўзбекистон», 1950—64) номларида чиққан. 1992 й. 1 янв.дан ҳоз. номда. Саҳифаларида дўстлик ва биродарлик шиори остида Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришлар, жумладан, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида эришилаётган ютуқлар ёритиб борилди. Иқтисодиёт, мактаб ва маориф, фан ва маданият, адабиёт ва санъат, ахборот ва спорт бўлимлари бор. Газ.га турли йилларда Абдулқайюм Қурбий, Муҳаммаджон Ҳасаний, Шаҳобиддин Садруллин, Қамариддин Мирзоев, Муборак Фозилов, Абдулла Ҳакимов, Шавкат Ниёзов, Эҳсон Турдикулов ва б. муҳаррирлик қилишган. 2003 й.дан муҳаррири Шерпўлот Вакилов. Адади 3000 (2005).

## ОГЛАХТИ ҚАБРИСТОНИ

Енисей дарёси бўйларида тарқалган *Тоштиқ маданияти*гил доир археологик ёдгорлик (мил. ав. 1-а. — мил. 5-а. лар). Ени-сейнинг сўл соҳилида, Минусинск ўлкасидаги Оглахти тоғларида жойлашган. Дастлаб сибирлик археолог А.В. Адрианов томонидан (1903 й.) текширилган. 1969 й. москвалик археолог Л.Р.Кизласов бу ердан ноёб макбара топган. Ёғочдан ишланган қабрдан эр-как ва аёл жасадлари чиққан. Улар кишики либосда, юзлари гипсдан ишланган бўяма ниқоблар тутиб олган ҳолда дафн этилган. Уларнинг оёқлари тагидан гўдакнинг суяклари топилган. Дафн этилганларнинг орасида одам бўйи келадиган кўғирчоқ етган. Яна бир кўғирчоқ аёд тагида жойлашган. Жасадлар боши тагига гўлалар, кўғирчоқларпикига чарм ёстиқлар қўйилган. 3 та юганнинг кичик моделлари, атрофи иероглифлар битил-

ган хи-тойи ипакдан тикилган жунли садоқ топилган.

Садоқда камон ва учлари кора ва кизил бўёққа бўялган 5 та ўк модели бўлган. Ўқлардан пайконлар олиб қўйилганлиги Тоштик маданиятига хосдир. Қабрдан, шунингдек, гўшти таом қолдиқлари, сигир ва қўй суяклари топилган.

Дафн кўғирчоқларини тайерлаш Тоштик маданияти қабилаларининг ўзига хос хусусияти бўлган. Кўғирчоқ чарм-теридан тикилиб, ичи ўт-ўлан билан тўлдирилган, одамларга ўхшаб жун либослар кийдирилган. Уларнинг ичига куйдирилган одам суяклари кичик халтага солиб қўшиб тикилган. Афтилан, кўғирчоқлар гулханда ёндирилган одамнинг ўрнини босиши ва унинг қиёфасини сақлаши лозим бўлган.

### **ОЁҚОҒИТМА БОТИҒИ** -

Қизилқумдаги ботик. Қулжуқтовнинг жан. этаги билан Зарафшон дарёси водийси орасида. Юқори бўр ва палеоген даврларининг кумтош ва гилларидан тузилган. Нисбий чуқ. 130 м дан ортик. Жан.-шарқдан шим.-ғарбга томон 38 км масофага чўзилган. О.б. нинг туби ясси, эол қумлари, тақирлар ва шўрхоқлар билан қопланган. Ботикнинг тектоик ериқларидан мезозой ва кай-нозой ётқиқиқларининг қатламларидан ер ости шўр сувлари чикиб туради. Бу сувларнинг бугланиши натижасида шўрхоқлар вужудга келган. Чучук ер ости сувлари ҳам мавжуд. Богиқ ҳудудида *Оёқоттма қўли* жойлашган.

О.б. да бурган, қўнғирбош, ранг, саксовул, шўрхоқларда сарсазан, кора-барок, юлғун ўсади. Артезиан сувлари ҳисобига кичик майлонларда деҳқончилик қилинади.

«**ОИЛА ВА ЖАМИЯТ**» - ижтимоий газета. 1991 й. I сент.лан Тошкент ш.да ҳафтада 1 марта чиқали. Муассислари: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси

ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармасн.

Илм-фан, маланият, санъат, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, қ.х. соҳаларида ўрناق кўрсатиб кслаётган хогин-қизларпиғ гажрибалари, оилаларда тиббий мацааниятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзи тариготи, хотин-қизларнинг ўқуқий саводхонли! ини ошириш газ.да чоп этилаётган мақолаларнинг асосий мавзулари ҳисобланади. Газ.да турсуной Содикова, Санъат Махмудо-ва, Басира Сайдалиева, Лола Аҳме-дова, Санобар Фахриддинова каби журналистлар фаол қатнашади. Газ.га турли йилларда Қулман Очилов, Абдухошим Ирисбоев, Абдукарим Раҳимбердиев, Муҳаммал Исмоиллар муҳаррирлик қилишган. 1998 й.дан муҳаррири Дилбар Саидова. Адади 15000 (2005).

**ОМАНН** Роберт (1930, Германия) — исроиллик иқтисодчи (1938 й. Америкага кўчиб ўтган, 1956 й. дан Қуддус-да. АҚД1 ва Исроил фуқаролигига эга). Мас-сачусетс технологик ин-тида док-торлик илмий даражасини олган. Қуд-дус (Исроил) яхудий ун-ти профес-сори. 20-а. ниш 90-й.лари бошидан Исроил математиклар иттифоқи пре-зиденти. Яхудий мат. жамияти журнали муҳаррири. «Талмуддаги ўйинлар назарияси» асари машхур. Ил-мий ишлари ўйинлар назарияси асосида ижтимоий муаммолар, жумладан тўқнашувлар ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган, нархлар ва савдо урушлари каби иқтисодий ихтилофларнинг келиб чиқиши табиати очиб берилган. Нобель мукофоти лауреати (2005; Т. *Шеллинг билан бирга*).

**ОНА СУТИ**, кўкрак сути — эмизикли аёлнинг суг безлари ишлаб чиқарадиган суюқлик (секрет). О.с. *ғўдак* учун энг яхши озика ҳисобланади, чунки бу даврда у таркиби ва озик моддалар нисбатига кўра *ғўдакнинг* овқат ҳазм қилиш ва моддалар алмашинуви хусусиятларига мос келади. Она билан бола ўртасида хомиладорликнинг ластлабки

кунларидан бошлабоқ «Она—йўлдош—хомила» тарзида ўзаро мустаҳкам алоқа боғланади, бола дунёга келгач эса бу муносабат «Она — кўкрак сути — бола» тариқасида давом этади. Шу узвийлик туфайли бола опадан керакли озик ва биологик фаол моддаларни олади, шунингдек, она билан бола ўртасида меҳр ришталари боғланади.

О.с. хақидаги дастлабки маълумотлар Ибн Сино қўлэмаларида ҳам қайд этилган. У О.с.ни қуёш нурига қиёс қилган, чунки ер юзидаги барча тарик мавжудот (ўсимликлар дупёси) учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, ўсаётган мурғак учун ҳам О.с. шунчалик зарур.

Бола туғилгандан сўнг дастлабки 2—3 кунда онанинг сут бези саргим-тир рангли суюқлик — *огиз сути аж*ратади. У энлигина дунёга келган мурғакка энг зарур овқат; унда оксил, туз, шунингдек, ёғ томчилари бўлади. Янги туғилган чақалоқ она кўкра-ғига қанча эрта тутилса, шунча кўп оғиз сutiдан баҳраманд бўлади. Шу-нинг учун ҳам онанинг кўзи ёриши билан дастлабки 20—30 дақиқада чақалоқни онасининг кўксига ётқизиб, ҳар икки кўкрақдан эмизигиша ёрдамлашиш мақсадга мувофиқ. Илк соатдаги бир лаҳзали «баданма-бадан» жисмий яқинлик она билан мурғак ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлайди. Туғруқдан кейинги биринчи ҳафта охиридан ёғларга бой бўлган ўткинчи сут, 2—4 ҳафтадан кейин доимий сифатли сут пайдо бўлади. Этилган О.с. таркибида барча зарур озик моддалар ва витаминлар бор; улар тўлиқ ҳазм бўлиш ва сингishi хусусиятига эга.

О.с. энгил ҳазм бўладиган, тўйим-ли, турли микроблардан холи, пишириш ва иситишни талаб қилмайдиган тайёр озиқ. . Унда 100 дан ортиқ керакли моддалар бўлиб, у фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам боланинг ёшига, соғли-гига мос келади. О.с.даги оксил, ёғ, углеводлар таркиби янги туғилган бола организмдаги худди шундай моддалар таркибига яқин ту-

ради. О.с.да оксил, ёғ углеводлар 1:3:6 нисбатда бўлади ва бола эҳтиёжини тўла қоплайди. Сут оксиллари жуда тўйимли ва чақалоқ ичагида энгил ҳазм бўлади. Ёғлар ҳам эмульсия холида бўлгани учун тўла-тўқис сўрилиб кетади. О.с. таркибидаги углеводлар озикли хусусиятидан ташқари, ичакларда микробларнинг ўсишига тўсқинлик қилади ва шу тарика овқат ҳазм бўлишини осонлаштиради. О.с.да зарур миқдорда тузлар, айниқса кальций ва фосфор тузлари бўлади, улар бола скелетИнинг тўғри шаклланиши ва ривожланиши учун гоят муҳим. О.с.даги минерал моддалар ва витаминлар ўсаётган бола эҳтиёжига мос келади ва организмда яхши сингishi билан сигир сutiдаги шундай моддалардан фарк қилади.

О.с.даги темир моддасининг аҳамияти ниҳоятда катта, унинг ўзлаштирилиш О.с.да одатда 70%ни ташкил этса, сигир сutiда 30%, аралашмаларда эса 10%ни ташкил этади. Соғлом онадан туғилган соғлом болаларда темир захирасининг етишмаган қисми О.с. ҳисобига тўлдирилади, лекин бола она сutiдан сигир сuti ёки аралашмага ўтказилса унда камқонлик ривожланиши мумкин.

О.с.да витаминлар миқтори тез ўзгарувчан бўлишига қарамай бола эҳтиёжии дастлабки ойларида тўлиқ қоплайди. О.с.да «О» витамини унча кўп эмас, шунинг учун эмизикли чақалоқни ўз вақтида тоза ҳавога, қуёш нурига олиб чиқиб турилса, боланинг «О» витаминга бўлган эҳтиёжи тўла-тўқис қондирилади.

О.с. турли касаллик вируслари ва микробларига қарши моддалар — антителоларга бой бўлади. Болани эмизганда иложи борича кўкрақда йиғилган ҳамма сутни бола бир эмганда тугатишига ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда, бола ўзига керакли сутнинг юқори калорияли қисмини ололмайди, гўдақни эмизиб бўлгач, кўкрақда қолган сутни, ҳатто у кам бўлса-да, охириги томчисигача соғиб олиш ло-зим, бу сут кўпайишига ёрдам беради.



Тадқиқотларнинг кўрсатишича О.с. болани рақ касалликларидан сақлайди, унинг бу жиҳатини ўрганган олимлар, раққа қарши дори и.ч. да бундан фойдаланиш мумкинлигини айтишмоқда.

Бола она сутидан ажратилса ва сигир сути ёки сутли аралашмалар билан боқилса, у муҳим ҳимоя омилларидан маҳрум бўлади, бу боланинг ичи кетиши, овқат ҳазм қилиш системасининг бузилиши сингари нохушликларга олиб келади. О.с. онанинг ўзини ҳам турли касалликлардан сақлайди; *мастит*, сут безлари рақи, гинекологик касалликлар болани кўкраги билан эмизмаган аёлларда 20—25 баробар кўп учрайди. Болани кўкрак сути бсриб боққан оналарда камқонлик кам кузатилади.

Кузатувларга кўра, О.с.га она организмга тушадиган ҳамма моддалар ўтади, шунга кўра эмизикли аёл ўз овқатига катта эътибор бериши, у тўгри ва тўйимли овқатланиши, етарли миқдорда суюқлик, мева шарбатлари ичиб туриши, соф ҳаводан баҳраманд бўлиши, тиникиб ухлаши лозим.

*Шухрат Турсунов.*

**ОРИЕНТАЛИЗМ** (лот. опеппк - шарқ) —Европа санъатида шакл топган бадиий усул, ижодий тамойил; Шарқ халқлари маданиятига хос мавзу ва образларга мурожаат этиши, шунингдек. Шарқ санъати ифодавий воситалари, бадиий шакллари-нинг қўлланиши билан белгиланади. келиб чиқиши Юнонистон (мил.ав. 8—7-а. лар), қад. Рим (мил. 1-а., «мисрлашган 3-услуб», Помпеядаги «Ор-фей уйи» ва б.) санъати билан боғлиқ. Урта аср даврида О.нинг жиҳатлари *Куртуба халифалиги* (мас, 8-10-ларда қурилган ва кейинчалик черковга айлантирилган *Кордова катта мас-жиди*), Гранада (13-14-а.ларда бунёд этилган ал-хумро саройи ва б.) меъморлигида тақасимон равоқлар, ўзига хос декоратив ва жимжимадор панжаралар орқали намоён бўлган. Кейинчалик ҳам Испаниянинг жан.да шарқона услуб «Мудехар» номи билан давом этди (15-а.

га мансуб Сарагосса вилояти Утевода-ги черков қўнғироқхонаси — «Кўзгулар минораси» ва б.). Франция меъморлигида О. Наполеон даври (*ампир* услуби)да ҳам намоён бўлган. Безаклар каторида *сфинкс* тас-вирлари ва майда нақшлар («арабеска») қўлланган. Булар *Лувр*, Фонтеб-ло, Малмезон саройларини қайта қуришган Персье (Персье) ва Фон-тен ижодларида яққол сезилади. Россия меъморлигида-ги О.га 18-а. охи-рида Чор селоси (Царское село) нинг Хитой кишлоғида бунёд этилган имо-ратлар мисол бўла олади. Тасвирий санъатда *К.Матисс* япон миниатюраси («Балиқлар», «Япон вазаси бўлган натюрморт» ва б.), *П.Гоген* Океания халқлари амалий безак санъати («Ки-рол хотини», «Таити пастораллари» ва б.), *П.Пикассо* негрлар ниқоблари («Елпиғичли аёл», «3 мусиқачи») дан илҳомланиб асарлар яратишган.

Ўзбекистонда О. 19-а. 2-ярми — 20-а. бошида европалик меъморлар ижодида яққол кўринади (Тошкентдаги *Романов саройи*, ўзирда бузилиб кетган «Хива» кинотеатри, Когондаги ва Шербудундаги амир саройлари, Хивадаги алоқа бўлими ва касалхона). Тошкентдаги А.Половцевнинг уйи (хоз. Амалий санъат музейи) асосан халқ меъморлиги анъаналарида барпо этилган бўлиб, унда Европа жиҳозлари (чунончи, печ) ам ўзбек анъанавий нақшлари билан бсзатилган. 20-а. нинг 30—70 йларида ҳам Ўзбекистон меъморлари О. анъаналаридан фойдаланишган (Тошкентдаги ФА биноси ва б.). Айрим биноларда миллий шаклларга кенг ўрин берилди (Москвадаги к.х. кўрғазмасининг Ўзбекистон павильони ва б.).

Мусақада О.нинг мисоллари *Г.Пёрселл* (Англия), *Ф.Рамо* (Франция) каби композиторларнинг умумшарқона асарлари, *Вена классик мактаби* намо-яндаларига хос «туркча» намуналарида юзага келган. Том маънодаги бадиий етук намуналарини 19-а.дан бошлаб Франция (Ф.Давид, *Ж.Бу-зе*, *К. Сен-Санс* ва б.), Россия («*Куд-ратли тўда*» вакиллари),

20-а.да Польша (*К.Шимановский*), Австрия (*Т.Малер, КШёнберг*), Франция (*М.Равель, О.Мес-сиан*) композиторлари яратишган. Баъ-зан айрим композитор (*Н.Римский-Корсаков, СРахманинов* ва б.)ларнинг бу борадаги изланишлари тўлақонли шар-кона асарлар яратишга олиб келган. Бу эса Шарқ (хусусан, Ўзбекистон)да ком-позиторлик мактаби шаклланишга ижо-дий ибрат вазифасини ўтаган.

*Неъмат Абдуллаев, Хайрулла Пулатов, Тўхтасин Фафурбеков.*

**ОРИФХОНОВА** Маъпура (1917. 25.10, Чимкент ш. — 1977.9.7, Тошкент) — метеоролог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1967). Геогр. фанлари доктори (1966), проф. (1966). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1940), 1944—46 й.ларда шу ун-тда, 1946 й.дан Тошкент политехника ин-тида ишлаган, олий мат. кафедраси мудири (1967 й.дан). Илмий ишлари жан. циклонларнинг Ўрта Осиё об-авоси шаклланишига таъсири мавзуга бағишланган. Дастлабкилардан бўлиб «Русча-ўзбекча метеорологик луғат» тузган (Т., 1956). Олий техника ўқув юртлари қошидаги тайёрлов курслари учун «Математика» кўлланмаси тузувчиларидан (Т., 1974).

*Ас:* Полс ветра циклонов над Средней Азии при прорывах южных циклонов, Т., 1974.

**ОТАЖОНОВ** Ортик (1947.30.1, Боғот тумани) — хонанда, Ўзбекистон (1991), Туркменистон ва Қорақалпоғистон (1993) халқ артисти. Урганч мусика билим юртини (рубоб синфи бўйича, 1967) ва Тошкент маданият ин-ти (1980)ни тугатган. Миллий ашулачилик йўлларини К.Отаниёзов, шунингдек, А.Отажонов, М.Мирзаев, Г.Раҳимова, О.Иброҳимов ва С.Собировлардан ўрганган. Ўзбек давлат филармонияси, «Лазги» ансамблида хонанда (1968—81), «Лазги» ансамблининг бадий раҳбари (1982—88). Репертуаридан Хоразм мумтоз ашулалари

(«Феруз 1, 11» савтлари б-н, «Чапандози Сувора», «Қажханг Сувора», «Хоразм Дугоҳи» ва б.), куйини ўзи басталаган асарлар («Зеболаниб келибсиз», «Она диёрим», «Хоразм фарзандиман», «Орол дарди», «Ссни кулишларипг», «Ибияй», «Бошқача» ва б.), шунингдек, афғон, туркман, озар-байжон, рус, араб кўшиқдари ўрин олган. Ижролари 2 грампластинка, Ўзбекистон радиоси фонотекасига ёзилган. Ўзбекистон телевидениесига «Ортик Ота-жонов» фильм-коннерти яратилган. О. Осиё, Европа, Америка, Австралия мамлакатларида гастролда бўлган.

**ОТАМИРЗАЕВ** Юсуфжон (1949.1.4, Мингбулоқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Наманган пед. институтини тугатган (1970). 1970 й.дан Мингбулоқ туманидаги 6-, 1972 й.дан 7-мактабда мат. ўқитувчиси.

**ОХУНЖОНОВ** Босит Алиевич (1923. 19.7, Тошкент — 2000.7.2) — хирург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1990). Тиббиёт фанлари д-ри (1979), проф. (1981). ТошТИ ни тугатгач (1949), аспирант (1949—52), ТошТИ педиатрия ф-ти госпи-тал хирургия кафедрасида ассистент (1953—61), Травматология ва орТопе-дия илмий тадқиқот ин-ти директори (1961—63), ТошТИ педиатрия ф-ти хирургия кафедрасида доцент (1964—72), Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти хирургия кафедраси мудири (1972—91), шу кафедрада проф.-консультант (1991—2000). Илмий ишлари ўткир ичак тугилиши масалаларига ва жигар циррозини унинг фаолиятини кучай-тирувчи омиллардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик йўли билан даволашга оид.

**ОХУНОВА** Мелихон Охуновна (1928.28.12, Учқўргон ш. - 1987.12.10, Тошкент) — тарихчи олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979), Ўзбекистон ФА муҳбир аъ-

зоси (1979), тарих фанлари д-ри (1972). ЎзДУнинг тарих ф-тини тугатган (1949), шу йилдан Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тининг аспиранти, илмий ходим (1953 — 61), директор ўринбосари (1961-65), директор (1965-86), бўлим бошлиғи (1986 — 87). Илмий ишлари Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи муаммолари ва Ўзбекистоннинг социализм давридаги тарихига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

**ОЭ** Кензабуро (1935.31.1, Эхиме пре-фектураси, Япония) — япон ёзувчиси. Токио ўн-тининг француз адаби-ёти бўлимини тугатган (1959). Рабле ижодини пухта ўрганган. 50-й.лардан адабиётга кириб келган. «Мол боқиш» ҳикояси (1958) О.га шухрат келтирган ва *Акутагава* номидаги мукофотга сазовор бўлган (1959). О.нинг «Ке-чиккан ёшлар» (1962) романида ёш авлод тақдири, ёшлиги туйфайли урушга кечиккан ва урушдан кейин маънавий-ахлоқий азобга дучор бўлган ёш фукаронинг фожиаси акс этган. «Хайкирик» (1963), «Шахватпараст одам» (1963) асарларида бирон-бир ахлоқий мажбурият билан боғланмаган киши тас-вирланган. «Шахсий тажриба» (1964) романида ҳоз. ёшларнинг жамият олдидаги бурчи, уларнинг ахлоқий изланишлари муаммоси кўрсатилган. Хиросима фожиаси, инсоният тақдиридан хавотирланиш ғоялари «Хиросима хотиралари»да (1966), «1860-йил футбол» (1967), «Сувлар мени рухимгача бағрига олди» (1—2-қисм, 1973), «Халоскорнинг эсдаликлари» (1976) романида акс эттирилган. «Тенг-қурлар ўйини» (1979) ижтимоий ро-мани Япониянинг ўтмиши ва келажаги ҳақида. Нобель мукофоти лауреати (1994).

## П

**ПАПАДОПУЛОС** Тассос (1934.7.1, Никосия) — Кипр давлат арбоби. Лон-

донда юриспруденцияни ўрганган. 1972—76 й.ларда жамоалараро музокараларда грек-кипр томони вакилининг маслаҳатчиси, 1976—78 й.ларда вакили. 1976 й. апр. — майда Кипр парламенти раиси. Кейинчалик 12 й. давомида навбатма-навбат Кипр ички ишлар, молия, меҳнат ва ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, қ.х. ва табиат ресурслари вазири. 1970, 1976, 1991, 1996 й.ларда Кипр парламенти депутатлигига сайланган. 2000 й.дан Кипр Демократик парти-яси бошлиғи, 2003 й. 28 фев.дан Кипр Республикаси президенти.

**ПАПУЛИАС** Каролос (1929.6.4, Грециянинг Янина ш.) — Греция давлат арбоби. Юридик фанлари д-ри. Афина, Милан ва Кёльн ун-тларида ўқиган. Миллий озодлик ҳаракати қатнашчиси (1941—44). 1974 й.дан «Умумгрек социалистик ҳаракати» аъзоси (1975—85 й.ларда ҳаракатнинг халқаро алоқалар бўйича қўмитаси котиби), 1981 й.дан Греция ташқи ишлар вазири ўринбосари, 1985—89 ва 1993—96 й.ларда Ташқи ишлар вазири, 1989—90 й.ларда Греция миллий мудофаа вазири вазифасини бажарувчи. 2005 й. 8 фев.дан Греция Республикаси президенти.

**ПЕРРО** Шарль (1628.12.1, Париж -1703.16.5) — француз шоири ва танқидчиси. Франция академияси аъзоси (1671). 19-а. француз адабиётида авж олган «кадимгилар ва янгилар баҳси»да иштирок этиб, замондош ёзувчиларнинг қад. ёзувчилардан афзаллигини ёқлаб чиққан ва шу билан шухрат қозонган. Илк пародияли достони — «Троя девори » (1653). Шундан кейин унинг «Буюк Людовик асри» (1687) достони ҳамда 4 ж.ли «Санъат ва фан масаласида қадимгилар билан янгилар ўртасидаги қиёслар» (1688— 89) диалог шаклида ёзилган асари, «Аёлларнинг таърифу тавсифи» (1694) сатирик шеъри эълон қилинган. П. сўнгги 2 асарида *Буало* сингари замондошлари билан баҳс-мунозара

юритган. П.нинг адабиётнинг маърифий аҳамияти ҳамда адабий тараққиётнинг фан ва тамаддунга боғлиқлиги масаласидаги қарашлари француз маърифатпарварлари томонидан ривожлантирилган. Аммо П.нинг француз адабиётидаги катта ўрни «Онагинам Гусина бонунинг эртаклари ёки Ўтган замонларнинг ибратли воқеа ва эртаклари» тўплами билан белгиланади. Мазкур тўпلام П.нинг ўғли Дарманкур номидан эълон қилинган. У дастлаб 8 та эр-такдан ташкил топган бўлиб, кейинчалик яна 3 та шеърый эртак ҳисобига бойиган. Француз адабиётидаги антик маданият анъаналарига қарши курашган П. халқ эртақларига хос «қиссадан ҳисса» чиқариш тамойилини самарали, деб ҳисоблаган. У эртакка ҳазил-мутойибалар ёрдамида чинакам халқ ижодига хос лаҳо-фат ва жозибани олиб кирди. П. «Эр-таклар»и француз адабиётида халқ-чилликнинг ошиши ва эртакнинг адабий жанр сифатида ривожланишига катта таъсир кўрсатган. П.нинг эртакнавислик анъаналари ака-ука Гриммлар, Л.Тик, Х.К.Андерсен сингари ёзувчилар томонидан давом эттирилди. П.нинг «Золушка», «Этик кийган мушук», «Кўк соқол» сингари эртаклари асосида опера ва балет спектакллари, мультфильмлар яратилган. П.нинг айрим эртаклари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас: Волшебные сказки, М., 1984.

**ПЕТРОВ** Рево Маркович (1943.21.3, Олтой вилояти) — ҳарбий дирижёр, композитор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977). 1951—53 й.лар Мудофаа вазириликнинг алоҳида намунали кўргазмали ҳарбий оркестрида хизмат қилган (Москва). Моск-ва ҳарбий дирижёрлар тайёрлаш ин-тида таълим олган (1953—1957). Германиядаги Совет кўшинлари оркестрида (1957—62), Туркистон ҳарбий округининг турли ҳарбий оркестрлари (1963—1976)да ҳарбий дирижёр. 1976—1987 й.лар Туркистон ҳарбий округи оркестр хизмати бошлиғи.

1987 й.дан Ҳамза номидаги Республика мусика коллежида ўқитувчи, оркестр чолғулари кафедраси мудири. Пуфлама созлар оркестри учун «Эс-града мини-атюраси», «Наврўз», «Са-лом», «Тошкент» маршлари, «Интер-меццо» каби асарлар яратган, қатор куйларни оркестрга мослаштирган. «Дамли чолғулар оркестри жамоаси учун дарслик» муаллифи (2004).

**ПИЧОҚ** — 1) бир томони чархлаб ўтқирланган, пластинкасимон узунчоқ кескир асбоб. П. асосан тиг ва даста (соп) дан иборат. Тиг П.нинг кесадиған қисми ҳисобланади. Дастаси (сопи) ёғоч, суяк, пластмасса ва баъзан темирдан ишланади. Улар сукма, ёрма ва нақшдор бўлади. Даста мустақкам туриши учун мис халқачалар — гул-банд қўйилади. Тузилишига кўра, П. тўғри, қайқи, бодомча; ўлчамига кўра — ўртасуямлик, гезлик, болапичок, чалабузар, мардона; безатилишига кўра — содда, гулдор, чилмихгулли, руфта, садафли, дандоп сопли ва б.; ясалиш усулига кўра, чуст (тус) П., пойтуғ П., кўкоп П., қорасув П., шаҳрихон П., хива П. хилларга бўлинади. Ишлатилишига қараб, П.лар ўтқир учли ва тўмтоқ учли қилиб ясалиши; буклама (пакки); тугмача ва пружинали (тугмачаси босилганда тиғи ирғиб очиладиған) бўлиши мумкин. П.ни шикастланишдан сақлаш учун махсус мослама — қинга солиб қўйилади. Қин газлама, металл, темир, чарм, ёғоч ва б.дан ясалиб, унга турли бадийий ўйма нақшлар қилипади.

Ўзбекистонда илгари П. асосан темирчилик дўконларида тайёрланган, ҳозир маҳаллий саноат корхоналарида ҳамда хусусий кичик корхоналар (дўконлар)да ишлаб чиқарилади. П.лар уй-рўзгор ва хўжалиқда, боғдорчилик, қосибчилик, овчилик ва б.да қўлланади (қ. *Пичоқчилик*); 2) машина ва механизмларнинг кесувчи, қирқувчи ва ўювчи қисмлари. Ёғочсозлик саноати, ёғоч ўймақорлиғи, озиқ-овқат саноати, қ.х. машиналарида, тахта тилиш, фанер йўниш, ёғоч ўйиш, силос

ва сомон майдалаш, карам қирқиш ва б. ишларни бажариш учун мўлжалланган П.лар бўлади. Улар фреза, диск, ўтқир учли пластина ва б. кўринишда ясалади; 3) электротехникада рубиль-никлар ва штепселлардаги қисқичлар ҳам П. деб аталади.

**ПИЧОҚЧИЛИК,** пичоқсозлик -пичоқ, устара, ханжар ва б. кесгир асбоблар яшаш касби; хунармандликнинг қад. турларидан бири. Илк палеолит давридан маълум. Дастлабки кесгир қурол тошдан ясалган. Жез даврида мис ва жездан П.лар яшаш бошланган. Темирнинг кашф этилиши П. санъати тараққиётида катта бурилиш бўлди. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда П. жуда қадимдан ривожланган. Кейинчалик Европа мамлакатларида расм бўлган. Темир пичоқлар ҳақидаги маълумотлар қад. юнон эпик шоирлари *Гомер* ва Гесиод асарларида учрайди. 14-а.да Германия, Англия, Австрия, Францияда П.ни касб сифатида тақиқлаб, пичокни ошхоналарда ишлатишган. Ўзбекистон ҳудудида (Афросиёб, Болаликтепа, Варахша ва б.да) олиб борилган арх. қазишмалар натижасида мил. ав. 2-минг йилликка оид пичоқ намунаси топилган. Девогларга чизилган расмлардан пичокдан хўжалик ва овчиликдан ташқари ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланилганлигини билиш мумкин. 6—12-а.ларда пичоқ яшаш ривожланиб, уни безаш технологиялари ўзгарган. 15—17-а.ларда ёнга осиб юриладиган пичоқ турлари пайдо бўлди. Бунин Навоий, бобур асарларида ишланган миниатюралардан кўриш мумкин.

Кейинчалик П.нинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида қадимдан 20 га яқин П. марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, ихчамлиги ва безаклари билан фарқ қилган. Бу марказларга Чуст, Шаҳрихон, Қора-сув, Қўқон, Хива, Тошкент ва б. П. мактаблари киради.

Пичоқ Ўрта Осиёда эркакларнинг энг зарур иш қуроли, безаги тарикасида фойдаланилган. Шунинг учун Ўзбекистондаги пичоқсозлар пичокни санъат даражасига кўтарганлар. Қадимда хунармандлар бир-бири билан бири-киби бир маҳаллада яшаганлар ва маҳалла шу ном билан аталган. Мас, Тошкент ш.да Пичоқчилик маҳалласи сақланиб қолган.

Ўзбекистонда дастлаб хунармандчиликни ривожлантириш борасида вилоятларда артеллар ва хунармандлар тайёрлайдиган ўкув юртлири очилди. Чуст ш.да «Қизил куч» артели (1932), кейин пичоқ и.ч. заводи қурилди (1970), ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилди (1978). Илгари пичоқларни катта дўконда уста босқончи дамгир билан биргаликда яшашган. Унинг дастаси эса суяк, мугуз ёки ёғочдан тайёрланган. П.да темирчиликдаги каби ўчоқ, дам, сандон, бозғон, эгов, болга ва б. ишлатилади. Пичоққа ажра-тилган темир кесилиб, металл бўлакчаси ўтда қиздирилади, сандонга қўйиб, болга билан уриб тиғ чиқарилади, сувга тиқиб олиб кескирлиги оширилади. Бу жараёни сув бериш дейилади. Пичоқ пўлатининг қаттиқлигига қараб сув берилади. Сўнгра уни гирага қистириб, катта эгов билан эговланади, тиғи чархланади, лока кирраси бўйлаб ишқалаб, тиғ юзига сой (кома) очилади. Пичоқ қорамгир тусга кириши учун зок (суяк модда) га ботириб олинади. Сўнгра даста ўрнатилади. Эда эса махсус цехлар бўлиб, ҳар қайси цех ўзига тегишли операцияни бажариб йиғилади. 3-днинг чарм-галантерея цехида пичоқлар учун кин тайёрланади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пичоқлар фақат уй-рўзгор ва хўжалик буюмигина бўлиб қолмай, балки миллий санъат асари даражасига кўтарилади, шу туфайли чет эл сайёҳлари учун совға сифатида ҳам кадрланади.

**ПОДГОРИЦА** (1952-1992 й.ларда Титоград) — Черногория Республикаси пойтахти. Скадар кўли сойлигида

жойлашган. Аҳолиси 118,1 минг киши (1998). Транспорт йўлларининг йирик чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Алюминий к-ти, металлсозлик, мебель, тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Черногория фан ва санъат академияси, ун-т бор.

Қадда П. ўрнида римликларнинг Вирзиминиум қишлоғи бўлган. 7-а.да Черногорияни славян қабилалари эгаллагач, қишлоқ Рибница деб аталди. 12-а. 80-й.лари — 1360 й.да П. деб номланган. 1427 й.дан П. Зет князлиги марка-зи. 15-а.нинг охирларидан Усмонли турк империяси таркибида, 1878 й.да Черногорияга қайтарилган.

П.да меъморий ёдгорликлардан турклар қурган қалъа қолдиқлари (15-а.), 17—19-а.ларда қурилган бинолар ҳамда шаҳар яқинида антик Доклей ш. харо-балари, черков ва б. сақланган.

**ПОЁНОВ** Абдуназар (1949, Қизирик тумани) — Ўзбекистон халқ бахшиси (2003). *Шеробод дostonчилик мактаби* вакили. Термиз педагогика ин-тини тугатган (1973). Қизирик тумани умумтаълим мактаби ўқитувчиси (1973 й.дан). Дostonчилик анъаналарини Мардонақул бахши, Умир бахшилардан ўзлаштирган. Репертуаридан «Алпомиш», «Малика айёр», «Шерали» ва б. дostonлар, дўмбира куйлари, шунингдек, халқ («Дўмбирам», «Нима айтай» ва б.) ҳамда Ватанга муҳаббат, садоқат, халқ ҳаёти мавзуларида ўзи ижод қилган термалар ўрин олган. Халқаро (Қозоғистон, 1997; Термиз, 1999) ва республика бахши-шоирлар тапловлари лауреати.

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**, Ўзбекистон ФА Полммерлар кимёси ва физикаси институти — и.т. муассасаси. 1981 й.да Ўзбекистон ФА таркибидаги полимерлар кимёси бўлими (1979) негизда ташкил этилган. Ин-тнинг асосий фундаментал илмий йўналиши талаб этиладиган ҳоссаларга эга бўлган полимерлар ва компо-

зицион полимер материалларнинг янги турларини синтез қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уларни қайта ишлаш ва и.ч. технологиясини ташкил этишдан иборат. Ин-тда олиб борилган и.т.лар нагижасида қ.х. ва тиббиёт учун зарур био-логик фаол полимерлар синтези йўлга қўйилди, ўсишни бошқарувчи, бактерицид, фунгицид ва иммуномодуллаш хусусиятига эга бўлган полимер тизимларининг янги турларини синтез қилишга синергетик ёндошиш жорий этилди, кимёвий модуллаш усули билан фармацев-тикада кенг қўлланиши мумкин бўлган экологик тоза полисахаридлар синтези ҳар тарафлама ўрганилди. Пахта момиғидан турли мақсадларга мўлжалланган пахта целлюлозаси олинди, уни карбоксиме-тиллаш, ацезиллаш мумкинлиги аниқланди, кукун ва монокристалл ҳолатдаги целлюлоза олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва улар асосида дори-дармонлар, тиббиёт учун зарур маҳсулотлар олинди. Ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя воситалари сифатида сувда эрувчан, кам зарarli полимер доривор шак-ли, биологик фаол компонентлар сама-радорлигини оширувчи, пахта, шоли, қанд лавлаги, маккажўхори ва бугдой уруғларини капсулалашнинг экологик хавфсиз технологиялари ишлаб чиқилди. Ўсимликларни кимёвий ҳимоялашга йўналтирилган, фунгицид ва ўсишни бошқарувчи ҳамда қ.х. маҳсулотлари уруғини капсулалаш воситаси — «Ўзхитан», фунгицид хоссали оксадексил кимёвий воситанинг уруғлик чигитни капсулалашда қўлланадиган полимер шакли — «По-лисанд», қайта ишлашга яроқли «Пахта целлюлоза»си қоғози «Новилон», «Каго-цел», «Нитроглицерин», «Лимонли пек-тин», «Микроцел» каби доривор моддалар олинди ва амалиётга тавсия этилди. Полимерлар кимёси ва физикасининг истиқболли келажаги — нанополимерларнинг янги турларини синтез қилиш, полимер тизимларида наноструктураларнинг шаклланиш механизмларини тек-шириш,

уларни барқарорлаштириш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ин-тда 8 та лаб. бўлиб, уларда 120 дан ортиқ ходим ишлайди, шулардан Ўзбекистон ФА I акад. (С.Ш. Рашидо-ва), 8 фан доктори, 24 фан номзоди фаолият кўрсатади (2005).

**ПОЛИМОНОДИЯ** (*поли...* ва *монодия*) — мусикий-ижодий тамойил, монодик баённинг *полифония* унсурлари ёрдамида бойитишга асосланади. Ўзбек анъанавий мусиқига 20-а. ўргаларидан *ба-стакорликнинг* тараққиёти, хусусан, услубий камровлари кенгайиши жараёнида шаклланган. Дастлаб унинг аломатлари *Ф. Содиқов* (ўзбек созлари ансамбли учун «Ўзбекча вальс»), *М. Мирзаев* (қашқар рубоби ва ансамбль учун «Дилдор 1—2», «Янги Танавор» ва б.), *Н. Ҳасанов* ва *К. Жабборов* (иккаласининг оммабоп куй ва кўшиқлари)лар ижодида намоён бўлди. Қсийнчалик *Н. Қулабдуллаев* (ғижжак ва рубоб учун «Ўйламанг» ва б. чолғу асарлар), айниқса, *А. Исмоилов* (ғижжак ва ансамбль учун «Ҳолим сўрма», «Учра-шув»; ғижжак, қонун ва най учун «Фаввора», «Тўёна» ва б.), *Ў. Расулов* (ғиж-жак ва ансамбль учун «Ҳаёл», «Сени эс-лаб» ва б.)лар П. имкониятларини теран ифода воситаси даражасига кўтаришган.

Ўзбек (шунингдек, озарбайжон, турк, тожик) анъанавий ижрочилигида созанда ва хонанда (*Т. Қодиров* — «Доғман», «Танавор», *К. Раҳимов* — «Наргиз»)лар ҳам П. унсурларидан унумли фойдаланишган.

*Тўхтасин Ғафурбеков.*

**ПОНТОППИДАН** (Pontoppidan) Хен-рик (1857.24.7, Фредерисия — 1943.21.8, Копенгаген) — даниялик ёзувчи. Копенгаген политехника ин-тини тугатган (1874—77). Таниқли тарихчи ва мунаққид *Георг Брандесдан* кўп нарса ўрганган ва уни энг яхши романи — «Жаннатмонанд ер» (1891 — 95) даги бош қахрамон прототиби қилиб

олган. 1881 й. «Ҳаёт тугади» ҳикояси ҳафтаномада, «Қирқилган қанотлар» новеллалар тўплами эса алоҳида китоб ҳолида чиққан. Кейинроқ «Қишлоқ ҳаёти манзаралари» (1883), «Қулбалар ичида» (1887) ҳикоялар тўпламларини эълон қилган. Ёзувчининг кейинги йирик асари — 8 жли «Омадли Пьер» 1898 — 1904 й.ларда нашр этилган. П.нинг 5 жли сўнгги романи «Ўзликлар салтанати» (1912—16)да бош қахрамон йўқ, унда персонажлар кўп, кенг ижтимоий панорама тасвирланган, асар марказида турган радикал сиёсатчи уйқудаги халқни уйғотишга уринган. «Ўзликка олиб келадиган йўлда» (1943) автобиографик очерклар тўплами ҳам бор. Нобель мукофоти лауреати (1977).

**ПРИШТИНА** - Сербия ва Черногори-ядаги шаҳар, Косово ва Метохия ўлкаси пойтахти. Аҳолиси 108 минг киши (1990-й.лар ўргалари). Қ.х. районининг савдо-саноат маркази. Тўқимачилик, озик-овқат, керамика, машинасозлик саноати корхоналари мавжуд. Хунар-мандчилик ривожланган: гилам тўқилади, рангли металлдан турли буюмлар тайёрланади. Ун-тбор. П. яқинида қўнғир кўмир, кўрғошин-рух конлари топилган. Иирик энергетика-кимё кти ишлаб турибди.

**ПРЕСКОТТ** (РезсоИ) Эдвард (1940 АҚШ, Нью-Йорк) — америкалик иктисодчи. 1967 й. Карнеги-Меллон ун-тида докторлик илмий даражасини олди. Пенсильвания (1967—1971), Карнеги-Меллон (1971 — 1980), Миннесота (1980—2003) ун-тларида ишлади. 2003 й.дан бошлаб Аризона давлат ун-тида проф. ва Миннеаполис (Миннесота штати) Федерал резерв банкнинг тадқиқотчиси. Илмий ишлари динамик макроиктисодиёт, иктисодий сиёсат ва циклли тебранишлар, иктисодий сиёсат стратегиясида қисқа ҳамда узок муд-датли мақсадлар муаммоларига бағишланган. Нобель мукофоти лауреати (2004; *Ф. Кидланд* билан бирга).

**ПРОСКОРЯКОВ** Евгений Иванович (1895, Саратов — 1965, Самарқанд) — биолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1957), биол. фанлари д-ри (1953), проф. (1954), Саратов к.х. институтини тугатган (1920). Саратов вилоятидаги к.х. станциясида лаборант (1921—25), Воронеж к.х. институти ботаника кафедрасида ассистент (1925—30), доцент (1930), Белоруссия ФА Марказий ботаника боғида гсрбарий бўлими мудири (1934—37), Ўзбекистон давлат ун-ти ботаника кафедраси проф., мудири (1937—39; 1942 й.дан). Ульяновск педагогика ин-ти проф. ва директор ўрин-босари (1939—42). Илмий фаолияти буг-дойдошлар ва хилолдошлар оилалари, Зарафшон воҳаси флораси ресурсларини ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланишга бағишланган.

Ас: Бир йиллик эфемерларнинг келиб чиқиши, Самарқанд, 1950.

## Р

**РАВШАНОВА** Гулнора Ҳасановна (1946.26.5, Термиз ш.) — Ўзбекистон халқ артисти (2004). Термиз давлат педагогика ин-тини тугатган (1975). Хадича *Бобохонованин*т қизи. 1963 й.дан Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида актриса. Р. ўз ижоди давомида лирик, драматик, комик каби турли характердаги образлар яратди: Майсара (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Нурхон (К.Яшин, «Нурхон»), Леди Мильфорд (Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Саодат (Э.Воҳидов, «Истамбул фожиаси»). Сотти (С.Аҳмад, «Келинлар кўзғолони»), Биби (Ш.Пардаев, «Осмонсиз уй»), Тўлғаной (Ч.Айтматов, «Момо ер»), Бибиҳоним ва Она турк (Қ.Абдунабиев, «Амир Темур ва Йилдирим Боязид»), Кунтуғмишбека (У.Азим, «Атпомишнинг қайтиши»), Малика (Х.Хурсанов, «Ўлдинг азиз бўлдинг») ва б.

**РАМАЗОНОВА** Ширин (1941.4.2, Урганч) — Ўзбекистон халқ артисти (2005). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1980). «Равшан ва Зулхумор» спектаклидаги Зулхумор унинг сахнада яратган илк образидир. Лайли («Лайли ва Мажнун»), Шоҳсанам («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»), Зухра («Тоҳир ва Зухра»), Нурхон («Нурхон»), Холисахон («Холисахон»), Ойхон («Майсаранинг иши»), Офелия («Ҳамлет»), Амалия («Қароқчилар»), Каромат («Тошболта ошиқ»), Назокат («Парвона»), Офат («Қайнона») ва б. Р. сахнада яратган энг яхши образлардир. Хатти-харакатларидаги табиийлик, ички кечинмаларни ифодалаш мароми, нутқнинг аниқ, раvon ва таъсирчанлиги Р. ижодига хосдир. «Феруз-1», «Муножот», «Севги», «Юрак», «Айрилма мендан», «Баҳор келди» каби ашулалари билан хонанда сифатида ҳам танилган.

**РАСУЛОВ** Ўлмас Мамасодиқович (1951.12.1, Денов тумани) — созанда (ғижжак, манзур), хонанда, бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (2005). Тошкент консерваториясини тугатган (1976). Бухоро мусика билим юрти (1976—77), Тошкент консерваторияси (1987—94), Ҳамза номидаги Республика мусика коллежи (2002 й.дан)да педагог, Бухоро давлат ун-тида доцент (1995 — 2002) ва кафедра мудири (1995—2000). Айни пайтда «Зарафшон» ансамблин созанда (1987—94), «Ўзбек-наво»нинг Бухоро вилояти бўлимида бадий раҳбар (1997—2002), «Дуторчи қизлар» ансамблини маслаҳатчи (2002 й.дан). Созанда репертуаридан *Шашма-қом* ва *Фарғона — Тошкент мақом йўллари*, ўзбек халқ («Азим дарё». «Энде сендек», «Ҳавойи Эрон» ва б.) ва мумтоз («Сурнай Мискини», «Хароботи Мискин» каби) куйлари ўрин олган. Хонанда сифатида «Содирхон Ушшоғи», «Сигмадим» (Машраб газали), «Ор йиғлайди» (Ҳ.Худойбердиева) каби ашу-лалар, Бухоро йўлларида «Забоний», Жавоний», «Гул рези» вокал тур-



кумларини маҳорат билан ижро этган.

«Ойпалак», «Тавоис», «Ўчәётган табас-сум», «Само» каби чолғу куй, «Сўрамайсан» (Ҳ.Аҳмедова шеъри), «Ширу-шакар», «Ка-рашма» (На-воий, Ғозий, Насимий), «Магар Наврӯз ила байрам» (Н авои й), «Нозик муҳаммас» (Но-зик Биби Хўқандий) ва б. ашула ҳамда туркумлар, шунингдек, «Бобур», «Кеча ва кундуз» видео-фильмлари, «Имом Бухорий» бадиий фильмига мусиқа басталаган. Европа мамлакатларида гастролда бўлган. ижролари «Ўлмас Расулов чалади» грампластинка (1984) ҳамда Ўзтелерадио-компанияси фонотекасига ёзилган. 1-Республика мақом ижрочилари танло-ви ғолиби (1983).

**РАҲМАТОВА** Мартия Аҳмедовна (1955. 8.3, Бухоро тумани Арабхона қишлоғи) — илғор ишчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Меҳнат фаолиятини 1973 й.да бухоро йигирув-тўқ<sup>3</sup> в ф-каси (хоз. «Бухоро-текс» акциядорлик жамияти)да оддий ип йигирувчиликдан бошлаган. 1994 й.дан хоз.гача шу корхона 1-йигирув цехида йигирувчи. Р. меҳнат фаолияти давомида илғор технологияларга таянган ҳолда 3—4 та дастгоҳда ишлашни ўзлаштирди, дастгоҳларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаб, иш нормасини ошириб бажаришга эришди, ишлаб чиқариладиган калава ипнинг юқори сифатли бўлишини таъминлади. Кўплаб шогирдлар етиштирди. «Меҳнат шухрати» ордени билан муко-фотланган (1996).

**РАШИДОВ** Ғулумқодир Рашидович (1926.6.7, Тошкент) — тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), тарих фанлари доктори (1966), проф. (1973). Ўрта Осий ун-тининг тарих ф-тини тугатган (1948). Шу ун-тда катта ўқитувчи (1951—54), Ой-бек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг директори (1952—60, 1986—92), Ўзбекистон ФА тарих ва археология ин-тида катта илмий ходим

(1960—67), Ўзбекистон шаҳарлари тарихи секторининг мудири (1967— 86), Ўзбекистон ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1992—97). Р.нинг илмий ишлари Ўзбекистоннинг 20-а. 1-ярмидаги тарихи, шаҳарлар тарихи, шу жумладан, Тошкентнинг замонавий тарихига бағишланган.

Ас: Қадимий ва навқирон шаҳар, Т., 1995.

## **РЕЗАКСОЙ СУВ ОМБОРИ** -

Қурама тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган резаксой дарёсида қуриладиган гидротехника иншооти. Наманган вилоятидаги Чуст ш.дан 5 км узоқликда жойлашган. Қ.х. экинларини сув билан таъминлаш мақ-садларига хизмат қилади. Сув омбори қурилиши 2003 й.да бошланган (қурилиш давом этмоқда, 2005). Ўзанти тип-да. Резаксой сувини мавсумий тартибга солиди. Лойиҳага кўра тўғони уз. 3200 м, бал. 80 м, тўлиқ сиғими 200 млн. м<sup>3</sup>. Р.с.о. таркибида тош-тупроқли тўғон, Сирдарёга ва Шим. Фарғона каналига 40 м<sup>3</sup>/с дан сув бериш имкониятига эга бўлган 2 иншоот ҳамда сув ташлама иншоотлар бор. Суви Наманган вилояти ерларини суғоришда фойдаланилади.

**РЕИМОНТ** (Кеутоғи) Владислав Станислав (1867.7.5, Кобеле-Вельке — 1925.5.12, Варшава) — поляк ёзувчиси. Дастлабки романи — «Лўттибоз аёл» (1896) автобиографик мотивларда ёзилган. «Жаннатмонанд ер» (1—2 ж.. 1899) романида натуралистик ва символистик усуллардан воз кечиб, реалистик усулни қўллаган. «Мужиклар» (1—4 ж., 1904—09) миллий эпос романи муал-лифи. Руҳи ва колорити билан соф полякча бўлган бу асар бир оз мавҳум, ком-позицияси ва тилида нуқсонлар бўли-шига қарамай, ёзувчига халқаро микёсда обрў келтирган. «Учрашув» (1897), «Тонг олдида» (1902), «Одиллик билан» (1899), «Ғалаён» (1897) каби асарларида қишлоқ ҳаёти асл ҳолича ёрқин тас-вирланган. «1794 йил»

(1913—18) тарихий трилогиясида Польшадаги ички сиёсий аҳвол акс этган. Нобель муко-фоти лауреати (1924).

**РЕСПУБЛИКА ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ (РПМ)** — она қорнида ривожланаётган ҳомилани ва янги туғилган чақалоқларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатадиган и.т. ва даволаш муассасаси. 2002 й. 1 июнда Тошкент ш.да Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўз фаолиятини бошлаган. Марказ Тошкент тиб-биёт педиатрия ин-ти клиникаси ҳудудида жойлашган, у туну кун тартибида ишлайди. Марказда ҳомиладорларга, туғ-руқ ва чилла давридаги аёлларга юқори малакали шошилиш ва режали тиббий хизмат кўрсатилади; республиканинг барча вилоятларидан чақалоқлар, аёллар ва беморлар қабул қилинади.

Марказда 9 клиник бўлим: қабул бўлими, 2 та акушерлик бўлими, шунингдек, ҳомилани сақлаб қолиш, ҳомиладорларни туғруққа тайёрлаш, гинекология (артифициал аборт; жароҳлик усудида даволаш; асоратланган акушерлик анамнези бўлган аёллар реабилитацияси, бепуштлиқ), катталар реанимацияси ва интенсив даволаш (хар хил этиологияли ўткир гемоди-намик ўзгаришлар; ҳаёт учун муҳим аъзо ва системалар функциясининг ўткир бузилиши; жароҳликдан кейинги ўткир метаболик бузилишлар; шок ва клиник ўлимдан кейин тикланиш даври, оғир даражали преэклампсия), чақалоқлар патологияси (иммунологик зиддият—конфликт; ҳомила ички гипотрофияси; моддалар алмашинуви патологияси; оғир туғма жароҳат ва асфиксиядан сўнг). неонатал жароҳлик, чақалоқлар реанимацияси ва интенсив даволаш (йирингли септик касалликлар ривожланиш нуқсонларининг мураккаб шакли) каби бўлимлар. 125 ўринли касалхона ишлаб турибди.

Ҳоз. марказдаги илмий изланишлар Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси қошидаги Илм-фан ва технология маркази томонидан тасдиқланган грант мавзуси (янги туғилган чақалоқлар ривожланишининг узок муддатли прогнози ва унинг бузилишларини олдини олиш; ҳомиладорларда гепатоз ҳолатлари; чақалоқлар миясининг гипоксия нагижасида бузилишлари; сийдик пуфагининг туғма аномалиялари; тухумдон эпителиал кистомасида аёлларнинг иммунологик статуси; ҳоми-ладорларда фетоплацентар етишмовчилик) асосида олиб борилади.

РПМ да 300 га яқин тиббиёт ходими хизмат қилади (2005). Марказ Тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти студентлари, магистрлари ва клиник ординаторлари учун тайёрлов ҳамда республика неонатолог (янги туғилган чақалоқ врачлари)лари учун асосий илмий ўқув маркази ҳисобланади. Марказ илмий тўплам, монография ва методик қўлланмалар нашр этади.

**РОМАНОВА** Ҳуржон Қодировна (1946. 13.5, Беруний тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Хоразм пед. институтини тугатган (1975). 1968 й.дан Беруний туманидаги 11-мак-табда бошланғич синф ўқитувчиси, 1970 й.дан 66-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

**«РЭДИСОН САС ХОУТЕЛ ТАШКЕНТ»** (ингл. — «Рэдисон САС Тошкент меҳмонхонаси») — 4 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.даги Амир Темура кўчаси («Бодомзор» метро станцияси ёни)да 2003 й. бунёд этилган (бош меъмори А.Тўхтаев; «Айсель» фирмаси). Меҳмонхонада барча қулайликларга эга 110 хона мавжуд: 85 та «биз-нес-класс», 18 та 2 ўринли ярим люкс ва 7 та люкс. 6 қаватли бино замонавий ва табиий қурилиш материалларидан қурилган, ўзига хос бадиий меъморий ечимга эга. Ҳовлисида фаввора ва сув ҳавзаси мавжуд. Меҳмонхонада 50—400 ўринли 3

хил кўринишдаги конференция зали, «Босфор» ресторани ва 3 та («Пиано», «Аква» ва коктейл) бар, биз-нес-марказ, соғломлаштириш маркази (сауна ва очиқ бассейн б-н). кўп функцияли холл, шунингдек, офис ва хизмат хоналари мавжуд.

## С

**САГИТОВ** Абдулла Киямович (1918, Ульянов вилояти) — биолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), биол. фанлари д-ри (1966), проф. (1968). Ўзбекистон Давлат ун-ти (Сам-ДУ)ни тугатган (1941). уруш қатнашчиси (1941—45). СамДУ биология ф-ти зоология кафедрасида ассистент (1948— 50), доцент (1950-68), проф. (1968), мудир, ф-т декани (1945—2001). Умурт-қали ҳайвонларни муҳофаза қилиш, қушларнинг нерв системаси ва эшитиш органларининг солиштирма анатомияси устида илмий иш олиб борган. 4 жилдли «Ўзбекистон қушлари» ва «Ўзбекистоннинг Қизил китоби» бош муҳарри-ри. Ўзбекистон орнитологлар жамияти президенти (1951—92).

**САИДХЎЖАЕВ** Саидокил Саидхонич (1894.5.1 - Тошкент -1968.10.12) -биринчи ўзбек энергетик муҳандиси, техника фанлари номзоди (1943). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи (1964). Тошкентдаги рус тузем мактабидан ўқиган (1904—06). Москвадаги Плеханов номидаги Халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1927). Ўрта Осиёни электрлаштиришга катта ҳисса қўшган. *Бўржар* ва *Оқтепа* ГЭСлари қурилишига бошчилик қилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги-тини механизациялаш муҳандислари ин-тида ишлаган (1951 й.дан).

**САМАТОВ** Сами Саматович (1949, Самарқанд ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2004). Ўзбекистон

Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими (1998). Сирдарё пед. институтини тугатган (1973). 1973 й.дан Сирдарё пед. институтида физика ўқитувчиси, 1975 й.дан физика ф-ти декани ўринбосари (1985— 90 й.ларда декан), техника воситалари кафедраси мудир, 1991 й.дан Гу-листон ун-ти қошидаги Янгиер ш. ин-тернат лицей, 1999 й.дан Гулистон академик лицейи директори.

**САНОҚ ТИЗИМИ** - сонларни маҳсус белгилар (рақамлар) тўплами ёрдамида ёзиш усули. С.т.нинг позициян ва нопозицион кўринишлари мавжуд. Нопозицион С.т. рим рақамлари б-н, позициян С.т. эса биз ўрганган ва араб рақамлари (аслида ҳинд рақамлари) деб аталадиган белгилар билан ёзилади. Позицион С.т.да ўрнига қараб рақамнинг қиймати ўзгариб боради. Мас, 34 сони 4 та бирлик ва 3 та ўнликни билдиради. Агар уларнинг ўрни алмаштирилса 43 сони ҳосил бўлади. Бу сонда 3 та бирлик ва 4 та ўнлик мавжуд, яъни 3 нинг қиймати 10 марта камайди ва аксинча 4 нинг қиймати 10 баробар ошди. Бундай ўнлик С.т.даги сонларнинг рақамлари уни 10 лик асос даражалари йиғиндисидан тасвирлашнинг коэффициентлари ҳисобланади. Ҳисоблаш машиналарида, одатда, *Г.В.Лейбниц* таклиф қилган 2 лик С.т. ишлатилади. Бундай сонларни тасвирлаш учун 2 та — 0 ва 1 рақамларидан фойдаланилади. 2 лик С.т.нинг ишла-тилиши ЭХМлар қуриладиган эле-ментларнинг фақат 2 та турғун ишчи ҳолатда бўлиши билан боғлиқ. Бу элементлар калитларга ўхшаш бўлиб, улар ёзилган ёки ўчирилган ҳолатларда бўлади. Учинчи ҳолат йўқ. Бу ҳолатларнинг бирига 1, 2сига 0 мос қўйилса, бундай элементларнинг кетма-кетлиги 2 лик С.т.даги сонга мос келади.

**«САНШАЙН - ТУРОН»** (ингл. «Турон — Куёш ёғдуси») — 3 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.даги Абдулла Қодирий ва Усмон Юсупов кўчалари ке-

сишган чорраҳада жойлашган. 1977 й.да курилган. 1977—92 й.лар «Ленинград» меҳмонхонаси, 1992—2005-й.лар «Турон» меҳмонхонаси деб аталган. Қайта таъмирланганидан сўнг — 2005 й.дан хоз. номда. Таъмирлаш лойиҳасини «ТА-МАХ» шахсий фирмаси бажарди (2003—04). Таъмирда янги қўшимча блок курилди, хоналар кенгайтирилди. Бинонинг ер ости қавати «А» ва «Б» блоклардан иборат бўлиб, холлар, қаҳвахона-бар, ошхона, сузиш хавзаси, қўшимча хоналар жойлашган. 1-қаватда вести-бюль, хизмат кўрсатиш мажмуалари, фойе, холл, ресто-ран, савдо дўконлари, сартарошхона, бар, соғломлаштириш мажмуаси, офис-лар, қаҳвахона, музокара хоналари ва б. ёрдамчи хоналар бор. 3—9-қаватларда турар жой хоналари жойлашган: 2 ўринли 106 та люкс, 2 ўринли 54 та ярим люкс хона, 2 ўринли 14 та апартаментли хоналар барчаси кенг, қулайликларга эга. бинонинг ташки қиёфаси шарқона услуб-да кўркем, салобатлидир.

**САРДОБА ТУМАНИ** - Сирдарё вилоятидаги туман. 1964 й. 30 апр.да ташкил этилган. 1992 й.дан Шароф рашидов тумани, 2004 й. 24 майдан С.т. деб аталди. Туман шим.дан Оқолтин, шарқдан Ховос туманлари, ғарбдан Жиззах вилоятининг Пахтакор, жан.дан Зарбдор туманлари билан чегарадош. С.т.да 1 шаҳарча (Пахтаобод), 7 кишлоқ фуқаролари йиғини (Гулзор, Гу-листон, Пахтаобод, Янгиобод, Янги-кишлоқ, Чўлқувар, Қўрғонтепа) бор. Майд. 0,52 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 51,9 минг киши (2004). Маркази — *Пахтаобод* шаҳарчаси.

Табиати. Туман рельефи пастте-кислик. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, киши совуқ. Январнинг ўртача т-раси —13°, июлники 30°. Йиллик ёгин 297 мм (асосан, баҳор ва киш ойларида ёғади). Вегетация даври 261 кун. Тупроқлари кумоқ ва ўртача кумоқ бўз тупроқлар. Шўрни қочириш учун 154,9 км узунликда очиқ зовурлар, 457 км узунликда ички хўжалик зовурлари

ва 3310 км узунликда ёпик ер ости зовурлари қазилган. С.т. ерлари Жанубий Мирзачўл каналидан суғорилади. Ёввойи ўсимликлардан қўнғирбош, ранг, илок, қиёқ, шўра, шувоқ, янтоқ, қамиш, пахта-тикан, бурган, итузум, ғумай, ажрик, юлғун, жийда, тол, терак, қайрағоч ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўрсик, чиябўри, бўри, типра-тикан, тошбақа, калтакесак, илон, каламуш, юмронқозик, сичкон; ҳашаротлардан чаён, қорақурт, бий; қушлардан чўл бургути, ёввойи ўрдак, тустовуқ, лайлак бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, козоқ, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 99 киши. Шаҳар аҳолиси 13,2 минг киши, кишлоқ аҳолиси 38,7 киши (2004).

Хўжалиги асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик ҳам ривожланган. Мева, полиз экинлари, картошка етиштирилади. Қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туманда жами ер майдони 51,8 минг га бўлиб, шундан 35,5 минг га экинзор. 16,5 минг га ерга пахта, 11,3 минг га ерга ғалла экилади. 660 га яқин деҳқон фермер хўжалиги фаолият кўрсатади.

Пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар ишлаб турипти. Деҳқон бозори, 53 савдо, 22 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бор.

Туманда 21 умумий таълим мактаби (11,3 минг ўқувчи), 3 касб-хунаар коллежи ишлаб турибди. Туман марказий кутубхонаси ва унинг шохоб-чалари, маданият муассасалари фаолият кўрсатади. Стадион, спортзаллар, волейбол, баскетбол, қўл тўпи май-дончалари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника. кишлоқ врачлик пунктлари, фельдшер-аку-шерлик пунктлари, амбулаториялар аҳолига хизмат кўрсатади.

1959 й. 5 майдан «Шарафли йўл» газетаси чоп этилади.

Қосим Ёқубов.

**САРМИНЖОН**, Жарминкон, Чармангон — ўрта асрларда Термиз вилоятидаги йирик шаҳар. Термиздан Сағониёнга бориш йўлида (бир манзил масофада) жойлашган. 12-а.да у Термиз вилоятидаги алоҳида ноҳия маркази бўлиб, Балх вилояти ноҳиялари билан чегарадош бўлган. «Худуд ул-олам»*т*ъ кўра, 10-а.да Чармангон атрофида кўплаб экинзорлар ва оқар сувлар бўлган. 10-а.да С. чиройли шаҳар бўлиб, унда Абул Ҳасан ибн Ҳасан Моҳ деган кишига тегишли ажойиб работ қурилган. Бу работ катта даро-мад келтирган ва унда ҳар куни кам-бағалларга хайрия қилинган.

С. *Жарқўргонжан* 4—5 км жан.-ғарбда жойлашган. Минор кишлоғи яқинидаги Култёпа ўрнида бўлганлиги тах-мин этилади. Ўрта асрларда бу ерда катта шаҳар мавжуд бўлган, ҳоз. атиги 2,5 га майдонгина қолган. Салжуқийлар даврида 1108/9 й.да қурилган минора сақланган (қ. *Жарқўргон минора-си*). Унинг жан.да 20-а. бошида эски мас-жид харобалари қад. кўтариб турган; бу ерда яна атрофи пишиқ гиштдан ишланган ховузлар ва б. иншоотлар жойлашган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязмчньш источникам IX—начала XIII вв., Т., 1996.

*Шамсиддин Камалиддинов.*

**СЕЛ** (Cela) Камило Хосе (1916.11.5, Лакорунья вилояти, Падрон шаҳарчаси) — испан ёзувчиси, акад. (1957). Мадридда ва Англияда ҳуқуқ илмини ўрганган. Жами 70 га яқин китоб ёзган. Романлари ва ҳикояларининг бош мавзуи — ҳоз. жамиятдаги одамнинг ночорлиги, фожиавий ахволи. Энг яхши ро-манлари — «Пасқуал Дуартенинг оила-си» (1942) ва «Асалари уяси» (1951)да ҳаётнинг ночорлиги, тутруксизлиги мавзуи тилга олинди, Испаниянинг Франко давридаги ҳаёти мисолида ёри-тилган. «Алькоррияга саёҳат» (1948), «Бекор

вақтлар гиддираги» (1957) очерклар тўпламларида халқ ҳаёти, унда ўз ўрнини топа олмаган инсон фожиаси ҳужжат-датиллар асосида холислик билан тасвирланган. «Тормеслик Ласарильонинг янги саргузаштлари ва мусибатлари» (1944) асари билан макр-ҳийла маз-мунидаги роман жанрини қайта тирил-тиришга уринган. Ҳаддан ташқари муболағага бой ҳикоялари «Испания ҳикоялари. Кўрлар ва тентаклар» (1957) тўпламида жамланган. П.Пикассо билан биргаликда «Севгисиз лагифалар тўпла-ми» (1962) ни нашр эттирган.

«1936 йил Мадридда авлиё Камило куни арафаси, байрами ва байрамдан кейинги ҳафта» (1969) романида испаниядаги фуқаролар уруши (1936— 39) қурбонларига чуқур ҳамдардлик акс этган. Нобель мукофоти лауреати (1989).

**СЕРКЕБОВ** Ермек Бекмухамедович (1926.4.7, Петропавловск) — қозоқ хонандаси (лирик баритон). Халқ артисти (1959), Мехнат Қаҳрамони (1986). Олмаота консерваториясини тугатган (1951). 1947 й.дан Қозоқ давлат опера ва балет театрида яккахон хонанда, 1973 й.дан Олмаота консерваториясида ўқитувчи, проф. (1982 й.дан). Ёқимли, майин овоз соҳиби. С. қозоқ ва мумтоз операларда асосий партияларни ижро этган: Омонгелди (Тулёбоев, «Омонгелди»), Эр Таргин, Артём (Е.Брусилковский, «Эр Таргин», «Дударай»), Алпамис (Е.Раҳмадиев, «Алпамис»), Евгений Онегин, Елец-кий, Мазепа, Роберт (П.Чайковский, «Евгений Онегин», «Мазепа», «Иоланта») ва б. Репертуаридан шунингдек, Евро ва эстрада асарлари ўрин олган. Америка, Осиё ва Америка мамлакатларида гастролда бўлган. Қозоғистон Давлат мукофоти лауре-ати (1972).

**СИБОРГИЙ** (лот. 81Boгe1ит), §§ — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 106. Барқарор изотоплари йўқ, масса сони

259-261, 263, 265, 266 га тенг бўлган 6 та изотопи маълум. Энг узоқ мавжуд бўлувчи нуклиди  $^{265}\text{Sg}$  ( $T_{1/2}=21$  сек, а-нурланувчи). Оксидланиш даражаси +4 ва +6; баҳоланган маълумотларга кўра  $5\text{g}^{4+}$  ионнинг радиуси 0.086 нм. Оғирлик миқдорида олинмаган, унинг хос-салари ўрганилмаган. Кимёвий хоссаларига кўра (назарий ҳисоблар) С. XV ва Мо нинг аналоги бўлиши керак.  $5\text{g}^{\circ}/5\text{g}^{4+}$  нинг стандарт электрод потенциалли 0,6 В (ҳисоб-китобларга кўра). С. изотоплари РЬ, СҒ ёки Ст ни  $^{54}\text{Сг}$ ,  $^{90}\text{Ю}$  ёки  $^{22}\text{Ne}$  ионлари билан циклотронда нурлантириш (бомбардировка қилиш) йўли билан синтез қилинади. Илк бор С ( $^{263}\text{Sg}$ )ни 1974 й.да америкалик физик ва радиокимёгар Г.Сиборг ўз ходимлари билан биргаликда синтез қилган. Деярли бир вақтда рус физиги ва кимёгари Г.Н.Флёров ходимлари билан биргаликда  $^{207}\text{РЬ}$  ва  $^{218}\text{РЬ}$  нишонларини  $^{54}\text{Сг}$  нинг тезкор ионлари билан нурлантириб олган. 1997 й.да элементни ИЮПАК сиборгий (Г.Сиборг шарафига) деб тасдиқлади.

**СИЁМ**, Сом, Санам — илк ўрта асрларда *Кеш* вилоятидаги мустақкам тоғ қалъаси. 8-а.нинг 2-ярмида Муқанна шу ердан туриб кўзғолонга бошчилик қилган. *Наршахийнинг* ёзишича, «Сом тоғи тепасида ғоятда мустақкам бир ҳисор бўлиб, унда оқар сув, дарахтлар ва экин ерлар бор эди. Бу ҳисор ичида ундан ҳам мустақкамроқ яна бир ҳисор бор эди. Муқанна уни тузатишга буюрди ва уни тузатдилар. Муқанна у ерга кўп мол ва беҳисоб озиқ-овқат йиғди. Соқчилар тайинлади». Араблар С.ни қамал қилган пайтда қалъадан 30 минг киши чиқиб келган ва яна 2 минг киши ичкарида қолган. Ичкари қалъанинг бир дарвозаси бўлиб, атрофи хандақ билан ўралган. Унда Муқанна хотинлари ва болалари билан яшаган. тарихчи Ибн Шихнанинг ёзишича С.ни Муқаннанинг ўзи қурдирган. тарихчи Ш.Қамалиддиновнинг фикрича, С. қалъаси Сангардақ дарёси водийсида, Шаҳрисабздан шарқдаги Майдонак де-

ган жойда бўлган. 2 минг метр баландликдаги тоғ тепасида 7—9-а.ларга оид улкан қалъа харобалари аниқланган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — иачала XIII вв., Т., 1996.

**СИНГХ** Манмохан (1932.26.9, Покхистоннинг Гах ш.часи) — Ҳиндистон давлат арбоби. Панжоб ун-тини тугатиб, 1952 й. бакалавр, 1954 й. магистрик даражасига эга бўлган. Кембриж ун-тида ўқиган. 1957 й.дан Панжоб ун-тида ўқитувчи, 1966 й.дан БМТнинг Же-невадаги савдо ва тараққиёт конференцияси котибиятида консультант, 1969 й.дан Дехли ун-ти проф., 1972 й.дан Ҳиндистон молия вазирлигида иктисодиёт бўйича маслаҳатчи, 1976 й.дан шу вазирликка иктисодий масалалар бўйича департамент раҳбари — вазир ўринбосари, 1982 й.дан Ҳиндистон резерв банки бошқарувчиси, айни вақтда 1983—84 й.ларда Ҳиндистон бош вазири ҳузуридаги иктисодий кен-гаш аъзоси, 1985 й. Ҳиндистон иктисодий ассоциацияси президенти, 1985 й.дан Ҳиндистон режа комиссияси раиси — вазир, 1990 й. дек.дан Ҳиндистон бош вазири маслаҳатчиси, 1991 й. Миллий ун-т комиссияси раҳбари. 1991 ва 1995 й. парламентнинг юқори палатасига сайланган. 1991 й. июндан Ҳиндистон молия вазири, 1996—2004 й.ларда вазирлик ҳузуридаги Консуль-татив қўмита аъзоси. 1996 й. авг.дан парламентда савдо қўмитаси раиси. 1996 й. март — 2004 й. парламент юқори палатасида муҳолифат етакчиси. 2000 й.дан Ҳиндистон парламент гуруҳи ижроия қўмитаси аъзоси. 2004 й. 22 майдан Ҳиндистон Республикаси бош вазири. Иқти-содиёт бўйича илмий асарлар муаллифи. Ҳиндистон ва хориждаги бир қанча ун-тларнинг фахрий даражалари соҳиби.

**СОБИРОВ** Маҳаммадҷон Собирович (1907, Туркистон ш. — 1985, Самарқанд)

— математик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968). Физика-мат. фанлари номзоди, доцент. Самарқанд пед. академиясининг табиий-математика ф-тини тугатган (1932). Ўзбекистон давлат ун-ти (СамДУ) да ассистент, ўқитувчи, катта ўқитувчи, ф-т декани, кафедра мудири, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлаган (1933—77). Илмиш ишлари асосан сонлар назариясига оид.

**СОДИРХОН ҲОФИЗ** Бобошарифов (1847 — Хўжанд — 1931) — ҳофиз, созанда, бастакор. Пошшо Охун ҳамда Саид Бузрукхўжалар қўлида тарбияланиб, хонандалик, созандалик ҳамда мақом сирларини ўзлаштирган. 20 ёшида хонақои ҳофиз мақомига муяссар бўлди. Фарғона водийси, хусусан Қўқон хонақоҳларида фаолият кўрсатди. *Эркақори*, *Мадумар Ҳофиз*, созандатар — каримқулбеги, Исмоил найчи, *Домла Ҳалим* ва *Ҳожиабдулазизлар билан* яқиндан ижодий ҳамкорлик қилган. С.х. «Сар-нақшчи», «Маснавийхон» сифатида ҳам танилган. Шашмақом заминидаги ўзига хос мақом йўллари талқини ва унга асосланган бастакорлик мактабини яратган; 20 дан ортиқ асарлар ижод қилган: «Уш-шоқи Содирхон», «Талқинчаи Қашқарчаи Ушшоқи Содирхон», «Сегоҳ» I—V туркуми, «Савти Чоргоҳ Муножоти», «Шахноз». «Синахуруш» ва б.

**СОКОЛОВА** Евгения Ивановна (1910.31.5, Харьков - ?) - Ўзбекистон халқартисти (1979). Куйбишев драма театри қошидаги студияни тугатган (1930). Уруш қатнашчиси. 1946— 86 й.лар Самарқанд рус драма театрида актриса. Юқори актёрлик техникаси, сахна маданияти, чуқур психологик кечинмада ифодалаш ва кучли эхтирос С. ижодига хос. «Иркутск воқеаси» (А.Арбузов)да Лариса. «Те-резанинг туғилган куни» (Г.Мдивани)да Тереза, «Қоидасиз ўйин» (Л.Шей-нин)да Марфа, «Ўғай она» (О.Баль-зак) да Гертруда, «Ваня тоға»

(А.Че-хов)да Марина каби образлар яратган.

**СУБАХ** —илк ўрта асрларда Ўзбекистоннинг жан.да мавжуд бўлган шаҳар. насафдан 6 фарсах масофада, Кеш ва Тер-мизга борадиган карвон йўли кесишу-вида жойлашган. 8-а.да С. *Муқанна қўзғо-лони билан* боғлиқ воқеалар марказига айланган. С. аҳолиси деҳқон Умар Суба-хий (ёхуд Амр) бошчилигида араблар ноибини ўлдириб Муқаннага биринчи бўлиб қўшилганлар ва очик равишда янги динга эътиқод қила бошлаганлар. Археологик маълумотларга қараганда. С. Қарши йўлида жойлашган ҳоз. Ўликтепа шаҳар харобаси ўрнида бўлган. шаҳар 3 қисмдан — арк, шахристон ва рабоддан ташкил топган. С.даги ҳаёт *мўзуллар илтилосигача* давом этган. Кейинги давр манбаларида С. қайд этилмаган.

Ад.: Камалиддинов Ш.С.. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычньм источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

**СУСУПЕ** — шаҳар, Шим. Мариана Ороллариининг пойтахти. Мариана о.лари гуруҳидаги Сайпан о.да жойлашган. Иқлими тропик, пассат, ўргача йиллик ёғин 1800 мм. Аҳолиси 47,8 минг киши (1995). Қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар мавжуд. Туризм ривожланган.

## Т, У

**ТАЙМАЗОВ** Артур Борисович (1979.20.7, Владикавказ) — спортчи, эркин кураш бўйича олимпиада ўйинлари чемпиони (2004, Афина). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2002), «Ўзбекистон ифтихори» (2004). Т. эркин курашнинг 120 кг вазн тоифасида олимпиада ўйинлари (2000, Сидней) ва жаҳон чемпионати (2001, Варна) кумуш медали совриндори, жаҳон чемпиони (2003, Нью-Йорк), «Мустақиллик кубо-

ги» халқаро мусобақаси ғолиби (2003, Тошкент). Т. Влади-кавказ ун-тини ту-гатган (2002), Ўзбекистон Республикаси «Динамо» кўнгилли спорт жамиятида эркин кураш бўйича спорт йўриқчиси (1999 й.дан).

**ТАЙМЕР** (инг. Итег, Ите — вақтни белгилаш) — *компьютерга* ўрнатилган электрон соат; ҳақиқий вақт ва вақт оралиғини кўрсатади, берилган вақт оралиғидан сўнг машинани автоматик ишга туширади (тўхтатади), ёхуд уни ишга тушириш (тўхтатиш) учун сиг-нал беради. Программа-қурилмалар восита-лари билан амалга оширилади.

**ТАКИНА ХОТУН**, Тегина бегим. Тегина Моҳбегим (тахм. 1318, Бухоро —1353, ҳоз. Шахрисабз) — *Амир Темурнинг* онаси. Амир Муҳам-мад Тарағайнинг хотини. Ўрта аср манбалари, хусусан, Фасих Ҳавофийнинг «Мужмали Фасихий» аса-рида келтирилишича, Т.х. Бухоро ула-моларининг пешвоси мавлоно Садр аш-Шариъа Убайдуллоҳал-Бухорий ибн Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳ-бубий ал-Бухорийнинг кизи бўлган. Т.х.нинг бобоси «Тоғаш-Шариъа» («Ша-рият тожи»), отаси «Салр аш-Шариъа» («Шариат улуғи»), амакиси Маҳмуд «Бурҳон аш-Шариъ-а» (Шариат хужжати») каби мўътабар унвонларга сазовор бўлган.

Т.х. 16 ёшида Кеш амири Муҳаммад Тарағайбекка узатилган (1334). Кейин-чалик яратилган «Қиссаи Темур» («Мал-фузоти Темурий»), «Темур киссаси» ва Тошкентлик тарихчи Салоҳиддин Тош-кандийнинг «Темурнома» (1908) асарида Т.х. ҳаётига оид айрим маълумотлар мавжуд. «Темурнома»да бўлажак соҳиб-қирон Амир Темурнинг таваллуд топиш (1336 й. 9 апр.да) тафсилотлари тақ-дирнинг илоҳий ҳукми сифатида тас-вирланган. Амир Темурнинг келажакда буюк инсон бўлиб етишувидан онасининг хиссаси катта бўлган. Т.х. эрининг ва-фоти (1360)дан анча авват қазо қилган

(1353).

Соҳибқирон Амир Темур кейинчалик онаси ва отаси дафн этилган Кешдаги оилавий хилхона устида муҳташам мак-бара қурдирган. Амир Темур катта ўғли Жаҳонгир Мирзо 20 ёшида вафот этган (1376), уни ота-онасининг қабри ёнида дафн этган. Соҳибқирон онаси хотираси-га атаб, Кешда машҳур Оксаройни бунёд эттирган ва Бухородаги Чашмаи Айюб макбарасини таъмирлатган.

Ад.: Фасих Ҳавафи. Муджмал-и фа-сихи., Т., 1980; Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Т., 1990; Ша-рафиддин Али Йаздий., Зафарнома, Т.. 1997; Амир Темур Кўрагон, Қиссаи Те-мур («Малфузоти Темурий»), Т., 2000.

**ТАРТИБ**, режим - ЭҲМ нинг фаоли-ят ҳолатини кўрсатиш, маълум бир да-стурлар (алгоритмик тил, амалий дастур ва б.) нинг ишлаш услуби. Мас, ЭҲМ нинг ишлаш Т.лари: пакет тартиби — бу-тун пакет унга кирувчи барча масалалар ва уларнинг устиворлиги ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайдиган усул. Бу Т.да масалаларни мустақил ечиш ўрнига барча дастурлар ЭҲМ хотирасига кири-тилиб, алоҳида вазифалар сифатида ма-салаларни ечишдан иборат пакет (план) тузилади. Пакет Т.и бир дастурли ва кўп дастурли бўлади. Вақтни бўлиш тарт и б и — ЭҲМ га бир пайтда тер-минал деб аталувчи, маълумотларни масофадан ту-риб киритиб-чиқарувчи қурилмаларни улаш усули. Терми-наллар бошқа бино-лар, корхоналар ёки шаҳарларда жой-лашган бўлиши мумкин. Реал вақт тарти-би — бошқарилувчи объектдаги авария ҳолатлари содир бўлганда бажарилади-ган ишчи дастурларнинг юқори устивор-ликка эга бўлиш усули.

Баъзи алгоритмик тилларда (мас, турбо паскаль) компиляция қилиш услу-блари, таржима қилинган дастурларни сақлаш, уларни бажариш ва б. ишларда ҳам ҳар хил Т. ўрнатилиши мумкин.

Амалий дастурларда (мас, М§ ОГЯсе ва б.) ҳам, хужжатларни сақлаш. кўриш.



чоп этиш ва б. ҳолатларда ҳам маълум Т.лар ўрнатилади.

**«ТАШКЕНТ ПЭЛИС ХОУТЕЛ»** (Тошкент сарой меҳмонхонаси) — 4 юлдузли меҳмонхона; Тошкент ш.нинг Буюк турон кўчаси (Навоий театри рўпараси)да жойлашган. 1958 й.да «Тошкент» меҳмонхонаси (меъмор М.Булатов. Л.Караш) номи билан бунёд этилган. Бино тарҳи П шаклида, марказий корпуси 5 қаватли, ён қанотлари 4 қаватли. 2003 й.да таъмирланди (таъмирлаш лойиҳаси муаллифи А.З.Тўхтаев; қурилишни «Айсель» фирмаси бажарган). 2003 — 04 й.ларда «Be MepcHeп ТаагЛегИ palace pole1», 2005 й.дан ҳоз. номда. Таъмирдан сўнг 232 та хонадан иборат бўлди; 149 та 1 ўринли люкс, 39 та 2 ўринли люкс, 29 та 1 хонали еуперлюкс, 13 та 2 хонали, 1 та 3 хонали апартаментли ва 1 та президент апартаментли хоналари бор. Бинонинг ер ости қисмида ёрламчи хоналар, устахона ва техник хоналар жойлашган. Ичкари ҳовлида ҳовуз, 1-қаватда вестибюль, бизнес-марказ ва конференция зали, саргарошхона. дўкон. 210 ўринли ресторан, 34 ўринли қахвахона, соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатади. 2 — 5-қаватларда турар жой хоналари жойлашган. Улар замонавий мебель ва б. керакли ускуналар билан жиҳозланган. 6-қаватда шинамгина айвонли қахвахона мавжуд.

Бинонинг меъморий ечими аввалги кўринишда сақланган. фақат унинг гранитдан қилинган қисми қайта тикланган. Ёғоч деразалар алю-миий деразалар (шишапеиат) билан алмаштирилган. Бино янлда гўзаллашган.

**ТЕМИРОВ** Ботир Даминович (1948.9.5. Фарғона тумани) — илюр санонат ходими, механик муҳандис, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Фарғона политехника ин-тини тугатган (1989). Меҳнат фаолияти 1966 й.да Қувасой тумани Ҳамид Олимжон номидаги жамоа ҳужалигида колхозчиликдан бошлаган. Фарғона неф-

тни қайта ишлаш 3-дида навбатчи чилангар (1971 — 75), конденсат йиғиш ва буғ таъминоти участкаси устаси (1975 — 77), 3-днинг 1-цеҳи ЛЧ-35/11-600 технологик цеҳида механик (1991 —94), 1-технологик цеҳи катта машинисти (1994— 97), 3-д техника назорати бўлимнинг 1-тоифали муҳандиси (1997-99), 1-технологик цех м а ш и н и с т и ( 1999-2002), цех механиги (2002 й.дан). Т. юкори октанли автомобиль бензини ишлаб чиқариладиган ЛЧ-35/11-600 қурилмасининг ишга туширилишига катта ҳисса қўшди. Ускуналарнинг бенуксон ва тўла қув-ват билан ишлаши-да, ускуналардан фойдаланиш муд-датларини узайтиришда ўзига хос тажриба мактабини яратди. Т.нинг катта босимда ишлайдиган ускуналар клапанларини таъмирлаш учун майдонча яратиш бўйича киритган рационализаторлик таклифи катта миқдорда электр энергияси. иссиқлик энергиясини тежаш имкония-тини яратди.

**ТЕПСЕЙ ҚАБРИСТОНИ** - *тоштинқ маданиятига* мансуб археологик ёд-горлик (мил. 3—5-а.лар). Минусинск ш. (РФ)дан шим.да, Енисей дарёсининг ўнг соҳилида, Тепсей тоғи ён бағрида жойлашган. Ер ости сағаналарининг умумий майд. 40—50 м<sup>2</sup>, ён томондан кириш жойи бўлган, ички ва ташқи деворлари, усти қалин ёғочдан ишланган. Сағанатардан куйдирилган одамларнинг куллари ва турли буюмлар топилган. сағаналарнинг биридан 100 дан ортик кишининг қолдиқлари чиққан. Сағанага дафн этиш тўхтатилгач, уни ёкиб юборишган. Ер остида кислотод етишмагани туфайли олов секин ёнган, шу туфайли кўп буюмлар ёнмай, қорайиб қолган, ёғочдан ишланган буюмлар биз-гача сақланиб қолган. Булар турли хил идиш, қадах, тоғоралар, буғу, кўйларнинг ҳайкалчалари, жездан ишланган жуфт от боши, камар тўқалари, гипс ни-қоблар, от югани қолдиқлари. шунингдек, кўплаб ҳайвонларнинг суяқларидир.

1968 й. Т.қ.даги даҳмадан топилган

суратли узун тахталар муҳим бадий-тарихий ҳужжат ҳисобланади. Уларнинг бир томонида турли ҳолатда акс этган ҳайвонлар (буғулар, айик, бўри, учаётган куш), бошқа томонида жанг манзараси акс этган. Тасвирлар пичоқ учида нозик чизиклар билан туширилган. Жанг манзараси қадда уч қабила ёки халқлар ўртасида бўлган реал воқеликни акс этган.

Ад.: Древняя Сибирь (Путеводитель по выставке), Л., 1976.

**ТИББИЙ МЕХНАТ ЭКСПЕРТИЗА КОМИССИЯСИ (ТМЭК)** (Ўзбекистонда) — ногиронлик, унинг сабаблари ва даражасини, доимий ёки узоқ муддат меҳнат қобилиятини йўқотганликни ҳамда касаллик, анатомик нуқсон ва б. натижасида меҳнат қобилияти пасайганлигини аниқлайдиган комиссия.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида тиббий-меҳнат экспертиза инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. Марказий тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари, туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган бошланғич ТМЭК бўлимларидан ташкил топган. ТМЭК фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 24 ноябрдаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ бошқариб турилади.

Фуқароларни ТМЭК нинг кўригидан ўтказиш тегишли даволаш муассасасининг йўлланмаси бўйича яшаш жойида ёки бириктирилган даволаш-профилактика муассасасида амалга оширилади. Тиббий текширишга 16 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар. уларда паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, даволаш муассасасининг йўлланмаси (88-шакл). касаллик тарихидан кўчирма, меҳнат тури ва шароитлари ҳақидаги маълумотлар бўлган тақдирда қабул қилинади.

ТМЭК ногиронларни 6 ойда бир. ай-

рим ҳолларда икки йилда бир марта қайта кўриқдан ўтказилади. ТМЭК кўриқдан ўтказиётган шахсларнинг касаллик ташҳисини аниқлаш ва саломатлигини тиклаш учун уларни даволаш муассасаларига юбориш, расмийлаштирилган ҳужжатлар шубҳа тугдирганда маслаҳат олиш мақсадида Ўзбекистон ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий марказига юбориш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ишга жойлаштиришнинг ТМЭК тавсияномаларига мувофиқлигини ҳақ текширади. ТМЭК хулосаси асосида ногиронлиги аниқланган кишиларга давлат қонунига мувофиқ нафақа тайинланади.

Ўзбекистонда 115 бошланғич, 27 марказий ва 38 та ихтисослаштирилган ТМЭК мавжуд (2005).

*Носир Муҳаммаджонов*

**ТОВАРЛАРНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ** - кимё фанлари тизимида янги фан. Биринчи марта проф. И.Р.Асқаров ва Т.Т.Рисқиев томонидан таклиф этилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК да маъқуллангач, Ўзбекистон Фан ва техника Давлат қўмитасининг 1997 й. 15 ию.даги 14-сонли қарори асосида 02.00.22-шифр билан дунё кимё фанлари қаторидан жой олган. Ушбу янги ихтисослик бўйича олиб борилган и.т.ларга техника ва кимё фанлари бўйича номзодлик ва д-рлик илмий даражалари ҳамда катта илмий ходим, донент, проф. илмий унвонлари берилади. Энди барча товарларни таснифлаш ва уларга сертификатлар берилишида ҳар бир товарнинг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратилади. Халқаро иктисодий муносабатларда товарларга халқаро код рақамлари беришда ҳамда товарларга гигиеник, фитосанитар. карантин, ветеринар, мувофиқлик ва бошқа сертификатлар беришда товарнинг кимёвий таркиби асос қилиб олинishi кuzда тутилади.

**ТОИРОВ** Махмуд (1952.31.8, Тошкент вилояти Паркент тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (2005). Тошкент ун-тининг филол. ф-тини тутатган (1977). Республика радиосининг болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар бош тахририятида адабий ходим (1978—84). «Паркент тонги» газ.да муҳар-рир (1984 й.дан), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент ви.тоят бўли-мининг масъул котиби (1999 й.дан). Дастлабки шеърый тўплами — «Айт энди, юрагим» (1991). Шундан кейин Т.нинг «Биз нечун учрашдик» (1992). «Муҳаббат шеваси» (1995), «Оқиб кетган армонлар» (1996). «Бармоқтар бода-си» (1998), «Ҳакни таниб» (1999). «Юз тўртлик» (2002) каби асарлари нашр этилган. Т. анъанавий уелуб шоири. Шеърларида оддий инсоний туйғулар, юрт мадхи ва муҳаббат мавзулари акс этган. Кўплаб шеърлари таникли хонандалар гомонидан куйланати. «Меҳнат шухра-ти» ордени билан мукофотланган (2001).

Ас: Сайланма. Т. 2002.

**ТОМАЛАР**, тама — ўзбек хатқп таркибига кирган 92 қабила-уруғдан бири. Дастлаб *Рашидудвинутинг* «Жоме ут-таворих» асарида (14-а.) қайд этилган. Т. Дашти Қипчоқтаги *Қоюқ хоти-ги*. *Нўтий Урдаси* сиёсий ҳаётида муҳим ро.ть ўинаганлар. 16—17-а.ларда бошқа кўчманчи этник гуруҳтар билан бпрга Мовароуннахр худудига келиб. Тошкент. Нурота воҳаларида ўтроқлашган. *Ц.Б.Рад.ювити'* маълумотига кўра, Т. *Кичик жуз* таркибидаги 7 уруг (жети-ру) уюшмасига (жа-галбой, кепте ва Т., тобин. керайит. телов. рамадон) кирган. Нурота тоғ этакларида яшовчи Т. сарик, кўса, кат. кур-ра, чўмичли. олтибек каби кичик уруғларга бўлинади. 1924 н.ги Ўрта Осиёни районлаштириш комиссияси матери-алларида Зарафшон воҳасида 1185 Т. рўйхагга олинган ва улар 3 уруг уюшмасига киргзн. Хоразм вилоятида 500 Т. қайд этилган. Асосан. чорвачилик ва деҳқончилик билан шутулланишади.

*Тома Баҳодир Розик ўғли*

## **Т О Ш Г У З А Р - Б О Й С У Н - Қ У М Қ У Р Г О Н Т Е М И Р Й Ў Л И —**

Ўзбекистоннинг жан. худудиди барпо этилаётган йирик темир йўл магистрали. Йўлнинг умумий уз. 220 км; т.й. ўтган худудларла 6 та темир йўл ст-яси (Тошгузар. Дехқонобод, Оқравот, Дарбанд, Бойсун, Кумқўрг-он), 10 та разъезд (Қайирма, Бўзахўр, Жаркудук, Қорадахна, Чашмаи Ҳофн-зон, Оқназар, Шўроб, Пулҳаким, тангимуш, Окжар), 44 та кўприк, 508 та сунъий иншоотлар барпо этиш режа-лаштирилган. Темир йўлнинг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 й. 17 авг.даги «Тошгузар — Бойсун — Кумқўргон» янги темир йўл линиясини лойиҳалаш ва қуриш масалалари тўғрисида» қарори асосида бошлапган. Мазкур йўл мамла-катнинг ягона мустақил т.й. тармоғини яратишда ва уннг жан. вилоятларни ижти.мой-иктисодий ривожланти-ришда. табиий ер ости бойликларини ўзлаштиришда муҳи\! аҳамиятга эга. Т.й. линияси тула ии\!га туширилиши билан юк ташиш масофасининг қисқариши на-тижасила миллии иқтисодиётда транс-порт сектори иши самарадорлпги ортади; кўшни давлатлар т.й.дан фойдаланиш учун сарфланалпган валюта тулоатари те-жалати; Т.й. ўтадиган худудларда табиий газ (Зеварда. А.тан. Ўртабулок. Шўрган. Муборак, Лалмикор ва б.). газ конденсати ва нефть (Кўктумшук, Шим. Ўртабулок), тош-кў.мир (Бойсун, Шарғун). полиме-талл (Кандиза) кон.тарини ўзлашгириш. тоғ-кон саноати ва к.\. соҳаларини рив-ожлантириш ҳисобига минтақатарнинг и.ч. қувватлармпн оширишга эри-шилади. Т.й.ннг бош буюртмачиси «Ўзбекистон темирйўллари» давлат-ак-циядорлик ком-паняси. Унинг лойиҳаси компаниянинг «Боштранслройиҳа» ва «Тоштсмирйўл-лойиҳа» ип-тлари то-монидан ишлаб чиқилган. Т.й. лини-яси қурилиши лониҳасининг умуми\! киймати 447,3 млрд. сўм ни ташкил этати

(2004). Лойиҳапн амалга ошириш учун Япония Халқаро ҳамкор.тик банкининг 151,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредити жўзб қилинган. 2004 й. 30 авг. да чаштралнинг 1-босқичи — Тонпузар — Дехқрнобод участкаси (56,8 км) курнб битказилди ва ншчи поездлари ҳаракати ташкил этилди. 2005 й. 5 майда магистралнинг 2-босқ-нчи — К\’мк\’’ргон — Бойсун участкаси (59.1 км!) қурилиши якунланди ва поездларнинг ишчн ҳаракати очилди. 2005 п. охирига қадар «Дехқнобод» ст-ясининг узвий лавоми бўлган 26.5 км ли т.й. қурилишн якунланли. Йўл респнГ)ликаиаги жула кўп к\’рилич монтаж компанияларн ва ташкплотларп иштирокила қурилмоқда.

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ** — республикада юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2005 й. 29 июлдаги 178-қарори билан Тошкент ш.да 1- ва 2- Тошкент давлат тиббиёт ин-тлари негизида (қ. *Тошкент биринчи тиббиёт институти*, *Тошкент иккинчи тиббиёт институти*) ташкил этилган. Академия юқори малакали тиб-биёт кадрларини тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий техника базасини яратиш, илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида янги мазмун билан бойитиш, бўлғуси мутахасссларнинг таълимни улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбар-час боғлаб олиб борилишини таъминлаш мақсадида тузилган. Академияда 5 ўқув ф-ти (даволаш, тиббий-педагогика, стоматология, тиббий профилак-тика ҳамда олий ҳамширалик иши), 58 кафедра, аспирантура, марказий и.т. ва марказий клиник лаб., 2200 ўринли клиника, илмий тиббий ахборот бўли-ми, музей, акад. лицей, кутубхо-

на (800 мингдан зиёд асар), нашриёт ва бос-махона бор. Ҳоз. 7000 га яқин талаба, шунингдек, магистратура йўналишида 40 мутахассслик бўйича 280 дан зиёд резидент таълим олади (2005). Т.т.а. Тошкент ш.даги йирик касалхоналарда кўшимча клиник базаларга эга. Академияда 1100 ўқитувчи, шулардан 10 га яқини Ўзбекистон ФА ва х&тқаро ака-демиялар акад., 200 дан зиёд фан дри, проф., 600 дан зиёд фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатади.

Т.т.а. ҳузурида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича 6 та ихтисослашган кенгаш ишлайди. Академия илмий тўплам, монография ва методик қўлланмалар нашр этади.

**ТОШМАСЖИД МАЖМУАСИ** - Навоий вилояти Қизилтепа тумани Ванғози кишлоғидаги ёдгорлик (16-а.) Кўп устунли йирик хонадан иборат ягона жоме масжиддир. 2 та йирик ва 16 та бир хилдаги майда гумбазлар билан ёпилган. Турли катталиқдаги гум-базлардан ташкил топган устун-гум-базли конструкциялари ўзига хос. Бош тарзи шаркка қараган масжид олдида қад кўтарган минора (бал. 24 м) Ўрта Осиёла сақпаниб қолган 16-а.га оид шу турдаги иншоотларнинг энг баланд ва нафиси саналади. Бино (24x40 м) жан. ва гарбий томондан Г шаклида қурилган қатор имораглардан иборат. Ғарб қисмида Тошмасжид, мадраса, таҳоратхона ва ҳаммом жойлашган. Т.м. баланд (тахм. 70 см) супа устига қурилган ва олд томони чўзилиб кетган маҳобатли бинодир. Марказий қисмидаги баланд безакдор пештоқ ва йирик мовий гумбаз ажралиб туради.

**ТУТКОВУЛ** — Жан. Тожикистондаги (Нурек ш.дан жан.да) қад. манзилғох харо-баси. Майд. тахм. 1 га. 1963—69 й.ларда қазииш ишлари олиб борилган. Мезолит (мил. ав. 10—9-минг йиллик) ва неолит (мил. ав. 7 — 5-минг йиллик) даврларига оид қатламлар аниқланган. Топ-

шан ясалган ярим айлана ўчоқлар, тош парчаларидан териб ишланган «туарар жой майдончалари» чиққан. Сопол буюмлар учрамаган. Неолит даври қатламлари учун бутун, яхлит тош ва тош парчаларидан ясалган кўпол қурооллар, микролит кўринишидаги кремнийдан ишланган асбоблар хос. мезолит даври қатлампидан эса кўплаб геометрик шаклдаги (трапециясимон) қурооллар чиққан. Неолит қатлами ос-тидан аёл ва 3 гўдакнинг бош суяклари топилган, уларнинг барчаси ев-ропеоид ирққа хос. Т. аҳолиси неолит даврида ибтидоий чорвачилик билан шуғулланган.

**ТУЭКТА ҚЎРҒОНЛАРИ** - Позитив маданиятига хос қад. мазорқўрғон (мил. ав. 6—5-а.лар). Олтой ўлкасидаги Урсул дарёси сўл соҳилида, Туэкта қишлоғи ёнида жойлашган. 1954 й. С.И.Руденко қазилма ишлари ўтказган. 2 та мазорқўрғон тадқиқ қилинган. 1-Туэкта қўрғони қатта бўлиб диаметри 68 м, бал. 4 м ни ташкил этган; уни бунёд этишга тахм. 6 минг м тош сарфланган. Қўрғондан топилган сарқофа тилоғоч дарах-тидан қилинган бўлиб. уз. 4.25 м ни ташкил этган.

Сарқофа қопқоғига йўлбарслар тасвири ва вергул, учбурчак кўринишидаги нақшлар туширилган. Қўрғон қад. замонлардаёқ таланган, олтин ва кумуш буюмлар ўғирланган. Сарқофадаги эркак жасадидан ҳатто кийимини ҳам ечиб олишган. Топилмалар ичида пайконлар, қилич ва ханжар, қалқон парчалари диққатга сазовор. Маййит билан 8 та от кўшиб кўмилган. Уларнинг эгаржабудқлари бўғулар, лослар, йўлбарслар, грифонларни тасвирловчи нақшинкор ёғоч тақинчоқлар билан безатилган. 2-Туэкта қўрғони диаметри 32 м, бал. 2.6 м. У ҳам қадда таланган. Қабрда аёл дафн этилган сарқофа қолдиқлари сақланган. Сарқофада кийикларнинг нақшинкор тасвири, аёл кийими парчалари, 8 та отнинг ёғочдан ишланган безаклари сақланган.

Ад.: Древняя Сибирь. Л.. 1976.

**ТЎПОЛОН СУВ ОМБОРИ** - Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи — *Тўполондарё*а курилайётган йирик гидротехника иншооти. Сурхондарё вилояти Узун қишлоғидан 1,5 км узокликда жойлашган. Сув омбори курилиши 1983 й.да бошланган. Суғориш ва гидроэнергетика мақсадларига хизмат қилади. Дарё сувини мавсумий йиғади. Сув омбори ўзанли типда. Таркибида тош-гупроқли тўғон, сув чиқариш (300 мУсек) ва сув таштама (120 м<sup>3</sup>/сек) иншоотлари, ГЭС (қуввати 175 МВт) бор. Лойихага кўра тўғони уз. 410 м, бал. 180 м, тўлиқ сиғими 500 млн. м<sup>3</sup> фойдали сиғими 470 млн. м<sup>3</sup>. Сурхон-дарё вилоятининг Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги экинзорларни суғоришда фойдаланилади, бир қатор каналларга сув беради, ГЭС қуввати вилоятнинг жанубий ҳудудларида электр энергияси таъминотини ях-шилади.

**УДОЙТЕПА**, Одейтепа — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 1-минг йиллик — мил. 12-а.). Амударё булшдаги Фо-роб т.й. станциясидан 30 км шим.да жойлашган. Умумий майд. 23 га. Унинг энг қад. маданият қатламлари илк темир даврига оид бўлиб, сўнгра ҳаёт 9—12-а.ларга қадар бетўхтов давом этган. Шаҳар думалок шаклда бўлиб 3 қисмдан ташкил топган, ҳар бир қисм қалин мудофаа девори билан ўраб олинган. Тарихий манбаларда (9-а.) кайд этилган Умм Жаъфар қаль-аси У. ўрнида бўлган деб тахмин қилинади. Қальа яқинида араблар истилоси даврида араблар билан туркийлар ўртасида 2 жанг содир бўлган (730 й.). Қальанинг Бухоро вилояти чегарасида жойлашгани муҳим стра-тегик аҳамият касб этган. «Умм Жаъ-фар» атамаси араблар томонидан қўйилган бўлиб, аёл киши номидан олинган. Исломдан аввал у бошқача ном билан Хуканжа ёки Хоконжа деб аталган, 9-а.да арабча Умм Жаъфар деб номланган. Кейинчалик қальа ва унинг атрофидаги мавзе эски номи билан юритила

бошлаган.

**«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ҲАМЛАРАИ** Ўзбекистоннинг умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган оммавий спорт мусобақалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустикалигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги (2001 й. 19 янв.) қарори асосида ташкил этилган ҳамда «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлук-сиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 й. 3 июнь) қарорига биноан бу ўйинларнинг республика финал босқичлари 3 йилда бир марта ўтказилиши белгиланган. Мақсади — умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчиларини жисмонан етук, ахлоқан баркамол ҳамда ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорли спортчи ёшларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш. «У.н.» с.ў.да бадий гимнастика, баскетбол, волейбол, гандбол, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, теннис, футбол каби олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва шах-мат, белбоғли кураш, кураш сингари оммалашган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Саралаш мусобақалари умумий ўрта таълим ва болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, туман, шаҳар ва вилоятларда, республика финал босқичи битта худудда тантанали равишда ташкил этилади. Биринчи «У.н.» с.ў.нинг республика финал босқичи Фарғона (2002), иккинчиси Хоразм (2003) вилоятларида бўлиб ўтди. Иккинчи «У.н.» с.ў. саралаш мусобақаларида 4 млн.дан зиёд, унинг финал босқичида 2114 нафар ўқувчи қатнашди (2003).

**УОЛКОТТ** (УалсоП) Дерек, Волкотт (1930, Тринидад ороли, Сент-Люсия

ш.) — тринидадлик шоир, драматург. Инглиз тилида ижод қилади. Маданий белги — рамзларга бой мажозий ва айни пайтда мазмуни яққол сезилиб турадиган шеърлятида [«Кема халокатига учраган» (1965), «Денгиз томчилари» (1976), «Ёз ўртаси» (1984) шеърлий тўмламлири] бош қахрамон — янги Одам Ато (мустамлака куллигидан 4 аср кейин) хоз. цивилизация заволи топаётган бир даврда яна қайта ўзлигини топишга уринади («Улкан уй харо-балари» шеъри). Ҳоз. замонни янги-ча эпик (улуғвор холда) хис этиш ва шу орқали ундаги буюк ва ўтиб кетган маданиятлар қатламларини ўзаро фарқлаш У. шеърлятининг ўзига хос хусусиятидир [«Ўзга хаёт» (1973) автобиографик достони, «Одамли йўловчи» (1982) тўплами]. У.нинг кўп йиллик изланишларини умумлаштирувчи «Янги Омир» достони (1990) ни маданий тараққиётнинг ўзига хос лирик таҳлили дейиш мумкин. «Ногаралар ва байроқлар» (1958), «Маймунтоғдаги туш» (1968) ва б. пьесалар муаллифи. Тарихий мавзулардаги шеърлий асарлари учун Нобель мукофотида сазовор бўлган (1992).

## Ф, Х

**ФАРЗИНХОН ҲОФИЗ**, Фарзин бек (1840 — Тошкент — 20-а.нинг бошида) — хонанда, созанда (датор, танбур). Дастлаб Тошкент тўй-томошаларида, «Шарқия» кечаларида ишти-рок этиб, кейинчалик Исфара, Ўш, Туркистон ва б. жойларда бўлиб ўтадиган сайилларда, кўшиқ беллашуварлида қатнашган, ўзининг кенг диа-пазонли, ёқимли ва ширадор овози, дардли, хис-туйғуларга бой ижро услуби билан шуҳрат қозонган. Муқимий унга ҳофизларнинг «беки» сифатида нисбат берган, Фурқат Ф.х. исми-ни ўз шеърлярида тилга олган:

«Кўрарсан анда Фарзинхон дегонни.  
Менга бир ошноий меҳрибонни...»

Ф.х. репертуаридан Фарғона — Тошкент маком йўллари («Тошкент ироғи»),

«Уш-шок», «Баёт»), катта ашулалар («Патнус Ушшоғи» ва б.) ва ўзи басталаган ашулалар («Бу на савдо кардан», Навоий ва б.) ўрин олган. У, шунингдек, Хазиний, Виждий, Ясавий ва б.нинг шеърларига айтиладиган диний ашулалар билан довруғ тарагган, «Наътчи» тарифига сазовор бўлган. Ф.х. ижросидаги ашулалар 20-а. бошида граммофон пластинкасига ёзиб олинган. Унинг ижро анъаналари кўпгина ҳофизлар (жумладан, *Ҳамроқулқори*, *Тўйчи ҳофиз* ва б.) ижодига таъсир этган.

*Баҳриддин Насриддинов.*

**ФИШЕР** Хайнц (1938.9.10, Грац) -Австрия давлат арбоби, юридик ва сиёсий фанлар д-ри. Вена ун-тини тугатган. 1961 й.дан Австрия суд органларида ишлаган. 1963 й.дан Австрия социал-демократик партияси (АСП) парламент клуби котиби, 1975 й.дан бошқарувчиси (айни вақтда 1979 й.дан АСП раиси ўринбосари), 1983 й.дан Австрия фан ва тадқиқотлар федерал вазири, 1987 й.дан АСП парламент клуби раҳбари, 1990 й.дан Миллий кенгаш (парламентнинг қуйи палата-си) ишларини бошқариш бўйича қўмита раҳбари, АСП-нинг ташқи сиё-сат масалалари бўйича мувофиқлаштириш қўмитаси раиси, 1992 й.дан Европа социал-демократик партияси раиси ўринбосари, 1992—99 й.ларда Европа демократия ва бирдамлик фо-руми раиси, Австрия Миллий кен-таши раиси (1990—2002), ўринбосари (2002-2004). 2004 й. 25 апр.дан Австрия Республикаси Федерал президенти.

**ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК АН-САМБЛИ** — хаваскор ижодий жамоа. *Халқ ижодининг* кўшиқ, ракс, ўйин, оғзаки драма каби шакллари маҳаллий (миллий) урф-одаг ва маросимларга боғлаб сахнавий талқинини намойиш қилади. Ўзбекистонда *Аёллар (анъанавий) ансамбли*, *масхарабозлик*, *бахшишопрлар*, халқ созандалари ва б. ижоди неги-зида 1970-й.ларда маданият уйлари

қошида ташкил топган («Ёр-ёр», *Р.Ма-зоҳидова*, Қўқон; «Гулёр», Л.Нуримо-ва, Бўстонлик ва б.). Ф.-э.а.нинг репер-туари (*Ашула ва рақс ансамбли*ни фарқли ўлароқ) муайян вилоят (туман, қишлоқ) бадиий анъаналарига асосланади, чиқишлари эса кўпинча маълум халқ маросими ёки байрам жараёнини ифода-лайди («Бешик», «Суннат», «Му-чал», «Никоҳ» туйлари, «Наврўз» бай-рами, «Дехқон йили», «Шарқ бозори» каби сахналари ва б.).

1980 й.лардан бошлаб Ф.-э.а.ларининг туман, вилоят ва республика кўрик-танловлари (1987, 1991, 1994, Тошкент; 1989, Наманган ва б.), 2002 й.дан Бойсунда ЮНЕСКО дастури асо-сида «Бойсун баҳори» очиқ фольк-лор фестивали ўтказилади. «Чодир жамол» («Марғилон»), «Бешқарсақ» (Ур-гут), «Чирокчи чироклари» (Чирокчи), «Мо-могул» (Қарши), «Гавҳар» (Бек-темир), «Гап-гаштак» (Фориш туман-и), «Бой-сун», «Шалола» (Бойсун), «Оразибон» (Хива), «Анор» (Сарио-сиё), «Жилди халак» (Кегейли), «Дил-кушод новола-ри» (Хўжаобод), «Чавки» (Булунгур), «Мардона» (Вобкент) ва бошқа Ф.-э.а.лари машхур. Улар халқ сайиллари, миллий байрам ва б. тад-бирларда фаол қатнашади. Кўплари

Америка, Европа, Осиё мамлакат-ларида ўтказилган танлов ва фестивал-ларда лауреат унвонига сазовор бўлган. 1980—90 й.лардан болалар Ф.-э.а.лари ҳам фаолият кўрсатмоқда («Қуралай», «Гул-гунча», Сурхондарё вилояти; «Дил-рабо», Сирдарё вилояти ва б.).

*Рустамбек Абдуллаев.*

**ХАЛИФА** (Ол Халифа) шайх Ҳамад бин Исо (1950.28.1, Ал-Риф ш.) — Баҳрайн давлат арбоби. Баҳрайн амири оиласида туғилган. Уйда диний таълим олгач, Кембрижда ўрга мактабни тугатган. 1964 й. расмий тахт вориси этиб эълон қилинган. Буюк Британияда зобит-лар билим юртини тутагач (1968), вата-нига қай-тиб Баҳрайн қуроли кучлари-

ни ташкил қилди ва қуролли кучлар бош қўмондони этиб тайинланди. 1971 й.дан мудофаа вазири, 1999 й. 6 мартда отаси вафотидан сўнг Баҳрайн амири. 2002 й. 14 фев.да Баҳрайнни подшоҳлик, ўзини подшоҳ деб эълон қилди.

**ХАРАЛЬД V** (тўлиқ исми Харальд Глюксбург) (1937.27.2, Осло яқини) — Норвегия давлат арбоби. Норвегия кироли Улаф V нинг ўгли. Ослодаги кафедрал мактаб (1955), зобит кавале-ристар мактаби (1957), харбий академия (1959), Оксфорд (Буюк Британи-я)даги коллеж (1962)ни тугатган. 1957 й. 21 сент.дан тахт вориси. 1991 й. 17 янв.дан Норвегия Қироллиги кироли.

**ХИДИРОВ** Нусратулла (1953.22.4, Пахтачи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). бухоро пед. институтини тугатган (1975). 1975—78 ва 1980—86 й.ларда Пахтачи туманидаги 21-, 1978 й.дан 22-, 1986 й.дан 25-мактабда физика ўқитувчиси.

**ХОНАДОН ХЎЖАЛИГИ** - ўз истеъмолини биргаликда кондириш йўлида пул даромадлари ва моддий маблағларини ихтиёрий равишда бирлаштирган, >й рўзғори умумий бўлган кишилар гу-рухи. Х.х. оила асосида ташкил топади. Бироқ у оила аъзоси бўлмаган кишиларни, чунончи оиласи йўқтарни, хонадонда яшовчи хизматчилар, энагалар, мураббийлар, уй ўқитувчилари ва тарбиячиларни ҳам ўз ичига олади. Бир ўзи мустақил яшайдиган сўққабош (оиласиз) кишилар ҳам Х.х.ни ташкил этади. Х.х.нинг асосий белгилари хона-дон аъзолари бюджетининг умумийлиги (тўлиқ ёки қисман), рўзгорининг бир бўлиши, доимий бирга яшаши ва овқатланиши. Х.х. халқаро статистикада қабул қилинган муҳим статистик бирлик ҳисобланади.

Х.х. турли мезонларга қараб гуруҳлаштирилади. Ижтимоий-демографик мезонга кўра — сўққабошлар хонадони, бир оилали хонадон, кўп оилали

хона-дон, оила аъзоларидан ташқари бегоналарни ҳам бирлаштирувчи хонадонларга; ижтимоий аҳволи мезонига кўра — ишчи, хизматчи, деҳқон, тадбиркор ва пенсионерлар хонадонларига; даромади миқдори мезонига кўра — ўта камбағаллар, камбағаллар, ўрта ҳоллар, бойлар ва ўта бойлар хонадонларига бўлинади.

Х.х. фирмаларга бозор орқали турли ресурсларни, чунончи меҳнат ресурслари, молия ресурслари ва капитал ресурсларни етказиб беради, фирмалардан эса товар ва хизматларни сотиб олади, давлат кўрсатадиган ижтимоий, яъни бепул хизматлардан фойдаланади.

Х.х. иктисодиётда солиқ тўлаш, истеъ-молчи бўлиш ва жамғарма ҳосил этишдек вазифаларни бажаради. Булардан асосийси истеъмолчи бўлишдир. Хонадон аҳли давлатга тўғри ва эфи солиқларни тўлайди, бу эса бюджет учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатларда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи Х.х.да истеъмол этилади (2003 й. Ўзбекистондаги Х.х. истеъмолига ялпи ички маҳсу-лотнинг 58,6% тўғри келди).

Ўзбекистонда Х.х. даромад манбалари меҳнатдан ва мол-мулкдан, тадбиркорликдан олинган ва давлат трансфертларидан, томорқа даромадидан иборат. Булар амалиётда иш ҳақи, фойда, фоиз, дивиденд, ижара ҳақи, томорқадан тушум, пенсия, нафақа ва стипендия кабилардан иборат бўлади. Даромадларнинг асосий қисми истеъмолга йўналтирилади. 2003 й.да Ўзбекистонда бир ўртacha хонадонга ҳисобланган истеъ-мол сарфи 1,1 млн. сўмни ташкил этди.

Бироқ Х.х. истеъмолининг бир қисми натурал (моддий) шаклга эга бўлади, яъни хонадонлар ўзи ишлаб чиқарган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлари истеъ-мол этадилар. Натурал истеъмол кўпинча деҳқонлар ва фермерлар хонадонига хос бўлади. Ўзбекистон хонадонлари натурал истеъмол ҳиссасининг катталиги билан тавсифланади (20—25%). Х.х. ис-



теъмолининг ҳажми унинг топган пул даромадига, натурал тушумлар миқдорига, хонадондаги ишловчилар (даромадига эга бўлганлар) ва боқимандалар (қарамогдагилар) сонига боғлиқ.

Хонадоннинг истеъмол харажатлари демографик таркибдан ташқари унинг даромад манбаларига, қайси тоифага мансублигига ҳам боғлиқ. Истеъмолнинг миқдори ва таркиби жиҳатдан Х.х. куйидагича тартибланади: тадбиркорлар, хизматчилар, ишчилар, деҳқонлар ва пенсиянерлар хонадонлари.

Х.х. истеъмолнинг таркибан фаркланиши худудий иқтисодий салоҳиятга қараб даромадларнинг фаркланиши, касбкор, яшаш шароити ва турмуш тарзининг ҳар хил бўлишга ҳам боғлиқ. Х.х. истеъмоли бозор ҳажмини белгиловчи асосий омил ҳисобланади, унинг товар бозоридаги талаби жами талабнинг 50—60% ни ташкил этади. Истеъмол учун Х.х. харидининг ортиб бориши иқтисодиёт учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Х.х. истеъмоли 2 хил гавсифга эга. Бири истеъмолнинг мутлақ ҳажми, яъни истеъмолга ҳаммаси бўлиб қанча пул кетиши. Иккинчиси, истеъмолнинг нисбий жиҳати, яъни истеъмол сарфи даромаднинг қандай қисмига тенг бўлиши (истеъмолга мойиллик коэффициентини — Ик). Буни аниқлаш учун жами истеъмол сарфлари (Ис) даромад (Д) билан таққосланади (Ик — д4. Агар хонадон даромади, 1 млн. бўлиб, шундан 800 минги истеъмолга сарфланса, истеъмолга мойиллик бўлади. Бу коэффициент хар доим 1 дан кичик бўлади, чунки хонадон ҳамма даромадини истеъмолга сарфлаб юбормай, унинг бир қисмини жамғариб боради.

Х.х.нинг даромади униш, истеъмол сарфларидан ортиб қолган тақдирда жамғарма ҳосил бўлади. Шу сабабли жамғариш кўпинча ўзига тўқ хонадонларга хос. Жамғаришга мойиллик коэффициент (Кж) билан ўлчанади

(Кж = д-). Бу жамғариш (Ж) даромад-

нинг (Д) қандай қисмига тенглигини билдиради. Жамғаришга мой-иллик ортса бу кўрсаткич 0,1 дан кўп, агар акси. юз берса у 0,1 дан кам бўлади.

Ўзбекистонда Х.х.ларининг жамғаришга мойиллик коэффициенти 2001 й. 0,53 бўлса, 2004 й. келиб 0,153 етди. Х.х. жамғармаси 2 қисмга ажралади: инвестицияланган ва инвестицияланмаган жамғарма. Х.х. инвестицияси моддий ва молиявий активлар ҳосил этишга йўналтирилади. Биринчи ҳолда хонадон бизнесда моддий \*капитал ҳосил этилади, яъни иморатлар қурилади ёки ижарага олинади, асбоб-ускуна, турли ашёлар харид қилинади. Деҳқон хонадониди бу маҳсулдор ҳайвонларни кўпайтириш, хўжалик объектларини қуришга пул сарфлашдан иборат бўлиб, ноистеъмол тавсифидаги хара-жатларни юзага келтиради. Иккинчи ҳолда хонадон пули банкда жамғарилади, акция ва облигация олишга сарфланади. 2003 й.да Ўзбекистондаги Х.х.ларидан чиққан акция эгалари 1.2 млн. нафар бўлиб, хонадон ахлининг 4% ни ташкил этди. Инвестицион фаоллик ошган ерда Х.х. қўлидаги умуман актив ҳосил этмандиган пул қолдиги қисқариб боради. Ўзбекистонда бундай пуллар 2001 й.да Х.х. дарома-дининг 3% ни, 2004 й.га келиб 1% ни ташкил этди.

Х.х.нинг инвестиция фаоллиги мамлакатнинг иқтисодий гараққиёти даражасига ва инвестицияларда муқобил танловнинг борлигига боғлиқ. Шу сабабли иқтисодиёт ривожланган жойда Х.х.нинг жами инвестициялардаги ҳиссаси ортиб боради. Айни пайда Х.х. истеъмоли ҳажми катта бўлганидан бу миллий бозорни кенгайтириб, иқтисодий ўсиш учун қулай шароит ҳозирлайди.

*Ҳожимурод Аҳмаджонов.*

**ХЎЖАЕВ** Фахмутдин (1915.12.2, Тошкент вилояти Паркент қишлоғи — 1975.27.4, Тошкент) — технолог-муҳандис. Саноат академияси ва Тошкент тўқимачилик ин-тида ўқиган (1937—41). Техника фанлари номзоди (1967).

2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). Тошкент ш. партия қўмитаси ходими (1946—47), биринчи котиби (1950—52, 1958—60), Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раиси (1956—57). Х.нинг фаолияти Ўзбекистонда пахтачилик ва енгил саноатни ривожлантириш билан боғланган эди. У Ўзбекистон ССР тўқимачилик саноати (1957—58), пахта тозалаш саноати (1965-68), енгил саноат (1968-75) вазири лавозимларида, халқ хўжалиги кенгаши тизимларида ишлаган. Тошкент ш. кўчаларидан бири унинг номи билан аталади.

**ХЎЖАЕВ** Шабот Хўжаевич (1924.2.5, Тошкент) — инфекционист олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1965). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1964). Тиббиёт фанлари д-ри (1960), проф. (1961). ТошТининг даволаш ф-тини тугатгач (1946), Нукусдаги Республика касалхонасида ички касалликлар бўлими мудир (1946). СССР Тиббиёт ФАнинг Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар ин-ти (Москва)да аспирант (1946—50), кичик илмий ходим (1950—51). Тошкент врачлар матакасини ошириш ин-ти юкумли касалликлар кафедрасида ассистент (1951—53), доцент (1953—56). СССР Тиббиёт ФА Эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар интила докторант (1956—60), Тошкент врачлар матакасини ошириш ин-ти юкум ли касалликлар кафедрасида проф. (1960—64). 1964 й.дан мудир, айни вақтда ўқув ишлари бўйича проректор: *вирусология институти* ташкилотчиси ва директори (1979 — 2004). Ўзбекистон меҳр-шафқат ва сағоматлик фонди раиси (1989 й.дан). «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган (1998).

*Ас:* Менингококковая инфекция [Руковод-ство для врачей!]. Т. 1986. Вирусные гепатиты, Т. 1985; Дифтерия [Руководство для врачей]. Т. 1994.

## Ш, Э

**ШЕЛЛИНГ** Томас (1921. АҚШ, Мэриленд) — америкалик иқтисодчи. 1945 й.дан АҚШ федерат бюджет бюросида ишлаган, Гарвард ун-тида док-торлик ил.мий даражасини олган. Мэри-ленд ун-ти профессори. 1999 й. Америка иқтисодий ассоцияси президенти, шу ташкилотнинг фахрий аъзоси. Ш. савдолашиш назариясига катта ҳисса қўшган. Илмий ишлари ҳарбий стратегия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати, иқлим ўзгариши, терроризм, уюшган жиноятчилик, хорижий мамлакатларга ёрдам ва хатқаро савдо, ихтилофлар ва савдолашиш муаммоларига бағишланган. 1981 й. «Қурулганиш стратегияси ва назорат», 1984 й. «Танлов ва унинг оқибатлари» китоблари нашр этилган. Нобель мукофоти лауреати (2005. Р.Оманн билан бирга).

**ШОДИЕВ** Рустам Ҳамидович (1938.15.5, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988), иқтисод фанлари д-ри (1981) проф. (1983). Москва иқтисодиёт ин-тини тамомлаган (1960). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида кичик (1960—67), катта (1968-71) илмий ходим, бўлим мудир (1971—79), дирек-тор ўринбосари (1990—91). БМТ масла-ҳатчиларини тайёрлаш курсида ўқиган (1979—80), БМТнинг Сурия Араб Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширган лойиҳалари раҳбари (1980-82; 1984-85). Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўрин-босари (1992—94), Ташки ишлар вазирлигида бошқарма бошлиғи (1995—97), *Банк-молия академияси* илмий маркази раҳбари (1997—2000), Жаҳон иқтисо-диёти ва дипломатия ун-тида кафедра мудир (2000—2005), Илмий ишлари жаҳон иқтисолиёғн ва хатқаро иқтисо-дий муносабатлар, хизмат кўрсатиш, аҳоли турмуш ларажаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя

килиш, демография, меҳнат ва молия тизимини ривожлантириш масататарига бағишланган. Олий мактаблар учун ларслик яратган. *Осиё тараққиёт банкнинг* Ўзбекистонда аг-росектор инфратузилмаларини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этган.

*Ас:* Сфера обслуживания и уровень жизни населения, Т. 1984; Развитие сферн обслу-живания населения (политико-экономической анализ), Т. 1993; Жаҳон иқтисодиёти [Олий уқув юртлари учун дарслик] Т., 2005.

**ЭЛОВ** Болта (1949.19.7, Гиждувон ту~ мани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2005). Бухоро пед. инсти-тутини тугатган (1971). 1971 й.дан Гиж-дувон туманидаги 8-мактабда мат. ва информатика ўқитувчиси. «Меҳнат шуҳ-рати» ордени билан мукофотланган (1998).

**ЭНГЛ** Роберт (1942; Сира-кузи, Нью-Йорк штати) — амери-калик иқтисодчи. Корнелл ун-тида физика бўйича магистр (1966). 1969 й. иқтисодиёт назарияси (экономет-рика) бўйича д-рлик илмий даражасини олди. 1969 й.дан Массачусетс технология ин-тида, 1975 й.дан Сан-Диегодаги Калифорния ун-тида иқтисодиёт проф. 1999 й.дан Нью-Йорк ун-тида молиявий хизматлар менежменти проф.

Илмий ишлари турли иқтисодий кўрсаткичларнинг узок муддатли ўзгаришлари қонуниятларини ўрганишга бағишланган. У прогностлашда муайян ўзгаришларни анча ишончлироқ аниқлаш йўли (АК.СН модели)ни яратди, бу эса ялли ички маҳсулот, истеъмол нархлари, фоиз ставкалари, биржа курслари ва б. иқтисодий кўрсаткичларни бир неча кун ёки ҳафта, ҳатто бир йил олдин башорат қилиш имко-нини беради. Э. моделини қўллаш натижасида АҚШ ва Буюк Британиянинг тарихий-иқтисодий статистикасини таҳлил қилишда катта аниқликдаги прогнозлар ўз исботини

топди. Иқтисодий кўрсаткичларнинг кутиладиган тебранишларини аниқлаш усули катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Эконометрика бўйича 100 дан ортик илмий асарлар муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (2003; К.Гренжер билан бирга).

**ЭНХБАЯР** Намбарин (1958.1.6, Улан-Батор ш.) — Монголия давлат ар-боби. Москва адабиёт ин-тини тугатган (1980). 1980 й.дан таржимон, муҳаррир, Монголия ёзувчилари ас-социацияси департаменти бошлиғи, сўнг котиби, Монголия таржимонлар уюшмаси вице-президенти, 1990 й.дан Монголия ҳукумати ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш қумитаси раиси уриноосари. 1992 й.дан Монголия маданият вазири, Авалокитешвар Будхисатва ёдгорлигини тиклаш ҳукумат комиссияси бошлиғи, 1996 й.дан Монголия Халқ инкилоб партияси бош котиби, раиси, 1997 й.дан Монголия Буюк давлат Хурали (парламент) аъзоси, озчилик етакчиси, 2000 й.дан Монголия бош вазири, 2005 й. майдан Монголия президенти.

## Ю, Ў

**ЮДХОЕНО** Сусило Бамбанг (1949.9.9, Индонезия, Шарқий Ява провинциясидаги Пачитан ш.) — Индонезия давлат арбоби. Армия генерали. Индонезия Республикаси қуроли кучлари академиясини гугатган (1973). қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий ҳаво кучлари командирлари курсида, АҚШ, Панама, Бельгия ва Германиядаги ҳарбий курсларда ўқиган. 1976—77. 1979— 80 ва 1986—88 й.ларда Индонезиянинг собиқ Шарқий Тимор провинциясидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган. Ю.БМТнинг Босния ва Герцеговинадаги Тинчликпарвар кучлари ҳузурида бош ҳарбий кузатувчи (1995—96). Ин-донезия армияси ҳудудий штаби бошлиғи (1998—99), Индонезия энерге-

тика ва кон саноати вазири (1999—2000), сиёсат ва хавфсиктик масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи вазир (2000— 04), 2004 й. 20 окт.дан Индонезия Республикаси президенти.

*Солиҳов.*

**ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИ** — миллий либослар намоиш этиладиган уй. Кийимларни моделлаш ва лойиҳалаш, уларни миллий мато колоритида намоиш қилиш, миллий кийимларни тарғиб қилиш, ян-гиларини ўйлаб топиш, модалар кўрсатувини ташкил қилиш, халқаро уч-рашуатлар (алоқалар) ни, миллий либос санъатини ривожлантириш, кон-трактлар тузиш билан шугулланади. Тошкентнинг Эски жўва майдонида 2005 й.да қурилди (меъмори Ю.Ми-рошниченко). «Модерн» услубида қурилган бино (86,0x36,0, ён томонлари 24,0x30,0 м, марказий қисми 36,0x36,0) баланд мовий гумбаз билан ёпилиб, ички ва ташқи томонлари меъморий-бадий жиҳатдан қад. ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида безатилган. Бино бал. 25,90 м, 4 қаватли [пастки (ер остидаги) қаватни ҳисобга олганда], 1-қаватда вести-бюль, модалар галереяси, ателье, савдо жойи, кафе-бар ва б., 2-қаватда кийимлар намоиш зали, коллекциялар жойи, матолар ва тайёр кийимлар дўкони ва б., 3-қаватда томоша май-дони, буфет, хизматчилар ва техник ходимлар жойлашган. Ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган баланд пештокли кириш қисми орқали серхашам кўргазмалар залига ўтилади. Либослар тайёрлайдиган устахоналар, савдо шаҳобчалари, умумовқатланиш корхонаси ҳам бинонинг қаватларига жойлаштирилган. Ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик намуналари билан безатилган бино лойиҳаси Тошкент бош режа лойиҳалаш ин-ти томонидан ишлаб чиқилган. Бинони безатишда халқ ustalаридан М.Султонов, Х. Одилов, А.Каримов, А.Абдуллаевлар шогирдлари билан қатнашдилар.

*Тўлқиной Қодирова, Раҳматилла*

## И Л О В А

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА- СИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЙИЛНОМАСИ

1991 йил

31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниб, Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгашнинг Баёноти қабул қилинди. Тегишли қарор билан Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб аталди. 1 сентябрь Мустақиллик куни деб белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида қонун қабул қилинди.

1 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни — умумхалқ байрами.

1 сентябрь. Тошкентдаги Марказий майдонни Мустақиллик майдони деб аташ ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

1 сентябрь. «Совет Ўзбекистони» газетаси «Ўзбекистон овози» номи билан чоп этила бошлади.

1 сентябрь. «Оила ва жамият» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

6 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

14 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон коммунистик партиясининг охириги фавқулодда 23-съезди бўлиб, унда КПСС таркибидан чиқиш ва сифат жиҳатидан янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) ни тузиш ҳақидаги Баёнот қабул қилинди.

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тузилди.

26 сентябрь. Тошкентда Жаҳон ўзбеклари (туркистонликлар)нинг халқаро анжумани ўтказилди.

28 сентябрь. Тошкентдаги Ўзбекистон Миллий боғида Алишер Навоий хайкали ва унинг номи билан аталадиган катта боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 7-сессиясида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга конституциявийлик мақомини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида Декларация ратификация этилди.

Сентябрь. Тошкент шаҳрида «Ўзбек савдо уйи» ташкил топди.

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси тузилди.

Октябрь. Португалиянинг Порту шаҳрида ўтказилган пианиночиларнинг халқаро танловида Ўзбекистон Республикаси биринчи марта мустақил давлат сифатида иштирок этди. Ўзбекистонлик ёш мусиқачи Улуғбек Полвонов ушбу кўрик совриндори бўлди.

1 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1-таъсис қурултойи бўлиб ўтди (15 ноябрда рўйхатга олинган).

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

29 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Юдаков мемориал музейи очилди.

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

29 декабрь. Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида умумхалқ референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқи республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Ре-

спубликасининг давлат мустақиллигини маъқуллади. Биринчи марта яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1991 - Тошкент кимё-технология институти ташкил этилди.

1991 - Тошкент юридик институти ташкил этилди.

1991 - Судочёе давлат орнитология буюртма кўриқхонаси ташкил этилди.

1991 - Имом Бухорийнинг 4 жилдли ҳадислари тўплами — «Саҳиҳи Бухорий» («Ишончли тўпләм») ўзбек тилига таржима қилиниб, ҳозирги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан 1-жилди илк бор нашр этилди (2-жилди - 1996, 3-жилди - 1994, 4-жилди — 1992 йилда чикди; 2-нашри 1997 йилда чоп этилди).

1991 - «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри ташкил этилди.

1991 - Қуръони карим илк бор ўзбек тилида (Алоуддин Мансур таржимаси) нашр этилди (Абдулазиз Мансур таржимаси — 2001 йил, илмий-тарихий изоҳлари билан Муталлиб Усмон ва бошқалар таржимаси — 2004 йил).

1991 - Сайғоқларни ва улар кўпаядиган ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида «Сайғоқли» давлат буюртма кўриқхонаси ташкил этилди.

1991 - «Ёш гвардия» театри Абдор Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театри номи билан аталди.

1991 - Навоий вилояти Навбахор туманидаги Қоратов тоғида Сармич давлат буюртма кўриқхонаси ташкил этилди.

## 1992 йил

1 январь. «Туркистон» ижтимоий-сиёсий газетасининг 1-сонини нашрдан чикди.

2 январь. Ўзбекистон Республикаси ХХР билан дипломатик алоқа ўрнатди.

8 январь. Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат комитети Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттиришлар компаниясига айлантирилди.

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тузилди. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири асосида (2001 йил 29 август) Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига айлантирилди.

13 январь. Тошкентда Республика байналмилал маданият маркази ташкил қилинди.

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистоннинг ўз Қуролли Кучлари ташкил этилди. Ҳарбий қўшилмалар, бирлашмалар, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар, республика ҳудудида жойлашган бошқа ҳарбий қисмлар Ўзбекистон Республикаси назоратига олинди. 1994 йилдан шу сана Ватан ҳимоячилари куни сифатида байрам қилинади (Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 декабрь қарорига кўра).

16 январь. «Нархларни либераллаштириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

21 январь. Тошкентда Ўзбекистон Миллий олимпиада кўмитаси ташкил топди.

26 январь. Қорақалпоқуниверситетига Бердақ номи берилди.

26 январь. Ўзбекистон Япония билан дипломатик алоқа ўрнатди.

27 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикаси таркибида Навоий вилоятини тиклаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра «Ўзбекистон

хаво йўллари миллий авиакомпанияси» ташкил этилди.

30 январь. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил қилинди.

30 январь. Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) га қабул қилинди.

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси дон махсулотлари давлат концерни («Ўздонмахсулот») ташкил этилди.

6 февраль. Ўзбекистонда етакчи информатсион агентлик Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) га айлантирилди.

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) ташкил этилди (2005 йил 4 майдан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси деб аталди).

12 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий қўмитасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

14 февраль. Ўзбекистон Қуроли кучлари таркибида Мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари тузилди.

19 февраль. Ўзбекистон АҚШ билан дипломатик алоқа ўрнатди.

21 февраль. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди.

28 февраль. Андижон вилоятининг Куйганёр шаҳарчасида Андижон пахтачилик институти негизда Андижон кишлоқ хўжалиги институти ташкил этилди.

Февраль. «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2 март. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзолигига қабул қилинди.

6 март. Ўзбекистон ГФР билан дипломатик алоқа ўрнатди.

15 март. Хоразм педагогика институти

негизда Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ташкил этилди.

15 март. Андижон педагогика институти негизда Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ташкил этилди.

15 март. Бухоро педагогика институти негизда Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро давлат университети ташкил этилди.

15 март. Тошкент педагогика институтининг Навоий филиали негизда Навоий педагогика институти ташкил этилди.

15 март. Термиз педагогика институти негизда Термиз давлат университети ташкил этилди.

15 март. Наманган муҳандислик-иктисодиёт институти ташкил этилди.

15 март. Қарши педагогика институти негизда Қарши давлат университети ташкил этилди.

15 март. Жиззах политехника институти ташкил этилди.

16 март. Тошкентда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

18 март. Ўзбекистон Ҳиндистон билан дипломатик алоқа ўрнатди.

20 март. Ўзбекистон Россия Федерацияси билан дипломатик алоқа ўрнатди.

22 март. Ўзбекистон Халқаро Олимпиада қўмитасига аъзо бўлди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари тузилди.

27 март. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити 1-кунларини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

31 март. Ўзбекистон Республикаси Олий атгестация комиссияси тузилди.

Март. «Осиё континентал» халқаро савдо уйи ташкил топди; Ўзбекистон Халқаро стандартлаштириш ташкилотига аъзо бўлди.

27 апрель. Ўзбекистон Халқаро валюта фондига аъзо бўлди.

28 апрель. Тошкентда Туркия Республикаси элчихонаси очилди.

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси

Европа Тикланиш ва тараққиёт бан-кига аъзо бўлди.

Апрель. Самарқандда «Интеросиё—92» Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қарийб 30 давлат вакиллари-нинг кўшма ҳамда хусусий корхона ва фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

5 май. Республика савдо вазирлиги «Ўзбексавдо» Ўзбекистон давлат акциядорлик ассоциациясига айлантирилди.

7 май. Тошкентда Ўзбекистон биринчи почта маркасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

11-14 май. Тошкентда «Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

15 май. Тошкент чет тиллар педагогика институти ва Республика рус тили ва адабиёти институти негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ташкил этилди.

23 май. Шоир ва мутафаккир Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан Наманганда Бобораҳим Машраб музейи ва ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

23 май. «Наврўз» хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида» Президент фармони чиқди.

Май. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти ташкил этилди.

9-10 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси минерал ресурсларини ўзлаштириш масалалари бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

22 июнь. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

28 июнь. Тошкентда Покистон Ислом Республикаси элчихонаси очилди.

2—3 июль. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 10-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида», «Байрам кунлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

3 июль. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

13 июль. Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)га қабул қилинди.

5 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истикболни белгилаш ва статистика давлат кўмитаси (Ўзистикболстат) ташкил этилди.

7 август. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ИЛ-114 самолётининг биринчи синов парвози бўлди.

10 август. Ўзбекистон Республикаси давлат боғхона кўмитаси ташкил этилди.

Август. Шаҳрисабзда Амир Темур хотирасига бағишланган ўзбек миллий кураши бўйича биринчи халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

4 сентябрь. Ўзбекистон Халқаро геология иттифоқига қабул қилинди.

23 сентябрь. Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди.

8—15 октябрь. Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг 11 -Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

15 октябрь. Тошкентда Хитой элчихонаси очилди.

Октябрь. Ўзбекистон Республикаси Парламентлараро иттифокнинг аъзоси бўлди.

Октябрь. Тошкентда космик алоқа халқаро телефон станцияси ишга тушди, у «Интелсат» алоқа йўлдоши орқали Ер юзининг исталган нуқтаси билан боғланиш имконини беради.

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Сельхозмаш» концерни ва «ДЭУкорпорейшн» корпорацияси билан ҳамкорликда автомобиллар ишлаб чиқарувчи «ЎЗДЭУавто» кўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

16 ноябрь. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасини очиш тўғрисида Битим имзоланди (1993 йил 24 августда расман очилди).

23—26 ноябрь. Тошкентда эркин ку-



раш бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчи чемпионати бўлиб ўтди.

Ноябрь. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Халқаро журналистлар ташкилотига қабул қилинди.

Ноябрь. Бухорода темирчилик маҳорати музейи очилди.

8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилди). 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини тасдиқлади.

12 декабрь. Нукус шаҳрининг 60 йиллиги нишонланди.

14 декабрь. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон метеорология ташкилотига аъзо бўлди.

23 декабрь. «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ташкил этилди.

28 декабрь. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилди.

1992 - «Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази ташкил этилди.

1992 - Андижон шаҳрида Бобур миллий боғи — «Боғи Бобур» ёдгорлик жамму барпо қилинди.

1992 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Гидрометеорология Бош бошқармаси — «Бошгидромет» ташкил этилди.

1992 - «Коинот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

1992 - Ўзбекистон кураш федерацияси ташкил этилди.

1992 - Навоий вилоят ўлкашунослик

музейи ташкил этилди.

1992 - «Ўздунробита» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга тушди.

1992 - Ўзбекистон теннис федерацияси тузилди ва ИТҒга аъзо бўлди.

1992 - Халқ банки ташкил этилди (1995 йил 28.04.да ҳукуматнинг махсус қарори билан Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат халқ банки деб номланди).

## 1993 йил

8 январь. Ўзбекистон автомобиль транспорти («Ўзавтотранс») Давлат акциядорлик корпорацияси ташкил этилди.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун абитуриентларни тест усулида танлаб олиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

10 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқаро почтамити тузилди.

11 февраль. Китоб баланд тоғ расадхонаси мажмуаси ташкил этилди.

2 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз — умумхалқ байрами» қарори қабул қилинди.

4 апрель. Жиззах вилоятида Ўзбекистонда биринчи йирик темир рудаси кони очилди.

9 апрель. Нукусда Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг 12-сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Давлат герби қабул қилинди.

20 апрель. Тошкентда 30 мамлакатнинг миллий фирма, банк ва компаниялари раҳбарлари иштирокида Бутунжаҳон Иқтисодий анжумани бўлиб ўтди.

23 апрель. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси тузилди.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилда буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида қарори қабул қилинди.

28 апрель. «Ўздекхонсаноатбанк» негизида «Тадбиркорбанк» йирик акциядорлик банки ташкил этилди.

30 апрель. Тошкентда Германия элчихонаси очилди.

Апрель. Фарғона шаҳрида Ўзбекистон талабаларининг биринчи фестивали бўлиб ўтди. Унда 54 олий ўқув юрти вакиллари иштирок этди.

Апрель. «ЕвроЎз» Ўзбекистон — Германия қўшма мебель корхонаси ташкил этилди.

6 май. «Суғурта тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

7 май. I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

13—14 май. Тошкентда «Бозор иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари» мавзуида биринчи Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

27 май. Тошкентда Б.Зокиров номидаги жаз-оркестрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Май. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи марта шоли мойи чиқиндисидан кир совун ишлаб чиқарувчи «Тэдоган» ўзбеккорейс қўшма корхонаси ишга тушди.

Май. Нукусда Туркиянинг «Язекс» корпорацияси ёрдамида бунёд этилган «Катэкс» тўқимачилик мажмуи ишга тушди.

Май. Тошкентда Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича дастлабки Халқаро тадқиқотлар лойиҳаси имзоланди.

11 июнь. Чатқол давлат табиий биосфера қўриқхонаси ЮНЕСКО муҳофазасига олинди.

27 июнь. «Тараққий» газетаси I -сони чиққан 27 июнь (1906) санаси Ўзбекистонда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунли сифатида нишонланадиган бўлди.

Июнь. Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлими очилди.

30 июль. Ўзбекистон Республикаси

Президенти «Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисида» фармон чиқарди.

Июль. Тошкентда Ўзбекистон Геология миллий қўмитаси ташкил этилди.

13 август. Абдулла Қодирий жамғармаси рўйхатдан ўтди.

17 август. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтди.

31 август. Тошкентда Амир Темур ҳайкали очилди.

Август. Уч юз километрли Дамхўжа—Навойи—Бухоро сув йўли куриб битказилди.

Август. Тошкентда «Таълим, бандлик ва инсон ресурсларини ривожлантириш» шиори остида ЮНЕСКОнинг Халқаро семинари бўлиб ўтди.

1 сентябрь. Тошкентда Улуғбек ҳайкали очилди.

2—3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 13-сессиясида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди (1995 йил май ойидаги Олий Мажлисининг 2-сессиясида мазкур қонунга ўзгартиришлар киритилди).

4 сентябрь. Тошкентда «Туркистон» саройининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

3—5 сентябрь. Тошкентда Осиё ва Тинч океан региони мамлакатларининг таэквондо бўйича биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон жамоаси базавий техникани намойиш қилиш бўйича мусобақаларда биринчи ўринни эгаллади.

9 сентябрь. Алишер Навоий жамғармаси рўйхатдан ўтди.

10 сентябрь. Тошкентдаги «Баҳор» конперт залида Мукаррама Турғунбоева музейи очилди.

16 сентябрь. Бухорода буюк мутафаккир баҳоуддин Накшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди.

20 сентябрь. «Экосан» халқаро Ўзбекистон экология ва саломатлик жамғармаси рўйхатдан ўтди.

26—28 сентябрь. Ўзбекистон Респу-

бликаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Сентябрь. Тошкентда Халқаро валюта фондининг доимий ваколатхонаси очилди.

Сентябрь. Ўзбекистон Халқаро молия корпорацияси (ХМК) аъзолигига қабул қилинди.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси Халқаро олимпиада қўмитаси томонидан тан олинди (1995 йил апрелдан тенг ҳуқуқли аъзоси).

26 октябрь. ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

30 октябрь. Тошкентда тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бири, шоир Хожа Аҳмад Яссавий меросига бағишланган халқаро илмий-маърифий конференция очилди.

Октябрь. Ўзбекистон Илмий уюшмалар халқаро кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

4 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

22 ноябрь. «Ўзбекистон Республикаси қуроли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида»ги фармон имзоланиб, қуроли Кучлар Жанговар байроғининг ягона намунаси тасдиқланди.

23 ноябрь. Тошкентдаги республика ўқитувчилар уйи қошида Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи очилди;

23 ноябрь. Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти — Тўртқўлда шаҳарнинг 120 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

4 декабрь. Қорақалпоғистон Республикаси Президентининг Давлат мадҳияси тасдиқланди.

18 декабрь. Андижонда буюк саркарда ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги нишонланди ва унга ҳайкал ўрнатилди.

18 декабрь. Халқаро ФИФА ташкилотининг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида Ўзбекистон Миллий футбол федерацияси ушбу футбол ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди.

23 декабрь. Бобур номидаги халқаро жамғарма рўйхатдан ўтди.

1993 - Ўзбекистон Республикаси мудофаа Вазирлигининг Марказий ҳарбий спорт клуби ташкил этилди.

1993 - Фарғона вилоят давлат кўғирчоқ театри ташкил этилди.

1993 - Хоразм вилоят давлат кўғирчоқ театри ташкил этилди.

1993 - «Фарминдустрия» концерни (ҳозирги «Ўзфармсаноат» давлат концерни) ташкил этилди.

1993 - Ўзбекистон Жаҳон туристик ташкилоти (WTO) га аъзо бўлди.

## 1994 йил

6 январь. Муборак газни қайта ишлаш заводида янги 14-блок ишга туширилди.

6 январь. «Тошкент—Жиззах» электр поезди қатнови йўлга қўйилди.

25 январь. Тошкентда Европа ва Осиё мамлакатлари саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг йиғилиши иш бошлади.

4 февраль. Ўзбекистон Автомобиль транспорти халқаро уюшмасига аъзо бўлди.

11 февраль. Нукусда Орол муаммосига бағашланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

24 февраль. Норвегиянинг Лиллихаммер стадионида 17-қишки Олимпиадада ҳамюртимиз Лина Черязова фристайл бўйича олимпиада чемпиони бўлди.

15 март. Қашқадарё вилоят давлат кўғирчоқ театри ташкил этилди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан 1994 йил «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилинди.

Март. Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида графит-гипс комбинатининг биринчи навбати ишга туширилди.

8 апрель. «Тошкент» Республика фонд биржаси ташкил этилди (биржа 1995 йилдан «Евросиё» фонд биржалари федерациясига, 2001 йилдан МДХ биржалари ассоциациясига аъзо).

8 апрель. Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ташкил этилди.

13 апрель. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси ташкил этилди.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Республика Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил қилиш тўғрисида» фармон чиқарди.

Апрель. Ўзбекистон Республикаси жаҳон почта иттифоқига аъзо бўлди.

Апрель. Узунлиги 94 км бўлган Газли — Нукус газ қувурининг биринчи навбати ишга туширилди.

5 май. Ўзбекистоннинг олий даражадаги унвони — «Ўзбекистон Қаҳрамони» таъсис этилди.

5 май. «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Шухрат» медаллари таъсис этилди.

12 май. «Савдогарбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

24 май. Тошкентда Қозоғистон Республикаси элчихонаси очилди.

30 май. Тошкентда биринчи марта «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаси бўлиб ўтди.

Май. «Анджонирмаш» заводи негизида ташкил этилган «ЎзЭКС» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси дастлабки беш экскаваторни тайёрлади.

Май. Нукусда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими таркибига Биоэкология илмий-тадқиқот институти очилди.

8 июнь. Ўзбекистонда биринчи «Вақт» миллий депозитарийси — очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилди.

21 июнь. «Трастбанк» акциядорлик биржа банки ташкил этилди.

1 июль. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалага қиртилди.

18 июль. Тошкентда Конрад Аденауэр фонди тақдимоти бўлиб ўтди.

2 август. Тошкентда «Юнусобод» спорт мажмуи очилди (1-навбати — 1994 йил, 2-навбати 1997 йил, сув ҳавзаси 2001 йилда қуриб битказилган). Ҳозир «Ўзбекистон» спорт мажмуи номи билан аталади.

Август. Қўнғирот туманида карбид ишлаб чиқарувчи завод, Наманган вилоятининг Уйчи туманида асфальт заводи ишга туширилди.

Август. Тошкентда «Тафаккур» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

Август. «Фаллабанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

2 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ташкил этилди.

8 сентябрь. Қатар давлатининг пойтахти Дўҳада бўлиб ўтган ўсмирлар Осиё чемпионатида тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов олтин медални қўлга киритди.

22—23 сентябрь. Тошкентда 12-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-сессиясида «Ер ости бойликлари тўғрисида» қонун қабул қилинди.

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят процессуал кодекси қабул қилинди.

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида Конституциявий Қонун қабул қилинди.

24—25 сентябрь. Хоразмда давлат арбоби ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллиги нишонланди.

Сентябрь. Тошкентда Европа ҳамжамиятининг ТАСИС дастури доирасида ишбилармонлик алоқалари Маркази очилди.

Сентябрь. Жиззах шаҳрида «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмаси тизимида Жиззах мебель фабрикаси ташкил этилди.

3 октябрь. Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро конференцияси очилди. «Ипак йўли

бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд декларацияси» қабул қилинди.

6 октябрь. Нукусда буюк олим, машҳур астроном Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди.

12 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг галереясини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясига асос солинди (2004 йилда махсус қурилган бинога жойлаштирилди).

13—15 октябрь. Тошкент ва Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи тантаналари бўлиб ўтди. Тошкентда «Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси» мавзuida халқаро илмий конференция ўтказилди.

14 октябрь. Жиноят-қидирув полицияси (Интерпол) Бош ассамблеясининг 63-сессиясида Ўзбекистон Интерполнинг Халқаро ташкилотига қабул қилинди.

16 октябрь. Япониянинг Хиросима шаҳрида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 12-Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

7 ноябрь. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди.

8 ноябрь. Самарқанд давлат чет тиллар институти ташкил этилди.

Ноябрь. Эллиқалъада «Элтекс» тўқимачилик комбинати ишга туширилди.

6 декабрь. Тошкентда буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

19 декабрь. Тошкентда Ўзбекистоннинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)га аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги битим имзоланди.

20 декабрь. Бухорода бинокорлик учун мрамар плиталар ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди.

23 декабрь. Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ташкил этилди.

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларнинг 1-тури бўлиб ўтди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ташкил этилди.

Декабрь. «Нукус—Москва» йўналиши бўйича тезкор поездларнинг мунтазам қатнови бошланди.

1994 - Тошкентда Ўзбекистон — Буюк Британия «ЎЗБАТ» қўшма корхонаси ташкил этилди.

1994 - Самарқанд шаҳрида 4 юлдузли «Афросиёб» меҳмонхонаси куриб битказилди;

1994 - «Ёғду» киностудияси ташкил этилди.

## 1995 йил

Январь. Тошкентда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Марказий Осиё мамлакатлари учун доимий ваколатхонаси очилди.

8 ва 22 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларнинг 2-, 3-тури бўлиб ўтди.

18 февраль. Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди. Партиянинг Низом ва дастури тасдиқланди.

22 февраль. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг «Адолат» газетаси чиқа бошлади.

28 февраль. Ўзбекистон халқаро хусусийлаштириш ва инвестиция банки — «Ўзприватбанк» ўз фаолиятини бошлади.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган референдум бўлиб ўтди.

Март. «Тошқишлоқмаш» заводида пи-

чан йигувчи комбайнлар серияли равишда ишлаб чиқарила бошланди.

Март. Тошкентда «Атроф-муҳитни сақлаб қолиш — Ўрта Осиё давлатлари учун келажак вазифаси» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

19 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиш академиясини ташкил қилиш тўғрисида» фармон чиқарди.

Апрель. Тошкентда Республикада биринчи хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон халқаро банки («Ўзхусусийбанк») очилди.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ислонни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро марказ ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

31 май. Тошкент авиация институти ташкил этилди.

25 май. Мурунговда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

3 июнь. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис курултойи бўлиб ўтди.

5 июнь. Андижон муҳандислик иқтисодиёт университети ташкил этилди.

10 июнь. «Миллий тикланиш» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

14—20 июнь. Тошкентда биринчи савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 85 дан зиёд давлат, акциядорлик, хусусий ва қўшма корхоналар иштирок этди.

Июнь. «Халқ бирлиги» ҳаракати фаолият бошлади.

7 июль. «Қизилкумнодирметаллолтин» давлат концерни (2004 йил 19 майдан Навоий кон-металлургия комбинати) қошида Навоий давлат кончилик институти ташкил этилди.

7 июль. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди - «Бизнесфонд» нодавлат тузилмаси, очик турдаги акциядорлик жамияти тузилди.

27 июль. Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки — «Пахтабанк» ташкил этилди.

28 июль. Ўзбекистон банклари ассоциацияси ташкил этилди.

Июль. Богот туманида Буюк Британия билан ҳамкорликда тиббиёт момиги ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушди.

Июль. Марғилондаги «Ипакчилик» акциядорлик жамиятида пилла чиқиндиларидан қимматбаҳо ип ишлаб чиқарадиган «Спиннинг-Силк» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси иш бошлади.

17 август. Қўқонда спирт заводи ишга тушди.

24 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари тўғрисида»ги қарори чиқди.

26 август. Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

30 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

30 август. «Меҳнат шухрати», I ва II даражали «Шон-шараф» орденлари таъсис этилди.

31 август. Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлди.

Август. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси қабул қилинди.

2 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди (Академияни ташкил этиш ҳақидаги қарор 1994 йил 15 августда қабул қилинган).

2 сентябрь. Тошкентда 1-Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

7 сентябрь. Ўзбекистон альпинизми тарихида биринчи марта Республика Давлат спорт қўмитаси альпинистлари гуруҳи иккита баланд чўкки — Хон-

тангри (6995 м) ва Ғалаба (7439 м) чўққиларини забт этишди.

7 сентябрь. Тошкент шаҳрида «Замин» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик ипотека банки ташкил этилди.

14 сентябрь. Тошкент давлат университетига Мирзо Улуғбек номи берилди (2000 йил 28 январдан Ўзбекистон миллий университети).

15—16 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши, Ислон конференцияси ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгашида иштирок этувчи мамлакатлар, МДХга аъзо бўлган мамлакатлар делегациялари, Ўрта Осиё давлатлари ва уларга қўшни бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди.

18 сентябрь. Нукусда БМТ раҳнамолигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган халқаро конференция иш бошлади.

21 сентябрь. Қорақалпоғистондаги Ургин газ кони фойдаланишга топширилди.

23 сентябрь. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида вино ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон—Италия «Фаритал» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

10 октябрь. Тошкентда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти-нинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича регионал бюроси очилди.

20 октябрь. «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

24—25 октябрь. Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва хунармандлари I-Республика ярмаркаси ўтказилди.

7 ноябрь. Ихтисослаштирилган «Аса-

ка» давлат-акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

8 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги тузилди.

Ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар Академиясида Хоразмда туғилиб ўсган тилшунос, адиб ва ҳадисшунос олим Абулқосим Замахшарийнинг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

1 декабрь. Тошкентдаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 540 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

12 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» қонуни эълон қилинди.

21—22 декабрь. Тошкентда I-қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

1995 - Улуғ шайх, тасаввуфнинг таникли вакиллари-дан бири Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди.

1995 - Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди.

1995 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941—45 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги фармони асосида (1994 йил 16 мартдаги) Ўзбекистон нашриётлари 33 жилдди «Хотира» китоби (кейинчалик унга қўшимча тарзда 2 жилд чиқди) ва Ўзбекистон халқининг уруш миллиридаги, уруш ортидаги жасоратлари баён қилинган умумлашма махсус жилд (русча, ўзбекча)

нашр этилди.

## 1996 йил

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» ва «Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

9 январь. Ўзбекистонда маълумотларни узатиш Республика компьютер тармоғи «Ўзпак» фойдаланишга топширилди.

Январь. Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон мустақиллиги ва навоийшунослик истикболлари» мавзuida илмий-амалий конференция бўлди.

Январь. Тошкентда Ўзбекистон боксчиларининг биринчи республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

Январь. «Инсон ва қонун» — Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газетасининг 1-сони нашрдан чиқди (1998 йил январдан мустақил ҳафталик нашрга айлантирилди).

Январь. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла» ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

6 февраль. Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпиада қўмитаси қароргоҳида Олимпиада ҳаракатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга Олимпиада олтин ордени топширилди.

9 февраль. Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳарчасида Навоий конметаллургия комбинати билан россиялик шериклар ҳамкорлигида бензин тозаловчи смола ишлаб чиқарадиган янги кимё-технология корхонаси фойдаланишга топширилди.

Февраль. Осие—Европа кабелли алоқа магистралининг Ўзбекистон

худудидан ўтадиган қисмининг қурилиши бошланди. Умумий узунлиги 19 минг км ли ушбу магистралнинг 885 км Ўзбекистон бўйлаб ўтган (қурилиш 1997 йилда яқунланди).

4 март. Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

15 март. Парижда «Амир Темур ва те мурийлар тўғрисида илмий асарлар библиографияси» китоби чоп этилди.

25 март. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «Дамас» микроавтобусларини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

Март. «Андижонирмаш» ирригация машинасозлиги заводи негизида енгил автомобиллар учун ўриндиқлар ишлаб чиқарадиган «Ўзтонг хонг компани» Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси ташкил этилди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки — «Ўзуй-жойжамғармабанк» рўйхатга олинди (2005 йил февраль ойдан Ипотека банк).

5 апрель. Тошкентда республикада биринчи «Ўзinvestлойиха» инжиниринг компанияси фаолият кўрсата бошлади.

5 апрель. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси (2001 йилдан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси) ташкил этилди.

9 апрель. Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

16 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

16 апрель. Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал бокс тарихида биринчи бор Ўзбекистон вакили — тошкентлик спортчи Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлди.

17 апрель. «Қамолот» жамғармаси таъсис этилди.



20—26 апрель. ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзuida илмий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди.

23 апрель. Тошкентда ЕХХТнинг «Марказий Осиё: ЕХХТ доирасида кенг камровли хавфсизлик ва минтақавий можаролар» мавзuidaги симпозиуми бўлиб ўтди.

25—26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

26 апрель. Амир Темур ордени таъсис этилди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фахрий унвонлари таъсис этилди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилди.

29 апрель. «Ўзбеккино» Давлат-акциядорлик компанияси (ҳозирги «Ўзбеккино» миллий агентлиги) тузилди.

Апрель. Бухорода сув сифатини бошқариш бўйича халқаро кенгаш бўлиб ўтди.

Апрель. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Қонун ҳимоясида» журналининг 1-сонини нашрдан чиқди.

2 май. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ташкил этилди.

13 май. «Тажан—Сарахс» трансосиё темир йўл магистрали очилди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил қилинди (2005 йил 2 майдан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тад-

биркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси).

22 май. Тошкентда жаҳондаги компьютер техникасининг етакчиси - IBM компанияси ваколатхонаси очилди.

Май. Самарқандда «Сунам» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Май. «Шаҳрихон—Ҳонобод» йўналиши бўйича поездлар қатнай бошлади.

Май. Тошкентда Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати музейи очилди.

25 июнь. «ЎЗДЭУавто» Ўзбекистон - Жанубий Корея қўшма корхонасида «Тико» ва «Нексия» автомобиллари ишлаб чиқарадиган линиялар ишга туширилди.

Июнь. Ангрен «Саноаткартонсавдо» акциядорлик жамиятида дастлабки целлюлоза ишлаб чиқарилди.

15—21 июль. Ўзбекистонда биринчи марта оммавий спорт ҳафталиги ўтказилди.

15 июль. Фан ва маданият халқаро жамғармаси тузилди.

19 июль. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича «ЎЗДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

19 июль — 4 август. АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган 24-ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз биттадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

14 август. Нукусда мрамар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ишга туширилди.

27 август. Янгийўл шаҳрида биокимё заводининг янги корхонасини ишга тушириш муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

28 август. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида фармон чиқди;

28 август. «Мискин—Тўртқўл» темир

йўли қурилиши тугалланди.

29 август. «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилди.

29 август. Ўзбекистон Республикаси Консуллик устави қабул қилинди.

29—30 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

30 август. Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

1 сентябрь. Тошкент шаҳрида Халқаро Олимпия шон-шухрати музейи очилди. Унда Халқаро Олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч иштирок этди.

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» кенгашининг «Маънавият» наشريёти ташкил этилди.

20 сентябрь. Самарқандда қадимий Афросиёб шаҳар харобасида қазиво ишлари олиб борган француз археологлари топилмалари кўргазмаси очилди.

27 сентябрь. Ўзбекистон Болалар жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

Сентябрь. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида замонавий ферсол ва ферлит пластик мойи ишлаб чиқарадиган қурилма ишга туширилди.

Сентябрь. Бухорода Ҳиндистоннинг «Ларсен ТурбоЛТД» фирмаси қурган 430 ўринга мўлжалланган тўрт юлдузли меҳмонхона очилди.

Сентябрь. Андижонда полиэтилен плёнка ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси тақдимоти бўлди.

Сентябрь. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейеридан ТТЗ-130 русумли дастлабки тракторлар чиқди.

Сентябрь. Асака шаҳрида «Федеречи-Асака-Макарони» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси ишга тушди.

Сентябрь. Бухоро вилояти Жон-

дор туманида 13-асрда яшаб ўтган халқ қаҳрамони, саркарда Маҳмуд Торобийга хайкал ўрнатилди.

2 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Ислох конференцияси ташкилотига аъзо бўлди.

8 октябрь. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси республикада биринчи «Банкинформрейтинг» мустақил рейтинг компаниясини таъсис этди.

18 октябрь. Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали равишда очилди.

18 октябрь. Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида Соҳибқирон Амир Темур хайкали очилди. Ҳар икки шаҳарга «Амир Темур» ордени топширилди;

18 октябрь. Тошкентда «Биржа ва улгуржи савдо» янги ҳафталик газетаси тақдимоти бўлиб ўтди.

21 октябрь. Тошкент шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Тошкент Декларацияси имзоланди.

24 октябрь. Ширин ичимликлар ва маъданли сув ишлаб чиқарувчи «Самарқанд-Прага», қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини чиқарди.

24 октябрь. Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

31 октябрь. Тошкентда «Ёзувчи» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази тузилди.

Октябрь. Тошкентда беш юлдузли «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг 1-навбати фойдаланишга топширилди.

Октябрь. Ўзбекистон—Италия «Совпластитал» қўшма корхонаси Парижда «Сифат учун Европа Олтин мукофоти»га сазовор бўлди. Бу қўшма корхона сазовор бўлган саккизинчи халқаро мукофотдир.

Октябрь. Тошкентда «Бозор, пул ва кредит» илмий-амалий журналининг 1-сони, шунингдек, Орол денгизи ҳавзаси

муаммоларини ёритиш бўйича «Вестник Арала» («Орол ахборотномаси») илмий журналининг илк сони босмадан чиқди.

28 ноябрь. Хивада туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули ҳайкали очилди.

30 ноябрь. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шахрида «Кабул-Тўйтепа текстил» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Ноябрь. Тошкентда «Техноинвест» Ўзбекистон—Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилди.

8 декабрь. Гулистонда «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Нексия» автомобилларини сотиш бўйича Ўзбекистонда биринчи кимошди савдоси бўлиб ўтди.

13 декабрь. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни нашрга тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

20 декабрь. Ўзбекистон Фанлар академиясида Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция бўлиб ўтди.

26—27 декабрь. Тошкентда 1-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида», «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

29 декабрь. Тошкент шахрининг янги герби тасдиқланди.

30 декабрь. Қашқадарё вилоятидаги Алан конида йилига 5 млрд. куб метр газ ва 200 минг тонна конденсат чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

Декабрь. Ўзбекистон Фахрийлар кенгаши Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний»

жамғармасига айлантирилди.

Декабрь. Нукусда Қорақалпоғистонда биринчи бизнес маркази очилди.

Декабрь. Бухоро вилоятида мрамарга ишлов берадиган янги завод ишга туширилди.

Декабрь. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги «Хуррият» мустақил газетаси чиқа бошлади.

Декабрь. Тошкент давлат юридик институти қошида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази очилди.

1996 - «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этилди.

1996 - «BUZTEL GSM» («Бақри Ўзбекистон телеком») компанияси таъсис этилди.

### **1997 йил - «Инсон манфаатлари йили»**

3 январь. 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгиланди.

4 январь. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони таъсис этилди.

7 январь. Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил этилди.

17 январь. «Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси» халқаро жамоат ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

23 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра халқ ҳунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.

10 февраль. Ҳамширалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган «Ҳамшира» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

21 февраль. «Абдулхамид Сулай-

мон ўгли Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

21 февраль. Муқаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси ташкил этилди.

25 февраль. «Ўзагросуғурта» Давлат суғурта компанияси ташкил этилди.

27 февраль. «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди.

12 март. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

14 март. «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил топди.

20 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» қарор чиқарди.

20 март. Тошкент зарбхонаси ишга туширилди.

Март. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида ташкил этилган «ЎЗДЭУ тўқимачилик» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотини берди.

Март. Тошкентда ёш олимлар ва талабаларнинг 3-Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

3 апрель. Тошкентда «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилгани ва шу ном билан аталган стадион ишга тушганлигининг 40 йиллигига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди.

24-25 апрель. Тошкентда 1-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессиясида «Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари вакили (Омбудсман) тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар; Солиқ кодекси, жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди.

8 май. Тошкентда «Давлат, оила ва тарбия муаммолари» мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди.

15 май. Тошкентда халқаро акциядорлик-тижорат «ЎЗДЭУбанк» очилди.

15 май. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши таъсис этилди.

21—23 май. Тошкентда «Нефть ва газ—97» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 30 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашди.

10 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Миллий реабилитация маркази очилди.

13 июнь. Чирчиқца «Кибо - болалар пойабзали» Ўзбекистон — Германия корхонасининг очилиш маросими бўлди.

18 июнь. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тузилди.

19 июнь. Тошкентда Озарбайжон элчихонаси очилди.

26 июнь. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Ташфарм Американ Интернейшнл» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ишга тушди.

27 июнь. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тузилди.

Июнь. Тошкентда «Хунарманд» халқ хунармандлари уюшмаси ташкил этилди.

Июнь. Қарши шаҳрида «Қашқадарётелеком» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

14 июль. Қашқадарё «Кўкдумалок» компрессор станцияси фойдаланишга топширилди.

22 июль. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилди (2003 йил 4 августда унинг Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди).

23 июль. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Июль. Жиззахда акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилди.

26 август — 1 сентябрь. Самарқандда 1-халқаро «Шарқ тароналари» фестивали бўлиб ўтди. Унда 30 дан ортиқ давлат вакиллари қатнашди.

22 август. Қоровулбозорда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 1-навбати ишга туширилди.

27 август. «Хуқуқ» газетасининг

1-сони нашрдан чиқди.

29 август. Тошкентда 1-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

8 сентябрь. Самарқандда музқаймоқ, пишлоқ, сариёғ, каймоқ ишлаб чиқарадиган «Браво-сут» янги кўшма корхона ишга тушди.

10 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ташкил этилди.

15-16 сентябрь. Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролларидан холи зона» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

17 сентябрь. Тошкентда «Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзусидаги халқаро илмий конференция очилди. Ушбу конференция Шахрисабзда ўз ишینی давом эттирди.

Сентябрь. Тошкентдаги «Фотон» акциядорлик бирлашмасида «SONY» рангли телевизорлари ишлаб чиқарила бошланди.

15 октябрь. Ўзбекистон Бадий Академияси махсус жамғармаси тузилди.

19-20 октябрь. Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги кенг нишонланди.

Октябрь. Андижонда «Тожметалл» акциядорлик жамияти ташкил этилди.

Октябрь. Тошкентда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг шўъба банки очилди.

4 ноябрь. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» эълон қилинди.

4 ноябрь. Ўзбекистон ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди.

11 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъmun академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Аҳмад ал-

Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

28 ноябрь. Атоқли шоир, озодлик куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги нишонланди.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

25—26 декабрь. 1-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилинди.

Декабрь. Ангрндаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси Сифат ва мукамаллик бўйича халқаро жамғарманинг «Олтин юлдузи» мукофотига сазовор бўлди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Т.Н.Қори-Ниёзий туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган илмий сессия бўлди.

Декабрь. Тошкентда академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

1997 - Юқори сифатли сурков мойлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — АҚШ «Ўз-Тексако» кўшма корхонаси ташкил этилди.

1997 - Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси (ассоциацияси) таъсис этилди.

1997 - Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

1997 - «COSCOM» Ўзбекистон — Америка кўшма корхонаси, Кореянинг «Daewoo Unitel» кўшма корхонаси ишга тушди.

1997 - Хоразм вилоятидаги Гурлан шаҳрида енгил саноат корхонаси — «Гурлантекс» акциядорлик жамияти ишга тушди.

1997 - Миллий рассомлик вадизайн институти ташкил этилди.

1997 - Ўзбекистон амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси (1960—97) Ўзбекистон Республикаси амалий санъат музейи деб аталди (музей сифатида дастлаб 1937 йил ташкил этилган).

1997 - «Файз» холдинг компанияси ташкил этилди.

## 1998 - «Оила йили»

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» до-стони яратилганлигининг 1000 йилли-гини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

26 январь. Толибжон Содиқов номида-ги халқаро мусикий хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

27 январь. Оила манфаатларини таъ-минлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури эълон қилинди.

Январь. Гулистонда «Лечива фармса-ноат» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхо-наси ишга тушди.

2 февраль. Республика «Оила» ил-мий-амалий маркази ташкил этилди.

4 февраль. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабрдаги қарорига мувофиқ «Устоз» Республика жамғармаси тузилди.

19 февраль. Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент— Андижон—Ўш—Қашқар автомобиль йўлида халқаро автомобиль транспорти катнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди.

24 февраль. «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор чиқди.

24 февраль. Тошкент педагогика ин-ститутига университет мақоми берилди.

Февраль. «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга ускуналар ком-плектларини ишлаб чиқарадиган Хитой билан қўшма корхона ташкил этилди.

4 март. Тошкентда Республика шоши-

линч тиббий ёрдам ўқув маркази ташкил этилди.

26 март. «Ўзбекистон театр санъ-атини ривожлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг фармонида мувофиқ «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида театр ижодкорлари уюш-маси ташкил этилди.

Март. Қўқон электр машинасозлик заводида Асакадаги «ЎзДЭУавто» кор-хонасида тайёрланадиган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Март. Тошкентда ўзбек ва рус тилла-рида «Хуқуқ» — «Право» илмий-назарий юридик журналининг 1-сони чиқди.

Март. Тошкент ва Фарғона шаҳарларида Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган илмий кон-ференция бўлиб ўтди.

Март. Ўзбекистон «Олимпия шон-шухрати» музейига Халқаро Олимпиада кўмитасининг «Олимпия шон-шухрати» музейи филиали мақоми берилди.

3 апрель. Урганчда Хоразий ва Бери-ний номларидаги боғларга асос солишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

9 апрель «Хусусий тадбиркорлик, ки-чик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

21 апрель. Ўзбекистон Республикаси-даги умумтаълим мактаби ва бошқа ўқув муассасаларининг «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти тузилди.

23 апрель. «Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида» Ўзбекистон Ре-спубликаси Президентининг фармони чиқди.

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги коопера-тиви (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехкон хўжалиги тўғрисида», «Виждон эркин-

лиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (янги тахрирда) қонунлар қабул қилинди; Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси тасдиқланди.

Апрель. Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

4 май. Музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбек музей» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

12 май. «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони таъсис этилди.

22 май. Ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражабов Жомолунгма (Эверест) чўккисини забт этиб, Ўзбекистон байроғини ўрнатди.

Май. Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди.

Май. Тошкентда Халқаро хусусий суғурта компанияси очилди.

Май. Тошкент рус ёш томошабинлар театри Ўзбекистон ёшлар театрига айлантирилди.

24 июль. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди.

Июль. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқарадиган «Санлайт» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

25 август. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилди.

28-29 август. 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Маданий бойликларни четга олиб чиқиш ва олиб келиш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

28 август. «Эл-юрт хурмати» ордени таъсис этилди.

29 август. Тошкентда «Куч — адолатда» Ўзбекистон Республикаси Олий суди газетасининг 1-сони чиқди.

Август. Ўзбек учувчи-астронавти С.Шарипов америкалик ва россиялик 7 кишилиқ экипаж таркибида «Эндевер»

космик кемасида космосга парвоз қилди.

6 сентябрь. Халқаро кураш ассоциацияси тузилди.

16 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги Астрономия институтига асос солинганлигининг 125 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жалолоддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

25 сентябрь. «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ташкил этилди.

28 сентябрь. Тошкентда Осиё Тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси очилди.

30 сентябрь. Ҳазораспдаги Ўзбекистон—Туркия Хоразм қанд заводи қўшма корхонасида дастлабки қанд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

23 октябрь. Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 40 мамлакатидан меҳмонлар иштирок этди. Шу куни Ҳартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

24 октябрь. Фарғона вилоятида Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталадиган истироҳат боғи очилди. Қува шаҳрида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатилди.

6 ноябрь. Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлиси бўлиб ўтди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги гуруҳ Тошкент давлат университетиде Мирзо Улуғбек номидаги ЮНЕСКО кафедраси очилиши маросимида иштирок этди.

13-14 ноябрь. Термизда биринчи «Ал-помош ўйинлари» фестивали ўтказилди.

17 ноябрь. Тошкентда «Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ноҳуқумат

ташкитолларининг роли» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ноябрь. Ўзбекистоннинг «Фармед» хусусий фирмасига халқаро мукофот — «Сифат олтин юлдузи» топширилди.

Ноябрь. Тошкентда синхрон сузиш бўйича «Сув париси» 1-халқаро турнир бўлиб ўтди.

Декабрь. «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди.

22 декабрь. Бангкокда ўтказилган 13-Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар спортнинг 23 тури бўйича 42 мамлакат спортчилари билан беллашиб, ўнта энг кучли жамоа сафига кирди ва 40 та медаль — 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медални қўлга киритди.

24-25 декабрь. 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 13-сессиясида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди.

1998 - Наманган саноат-технология институти Наманган муҳандислик-педагогика институти деб қайта номланди.

1998 - «Пахтасаноатилм» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

1998 - Сурхондарё вилояти археология музейи ташкил этилди.

1998 - Тошкентда «Хусусий сайёҳлик ташкитоллари уюшмаси» ташкил этилди.

### **1999 йил - «Аёллар йили»**

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита ташкил этилди.

Январь. «Ўзбекистон тарихи» журнаlining 1-сони чиқди.

Январь. Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида «Косонсой-Текмен» Ўзбекистон — Туркия тўқимачилик қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Январь. Хоразм вилоятида шоир ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги кенг нишонланди.

4 февраль. «Фидокор» газетаси чоп этила бошлади.

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

16 февраль. Тошкент шаҳрида террорчи кучлар сиёсий ва диний экстремистлар томонидан уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон ўлдирилди, 120 киши тан жароҳати олди.

18 февраль. «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» давлат дастури ишлаб чиқилди.

26 февраль. Президент фармони билан «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Февраль. Тошкентда Ўзбекистон тарихчилари жамияти ташкил этилди.

2 март. 9 май Хотира ва кадрлаш куни деб эълон қилинди.

15 март. Ибн Сино халқаро жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

21 март. Самарқанд шаҳрида рус ва ўзбек тилларидаги ҳафталик «Даракчи» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

30 март. «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ҳар йили ўтказиладиган Европа «Интерконтинентал» отеллари кўрик танловида биринчиликни олди.

Март. «СамКочАвто» қўшма корхонасида шаҳарлараро ва шаҳар ичида қатнашга мўлжалланган дастлабки автобуслар ишлаб чиқарилди.

Март. «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнаlining 1-сони нашрдан чиқди.

7 апрель. Тошкент Ислон университети ташкил этилди.



14—15 апрель. 1-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги тахрирда), «Ўрмон тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хотин-кизларга кўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

23 апрель. Тошкентда Маърифатчилар жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жамият Низоми тасдиқланди.

Апрель. Брисбен (Австралия)да ўтказилган Халқаро «Гран при» турнирида ўзбек каратэчилари 25 та медални қўлга киритдилар, улардан 14 таси олтин медаллардир.

1—2 май. Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан спортчилар қатнашди.

9 май. Ўзбекистон Республикасида биринчи бор 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланди. Тошкентда Ваган озодлиги учун жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Хотира ва қадрлаш майдони» барпо этилди.

17 май. Тошкент — Самарқанд йўналишида электрпоезд қатнови йўлга қўйилди.

17 май. Шўртган газ-кимё мажмуи қурилишида уни умумий темир йўл тармоғи билан улайдиган узунлиги 20 км бўлган Жийрон—Шўртган темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилди.

27 май. Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана тумани ташкил этилди.

Май. Навоий вилоятида Навбахор гидроузели фойдаланишга топширилди.

10 июнь. Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

Июнь. Навоий шаҳрида ўт ўчирувчи машиналарни йиғиш бўйича Ўзбекистон—Украина кўшма корхонаси ишга тушди.

1 июль. Ўзбекистон билан Евро-

па Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ратификация қилинди.

19-20 июль. Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Июль. Андижон вилоятининг Марҳамат туманида Ўзбекистон—Россия «Экомевалар» кўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Июль. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган «ИЛ—114» самолёти Тошкент—Нукус, Тошкент—Фарғона йўналишлари бўйича доимий парвозларни амалга ошира бошлади.

7 август. Тошкентда Маънавият ва маърифат республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

18 август. Вазирлар Маҳкамасининг Европа — Осиё трансконтинентал автомагистралини лойиҳалаш ишлари бўйича қарори чиқди.

19-20 август. 1-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида», «Туризм тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

26 август. Самарқандда «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали очилди.

Август. Фарғона туманида пиллани қайта ишлайдиган Водил пиллакашлик фабрикасининг биринчи навбати ишга тушди.

20—21 сентябрь. Тошкентда «Буюк ипак йўли»ни тиклаш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё мамлакатларидан ташқари Хитой, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Сурия ва бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилот вакиллари қатнашдилар.

21 сентябрь. Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси тузилди.

27 сентябрь. Тошкентда Американинг «Моторола» компанияси ваколатхонаси

ва радиостанциялар ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон—Моторола—Телеком—Радио» қўшма корхонасининг расмий очи-лиш маросими бўлиб ўтди.

12 октябрь. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

23—30 октябрь. Тошкентда бокс бўйича 20-Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 20 мамлакатдан 210 спортчи қатнашди.

26 октябрь. «Шарқ аёли» халқаро аёл-лар жамғармаси тузилди.

Октябрь. Самарқанддаги «СамКочАв-то» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автобусларнинг дастлабки туркуми экспортга жўнатилди.

Октябрь. Тошкентда Республика «Тошкент» фонд биржаси билан Франк-фурт фонд биржаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик меморанду-мини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Октябрь. Нукусда Онкология илмий маркази очилди.

Октябрь. Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида «Антекс» очик тур-даги акциядорлик жамияти тўқимачилик корхонаси ишга туширилди.

Октябрь. «Кураш» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

5 ноябрь. Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди.

6 ноябрь. Термиз шаҳрида «Алпо-миш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

1 декабрь. Тошкентда «Қабул—Ўзбек Ко» Ўзбекистон—Корея тўқимачилик қўшма корхонаси ишлаб чиқариш маж-мунининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

5 ва 19 декабрь. Барча вилоят, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига эркин демократик сайлов-лар бўлиб ўтди.

17 декабрь. Қорақалпоғистонда 115 км узунликдаги Мискин — Султон Увайс магистралада темир йўл изларини ту-

таштириш ишлари ниҳоясига етказилди.

17 декабрь. Хоразмда ўзбек шоири, тарихчи Огаҳийнинг 190 йиллиги ни-шонланди.

18 декабрь. Нукусда Ажиниёз Кўсибой ўғли таваллудининг 175 йилли-ги нишонланди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиқди.

1999 - Тошкентда «Тошкент-плаза» халқаро савдо кўргазма мажмуаси бунёд этилди.

1999 - Ўзбекистон истеъмолчилар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамият-лари федерацияси тузилди.

## **2000 йил - «Соғлом авлод йили»**

9 январь. Ислон Абдуғаниевич Кари-мов Ўзбекистон Республикаси Президен-ти этиб қайта сайланди.

13 январь. Тошкент шаҳрида «Ижод дунёси» нашрийёт уйи ташкил этилди.

28 январь. Тошкент давлат универси-тетига Ўзбекистон миллий университети мақоми берилди.

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

9 февраль. Тошкентда Германия ма-шинасозлик корхоналари иттифоқи / VDMA/ Ўрта Осиёдаги бюросининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

15 февраль. Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

21 февраль. «Миннагдор хотира» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

24 февраль. Афғон уруши ногирон-лари республика хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

20 март. Банклар ассоциациясининг янги Банклараро молиявий хизмат маркази биноси, «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон—Швейцария—Германия қўшма корхонаси, Ўзбекистон

Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

24 март. Оролнинг жанубий соҳилида ишлаётган Қорақалпоғистон — Австралия археология экспедицияси қум остида қолиб кетган қадимий шаҳар (Оқшахан қалъа)ни аниқлаганлиги расмий маълум этилди.

31 март. Тошкентда Халқаро бизнес-марказ иш бошлади.

Март. «Совпластитал» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси халқаро савдо «Лидерлар клуби» томонидан юксак мукофот — «Энг яхши савдо маркаси — янги минг йиллик соврини» олтин соврин билан тақдирланди.

6 апрель. Навоий вилояти ҳудудида бентонит гил кони топилди.

14 апрель. «Урганч» аэропортининг аэровокзал мажмуаси фойдаланишга топширилди.

20—21 апрель. Тошкентда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгаши бўлиб ўтди. Тўрт давлат бошлиқлари «Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида шартнома»ни имзоладилар.

Апрель. Андижон вилоятида «Асака—АСК» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ташкил этилди.

12 май. Тошкентда «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

19 май. Ўзбекистон Фанлар академиясида Республика Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш масалалари юзасидан умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Фанлар академиясининг янги тахрирдаги Низоми қабул қилинди.

25—26 май. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида» конун

қабул қилинди.

Май. Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

9 июнь. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро мукофот — «Евромаркет—2000» совринига сазовор бўлди.

23 июнь. Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

27 июнь. «Соғлом авлод» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

18 июль. Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болаларни ҳамда ёшларни реабилитация қилиш бўйича «Паноҳ шуъласи» жамғармаси тузилди.

25 июль. Тошкентда «Фидокорлар» миллий-демократик партиясининг биринчи курултойи бўлиб ўтди.

25 август. Иқтидорли ёшлар учун «Нихол» мукофоти таъсис этилди.

29 август. Пойтахтни Фарғона водийси билан туташтирувчи Камчик довонидан ўтказилган янги автомобиль йўлининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

30 август. «Жалолоддин Мангуберди» ордени таъсис этилди.

30-31 август. Тошкентда 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида «Почта алоқаси тўғрисида», «Психиатрия ёрдами тўғрисида», «Радиация хавфсизлиги тўғрисида» конунлар қабул қилинди.

14 сентябрь. Тошкентда ЮНЕСКО хомийлигида динлараро мулоқот бўйича «Дунё динлари: жаҳон маданияти йўлида» мавзуда халқаро конгресс очилди. Унда жаҳоннинг 30 га яқин давлат вакиллари иштирок этдилар.

Сентябрь. Орол денгизининг қуриб қолган ўзанида ўрмон барпо этишга оид Ўзбекистон—Германия қўшма лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Сентябрь. Ўзбекистонда Аудиторлар палатаси иш бошлади.

Сентябрь. Фуқароларни қизиктирган барча масалалар бўйича маслаҳат бера-

диган «Тошкент ахборот хизмати» очилди.

1 октябрь. Ўзбекистонлик боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича 27-ёзги Олимпиада чемпиони бўлди.

4 октябрь. Оксаройда Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалини қўлга киритган олимпиадачиларни табриклаш маросими бўлиб ўтди.

16 октябрь. «Шарқ» наشريёт-матбаа концерни «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясига айлантирилди.

19 октябрь. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг А-310 русумли замонавий ҳаво кемаси 9 соатда Япониянинг Миязаки префектурасидан йўлга чиққан 170 нафар сайёҳни Бухорога олиб келди.

21 октябрь. Фарғона вилоятида буюк олим ва мутафаккир Аҳмад ал-Фарғоний хотирасига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

29 октябрь. Ўзбекистон Республикаси боксини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди.

31 октябрь. Тошкентда барпо этилган «Азимут» корхонасида ишлаб чиқарила бошлаган «ARABIK CLASSIC» янги маркадаги табиий кофе тақдими бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда Ўрта Осиё мамлакатлари сув хўжалиги ходимлари малакасини оширадиган минтака тренинг маркази очилди.

Октябрь. Нукусда шаҳарлараро иккинчи «Жануб» автобекати ишга туширилди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон—Корея «Амако-боулинг» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

16 ноябрь. Марғилонда буюк фикҳ олими, имом Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шаҳри марказида Бурҳониддин Марғинович ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

17 ноябрь. Самарқандда буюк фикҳ

олими, имом, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилеи нишонланди. Самарқандда Мотуридий ёдгорлик мажмуи очилди. Тошкент ва Самарқандда Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган макеибага бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

24 ноябрь. Ўзбекистон «Офарин» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

29 ноябрь. Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида қадимий Кўктепа шаҳри харобалари ўрнида бадавлат аёл («Саклар маликаси»)нинг даҳмаси топилди.

Ноябрь. ЮНЕСКО меъморий-тарихий ёдгорликлар Жаҳон мероси кўмитасининг Австралияда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз, Бухоро шаҳарлари тарихий марказлари Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Декабрь. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Камолитдин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди.

2000 - Ўзбекистон давлат филармонияси негизда Муҳиддин Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадийи жамоалар дирекцияси ташкил топди.

## **2001 йил - «Оналар ва болалар» йили**

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Фуқаро муҳофазаси» — «Гражданская защита» журналининг илк сони нашрдан чиқди.

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди.

9 январь. Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтди.

19 январь. «Умид ниҳоллари» ўйинлари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

24 январь. Тошкентда Марказий Осиё давлатлари иштирок этган «Сув — келажак заҳираси» шиори остида семинар тренинг ўтказилди.

25 январь. «Тошкент—Москва—Тошкент» йўналиши бўйича йўловчи поезди қатнай бошлади.

2 февраль. Чирчиқ шаҳрида газ ҳайдаш компрессорларини қайта таъмирлашга ихтисослашган «US-DR сервис маркази» Ўзбекистон — Голландия қўшма корхонаси ишга тушди.

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оналар ва болалар» давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

15 март. Тошкентда «Интернет. UZ» 1-миллий интернет-фестивали ўтказилди.

15 март. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ишга тушди.

17 март. «Мискин—Учқудук» темир йўли (224 км) қурилиши яқунланди.

20 март. Ўрта Осиёда ягона Қизилқум фосфорит комбинатининг 1-навбати тўла қувват билан ишлай бошлади.

21 март. Нукус туманида «Қорақалпоқтомат» корхонаси ишга тушди.

24 март. Фарғонада йирик фуран бирикмалари кимё корхонасида целлюлоза ишлаб чиқариш иншооти ишга тушди.

25 апрель. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

28—29 апрель. Тошкентнинг «Юнусобод» спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

30 апрель. Жиззах шаҳрида илк бор ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

30 апрель. Наманганда «Аснам текстил» қўшма корхонаси ишга тушди.

1 май. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини

ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

1 май. Тошкентда Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам маркази фаолият бошлади.

9 май. Хотира ва кадрлаш кuni муносабати билан Хоразм вилоятининг Боғот, Жиззах вилоятининг Зафаробод, Мирзачўл, Дўстлик туманларида, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида, Гулистон шаҳрида Хотира хиёбонлари барпо этилди.

18 май. Шаҳрисабздаги Амир Темур номидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Май. Андижон шаҳридаги Бобосадин маҳалласидан қадимий мис тангалар топилди. Бу тангалар 1428—29 йилларга оид бўлиб, Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади.

Май. «Ватанпарвар» ташкилоти ҳузурида «Шонли Ватан тарихи» музейи очилди.

23 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

14—15 июнь. Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги баёнот имзоланди. Ўзбекистон Президенти таклифи билан «Шанхай форуми» номи «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти— ШХТ» деб ўзгартирилди.

22 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш тўғрисида»ги, «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Июнь. Тошкентда мамлакатимиз-

да ягона «SOS — Болалар маҳалласи» очилди.

6 июль. АҚШда фахрийлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Фарҳод Огаев чемпион унвонига сазовор бўлди.

6 июль. Чирчиқда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг барча қўшин турлари учун сержантлар тайёрлайдиган мактаб очилди.

9 июль. «Ўзқўرғазмасавдо» марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича 9-жаҳон чемпионати бошланди.

Август. Тошкентнинг Юнусобод туманида сув спорти саройи қурилди.

17 август. «Матиз» русумли автомобилнинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

17 август - 1 сентябрь. Тошкентда теннис бўйича «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» (UN Cup) халқаро ўсмирлар турнири бўлиб ўтди.

Август. Фарғона шаҳрида Жанубий Корея ҳамда Япония билан ҳамкорликда «Қабул— Фарғона компани» тўқимачилик қўшма корхонаси ишга тушди.

18 июль. «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони таъсис этилди.

26 август. «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусиқа фестивали очилди.

30 август. Тошкент шаҳрида академик драма театри янги биносининг очилиш маросими бўлди.

Август. Навоий шаҳрида «Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи» очилди.

11 сентябрь. Тошкентда теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири бўлди.

Сентябрь. Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «Чиноз тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон—Туркия—Япония қўшма корхонаси ишга тушди.

Сентябрь. «Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи» босмадан чиқди.

21 сентябрь. Ҳамза номидаги театр номи ўзгартирилиб «Ўзбек миллий ака-

демик драма театри» деб атала бошлади.

21 сентябрь. «Мерос» илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

22 октябрь. Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси рўйхатдан ўтди.

23 октябрь. Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашувчи хайрия жамғармаси расмий рўйхатдан ўтди.

3 ноябрь. Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб юбилей ўтказилди ва ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

21 ноябрь. Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ташкил этилганининг 100 йиллиги нишонланди.

26 ноябрь. Сурхондарё давлат кўғирчоқ театри ташкил этилди.

6 декабрь. 2-чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Қарорда 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказиш, унда келгуси чакириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти ни икки палатали қилиб сайлашга, иккинчи масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга розилик масаласи қўйилди.

7 декабрь. Матбуотда Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаати эълон қилинди. Унда халқаро терроризм хавфига қарши мамлакатимиз аҳолиси огоҳликка чақирилди.

8 декабрь. Тошкентда «Китоб дунёси» ахборот-маълумот газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

21 декабрь. Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушди.

28 декабрь. Академик Ҳабиб Абдуллаев номидаги халқаро жамғарма расмий рўйхатдан ўтди.

Декабрь. Жиззах шаҳрида «Ўзэксайд»

Ўзбекистон—АҚШ кўшма корхонаси ишга туширилди.

2001 - Тошкентда Халқаро кураш институти фаолият бошлади.

2001 - ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқанднинг тарихий маркази меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

## **2002 йил - «Қарияларни кадрлаш йили»**

16 январь. Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида фармон чикди.

24 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

27 январь. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент тузиш масаласида референдум ўтказилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65% икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди.

28 январь. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 10 йиллиги нишонланди.

13 март. Адабиёт жамғармаси рўйхатдан ўтди.

19 март. Тошкентнинг «Туркистон» саройида «Ташаббус—2002» кўрик танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

22 март. Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Март. АҚШда ўтказилган «Атланта кубоги» халқаро турнири баҳсларида ўзбекистонлик каратэчилар 14 та медаль (6 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза)ни қўлга киритдилар.

Март. ЮНЕСКО Бош директорининг қарорига кўра «Шаҳарлар — тинчлик учун» танловида жаҳоннинг ўн та шаҳри ғолиб деб топилди. Улар орасида Бухоро шаҳри ҳам бор.

Март. Наманган шаҳрида «Нестле»

Ўзбекистон—Швейцария кўшма корхонаси иш бошлади.

2 апрель. Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

4 апрель. 2-чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий қонуни қабул қилинди.

10 апрель. Шаҳрисабзда «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Туркия ва Япония билан ҳамкорликдаги кўшма корхонанинг очилиш маросими бўлди.

16 апрель. «Семурғ» хайрия жамғармаси тузилди.

16 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

24 апрель. Фарғонада «Умид ниҳоллари» Республика мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари тантанали равишда очилди.

7 май. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси эълон қилинди.

24 май. «Бойсун баҳори» 1-халқаро очик фольклор фестивалининг очилиш маросими бўлди.

25 май. Бухоро шаҳрида «Универсиада — 2002» спорт ўйинлари бошланди.

4 июнь. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Италиянинг «Al-Italia» авиакомпанияси ўртасида «Кодшер» битими имзоланди. Унга мувофиқ Тошкент—Рим—Тошкент йўналиши бўйлаб парвозлар амалга оширилади.

5 июнь. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуида халқаро илмий-назарий анжуман очилди.

24 июнь. Тошкентда мактаб, академик лицей ва коллежлар битирувчиларининг «Истиклол умидлари — 2002» фестивали бўлиб ўтди.

24 июнь. Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг Рус православ черкови «Благовест» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

3 июль. «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил килинди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Замонавий инфор­мацион технологиялар» илмий-техник марказида «Кўзсиз кўриш» халқаро лойиҳаси доирасида янги қурилма яратилди. У кўзи ожиз кишиларга атроф-муҳитни аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Июль. Тайландда ўтказилган оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида мамлакатимиз вакиллари 4 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медал соҳиби бўлдилар.

12-13 август. Теурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё тарих кўзгусида: энг қадимдан хозиргача» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда 10 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан таниқли олимлар иштирок этишди.

15 август. Шўртан газ-кимё мажмуасида биринчи полиэтилен олинди.

17—18 август. Фарғонада белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 1-халқаро турнир ўтказилди.

31 август. Тошкентнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.

Август. «Навой—Учкудук—Мискин—Султон Увайс—Нукус» темир йўли қурилиши битказилиб ишга туширилди.

Август. «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида «Нексия» энгил автомобилнинг янги, такомиллашган моделини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу модел

16 клапанли «Дойч» двигатели билан жиҳозланган.

10 сентябрь. «Ўзбекистон» спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги халқаро турнирининг очилиш маросими бўлди.

15 сентябрь. Тошкентнинг «Туркистон» саройида биринчи марта эстрада санъатининг барча йўналишлари бўйича кўшиқ ва куйлар тақдирот фестивали — «Олтин хумо» ўтказилди.

19 сентябрь. Тошкент трактор заводи­нинг 60 йиллиги нишонланди.

Сентябрь. Тошкент метросининг «Юнусобод» линиясидаги 6 бекат фойдаланишга топширилди.

14 октябрь. Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати бошланди.

1 ноябрь. Шахрисабз шахрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Абдулхолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»га қарори эълон килинди.

12-13 декабрь. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий қонунлар, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги (янги тахрирда), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар қабул килинди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Тошкентда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Бадиий академияси «Маданият қарвон саройи»нинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Декабрь. Тошкент вилоятининг



Бўстонлик туманида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.

24 декабрь. Ўзбекистон Республикаси макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ташкил этилди.

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқувчилари ҳамда талабаларининг «Талаба» спорт уюшмаси тузилди.

2002 - И.А.Каримовнинг 10 жилдли асарлари нашр этилди (1992-2002 йиллар).

2002 - Ўзбекистон Бадий Академияси таркибида «Тошкент фото уйи» ташкил этилди.

2002 - Ўзбек давлат оммавий кутубхонаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат миллий кутубхонаси деб номланди.

2002 - «Хива—Карпет» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси ташкил этилди.

### **2003 йил - «Обод маҳалла йили»**

Январь. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Металлург» дам олиш масканининг очилиш маросими бўлди.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Обод маҳалла йили» дастурини қабул қилди.

14 март. Тошкент шаҳрида деҳқон ва фермерларнинг 2-Республика курултойи бўлиб ўтди.

Март. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида «Ўзбекистон Қизил китоби» 2-жилдининг ва Ўзбекистонда агроф мухитни муҳофаза қилиш миллий дастурининг тақдироти ўтказилди.

Март. Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

24-25 апрель. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида «Ўзбекистон

Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, унда икки палатали парламент тузишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Апрель. Тошкент шаҳрининг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тинчлик қўнғироғи» мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

4—5 май. Тошкентдаги «Туркистон» саройида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 12-йиллик мажлиси ўтказилди. Анжуманга 59 давлатдан 61 делегация аъзолари ташриф буюрди.

10 май. Таниқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғига Ғафур Ғулом номи берилди ва боғда шоир ҳайкали очилди.

14-20 май. Хоразмда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

5-11 июнь. Андижон вилоятида «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Июль. Наманган вилоятининг Чуст туманида Ўзбекистон—Швейцария «Голден Фрут» қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида АҚШ—Ўзбекистон «Каттақўрғонмева» қўшма корхонаси ишга тушди.

Июль. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Кампиртепа кишлоғида ноёб хазина — қадимий китоблар топилди.

Июль. Тошкент фотосуратлар уйи Халқаро бадий фото федерацияси (FJAP) га аъзо бўлди.

Август. Наманган шаҳрида «Ёшлар» спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Август. Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманида ер қаъридан тиббиётда ноёб, ўта шифобахш ҳисобланган радонли сув чиқди.

Август. Нукус шаҳрида халқ истеъмоли моллари минтақавий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

25-30 август. Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди. Унда 40 га яқин мамлакат вакиллари қатнашди.

29-30 август. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

29 август. «Фидокорона хизматлари учун» ордени таъсис этилди.

Август. Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида «Бештек» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ишга туширилди.

12 сентябрь. Нукусда ш.нинг 70 йиллиги нишонланди ва шаҳар «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Октябрь. Тошкентдаги «Osiyo Granit» корхонаси ҳудудида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи Австрия — Ўзбекистон қўшма корхонаси ишга тушди.

15 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда партия устави ва дастури тасдиқланди. Партиянинг «XXI аср» ҳафталик газетаси таъсис этилди.

Ноябрь. Термиз шаҳрида «Термиз—Хайратон» кўприги олдида «Айритом» боғхона мажмуи ишга туширилди.

27 ноябрь. Бухоро шаҳрида тасаввуф илмининг йирик намояндаси Абдулҳолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди.

3 декабрь. Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди ордени топширилди.

3 декабрь. Андижон вилоятига Амир Темур орденини топшириш маросими бўлиб ўтди.

## **2004 йил - «Меҳр ва мурувват йили»**

1 январь. Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси фаолият кўрсата бошлади.

27 январь. «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

12 март. Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида Амударё устида бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.

18 март. Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон — Туркия «ЯДЕМ текстил» қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

23 март. Тошкентда буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

25 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хожа Аҳрор таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида» қарор қабул қилди.

26 март. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташкил топди.

27 март. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди.

30 март. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти асосида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилди.

3 апрель. Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди.

5 апрель. Тошкентда «Таълим — келажакка йўналтирилган сармоя» мавзuida минтақавий конференция бўлиб ўтди. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

29-30 апрель. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

21 май. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

17 июнь. Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди.

7 июль. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташкил этилди.

13 июль. Ливия пойтахти Триполи шаҳрида яқунланган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбек шахматчиси, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Август. Хоразм вилоятида «Боғоттекстиль» ва «Шовоттекс» кўшма корхонаси ишга туширилди.

26 август. Афинадаги Олимпиада мусобақаларида ўзбекистонлик курашчи Александр Доктуришвили юнон-рум кураши бўйича, Артур Таймазов эса (28 августда) эркин кураш бўйича 28-Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди, Магомед Ибрагимов (29 августда) кумуш медаль билан тақдирланди.

31 август. Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси фойдаланишга топширилди.

27 сентябрь. Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди.

11 октябрь. Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси ташкил этилди.

15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, харитаграфия ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил қилинди.

25 октябрь. Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк ипак йўли» деб номланувчи ваколатхонаси очилди.

28 октябрь. Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

26 декабрь (ва 2005 йил 9 январь). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

сининг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди.

2004 - «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ташкил этилди.

## **2005 йил. «Сихат-саломатлик йили»**

17—20 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

25 январь. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Март. Тошкент вилоятида «Бурсель—Тошкент текстиль» кўшма корхонаси ишга туширилди.

12—13 май. Андижон шаҳрида бир гуруҳ ақидапараст ва экстремистлар томонидан қуролли экстремистик хуружлар содир этилди.

Май. «Тошгузар—Бойсун—Қумқўргон» темир йўл магистралининг иккинчи босқичи — «Қумқўргон—Бойсун» йўналиши ишга туширилди.

Май. Чирчиқ шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Май. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди.

29 июль. 1- ва 2-ТошТИ негизда Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

30 август. Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар худудида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта очилди. Ўзбек либослари галереяси, Болалар ижодиёти уйи фойдаланишга топширилди.

Август. Тошкентдаги Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ил»нинг янги авлоди — «Ил—76 ТД90 ВД» самолёти чиқарила

бошланди.

1 сентябрь. Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси қуриб битказилди.

5 сентябрь. Тошкент — Бухоро йўналишида тезюрар йўловчи ташувчи электр-поезди қатнай бошлади.

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида «Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисида»ги Шартнома (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилинди.

11 — 12 сентябрь. Ўзбекистон Тупроқшунослар ва агрохимёгарлар жамиятининг 4-қурултойи бўлиб ўтди.

5—6 ноябрь. Тошкентнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали—2005» халқаро турнири бўлиб ўтди.

9 ноябрь. «Марғилон шахрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

14 ноябрь. Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Россия Президенти В.Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

26-27 ноябрь. Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кураш бўйича 5-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

29 ноябрь. Тошкент шаҳрида Кураш халқаро ассоциациясининг 6-конгресси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Мўйноқ туманида янги «Шарқий Бердак» газ кони очилди.

Ноябрь. Фарғона шаҳри аэропортидан «Фарғона — Москва — Фарғона» йўналиши бўйича самолётлар қатнови йўлга қўйилди.

Ноябрь. Тошкент шаҳрида «Югнакий» ёшлар спорт мажмуаси очилди.

28 декабрь. Тошкентнинг Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали очилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 февралдаги қарори билан Мустақиллик обидаси

ва Бахтиёр она ҳайкали Мустақиллик ва эзгулик монументи деб номланди).

## **2006 йил - «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**